

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 1



TOSHKENT-2021

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
№3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3>

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:
Отажонов Аброржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори ўринбосари
юридик фанлари доктори, профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори*

Тошев Бобокул Норқобилович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар доктори*

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси бошлигининг ўринбосари, юридик
фанлари доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институтининг
директори, юридик
фанлар доктори, доцент*

Баймолдина Зауреш Ҳамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

Годунов Валерий Николаевич

*Белорус давлат университети ўқув муассасаси
"Судьялар, прокуратура, суд ва адлия
муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш институти" директори,
юридик фанлари доктори, профессор*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар номзоди*

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакцији журнали:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА
№3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3>

Исполняющий обязанности главного редактора:
Отажонов Абдоржон Анварович

Первый заместитель директора
Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции,
доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норкobilович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусајонович

Заместитель начальника Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Директор Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Годунов Валерий Николаевич

Директор учреждения образования "Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета", доктор юридических наук, профессор

Масъул котиб:

Рахманов Шухрат Наимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD
№3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3>**

**Acting Chief Editor:
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training
Center under the Ministry of Justice, Doctor of
Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of
the Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

*Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences*

Toshev Bobokul

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Deputy Head of the Academy of the General
Prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Director of the Legislation and Parliamentary
Research Institute under the Oliy Majlis of the
Republic of Uzbekistan
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

Baymoldina Zauresh

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of
Legal Sciences*

Godunov Valeriy

*Director of the educational institution sInstitute
for retraining and advanced training of judges,
employees of the prosecutor's office, courts
and justice institutions of the Belarusian State
University», Doctor of Law Sciences, Professor*

**Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Candidate of Juridical Science*

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**КОНСТИТУЦИЈАВИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ,
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

1. ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИ ТИКЛАШГА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	8
2. УМИДУЛЛАЕВ Қахрамон Усманович ИЖРО ЭТУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОҚИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ	14
3. ХОЛМЎМИНОВ Жуманазар Тоштемирович СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ	20
4. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна “ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ “СУБЪЕКТИВ ҲУҚУҚЛАР” БИЛАН НИСБАТИ	31

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

5. БОЛТАЕВ Мансуржон Сотиволдиевич ИХТИЁРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	37
6. КАЛАНДАРОВА Маликаҳон Пирназаровна ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА СМАРТ-КОНТРАКТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОКТРИНАЛ КОНЦЕПЦИЯСИ	45
7. БАБАЕВ Джахонгир Исмаилбекович ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР ОРҚАЛИ ИСТЕЪМОЛЧИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚНИ АНИҚЛАШ	51

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

8. ИШАНХОДЖАЕВ Саидахмад Акрамович ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИГА ОИД МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР	59
--	----

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

9. ИБРОҲИМОВА Зулхумор Солиҳ қизи ОИЛАГА ҚАРШИ АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ МОТИВИДАГИ “ПАСТ НИЯТ” ТУШУНЧАСИ	65
10. РАХИМХЎЖАЕВ Рустам Нишонхўжаевич ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	71
11. ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич, РОМАДАНОВА Таисия Александровна ТРАСОЛОГИК-МЕХАНОСКОПИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ	77
10. АБДУҚОДИРОВА Шахноза Абдуқодир қизи СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ХАТОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРАТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ БЎЙИЧА АЙРИМ ФИКРЛАР	82

12. САИДОВА Лола Абдувахидовна МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА ДОСТИЖЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВНОПРАВИА И НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА ПО ЕЕ ОБЕСПЕЧЕНИЮ В УЗБЕКИСТАНЕ	88
13. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич МЕҲНАТГА МАЖБУРЛАШ: “МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ” ВА “ЗЎРАКИ МЕҲНАТ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ	93
14. МАҲАМАТОВ Махмуд Махаматаминович ИШ ВАҚТИ ВА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ТАЪТИЛЛАРГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ.....	102
15. МИРХАМИДОВА Маҳиннора Нуруллаевна ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФОРС КЎРФАЗИ МИНТАҚАСИДАГИ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	108

ХУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

15. ЮНУСОВ Ҳайдарали Муратович ЮРИДИК ХИЗМАТ ВА КАСБИЙ ФАОЛИЯТ: МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ИМКОНИАТЛАР, ЮРИДИК ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АДВОКАТЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (АҚШ ТАЖРИБАСИ)	115
16. САЪДУЛЛАЕВ Алишер Зафар ўғли, ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр қизи ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ: ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР	121
15. ЮСУПОВ Жамшид Бахтиярович ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ЎТИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ....	131

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

ЮЛДАШЕВ Джахангир Хайитович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси докторанти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: Jahangir89@inbox.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИ ТИКЛАШГА ДОИР МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШЕВ Дж.Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашга доир муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 8-13

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш асослари ва шартлари, хусусан “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунида мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар ёритилган. Хорижий давлатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик, фуқароликни тиклаш, фуқароликни тиклаш асослари ва шартлари, фуқароликни танлаш, реинтергация.

ЮЛДАШЕВ Джахангир Хайитович

Докторант Академии МВД Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент
E-mail: Jahangir89@inbox.uz

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НОРМ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА, РЕГУЛИРУЮЩИХ ВОССТАНОВЛЕНИЕ ГРАЖДАНСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В статье описываются основания и условия восстановления гражданства Республики Узбекистан, в частности, коллизии и пробелы в Законе «О гражданстве Республики Узбекистан». На основе сравнительно-правового анализа законодательства зарубежных стран даны предложения и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: гражданство, восстановление гражданства, основания и условия восстановления гражданства, выбор гражданства, реинтеграция.

YULDASHEV Jakhangir

Doctoral student of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan, doctor of philosophy in law (PhD), associate professor
E-mail: Jahangir89@inbox.uz

IMPROVEMENT OF NATIONAL LEGISLATION NORMS REGULATING RELATIONSHIP ON CITIZENSHIP OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article describes the basics and conditions for the restoration of citizenship of the Republic of Uzbekistan, in particular the collusion and legal gaps existing in the law “On citizenship of the Republic of Uzbekistan”. On the basis of comparative-legal analysis of foreign countries, proposals and recommendations were made to eliminate them.

Keywords: citizenship, restoration of citizenship, bases and conditions of restoration of citizenship, choice of citizenship, reintegration.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосий эътибор шахс ҳуқуқларини қафолатлаш даражасини ошириш масаласи билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритишни соддалаштириш ва мақбуллаштириш, бу борадаги мавжуд қонунчиликни либераллаштириш каби долзарб вазифалар назарда тутилди. Бу эса, сўнгги йилларда фуқароликка қабул қилиш тартиб-таомилларининг анча соддалаштирилиши ва энгиллаштирилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасидаги “Фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадамни қўйиш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда” деган қараш республиканинг фуқаролик масаласига доир позициясини яққол намоён этади [1].

Бирок ҳозирда инсон ҳуқуқлари, хусусан фуқароликка доир субъектив ҳуқуқлар бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этишдаги мавжуд муаммоларни чуқур тадқиқ этиш зарурати долзарблигича сақланиб қолмоқда.

Ўтган йиллар давомида фуқаролик муаммолари республикамизда бир қатор олимларнинг диққат марказида бўлган. Жумладан, Қ.Ю. Садуллаев “Фуқароликнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари”ни [2], И.В. Самиев эса, “Халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрлар бўйича чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати”ни [3] номзодлик диссертацияси даражасида тадқиқ этган. Мазкур изланишларда фуқаролик ва шахс ҳуқуқий ҳолатига дахлдор умумий масалалар ўрганилган. Шунингдек, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари ва шартлари, Ўзбекистон Республикасида боланинг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари илмий изланишларнинг объекти бўлиб келмоқда [4]. Бундан ташқари, фуқароликни тиклаш борасида қонунчилигимизда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш йўлларини ўрганиш масаласи ҳуқуқни қўллаш амалиётининг оғриқли масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳуқуқ функцияларининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқни қайта тиклаш функцияси алоҳида ўрин тутди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўпгина вазиятларда ҳуқуқий воситалар ёрдамида шахснинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланади. Ҳуқуқшунос олимлар Х.Т. Одилқориев ва Ш.У. Якубовнинг фикрича, мазкур функция одатда аввал қабул қилинган ғайриқонуний ҳужжатни ёки содир этилган юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатни бекор қилиш шаклида алалга ошади. Шу боис, шахснинг бузилган ҳуқуқини, чекланган эркинлигини қайта тиклашга йўналтирилган нормалар халқаро меъёрлар ҳамда мамлакатнинг ички қонунчилигида қайд этилиши лозим [5, Б. 339].

Фуқароликни тиклаш ҳуқуқни қайта тиклаш функцияси доирасида юзага келувчи жараён ҳисобланади. *Фуқароликни тиклаш* – (“reintegratsiya”, lot. reintegratio – “янгилаш”, “тиклаш”) – фуқароликка доир ишларни юритишнинг муҳим компонент (элемент)ларидан бири бўлиб, умумий

маънода илгари қайсидир давлатнинг фуқаролигида бўлган шахснинг ўз аризаси (илтимосномаси) га асосан фуқароликка қайта қабул қилинишини англатади. Мазкур муносабатлар ҳар бир давлатнинг қонунчилигида ўзига хос хусусиятлар ва шартлар асосида тартибга солинади.

Фуқароликни тиклаш асослари ва тартибиганисбатан турлича қараш ва ёндашувлар бугунги кун назариясининг баҳсли масалаларидан ҳисобланади. Хусусан, С.П. Рязанов ва Я.Л. Ванюшин ушбу институтни фуқароликка қайта қабул қилиш деб ҳисоблаган ҳолда, уни фуқароликка қабул қилишнинг имтиёзли тартиби қўлланилиши билан фарқланувчи индивидуал тартиби деб баҳолайди [6, Б.31].

Н.М. Кондратович эса, фуқароликка тиклашни – қандайдир сабаб билан илгари фуқаролигини йўқотган шахсни фуқароликка қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби деб тушунган ҳолда, мазкур категорияга фарзандликка олиниши, ҳомийлик ёки васийлик белгиланиши, ота-онасининг фуқаролиги ўзгариши, никоҳ муносабатларга киришиши муносабати билан фуқаролиги тугатилган шахслар, шунингдек илгари мазкур давлат фуқаролигида бўлган ҳар қандай шахслар киришини таъкидлайди [7].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тикламок” феълининг “нарсани асл ҳолига келтирмок, ўз ўрнига қўймок, рад қилинган нарсаларни қайта жорий этмок” деган маъноларни англатиши қайд этилган [8]. Мантқан қарайдиган бўлсак, фуқароликни тиклаш деганда ҳам илгари фуқароликка эга бўлиб, уни (маълум сабабларга кўра) йўқотган шахсларнинг мазкур ҳуқуқларини тиклаш борасидаги жараёни тушуниш мумкин.

Шунингдек, юқоридаги олимларнинг қарашларидан ҳам маълумки, фуқароликка тиклаш фуқароликка қабул қилишнинг умумий асосларидан жиддий фарқланувчи тартиб ҳамда хусусиятларга эга бўлган фуқаролик олишнинг мустақил асоси ҳисобланади.

Бироқ миллий қонунчилигимиз нормалари [9], [16] таҳлили қайси категориядаги шахслар фуқароликка қабул қилиниши мумкинлигини аниқ ифода этмайди. Фақатгина “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида Ўзбекистон фуқаролигини шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматида, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида, шунингдек чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатгани ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги натижасида йўқотган бўлса, фуқароликка тикланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида мавжуд. Шу билан бирга, илгари фуқароликка тикланган шахсларнинг бу борадаги муурожаатлари ҳам кўриб чиқилмайди.

Таҳлиллардан маълумки, юқорида келтирилган тоифа шахслардан ташқари илгари Ўзбекистон фуқароси бўлган барча шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашига руҳсат этилади. Бироқ, ўрганишлар натижаси миллий қонунчилигимиз нормаларида фуқароликка тиклашга тўсқинлик (моънелик) қилувчи ҳолатлар инobatга олинмаганлигини яққол кўрсатади.

Бу борада бир қатор МДХ давлатларининг ижобий тажрибаси мавжуд. Масалан, фуқароликка тиклашни рад этувчи асослар Россия (16-модда) [10], Молдова (20-модда) [11], Қозоғистон (17-моддаси) [12] ва Украина (10-моддаси) [13] давлатлари қонунчилигида аниқ ифодаланган. Уларга кўра, бундай асослар қаторига қуйидагилар қиради:

тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган, шу жумладан терроризм ва экстремизм жиноятларини содир этганлик;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик муддатининг тугамагани ёки олиб ташланмагани ёхуд шахснинг жиноят содир этганлиги учун қидирувдалиги;

фуқароликни тиклаш жараёнида била туриб ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этганлик;

ариза билан муурожаат қилинган кунга қадар беш йил ичида иктисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этганлик;

бошқа давлатнинг фуқаролигига эга бўлиш ва ҳ.к.

Фикримизча, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонунда ҳам юқоридаги каби ҳолатларни ўз ичига олувчи фуқароликни тиклашни рад этувчи асослар доирасини аниқ белгилаб қўйиш лозим.

“Фуқароликни тиклаш”ни таъминлаш механизми қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги ҳам муаммоли масалаларни юзага келтириши табиий. 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида *илгари Ўзбекистон*

фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкинлиги қайд этилган ҳолда, фуқароликни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш қонуннинг 19, 37 ва 38-моддалари талаблари асосида амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу моддалар таҳлили шахсни фуқароликка тиклашга доир ишларни юритиш тартиби қуйидаги ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланишини яққол намоён этади:

1) бу тоифа ишлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг умумий тартибида расмийлаштирилади;

2) шахс фуқароликка қабул қилишнинг умумий талабларига жавоб бериши лозим;

3) фуқароликка тиклаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар билан бир хил (айнан);

4) мазкур тоифадаги ишларни юритиш муддати фуқароликка доир (шу жумладан, фуқароликка қабул қилиш бўйича) ишларни кўриб чиқишнинг умумий муддатларига асосланади;

5) мазкур тоифадаги ишлар фуқароликка доир ишларни юритишнинг умумий процедураларидан ўтиши шарт.

Социологик сўровлар жараёнида респондентларга “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ҳамда тиклашга доир ишларни юритиш ўртасидаги тафовутни қандай кўрасиз?” деган савол билан мурожаат қилинганда, мутахассисларнинг 71,6 фоизи – амалдаги қонунчилигимизда мазкур икки тоифадаги ишларни юритиш тартибида жиддий тафовут мавжуд эмаслигини, 12,1 фоизи – фуқароликни тиклашга доир ишларда шахснинг фуқароликка қабул қилиш талабларини бажариши шарт эмаслигини, 2,4 фоизи – мазкур икки тоифадаги ишларни юритиш муддатлари билан ўзаро фарқланишини, 1,9 фоизи – бугунги кунда фуқароликни тиклашга доир ишлар юритилмаслигини, бу борадаги илтимосномалар амалда фуқароликка қабул қилиш шаклида қабул қилинишини баён қилишган.

Кўрииб турибдики, фуқароликни тиклаш институтини қўллашда фуқароликка қабул қилиш тартиби ва шартлари билан ўзаро фарқланувчи механизмлар мавжуд эмас. Бу эса, мазкур муносабатлар амалда бир хил тартиб ва шартлар асосида (умумий асосларда бирор бир имтиёзларсиз) ҳал этилишини билдиради. Натижада, қонунчилик ва уни қўллашда ушбу институтлар ўртасидаги тафовутнинг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш имкони йўқолади.

Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг маълумотларига кўра, 2015–2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш бўйича амалиёт кузатилмаган.

Шунингдек, 2021 йил 10 мартдаги ПФ-6185-сон фармон билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-боби 24, 25-бандларида, қонунни ҳаётга татбиқ этиш механизми сифатида: “илгари Ўзбекистон фуқароси бўлган шахс “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида кўрсатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаши мумкинлиги” қайд этилган. Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш бўйича материалларнинг фуқароликка қабул қилиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш учун мазкур Низомда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши” келтириб ўтилган. Кўрииб турибдики, ушбу ҳужжат ҳам таҳлил қилинаётган масалаларни тўлиқ ҳал этиш имконига эга эмас.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, айрим МДХ давлатларида фуқароликни тиклашнинг ўзига хос тартиб ва шартлари мавжуд бўлиб, улар фуқароликка қабул қилишга қўйиладиган умумий талаблардан жиддий фарқланади. Жумладан, Қирғизистон қонунчилиги (14, 15-моддалар) илгари ўз фуқароси бўлган доимий (қонуний асосда) яшаб келаётган шахсни соддалаштирилган тартибда (бунда агарда унинг ота-онасидан бири Қирғизистон фуқароси бўлиб, мамлакатда доимий яшаётган бўлса ёки унинг ўзи Қирғизистон (ССР) ёки собиқ Совет Иттифоқида туғилган бўлса республикада доимий яшаш муддати билан боғлиқ шарт 1 йилга қадар қисқартирилади) фуқароликка қабул қилишни назарда тутди.

Шунингдек, бу борада Туркия қонунчилиги ижобий тажрибани ўзида акс эттиради. 2009 йил 29 майдаги “Туркия Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 5901-сон Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида қонун чиқарувчи фуқароликнинг тугатилиш асосларидан келиб чиқиб, уни тиклашнинг ўзига хос талабларини белгилаб берган [14, Б.186–188].

Жумладан, 13-моддада миллий хавфсизлик ва жамоат тартибига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар

бўлмаган тақдирда, илгари Туркия фуқароси бўлган қуйидаги шахслар доимий яшаш жойидан қатъий назар (Туркия ҳудудида ёки чет элда) Туркия ИИВ қарори билан фуқароликка тикланиши мумкин:

- 1) илгари Туркия фуқароси бўлган ҳамда фуқароликдан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳолда чиқиб кетган шахслар*;
- 2) ота-онаси билан биргаликда фуқароликни йўқотган ёхуд улардан бирининг вояга етмаган вақтда турк фуқаролигини олиши учун асос бўлиб хизмат қилувчи, қонуннинг 21-моддасида белгиланган фуқароликни танлашга доир ҳуқуқидан фойдаланмаганлиги оқибатида фуқароликни йўқотган шахслар**.

Ушбу нормалардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи юқоридаги икки банд талабларига жавоб берувчи шахсларга миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби билан боғлиқ ягона талаб қўйган. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур талабларни бажарган шахсларнинг фуқаролиги ИИВ томонидан соддалаштирилган тартибда (умумий процедураларсиз) ҳал этиб берилади.

Қонуннинг 14-моддаси тартибда фуқароликка тиклаш давлат манфаатларига етказилган зарар туфайли Туркия ИИВ тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарор асосида фуқароликни йўқотган шахсларга нисбатан, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибига тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек шахс мамлакатда 3 йил давомида доимий яшаётган бўлса амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳолатда фуқароликни тиклаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилади.

Кўриниб турибдики, Туркия Республикасида фуқароликни тиклаш асослари ва тартибда ўзига хосликлар мавжуд. Бунда икки хил тартибда иш юритиш тизими йўлга қўйилган. Назаримизда, мазкур тажрибани миллий тизимимизга татбиқ этиш келгусида ижобий натижаларга сабаб бўлади. Шунингдек, И.А. Гончаров ўз тадқиқотларида асослаган [15, Б.7] фуқароликни тиклашнинг умумий асосларини белгиловчи “реинтеграция” ва фуқароликка қабул қилишнинг алоҳида шакли бўлган, ўз тарихий ватанига қайтиб доимий яшаётган шахсларнинг фуқароликни автоматик тиклаши назарда тутовчи “репатриация” тушунчаларини қонунчиликка киритиш ҳамда фуқароликни тиклашнинг алоҳида алоҳида тартибини назарда тутиш лозим.

Қолаверса, назаримизда, фуқароликка тиклашда шахснинг фуқаролик билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳам қайта тиклаш, унга етказилган зарарни қоплаш ва реабилитация қилиш чораларини ҳам кўриш лозим бўлади. Бу эса, қуйидаги тартибдаги иш юритишнинг икки хил ёндашувини жорий этиш зарурати мавжудлигини ҳам тасдиқлайди:

- 1) қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларнинг шахс томонидан қасддан бузилиши натижасида юзага келадиган фуқароликнинг тугатилиши (йўқотилиши ёки бекор қилиниши) натижасида;
- 2) шахс билан боғлиқ бўлмаган объектив (ваколатли шахснинг нотўғри ёки ноқонуний қарорлари натижасидаги) сабаблар натижасида юзага келувчи фуқароликнинг тугатилиши ҳолатларида.

Бунда қонунчилигимизда фуқаролиги йўқотилган ёки фуқароликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан алоҳида алоҳида ёндашувларни белгилаш ҳамда шахсни “реабилитация қилиш асослари ва тартиби”ни мустаҳкамлаш лозим.

Ўйлаймизки, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг миллий қонунчилик нормаларида ўз аксини топиши, фуқароликни тиклашга доир шахс ҳуқуқларини кафолатлаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 25.01.2020 // <http://uza.uz/posts/3329>
2. Садуллаев Қ.Ю. Фуқароликнинг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. дис.

* Изоҳ: Қонун чиқарувчи мазкур ҳолатда Германия, Австрия, Дания каби икки (кўш) фуқаролик тан олинмайдиган давлатларнинг фуқаролигини олган ҳамда Туркия фуқаролигидан белгиланган тартибда чиққан шахсларга алоҳида имтиёз тақдим этади (бунда аввало нафақа ёшига етиб, давлатига қайтиш истагида бўлган “ватандош”ларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бирламчи вазифа сифатида инобатга олинган).

** Изоҳ: Қонуннинг 21-моддаси қуйидаги мазмунни ифодалайди: “Ота-онаси билан биргаликда Туркия Республикаси фуқаролигидан белгиланган тартибда чиқиш асосида фуқароликни йўқотган вояга етмаган шахслар вояга етганидан кейин 3 йил ичида Туркия Республикаси фуқаролигини танлаш ҳуқуқи асосида Туркия фуқаролигини олиши мумкин”.

... автореф. – Т.: ЖИДУ, 2011. – 26 б.

3. Самиев И.В. Халқаро ва миллий ҳуқуқий меъёрлар бўйича чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати: миллий ва хорижий тажриба: юрид. фан. номз. ... дис. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 168 б.

4. Юлдашев Дж.Х. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг Ўзбекистон фуқаролигини олиш асослари ва шартларини белгиловчи айрим нормалари таҳлили // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 1 (2020), Б. 26–31. // URL: <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/34>

5. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар: Монография / Х.Т. Одилқориев, Ш.У. Якубов – Т.: SMI-ASIA, 2010. – Б. 339.

6. Рязанов С.П., Ванюшин Я.Л. Административная деятельность органов Федеральной миграционной службы Российской Федерации по решению вопросов российского гражданства: Учебное пособие / С.П. Рязанов, Я.Л. Ванюшин. – Челябинск: УФМС России по Челябинской области, 2012. – С. 31.

7. Кондратович Н.М. Институт гражданства (подданство) в зарубежных странах // URL: https://law.bsu.by/pub/26/Kondratovich_1.pdf (мурожаат вақти: 15.05.2021).

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000дан ортик сўз ва сўз бирикмаси (А.Мадвалиев таҳрири остида) // URL: https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf (мурожаат вақти: 17.05.2021).

9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/4761984>

10. Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года N 62-ФЗ «О гражданстве Российской Федерации» // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226>.

11. Закон Республики Молдова от 2 июня 2000 года № 1024 «О гражданстве Республики Молдова» // URL: http://lex.justice.md/document_rus.php?id=22054258:156FAF87 (мурожаат вақти: 17.05.2021).

12. Закон Республики Казахстан от 20 декабря 1991 года № 1017-ХП «О гражданстве Республики Казахстан» // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1000816#pos=398;-31

13. Закон України від 18 січня 2001 року N 2235-III «Про громадянство України» // URL: <http://zakon5.rada.gov.ua/laws/show/2235-14>.

14. Ганиева С. Основания приобретения гражданства Турецкой Республики // Журнал «Правоведение». – 2016. – № 2 (325).

15. Гончаров И.А. Гражданство России и зарубежных государств: опыт сравнительного конституционно-правового исследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2006.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 мартдаги ПФ-6185-сон фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низом // URL: <https://lex.uz/docs/5325578>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): УМИДУЛЛАЕВ Қ.У. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б.14-19

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада асосий эътибор давлат бошқаруви органлари фаолиятини рейтинг баҳолаш жараёнларида жамоатчилик иштироки ва назоратининг аҳамияти, жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда унинг шакл ва усуллари ёритиб беришга қаратилган. Шу билан бир қаторда мазкур соҳада амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари айрим ривожланган давлатлар мисолида ўрганилган. Ўрганиш натижалари ва таҳлилларга асосланган ҳолда давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Жамоатчилик назорати, Ҳаракатлар стратегияси, давлат бошқаруви органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар.

УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович

Старший научный сотрудник Института государства и
права Академии наук Республики Узбекистан,
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com

ОБЕСПЕЧЕНИЕ УЧАСТИЯ ОБЩЕСТВЕННОСТИ В ОЦЕНКЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИСПОЛНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ ВЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье основное внимание уделяется на освещение роли общественного участия и контроля в процессах рейтинговой оценки деятельности исполнительных органов государственного управления, правовых основ организации общественного контроля, его форм и методов. Вместе с тем, на примере развитых государств изучены научно-исследовательские работы проводимые в этой сфере. На основе результатов изучения и анализа разработаны предложения и рекомендации по организации общественного контроля за деятельностью органов государственного управления.

Ключевые слова: Общественный контроль, стратегия действий, органы государственного управления, органы самоуправления, политические партии.

UMIDULLAYEV Khahramon

Senior Researcher of the Institute of State and Law of the
Academy of Sciences of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law (PhD)

E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com

**ENSURING PUBLIC PARTICIPATION IN ACCESSING THE PERFORMANCE OF THE
EXECUTIVE BODIES OF STATE POWER****ANNOTATION**

The article focuses on the importance of public participation and control in the rating process of executive bodies, the legal framework for the organization of public control and its forms and methods. At the same time, research in this area has been studied on the example of some developed countries. Based on the results of the study and analysis, some proposals and recommendations for the organization of public control over the activities of public administration have been developed.

Keywords: Public control, action strategy, public administration, self-government, political parties.

Маълумки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 23-бандида “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш, социологик сўровлар орқали аҳолининг вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти натижаларига, улар томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатига баҳо бериш тизимини жорий этиш, ишчи индикаторлар тизими ва социологик сўровлар орқали давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашни назарда тутуди” деб белгилаб қўйилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий қилиш белгиланган [2].

Юқоридагилар ижро этувчи ҳокимияти органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолаш давлат сиёсатининг асосий масқадларидан бири эканлигини англатади.

Кейинги йилларда юртимизда давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро мулоқот самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Демократик ислохотлар жараёнида ижтимоий-сиёсий жараёнларда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, давлат бошқарувида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда. Зеро ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий талабларидан бири, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида жамоатчилик учун очиқлик ва ошкоралик таъминланганлиги билан изоҳланади.

Шу ўринда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг “Халқ давлат органларига эмас балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди. Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига, биринчи навбатда, улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичида юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилади. Қисқа қилиб айтганда, раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради”– деб, таъкидлаганини эслаш ўринлидир [3, Б.125].

Авалло таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, 7-моддасида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги, 32-моддасида эса

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган [4].

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни [5] давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу Қонун билан давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг шакл ва услублари, давлат органлари ҳамда жамоатчилик ўртасида муносабатларнинг механизми белгилаб берилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этиш вазифалари доирасида 2018 йил 12 апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун [6] қабул қилинди. Ушбу Қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини амалга оширишлари белгиланди. Унга кўра:

- давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- жамоатчилик муҳокамаси;
- жамоатчилик эшитиуви;
- жамоатчилик мониторинги;
- жамоатчилик экспертизаси;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш жамоатчилик назоратининг шакллари қилиб белгиланган. Шунингдек, жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳаракатлар стратегиясида “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш” белгиланган. Унда ҳар чорак якуни бўйича давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, уларнинг фаолиятини баҳолашда аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш тартибини жорий этиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3182-сонли Қарорида [7] давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими олдимишга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон бермаётгани таъкидланиб, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси худудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминламаётгани, аксарият ҳолларда уларнинг фаолияти бир марталик хусусиятга эга, алоҳида топшириқларни бажаришдан иборат бўлиб қолгани, бунинг устига, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича лозим даражада ташаббус кўрсатилмаётгани қайд этилган.

“Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келаётгани, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш белгиланган.

Мазкур Фармонда давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш талаб қилинаётгани, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини ақс эттирмаётгани сабабли мақсадли индикаторларга эришишга асосланган, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий қилиш белгилаб қўйилган.

Юқоридагилар ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик

назоратини таъминлаш борасида берилган вазифалари етарли даражада таъминланмаётганлигини ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаганлигини англатади.

Президентимиз 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномасида бу борада алоҳида тўхталиб, “Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади. Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан” деб таъкидладилар [9]. Бу давлат бошқаруви органлари устидан таъсирчан жамолатчилик назоратини ўрнатишнинг самарали тизими эканлиги эътироф этилмоқда.

Маълумки, ҳозирда жаҳоннинг кўпгина давлатларида жамоатчилик билан ишлаш, давлат бошқарувида фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш каби жамоатчилик назорати механизмининг турли кўринишларидан самарали фойдаланилмоқда. Ижро органлари раҳбарлари фаолиятига баҳо беришда аҳолининг фикри, раҳбарлар фаолиятдан қониқиш даражасини ўрганиш асосий мезонлардан ҳисобланади.

Ҳозирда давлат ҳокимияти органлари фаолияти анча кенгайган, уларнинг ваколатига кирадиган айрим масалаларни босқичма-босқич нодавлат ва вакиллик органларига ўтказиб бориш талаб қилинмоқда. Шу сабабли жойларда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ортмоқда. Бунинг учун энг муҳим масалалардан бири, аввало, жамият ва жамоатчилик ташкилотлари давлат функцияларини бажара оладиган даражада тайёр бўлиши лозим [10, Б. 76].

Ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда аҳолининг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниши самарали воситалардан ҳисобланади. Бу фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишини таъминлаш, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда демократик назорат функцияларини кучайтиришга хизмат қилади. Фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар белгиланган тартибда, қонун доирасида ижро органлари фаолияти устидан уларнинг қонунга риоя қилишларини, ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларини кузатиб боришлари мумкин.

Профессор О.Т.Хусанов “...маҳаллий давлат ҳокимияти органларига масъулиятли вазифаларнинг юкланиши, уларни жойлардаги давлатнинг бу борадаги ҳамма функцияларини бажара олиш қобилиятига эга орган даражасига айлантириш давлатчилигимизнинг муҳим йўналишларидан бири” [11, Б. 80] деган фикрни илгари суради.

Олима Г.Исмаилова ўзининг “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари” номли ишида “Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтининг давлат механизмида бири-иккинчисини тақозо қиладиган ва тўлдириб турадиган таркибий элемент сифатида муносабатда бўлиши ушбу икки органнинг ҳуқуқий асосларини мустахкамлайдиган нормалар ишлаб чиқилишига эҳтиёжни келтириб чиқаради” деб таъкилдади. Г.Исмаилова ўзининг ушбу ишида “Бироқ бу ҳамкорликни такомиллаштириш ўзига ҳос объектив ва субъектив қийинчиликлар асосида кечмоқда: қонун нормалари орасидаги ўзаро номувофиқлик, уларни мониторинг қилишда миллий тажрибамизнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ўрганилмаганлиги, қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар, ҳокимлар томонидан қонуности нормаларни шакллантиришда, аксарият ҳолларда, аҳоли фикри инобатга олинмаслиги, қолавеса, миллий фаннинг ривожланишида мавжуд оммавий бошқарувнинг кучли ва кучсиз томонларини чуқур таҳлил қилиш каби ҳолатларнинг такомиллашмагани мазкур муаммоларни келтириб чиқармоқда. Натижада, ҳаёт синовларига жавоб беролмайдиган ҳужжатлар тинимсиз равишда ўзгартирилмоқда, тўлдирилмоқда ёхуд синовдан ўтишга улгурмай, “изсиз” кетган нормалар бекор қилинмоқда” деб таъкидлайди [12, Б. 5-6].

Олима Г.С.Исмаилованинг юқоридаги фикр ва мулоҳазалари асосли бўлиб, ижро сифатини яхшилашда, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзига ҳос ўрни ва вазифалари мавжуд.

Ҳуқуқшунос олим Ш.Асадовнинг “Давлат сирлари ва бошқа тақиқланган ахборотлардан ташқари давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига оид ахборотлар очиклигини таъминламаслик, улардан фойдаланишни чеклайдиган ва монелик қиладиган хатти-ҳаракатлари учун юридик жавобгарликни белгилаб қўйиш мантиқан тўғри бўлади. Шунинг

учун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади” [13, Б.149-151] деган фикрлари асослидир.

Ш.Асадовнинг фикрига қўшимча тариқсида айтиш мумкинки, ижро этувчи давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳамда натижаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб бориш уларнинг фаолиятига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирда жаҳоннинг кўпгина давлатларида давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг қонуний асослари ишлаб чиқилмоқда, мавжудларини эса такомиллаштиришга қаратилган ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Ушбу жараёнлар илмий жамоатчилик ва экспертлар томонидан ўрганилиб, тегишли хулосалар асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ижро органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг самарали усуллари таклиф этилмоқда.

Ривожланган давлатларда ижро этувчи ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолашда жамоатчилик ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш баҳолаш мезонларидан бири сифатида қабул қилинган. Бу ижро органлари устидан жамоатчилик назоратини таъминлашнинг самарали воситаларидан ҳисобланади. Шу соҳада имлий изланишлар олиб борган М.Г.Решетникова ва И.В.Быковларнинг фикрича, баҳолаш турлари ичида, жамоатчилик фикри – энг объектив баҳолашдир [14, Б.57].

М.Г.Решетникова ва И.В.Быковларнинг бу борадаги фикрлари тўғри бўлиб, айниқса ҳудудларда амалга ошириладиган ишлар юзасидан аҳолининг қониқиб даражасини аниқлашга жойларда аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш янада самарали бўлади.

Тадқиқотчи С.В.Фатеева ўзининг “Ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг концептуаль асослари” номли мақоласида ижро органлари фаолиятни баҳолашда қуйидагилар муҳимлигини таъкидлайди [15].

- ҳудудлар фаолиятининг яқунлари бўйича ҳисоботлар;
- Давлат статистика қўмитасининг расмий статистика маълумотлари;
- идоравий статистик маълумотлар;
- аҳолининг ижтимоий сўровномалари натижалари.

Юқорида тадқиқотчи С.В.Фатеева томонидан санаб ўтилган баҳолаш мезонлари ижро органлари фаолиятини баҳолаш учун энг кўп қўлланиладиган асосий мезонлар бўлиб, ушбу мезонлар барча даражадаги ижро органлари фаолиятини баҳолашда ишлатилиши лозим.

Шунингдек, ҳар бир ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш бўйича алоҳида мезонлар мавжуд. С.В.Фатеева томонидан таклиф этилган мезонлар баҳолаш мезонларининг турли манбалардан олинишига ҳамда янада аниқ ва ҳолис баҳо беришга асос бўлади.

Таниқли олим З.Тайлорнинг фикрича, самарадорликни баҳолашнинг турли кўринишлари мавжуд. Мисол учун, ходимлар хизматидан фойдаланувчиларнинг қониқишини аниқлаш давлат бошқарувида кенг қўлланиладиган амалиётдир. Миллий даражадаги давлат бошқаруви самарадорлигини давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини таҳлил қилиш натижасида ҳамда жамоатчиликдан олинган сўров натижасини қиёсий таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин [16, Б. 23-28].

Юқорида тилга олинган олимларнинг илмий тадқиқот ишларидан ижро этувчи ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири албатта аҳолидан ўтказилган сўров натижалари бўлиши лозимлиги тўғрисида яқдил фикрда эканлигини кўриш мумкин.

Ваҳоланки, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги аҳолининг талаблари ва эҳтиёжларининг қондириш даражасининг тўлиқлиги ва сифати билан белгиланади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш ва жамоатчилик томонидан назорат қилиш тизимни доимий равишда ривожлантириш, режалаштирилган натижаларга эришиш учун ишлаб чиқилган, аммо самара бермаётган назорат механизмини қайтадан кўриб чиқиб, такомиллаштириб бориш, энг муҳими фаолиятни баҳолаш усуллари янада ривожлантириш, тизимли равишда мониторинг қилиш, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг содда ва самарали механизмини йўлга қўйиш лозим.

Баҳолаш тизимидан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мансабдор шахслар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат. Тизимнинг асосий вазифаси эса ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини аниқ кўрсатиб беришдан иборат.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини

баҳолаш ривожланган давлатлар амалиётида жорий этилган ва кўплаб амалиётчилар ва олимлар томонидан самарали эканлиги эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Баҳолаш тизими ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш билан бирга, ушбу орган фаолиятини янада такомиллаштиришга, тартибга солиш имкониятини янада кенгайтиришга, самарадорлигини оширишга муҳими мамлакат тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакат миқёсида ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари фаолиятини яхлит баҳолаш янада самарали бўлиб, баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда асосий стратегик мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш мумкин бўлади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш мавжуд камчиликларни кўрсатиб бериши билан бирга, истиқболли режалаштириш ва бошқарувни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Баҳолаш тизими ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини замон талабларига мос равишда ривожлантиришга, улар фаолиятининг кенг жамоатчилик учун очиклиги ва шаффофлигини таъминлашга, муҳими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига асос бўлади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079 сонли Фармони. 05.10.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/5030957>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. ПФ-5785-сон. 09.08.2017 // URL: <https://lex.uz/docs/3331174>.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 152.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992 // URL: <https://constitution.uz/uz/ clause/index>

5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-369-сон 05.05.2014 // URL: <https://lex.uz/docs/2381133>

6. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-474-сон 12.04.2018 // URL: <https://lex.uz/docs/3679092>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. ПҚ-3182-сон. 08.08.2017 // URL: <https://lex.uz/docs/3302438>

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 25.01.2020. URL: <http://uza.uz/posts/3329>

10. Отажонов А.А. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг объекти ва субъектлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2020). – Б. 65–78. // URL: <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/38>

11. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари, Ўқув қўлланмаси. – Т.: “Шарк”, 1996. – Б. 80.

12. Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. – Т.: Академија, 2014. – Б. 5-6.

13. Асадов Ш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮИ, 2012. – Б. 149-151.

14. Решетников М.Г., Быков И.В. Отраслевой и функциональный подходы к государственному управлению. – Пермь, 2007.

15. Фатеева С.В. Концептуальные основы оценки эффективности деятельности органов исполнительной власти // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. 2014. № 9. // URL: <http://uecs.ru/finansi-i-kredit/item/3052-2014-09-25-09-20-13> (дата обращения: 25.11.2015);

16. Taylor. Z Good Governance at the Local Level: Meaning and Measurement. – Toronto, 2016. Pp.23-28.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХОЛМУМИНОВ Жуманазар Тоштемирович

Термиз давлат университети Юридик факультети декани,
юридик фанлар доктори, профессор
E-mail: juma_1959@inbox.ru

СУВДАН ФЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХОЛМУМИНОВ Ж.Т. Сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 20-30

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-3>

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарихий манбалар асосида сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид фикрлар, табиий ресурслар ичида сув-бу тирик мавжудотнинг яшаш ҳаёт манбаи эканлиги, экологик мувозанатни ва биологик хилма-хилликни сақлаб туришнинг зарурий манбаи эканлиги, унинг ҳозирги ҳолати ва долзарблиги таҳлил қилинган. Шунингдек, мустақиллик йилларида сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик уни амалиётда қўлланиши, унинг ўзига хос хусусияти ҳам ўз ифодасини топган. Айниқса, мамлакатимизнинг географик ва экологик хусусиятлари асосида, Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид олиб борилаётган тадбирлар, уни халқаро андозаларга мослиги, сув ва сувдан фойдаланиш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш омиллари ва унинг хусусиятлари, муаммолари тадқиқ этилган. Зеро, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида, географик ва экологик хусусиятлар инobatга олиниб, келажакда “Сув кодекси”ни қабул қилишга оид илмий-назарий фикрлар асослантилган. Мазкур, ғояларни амалиётда янада мустақамлаш мақсадида, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги масалаларни ижобий ҳал этишга оид илмий назарий ва амалий таклиф-хулосалар берилган бўлиб, илм-фан билан узвийликда олиб бориш хусусидаги муаллифнинг асослантилган фикрлари жамланган ва ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: сувдан фойдаланиш, сувни муҳофаза қилиш, сув тўғрисидаги қонунчилик, сув кодекси, сув ресурсларини бошқариш, сув объектлари, Оролбўйи минтақаси, халқаро сув қонунчилиги.

ХАЛМУМИНОВ Жуманазар Таштемирович

Декан Юридического факультета Термезского государственного университета,
доктор юридических наук, профессор
E-mail: juma_1959@inbox.ru

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВ В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ И ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОД

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются взгляды на использование и охрану водных ресурсов на основе

исторических источников, ее современного состояния и актуальности, исходя из того факта, что вода как природный ресурс является источником жизни для живых существ, необходимым для поддержания экологического баланса и биоразнообразия. Также, рассматривается национальное законодательство об использовании и охране воды за годы независимости, его практическое применение и специфика. В частности, исходя из географических и экологических особенностей страны, исследуются осуществляемые меры Узбекистаном по использованию и охране водных ресурсов, соответствие их международным стандартам, факторы совершенствования национального законодательства в области водопользования, его особенности и проблемы. В целях совершенствования законодательства об использовании и охране воды, с учетом географических и экологических характеристик обоснованы научные и теоретические взгляды на принятие нового «Водного кодекса», даны научные, теоретические и практические рекомендации для положительного решения вопросов водопользования и охраны, аргументированны взгляды автора на интеграцию науки.

Ключевые слова: водопользование, охрана воды, водное законодательство, водный кодекс, управление водными ресурсами, водные объекты, регион Аральского моря, международное водное право.

KHALMUMINOV Jumanazar

Dean of the Law Faculty of Termez State University,
Doctor of Law Sciences, Professor
E-mail: juma_1959@inbox.ru

SOME ISSUES IMPROVEMENT OF LEGISLATIONS IN THE FIELD OF PROTECTION AND USE OF WATER

ANNOTATION

The article analyzes the views on the use and protection of water on the basis of historical sources, the fact that water in natural resources is a source of life for living things, a necessary source for maintaining ecological balance and biodiversity, its current status and relevance. Also, the legislation on the use and protection of water during the years of independence, its practical application, its specificity is also reflected. In particular, on the basis of geographical and ecological features of the country, measures taken in Uzbekistan on water use and protection, its compliance with international standards, factors for improving the legislation in the field of water and water use and its features and problems are studied. In order to improve the legislation on the use and protection of water, taking into account the geographical and environmental characteristics, the scientific and theoretical views on the future adoption of the “Water Code” are substantiated. In order to further consolidate these ideas in practice, scientific, theoretical and practical recommendations for the positive solution of issues of water use and protection are given, the author’s substantiated views on integration with science are summarized and expressed.

Keywords: water use, water protection, water legislation, water code, water resources management, water bodies, the Aral Sea region, international water law.

Маълумки, табиат бойликлари орасида сув алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у тирик мавжудотнинг ҳаёт манбаидир. Сув-кўплаб экотизимларнинг муҳим компоненти ҳисобланади, шу сабабдан сувнинг мавжудлиги-ҳам сув объектларида ҳам қуруқликда экологик мувозанатни ва биологик хилма-хилликни сақлаб туришнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Бу борада ислом дини таълимоти, унинг асоси ҳисобланган муқаддас Қуръони Каримда ҳам сувдан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Муборак китобда битилишича, табиат объектлари, жумладан сув бойликлари ва манбалари Яратганнинг мулки ҳисобланиб уни муҳофаза этади [1, Б.341-356].

Шунингдек, зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода сувни асраб-авайлаб фойдаланиш лозимлигига даъват этган ва одамлар шу таълимотга асосланиб сув бойликларига нисбатан оқилона муносабатда бўлганлар. Зардуштийлик таълимоти бўйича сувни ифлос қилиш, дарё, денгиз, чашма, ариқ, қудуқ ва ховуз сувларига нопок нарсаларни ташлаш қатъиян ман этилган.

Албатта, ичимлик сувининг одам организми учун аҳамиятини шарқнинг кўпгина олимлари ҳам яхши билишган.

Жумладан, Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобининг биринчи жилдида “Сувнинг сифати” ҳақида кўпгина маълумотлар келтирилган, сувнинг инсон ҳаёти учун зарур элементлардан бири экани, сувнинг хусусиятларини яхшилайдиган бир неча усулларни баён қилган [2, Б. 148-155].

Ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий манбаи ҳам сувдир. Маълумки, инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот олами, умуман, ҳеч бир жонзот сувсиз яшай олмайди. Ер шарининг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлса-да, унинг 97,5 фоизи шўр сувлар бўлиб, ишлатишга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизи чучук сув ресурсларини ташкил этиб, унинг 79 фоизи абадий музликлар, 20 фоизи ер ости сувлари, 1 фоизи эса дарё ва кўллар ҳиссасига тўғри келади.

Маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафардан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. БМТ экспертлари томонидан 2030 йилга бориб Ер шари аҳолиси 8,6 миллиардга, 2050 йилда эса 9,8 миллиардга етиши башорат қилинмоқда. Табиийки, инсоният кўпайган сари сувга бўлган талаб ортиб боради [3].

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида сув ресурсларидан фойдаланиш тизими тубдан ислоҳ қилинди, сув ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тегишли қонунчилик базаси яратилиб амалиётга жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги концептуал ғоява илмий-назарий фикрлари асосида, мамлакатимизнинг географик ва экологик хусусиятларини инобатга олиниб, Экологик кодекс Концепциясини ишлаб чиқиш ва Экология кодексини қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланган эди [4].

Эндиликда, ижтимоий тармоқлар ва ОАВ Сув кодексини қабул қилиш ҳақида ҳам бир қатор фикрлар билдирилмоқда. Албатта, шундай экан, олимлар томонидан экология соҳасини кодекслаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро андозаларга мос ва замонавий Сув кодексини қабул қилиш бу соҳадаги кўплаб ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усуллар, аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш” вазифаси қўйилган эди [5]. Ушбу устувор вазифаларни самарали ҳал этиш, сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни бошқариш механизмларини бозор муносабатлари шароитига мос равишда олиб бориш, сувдан фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилиш соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш зарур ҳисобланмоқда.

Эндиликда, мамлакатимиздаги суғорма экин майдонларидан самарали фойдаланиш, фермер ва деҳқон хўжалигини юритиш учун суғорма ер участкасини бериш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш орқали ислохотларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини юритиш усулларининг замонавий талабларга жавоб беролмаслиги оқибатида, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилиш талаблари ҳамда бу соҳадаги қонунчилик талаб даражасида деб айтиш қийин. Айниқса бугунги кунда, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ташқи омиллар, яъни иқлимнинг ўзгариши, аграр соҳанинг бошқа тармоқлар билан рақобати, бу соҳа қонунчилигини бузилиш ҳолатларини мавжудлиги, ва бошқа ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг салбий таъсири кучайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини ошириш учун таъсирчан чора-тадбирларни қўллаш заруратини тақоза этмоқда. Яъни: сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда рағбатлантириш, сувдан фойдаланиш усулларини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятини ошириш, СИУ ва сув ресурслари билан шуғулланувчи институтлар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар фаолиятини мустаҳкамлаш, бу соҳадаги қонунчиликни замон талаби асосида такомиллаштириш каби ва бошқа тадбирларни амалга ошириш лозим.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сувдан фойдаланиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар собиқ иттифоқ даврида бир қатор ўзбек аграр-ҳуқуқшунос олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Бу соҳада илмий ишлар етакчиси М.П. Ишимов ҳисобланиб, унинг олиб борган илмий тадқиқот ишида Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси, мазмуни, тамойиллари, ҳуқуқий тартибга солиш масалалари очиб берилган [6, Б.21.].

Жумладан, Ф.М.Тюльпановнинг Ўзбекистон Республикаси жамоа ва давлат хўжалиги мисолида қишлоқ хўжалик корхоналарининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи мавзусидаги номзодлик диссертациясида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий муаммолари, юридик табиати, ўзига хос хусусиятлари кенг таҳлил этилган [7].

Шунингдек, И.А.Черкашининг илмий тадқиқот иши хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарининг сувдан фойдаланиш ҳуқуқига боғишланган бўлиб хўжаликлараро қишлоқ хўжалик ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сувдан фойдаланишга доир субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларини моҳиятига бағишланган [8].

Ваҳолангки, Л.П.Эшонқуловнинг илмий тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг томорқа хўжалиги юритиш учун сувдан фойдаланиш ҳуқуқий муаммоларига бағишланган бўлиб, фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси, мазмуни, сув қонунчилиги бузилганда юридик жавобгарлик масалалари моҳияти батафсил ёритилган [9].

Ж.Т.Холмўминовнинг докторлик диссертация ишида эса суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий муаммолар атрофлича ўрганилган [10,Б.45].

Зеро, Ҳ.Ш.Ҳайитовнинг илмий тадқиқот ишларида ҳам қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари ўз ифодасини топган [11].

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш ҳуқуқи билан шуғулланган айрим, МДҲ олимлари жумладан, У.Ж.Юсуповнинг илмий ишларини ҳам кўрсатиш мумкин [12].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юқорида зикр этилган муаллифларнинг илмий асарлари собиқ совет даври ижтимоий - иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлари руҳида ёзилган, ўша давр қонунчилиги асосида яратилган бўлиб, уларда билдирилган кўпгина фикр мулоҳазалар ҳозирги давр бозор иқтисодиёти талабларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ ислохатлари мазмун-моҳиятига мос келмайди. Улардан илмий мушоҳада, баъзи назарий фикрлар бўйича мунозаралар олиб бориш учун фойдаланиш мумкин.

Тегишли адабиётларнинг таҳлили, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг муайян методларидан фойдаланиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкинлигини кўрсатади:

1) сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бўшлиқ мавжуд эканлиги, бугунги кунда уни такомиллаштириш лозим эканлиги асосланади;

2) илмий-назария ва амалиёт таҳлилига кўра қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш имкониятининг мавжудлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади;

3) сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид ижтимоий муносабатлар ривожланишининг мавжуд даражаси билан боғлиқ ҳолда тегишли қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этишнинг объектив зарурати бор ёки йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади;

4) муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида янги ҳуқуқий конструкцияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни режалаштиришда бўшлиқларни бартараф этиш заруратининг мавжудлигига оид масалалар кўриб чиқилади.

Шу маънода айтганда, сув табиий манба сифатида ўз ўзидан биологик тозаланиш хусусиятига эга. У қуёш нури ва организмларнинг фаолияти таъсирида тозаланади. Масалан, сув 24 соатда 50 фоиз бактериялардан тозаланади, 96 соатда ифлословчи моддаларнинг 0,5 фоизи қолади, аммо жуда ифлосланган сувнинг тозаланиши қийин бўлади.

Ҳозирги вақтда ер юзидаги ҳар бир кишига кунига 3 литрдан 790 литргача сув керак бўлади, инсонларнинг жон бошига кундалик сарфланадиган сувнинг миқдори ўта фарқлидир. Жумладан, ривожланган мамлакатларда кўпинча 550-600 литрга етади, тараққий этмаган давлатларда 60-150 литр атрофида, қишлоқ жойларида 15-25 (40 литр)ни ташкил қилади [13].

Олимларнинг таъкидлашича, ер юзининг тахминан 71 фоиз қисми сув билан қопланган. Аммо бу сувнинг 1 фоизи ичиш учун яроқлидир, табиатда сувнинг 1330 тури мавжуд бўлиб, одам ҳаёти давомида тахминан 35 тонна сув истеъмол қилар экан. Ҳар кунга 5 000 инсон ифлосланган ичимлик суви истеъмол қилганлиги туфайли вафот этади. 1 миллиард инсон санитария нормаларига кўра хавфсиз ҳисобланувчи ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Масалан, бугунги кунда ер юзидаги 8 миллиардга яқин аҳолининг 1,5 миллиард нафари тоза ичимлик сувига муҳтож, 2,3 миллиард нафар одам санитария ҳолати талаб даражасига жавоб бермайдиган сувдан

фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Яна бир муаммо, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафаридан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшамоқда. Юнеско ташкилоти мутахассислари дунёдаги энг тоза сув Финландияда эканини таъкидлашган.

Бизнинг мамлакатимизда сув фонди ерлари 14,4 миллион гектарни ташкил этиб, айти пайтда Ўзбекистонда 55 та сунъий сув омборлари мавжуд. Бундан ташқари, Ўзбекистон сув ресурслари миллий бойлигини 500 та табиий кўл ҳамда 1 448 та булоқ ташкил этади. Шунинг 30 таси Амударё ҳавзасида, 25 таси Сирдарё ҳавзасида жойлашган. Сув омборлари ҳажми ва тўпланган сув миқдори бўйича табиий сув ҳавзаларидан анча катта. Айти пайтда 4,3 миллион гектар ерни суғориш учун ўртача 57 миллион м³ сув олинмоқда, у мавжуд сув ресурсларининг 90 фоизини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда жами 17 мингдан ортиқ табиий сув оқар ҳавзалари, 100 га яқин ер ости сув манбалари мавжуд. Амударё ҳавзасида уларнинг сони 9,9 мингга бўлса, Сирдарё ҳавзасида 4,9 мингга, бу дарёларнинг орасида эса улар 2,9 мингтани ташкил қилади [14, Б. 20-22].

Кўриниб турибдики мустақил юртимизнинг сув фонди бойлиги катта аҳамият касб этиб, улардан оқилона фойдаланиш ўзига хос хусусиятга эгадир [15].

Дарҳақиқат, бугунги кунда, сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга қаратилган масалалар алоҳида аҳамиятга эгадир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш лозимлигини аниқ кўрсатиб берди [16].

Этиборли томони шундаки, бу соҳада 2018 йил 24 августда Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, сувни тежаш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорлик даражасини кескин ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди [17].

Мазкур гоё бугунги кунда сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларидаги минтақавий ҳамкорликни олдинги пайтлардагидек, фақат қоғозда бўлиши эмас, балки амалда бажарилишига ҳам катта этибор беришлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 2005 йилда Ўзбекистонда жами сув танқислиги 2 м³, деб баҳоланган бўлса, иккинчи миллий ахборотда ишлаб чиқилган сценарийларга асосланган башоратларга кўра, 2030 йилга бориб сув танқислиги 7 м³ га етиб бориши ва 2050 йилга бориб 13 м³ га кўтарилиши мумкин. Шунинг билан бирга, иқлим ўзгариши оқибатида суғоришга сув сарфлаш, тахминларга кўра, 2030 йилда 5 фоизга, 2050 йилда 7-10 фоизга ва 2080 йилга бориб 12-16 фоизга ошиши мумкин.

Шу ўринда яна бир маълумотни айтиш зарур, инсонни физиологик эҳтиёжини қондириш учун суткасига 2-3 литргача сув сарфланади. Ўрта Осиё шароитларида эса ҳаво ҳарорати 39-40 даража ва ундан ортиқ исиб, намлик камайиб кетганлиги боис суткасига 6-8 литр ва ундан кўпни ташкил этади. Жазирама иссиқ шароитида жисмоний ишнинг оғирлигига қараб одамнинг сувга бўлган физиологик эҳтиёжи суткасига 8-11 литрга бориб етар экан. Демак, сувдан самарали фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилиш ҳар кунги ва доимий вазифамиз бўлиши лозимдир.

Шу маънода, БМТнинг 1992 йилнинг 3-4 июнь кунлари Бразилияни Рио-де-Жанейро шаҳрида “Атроф-муҳит ва ривожланиш” мавзuidaги ҳамда “Трансчегаравий сув оқими ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича” (1992 йил 18 сентябрь) конвенциялари айнан трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммосига қаратилганлиги бежиз эмас. Шунингдек, 1993 йилдан БМТ томонидан ҳар йили 22 март кунини “**Бутунжаҳон сув кун**” сифатида нишонлаш тўғрисида қарорга келиши бугунги ва келажак авлодни сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни экологик муҳофаза қилишга ундайди.

Мана, **30 йилдирки** мустақиллик йилларида давлатимиз белгилаган стратегик мақсадларга эришишда иқтисодимизнинг моддий асоси бўлган сув ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга доир муносабатларни тартибга солувчи қонунни қабул қилиш, уни такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид кенг қамровли халқаро андозаларга мос ишларни амалга ошириб келинмоқда.

Айниқса, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги”, 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда

бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”[18], деб кўрсатилиши ҳозирги кунда сувга оид қонунчиликнинг ривожини ва уни такомиллаштиришни ҳуқуқий асоси бўлиб, сувга оид давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир.

Жумладан, мустақилликнинг илк кунларидаёқ Конституция талабларига асосан мамлакатимизда, 1993 йил 6 майда 29-боб ва 119 моддadan иборат бўлган, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди [19].

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, тарихийлик, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда қабул қилинган сувга оид қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий хусусиятлари ҳам шундаки, улар замонавий талабларни ўзида акс эттириб, сув билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан фарқланади фарқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк кунларидаёқ мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилиб, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари, Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири-Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда-Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изохга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз” [20] – деб кўрсатилиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида бугунги кунда иқлим ўзгаришларининг оқибатларини юмшатишнинг замонавий ва халқаро ёндашувини ҳам кўрсатиб берди [21].

Бу масалада Ўзбекистондаги БМТ вакиллиги томонидан ҳам эътиборли ташаббус ва ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 апрель кунини Норвегия ҳукумати ва БМТнинг Кўп томонлама шериклик траст жамғармасининг Нью-Йоркдаги Офиси БМТнинг Ўзбекистонни Орол бўйи ҳудуди учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасига 9,5 миллион Норвегия крони (қарийб 1,1 миллион АҚШ доллари) миқдоридagi тўловни тасдиқловчи стандарт шартномани имзоладилар.

Маълумки, 1960 йилларгача дунёнинг тўрттинчи йирик ёпиқ денгизи бўлмиш Оролнинг қуриши миллий ва минтақавий чегаралар доирасидан чиқувчи инсониятнинг энг катта экологик фалокати ҳисобланади. 2018 йилда БМТ шафелигида ташкил этилган Траст жамғармаси Орол денгизи ҳудудида истиқомат қилувчи ҳамжамиятларнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳал қилишда миллий ва халқаро даражада ҳамкорликни амалга ошириш ва барқарор ривожланиш соҳасида глобал мақсадларга эришиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни тезлаштириш учун ягона майдонни тақдим этади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўз бўйнига Траст жамғармасига 6,5 миллион доллар миқдоридa улушини қўшиш ҳақида мажбуриятни олган, унинг 2,0 миллион доллари Траст жамғармасининг ҳисобига ўтказиб бўлинди. Норвегия Жамғармага маблағ киритган биринчи ташқи донор бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади [22].

Орол бўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш; иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш; саноат корхоналари инфратузилмасини

модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача ошириш; ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш; “яшил” иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бошқаларга катта эътибор берилди.

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги қарорига асосан мамлакатимиз Рамсар Конвенциясига қўшилди ва ушбу қарор 2002 йилнинг 8 февралидан кучга кирди. Ҳозирда мамлакатимизнинг майдони 31,3 минг гектарга тенг Денгизкўл ҳамда 527,1 минг гектар бўлган Айдар-Арносой кўллар тизими Рамсар рўйхатига киритилганлиги билан фахрланиш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, мустақилликнинг кейинги йилларида Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририга ва унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишига ҳам катта аҳамият берилди [23].

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 21 апрель 2017 йилдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони [24], “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 4 май, ПҚ-2954-сон Қарори [25], “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25 сентябрь 2017 йилги Қарори [26], 2017 йил 16 ноябрдаги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [27], 20 апрель 2017 йилги, “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги [28], 2017 йил 18 январь “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги [29] Қарорлари ҳамда, 19 июнь 2019 йилги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони [30], бу соҳадаги ишларни замон талаби асосида олиб боришни ҳуқуқий асоси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрда “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3286-сонли қарори қабул қилиниб, қарор ижроси юзасидан вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ўзанларидан кенг тарқалган қазилма бойликларини қовлаш ҳамда қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини ҳамкор ташкилотлар билан тартибга солиш борасида назорат ишлари олиб борилиши аниқ кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 21 апрелда имзоланган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги [31] Қонунини қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [32] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони [33] бу соҳада туб бурилиш ясалганлигидан далолатдир.

Айниқса, Президентимизнинг 2020 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони [34] қабул қилинганлиги сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида айни муддао бўлди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланди. Сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш концепциянинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Фармонга кўра, 2030 йилга қадар суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти

ошириш, сув таъминоти паст даражада бўлган ҳамда шўрланган суғориладиган ер майдонларини камайтириш белгиланди. Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш, барча ирригация тизими объектларига “Smart Water” (“Ақлли сув”) сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш кўрсатилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш ва ҳақозолар кўзда тутилган.

Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш мақсадида Сув хўжалиги тизимида масъул бошқарма ташкил этилади. Шунингдек, Фармон билан концепцияда белгиланган вазифаларни 2020-2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харита”си тасдиқланди. Унга мувофиқ, сув ресурсларини бошқариш, сувдан самарали фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш мақсадида Сув кодекси ишлаб чиқилади.

Ушбу хорижий андозаларга мос мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган “Сув кодекси”ни қабул қилиниши ва ривожлантиришнинг устуворлиги қуйидаги йўналишларни ўзида ифода этиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни экологик ҳуқуқий муҳофаза қилишни мустақамлаш, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатлари батафсил ўрганилиши-тафтиш қилиниши, уларнинг тугал рўйхати тузилиши, эскирганларини бекор қилиниши айна муддао бўлади. Бунда экологик хавфсизлик ва сувдан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш талаблари эътиборга олинishi, Орол денгизидаги сувга оид муносабатлар, чўлланиш оқибатида Орол бўйидаги эндигина яхшиланиб бораётган ижтимоий-экологик ҳолат ёмон томонга ўзгариб боришини олдини олишга эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, сувдан фойдаланиш ҳамда уни экологик муҳофаза қилишда, ҳар бир фуқаро ўзининг конституцион бурчига итоат қилиши ва сувга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун талабларини бажариши зарур.

Масалан: 2005 йилда Ўзбекистонда жами сув танқислиги 2 км³, деб баҳоланган бўлса, иккинчи миллий ахборотда ишлаб чиқилган сценарийларга асосланган башоратларга кўра, 2030 йилга бориб сув танқислиги 7 км³ га етиб бориши ва 2050 йилга бориб 13 км³ га кўтарилиши мумкин. Шунинг билан бирга, иқлим ўзгариши оқибатида суғоришга сув сарфлаш, тахминларга кўра, 2030 йилга бориб 5 фоизга, 2050 йилга бориб 7-10 фоизга ва 2080 йилга бориб 12-16 фоизга ошиши мумкин.

Савол туғилиши мумкин, мамлакатимизда, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун мавжуд бўлса-да, Сув кодексини қабул қилишга эҳтиёж мавжудми?

Ҳа албатта, мавжуд чунки, ушбу қонунни қабул қилинганлигига ҳам 27 йил бўлиб, кўплаб қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган, қолаверса ҳозирги кундаги сув ресурсларига бўлган талаб аҳоли кўпайиши натижасида ўзгариб бормоқда, зеро сувга оид муносабатлар янги ҳаёт, янги аср талабига жавоб бериши ва қолаверса сув қонунчилиги халқаро андозаларга ҳам мос бўлиши лозим. Фикримизча, мазкур масалани ўрганиш ва тадқиқ этиш орқали Сув кодексини қабул қилинишининг қуйидаги ижобий хулосаларини кўрсатиш мумкин:

биринчидан, Сув кодексини жамият ва табиат ўзаро муносабатларининг барча йўналишларида умумий ҳамда ўзига хос меъёр ва талабларни белгилаб берувчи, сувга оид муаммоларни ҳал қилиш учун барча сув ҳуқуқи институтларини бирлаштирувчи, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тартибга солинган бевосита таъсир этувчи қонунлар мажмуи деб баҳолаш;

иккинчидан, Сув кодексини замон талаби асосида ишлаб чиқиш-илмий-амалий жиҳатдан асослаш ҳамда экологик чора-тадбирларни рўёбга чиқаришнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратишни талаб этувчи мураккаб ҳуқуқий ижодий жараёндан иборат эканлиги;

учинчидан, Сув кодекси меъёр ва талабларини қўллаш самарадорлиги, нафақат давлат бошқаруви органларининг, махсус ваколатли давлат органларининг фаолиятига, балки фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши, нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сувга оид муаммоларни ҳал этишдаги кенг иштирокига бевосита боғлиқ бўлишини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Умуман олганда, назарий фикрлар ва амалиёт жараёни шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизнинг

географик ва экологик хусусиятларни инобатга олиб Сув кодексини қабул қилиш ҳозирги давр талаби бўлиб, у сув қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда, ҳамда миллий экологик қонунчиликни халқаро андоза талабларига мослаштиришда муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Шунингдек, Сув кодексини қабул қилиниши бир қатор ўзига хос хусусиятлар ҳамда талабларни ҳам ўзида ифода этиши мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу масалага оид илмий-назарий фикрлар ҳам мавжуд [35, Б.24].

биринчидан, Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилиш, сув билан боғлиқ кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирларни амалга оширишни;

иккинчидан, сув ресурсларини экологик ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва фойдаланишнинг асосий мақсади ва вазифалари фуқароларнинг қулай атроф- табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш ҳамда сувга оид бошқа экологик-гигиеник ва санитария-эпидемиологик талабларини амалга ошириш ва уларни бажарилишини таъминлашни;

учинчидан, сувдан фойдаланиш ва уни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилишни рағбатлантириш амалдаги экологик-ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солиниши, сувдан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жумладан, сув ресурсларининг табиий экологик хоссасини сақлаш, ифлосланишининг, уни гидрологик ва гидрогеологик режимини бузилишини олдини олиш, кимёвий, физикавий ва биологик хоссалари пасайишининг олдини олиш ва бошқа бир қатор экологик тадбирларни амалга оширишни;

тўртинчидан, Ўзбекистонда томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳали бу борада тажриба катта эмас. Балки, Ўзбек ҳукумати секин-аста қайси минтақалар ва экинларни томчилатиб суғориш мумкинлигини хорижий тажриба асосида ўрганиб бориши, шу жараёнда эса катта тажриба тўплаши табиий. Чунки, томчилатиб суғоришга мос экинларни экиб, даромадни оширади, сувни тежайди. Масалан, Исроилда томчилатиб суғориш ёрдамида мева-сабзавот ишлаб чиқариш 60-70 фоизгача кўпайганлиги ўз исботини топган. Бу эса қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топиши лозим.

Бешинчидан, Орол денгизи фожиасининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитга таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастури талабларини ўзида ифодалашни тақоза этади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасида қабул қилинадиган Сув кодекси халқаро сув қонунчилиги андозаларига мос бўлиши ва сув билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиши, Президент томонидан қабул қилинган фармон ва қарор, ҳукумат қарорлари талабларини ўзида ифода этиши ҳамда бугунги кундаги иқлим ўзгаришларининг экологик хусусиятлари инобатга олинishi билан аҳамиятли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, Сув кодексининг қабул қилиниши бизни ўраб турган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга, уни соғломлаштиришга, аҳоли учун қулай табиий муҳит яратишга, республикаimiz фуқароларининг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга, барқарор ривожланишни амалга оширишга, умуман олганда ҳозирги ва келажак авлод учун зилол сув бойлигини асрашга ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Qur'oni Karim. Alouddin Mansur tarjiması. Toshkent, 2007.
2. Ибн Сино, Абу Али Тиб қонунлари: (Уч жилдлик сайланма). (Тузувчилар: У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев). Ж. 1. Т.; А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - 304 б.
3. Сув хўжалиги ҳисобот беради. 2018-2019 йиллар сарҳисоби, 2020 йил режалари. Vaktria press. Тошкент. 2020, 255-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 // URL:<https://president.uz/uz/lists/view/4057>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // URL:<https://lex.uz/docs/3107036>.

6. Ишимов М.П. Право водопользования в Узбекской ССР. //Ленинград., 1962.
7. Тюльпанов Ф.М. Право сельскохозяйственных предприятий на материалах колхозов и совхозов Узбекской ССР. //Автореферат дисс.на соис.учен.степени канд. юрид.наук, Алма-ата, 1979, С.23.
8. Черкашина И.А. Право водопользования межхозяйственных, сельскохозяйственных предприятий в современных условиях. //Автореферат диссер.на соис.учен.степени канд. юрид. наук - Алма-ата, 1991. С.22.
9. Эшонкулова Л.П. Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқи.// Ю.ф.н. диссертацияси Автореферати.- Тошкент, 1997.24-бет.
10. Холмўминов Ж.Т. Эколого-правовые проблемы рационального использования и охрана орашаемых земель в Республики Узбекистана. Автореферат дисс. на соис.учен.степени д.ю.н., Алматы, 1997, С. 45.
11. Ҳайитов Ҳ.Ш. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари // Ю.ф.н. диссертацияси Автореферати.-Тошкент, 2009, С.24.
12. Юсупов У.Ж. Право сельскохозяйственного водопользования в Киргизской Республике. Автореферат дисс.на соис.учен.степ.канд. юрид.наук. Тошкент, 2008, С.24.
13. Холмўминов Ж.Т.Инсон борлиқ ва йўқлик орасида. Сиз қай тарафга юз бурасиз? // Инсон ва қонун, 2019 йил 4 июнь.
14. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари.А.Эргашев ва бошқа.-Тошкент:Vaktia press.2016.-20-22 б.
15. Холмуминов Ж.Т. Табиатни асраш-келажак олдидаги бурч // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 5 июнь.
16. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // URL:<https://www.lex.uz/acts/3107036>
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 24 августда Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари мажлисида сўзлаган нутқи.Орол муаммосини бартараф этиш бўйича минакавий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда // Халқ сўзи, 2018 йил 25 август
18. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. // URL:<https://www.lex.uz/acts/20596>
19. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни // URL:<https://lex.uz/docs/12328>
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // URL:<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи.// URL:<https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-75-sessiyasi-ishida-ishitirok-etadi>
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // URL:https://nrm.uz/contentf?doc=602068_o%E2%80%98zbekiston_respublikasi_prezidentining_04_10_2019_y_pq-4477-son_2019-2030_yillar_davrida_o%E2%80%98zbekiston_respublikasining_yashil_iqtisodietga_o%E2%80%98tish_strategiyasini_tasdiqlash_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qarori&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
23. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири // URL:<https://www.lex.uz/acts/12328>
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони. // URL:<https://lex.uz/docs/3174498>
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 4 май, ПҚ-2954-сон Қарори.// URL: <https://lex.uz/docs/3193347>

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 25 сентябрь 2017 йилги Қарори.// URL: <https://lex.uz/docs/3356821>

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// URL: <https://lex.uz/docs/3413656>

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 25.01.2020 // URL:<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги Қарори. // URL:<https://lex.uz/docs/3174685>

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январь “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. // URL:<https://lex.uz/docs/3099705>

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 июнь 2019 йилги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони. // URL:<https://lex.uz/docs/4378526>

32. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 21 апрелда имзоланган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. // URL:<https://lex.uz/docs/3969706?query=%D0%A2%D0%B0%D0%B1%D0%B8%D0%B0%D1%82%D0%BD%D0%B8%20%D0%BC%D1%83%D2%B3%D0%BE%D1%84%D0%B0%D0%B7%D0%B0%20%D2%9B%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D1%88>

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // URL:<https://lex.uz/docs/4545898>

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4574008>

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4892953>

36. Холмўминов Ж.Т. Экология кодекси хориж амалиёти ва тақрибий лойиҳа. //Ҳуқуқ ва бурч, 2020 йил, № 2, – Б. 24-31.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

Тошкент давлат юридик университети
“Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: f.miruktamova@tsul.uz

“ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ “СУБЪЕКТИВ ҲУҚУҚЛАР” БИЛАН НИСБАТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МИРУКТАМОВА Ф.Л. “Қонуний манфаатлар” тушунчаси ва унинг “субъектив ҳуқуқлар” билан нисбати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 31-36

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-4>

АННОТАЦИЯ

Муаллиф қонунчиликда аънавий равишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бир қаторда қўлланиладиган “қонуний манфаатлар” тушунчаси ва хусусиятларини ўрганган. “Қонуний манфаатлар” ҳуқуқий категориясининг мазмуни ва моҳияти таҳлил қилиниб, унинг “субъектив ҳуқуқлар” билан ўзаро нисбати тадқиқ қилинган. Мақолада муаллиф томонидан олимларнинг турли хил ёндашувларини ўрганиш асосида бир қатор назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: манфаат, қонуний манфаатлар, ҳуқуқий манфаатлар, юридик ҳуқуқ, субъектив ҳуқуқ.

МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

Старший преподаватель кафедры «Международное право и права человека»
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: f.miruktamova@tsul.uz

ПОНЯТИЕ «ЗАКОННЫЕ ИНТЕРЕСЫ» И ЕГО СООТНОШЕНИЕ С СУБЪЕКТИВНЫМИ ПРАВАМИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются понятие и особенности “законные интересы”, традиционно используемое в законодательстве наряду с правами, свободами прав человека, раскрываются содержание и сущность юридической категории “законные интересы”. Проанализировано соотношение “законные интересы” с субъективными правами прав человека человека. На основе изучения различных подходов ученых, автором разработаны ряд теоретических выводов.

Ключевые слова: интерес, законные интересы, правовые интересы, юридическое право, субъективное право.

MIRUKTAMOVA Feruza

Senior lecturer of Department of International law and human rights of
Tashkent state university of law
E-mail: f.miruktamova@tsul.uz

THE CONCEPT OF “LEGAL INTERESTS” AND ITS RELATION TO SUBJECTIVE RIGHTS

ANNOTATION

This article examines the concept and features of “legal interests”, traditionally used in legislation along with human rights and freedoms, reveals the content and essence of this legal category. The author analyzes the correlation of “legal interests” with subjective human rights, and based on the study of various approaches of scientists, a number of theoretical conclusions developed.

Keywords: interests, legal interests, legal law, subjective rights.

Фуқароларнинг “ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари” ибораси одатда доим бирга қўлланадиган, бироқ бир-биридан фарқ қилувчи “ҳуқуқий моҳият”га эга бўлган икки турдаги ҳуқуқий институтни англатади. “Қонуний манфаатлар” атамаси илмий, ўқув ва юридик адабиётларда кўп қўлланиладиган тушунча бўлиб, бир қатор қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. “Қонуний манфаатлар” қонунчиликда аъна сифатида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари билан бирга қўлланилувчи атама бўлишига қарамадан, ҳозирга қадар бирор қонунчилик ҳужжатида унинг таърифи берилмаган.

Миллий қонунчилик ҳужжатларида “қонуний манфаатлар”, “қонун билан қўриқланадиган манфаатлар” ҳуқуқий категорияси бир неча бор қўлланилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида 4 марта [1], “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунда 14 марта [2], “Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунда 5 марта [3] ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”лиги белгилайди.

“Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси боланинг ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эғалигини кафолатлайди [4].

Ҳуқуқ назариясидан маълумки, “ҳуқуқ” мураккаб, серқирра ва кўп маъноли ҳодиса бўлиб, юридик адабиётларда ҳуқуқ тушунчасини таърифлашга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Ҳуқуқ таърифларининг кўплигига ижобий ҳодиса сифатида қараш керак, чунки у ҳуқуққа асрлар оша назар ташлаш, уни нафақат турғун ҳолатда, балки (динамикада) ривожланиш ҳолатида ҳам кўриш имконини беради. Бироқ, бу ҳодиса камчиликлардан ҳам холи эмас. Асосий камчилик таърифлардаги фарқлар туғдирадиган қийинчиликлар, ҳуқуқни билиш ва ундан амалда фойдаланишда ягона, изчил жараённинг йўқлиги билан боғлиқ [5, б. 185].

Субъектив ҳуқуқ – ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ нормасига асосан унда назарда тутилган ҳаракатни содир қилишга ҳақли эканини ёки уларнинг маълум ҳаракатларнинг амалга оширилишини талаб қилиш ваколатини билдиради. Субъектив ҳуқуқ қонун билан бериладиган ва давлат томонидан муҳофазаланадиган ҳуқ – атворнинг мумкин бўлган (руҳсат этилган) чегараси, кўлами бўлиб, у асосан шахснинг имконияти сифатида баҳоланади ва унинг қонуний манфаатларини қондиришга хизмат қилади.

Субъектив ҳуқуқ – бу субъектнинг содир этиши мумкин бўлган хатти-ҳаракати тури ва ўлчовидир. Субъектив ҳуқуқнинг мазмунини акс эттирувчи жиҳат ҳуқуқий ваколат ҳисобланиб, у уч хил бўлади: *ўз хатти-ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан бўлган ҳуқуқий ваколатлар; ўзгаларнинг хатти-ҳаракатига бўлган ҳуқуқий ваколат; талаб тарзидаги ҳуқуқий ваколат.*

Агар субъектив ҳуқуқ ўзга шахс ёки ташкилот томонидан бузилса, ҳуқуқий ваколат эгасида бузилган ҳуқуқини муҳофаза этилишини талаб қилиб, мурожаат этиш имконияти пайдо бўлади. Мазкур вазиятда давлатнинг ҳуқуқни қўриқлаш фаолияти намоён бўлади.

Ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари манфаатлари ҳар доим ҳам субъектив ҳуқуқ кўринишида таъминланмайди. Фуқароларнинг “ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари”, “қонун билан қўриқланадиган манфаатлари” ҳақида гап кетганда, ҳар бири алоҳида ҳуқуқий мазмунга эга бўлган икки ўзига хос ҳуқуқий институт ҳақида гап боради. “Қонуний манфаатлар” субъектив ҳуқуқлар қаторида ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоянинг мустақил объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳуқуқ тушунчасига икки хил изоҳ берилади, биринчиси, давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қоидалар, меъёрлар мажмуи бўлса, иккинчиси, кимсага бирор иш-ҳаракат қилиш учун берилган, давлат қонунлари ёки бошқа хил қонун-қарорлар билан мустаҳкамланган, кафолатланган имконият, эрк, ихтиёрдир [6, б. 568]. “Манфаат” сўзи моддий, маънавий, жисмоний ва бошқа жиҳатдан кўриладиган фойда, наф дея таърифланган. “Қонуний” сўзига қонун билан белгиланган, қонунда кўрсатилган, қонун билан тасдиқланган дея таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси юридик энциклопедиясида (Р.Мухитдинов ва б.) инсон ҳуқуқлари деганда, инсоннинг давлатга муносабати бўйича ҳуқуқий мақомини, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва экологик соҳалардаги имконият ва даъволарини ифодаловчи тушунча сифатида қаралади [7, б. 215].

“Қонуний манфаат” категорияси замонавий жамият ҳуқуқий тизимининг ўзига хос феномени бўлиб ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида “ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар” тушунчаси биргаликда ва кенг фойдаланилади, бироқ ҳар иккиси алоҳида ҳуқуқий ҳодисани англатади. Ҳуқуқий фанда мазкур икки тушунчалар нисбати бўйича ҳанузгача бир ечимга келинмаган, “қонуний манфаат” категориясининг моҳияти, ҳуқуқий таърифини топгани йўқ.

Илмий адабиётларда “қонуний манфаат”га берилган таърифларда охир-оқибат икки хил ёндашув мавжуд: биринчиси, уни ҳуқуққа зид бўлмаган ижтимоий манфаатлар сифатида кўрса, иккинчиси, субъектив ҳуқуқлар қаторида ҳуқуқий воситалар сифатида кўрилади.

Одатда ҳуқуқ ҳаётда ижтимоий муносабатлар ва манфаатлар динамикаси тезлигидан “орқада юради”, шу сабабли қонун чиқарувчи ўз вақтида шу турдаги ижтимоий имкониятлар ва манфаатларни “тан олишга” (қонунан мустаҳкамлашга) ҳар доим ҳам улгурмайди. Шу орқали, манфаатлар “қонунчилик материя”га киришга йўл ҳозирлашади, субъектив ва объектив ҳуқуқ билан тан олиниши учун пайт пойлаб, давлат томонидан “ҳуқуқий ҳимояга олинишига”, “кафолатланишга” бўлган ҳуқуқини илгари суришади”.

Демак, “манфаатлар қонуний бўлиб ҳисобланади, қачонки шахснинг конкрет субъектив ҳуқуқи билан таъминланмаган бўлсада, бироқ ҳуқуқ билан муҳофаза остига олинган”да.

Субъектив ҳуқуқдан фарқли ўларок, қонуний манфаат бировнинг қонуний мажбуриятига тўғри келмаслиги, қонуний манфаатлар ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги иккинчи даражали ролни таъкидламаслиги керак ва таъкидлай олмайди. У субъектив ҳуқуқ, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, қонунда мавжуд бўлган имтиёз, чеклов ва бошқалар каби ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг муҳим “қисми” ҳамдир. Ушбу “қисм”ларсиз фуқароларнинг субъектив, ажралмас конституциявий ҳуқуқларига таяниб, айнан ўша қонуний манфаатлар тўпламини қондириш учун фаолият кўрсатадиган, давлат учун зарур бўлган фуқаролик жамияти мавжуд бўлиши мумкин эмас.

“Қонуний манфаатлар” категорияси хорижий давлатлар Конституциялари ва қонунчилик ҳужжатларида ҳам қўлланилган. Биринчилардан бўлиб “қонуний манфаатлар” атамаси Венгрия Конституциясида ўз аксини топди (28-модда) [8]. Шунингдек, уни Италия Республикаси Конституцияси (113-модда) [9], Болгария Республикаси Конституцияси (41, 56, 57, 58, 117 ва 134-моддалари) [10], Куба Республикаси Конституцияси (92-модда) [11], Малайзия Конституцияси (153-модда)да [12] ҳам кўриш мумкин.

МДҲ давлатлари орасида Россия [13], Қозоғистон [14], Қирғизистон [15], Беларусь [16] Конституцияларида ҳам “қонуний манфаат” атамаси қўлланилган.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида [17] “боланинг энг устун манфаатлари” тушунчаси илк бора қўлланилган. Мазкур концепция ҳозирги кунга қадар турлича талқин қилинсада, бироқ бутун дунё давлатлари томонидан бола ҳуқуқларини таъминлашда кенг эътироф этилган ва тан олинган стандарт бўлиб қолмоқда [18].

Қатор илмий адабиётларда “қонуний манфаат” тушунчасига турлича, хусусан, “қонунда акс

этирилган манфаатлар”, “юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларда тўғридан-тўғри ўз аксини топмаган, бироқ давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояга олинган”, дея таъриф берилади.

Олимлар бу борада турли фикрларни баён қилишган. Ю.П.Конопченко фикрига кўра, адабиётда 3 турдаги ҳуқуқий муносабатлар назарияси мавжуд:

формал-ҳуқуқий, яъни унга кўра ҳуқуқий муносабатлар мазмунан фақат формал-ҳуқуқий конструкциялардан иборат бўлади (субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар);

ижтимоий-муносабатлар мазмуни юридик ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади (юридик хулқ-атвор);

ижтимоий-ҳуқуқий, бунда ҳуқуқий муносабатларнинг моддий мазмуни (ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг аниқ хатти-ҳаракати) ва ҳуқуқий мазмуни (субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни) фарқланади [19].

Ижтимоий назария вакиллари “қонуний манфаатлар” деганда, субъектив ҳуқуқларда санаб ўтилмаган, давлат томонидан субъектив ҳуқуқлар сифатида қафолатланмаган “манфаатлар”ни тушунишади. Қонуний манфаатлар ҳуқуққа зид бўлмаган ҳақиқий ижтимоий манфаатлар бўлиб, у ёки бу тарзда давлат томонидан ҳимоя қилинишини тушунишади.

Ижтимоий-ҳуқуқий назария вакиллари, хусусан, Н.И. Матузов фикрига кўра, “ҳуқуқий тизимда йўл қўйилган (рухсат берилган) хатти-ҳаракат доираси шахсларнинг барча турдаги қилмишларини қамраб олмаган субъектив ҳуқуқларнинг амалдаги ҳаракат соҳасидан кенг” бўлиб ҳисобланади [20]. С.Н. Сабикенов эса қонун чиқарувчи томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахснинг бир қатор манфаатлари фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари доирасидан четда қолишини таъкидлайди [21].

Р.Е.Гукасян фикрига кўра, тор маънода қонуний манфаат бу, субъектив моддий ҳуқуқ эгаларига тақдим этиш орқали эмас, балки суд ёки ҳимоянинг бошқа ҳуқуқий шаклига мурожаат қилиш ҳуқуқи орқали қонун билан ҳимоя остига олинган ижтимоий эҳтиёждир [19].

Формал-ҳуқуқий назария вакиллари “қонуний манфаатлар”ни ҳуқуқий ёки махсус-юридик воситалар сифатида талқин қилади. Бунда қонуний манфаат ва ҳақиқий (ижтимоий) манфаат тушунчалари ўртасидаги чегаралар аниқланади. Н.В.Витрук фикрича, “қонуний манфаат, юридик ҳуқуқ сингари, шахснинг турли ижтимоий енгиллик, имтиёз, имкониятлардан фойдаланиш имконияти бўлиб ҳисобланади. Бу имкониятлар қонуний манфаатлар эгаларининг ваколатларида ўзига хос тарзда, яъни масъул шахслар, орган ва муассасалардан муайян хулқ-атворни талаб қилиш, ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотларига ҳимоя учун мурожаат қилишда акс этади.

Шу ўринда, фикримизча, ижтимоий-ҳуқуқий назария вакилларининг қуйидаги фикрлари қонуний манфаатлар мазмунини тўғри ифода этишини кўриш мумкин, яъни қонуний манфаатлар бу, ижтимоий эҳтиёжлар бўлиб, улар давлат ҳимояси остида бўлади, улар қонуний манфаатлар эгаларига субъектив ҳуқуқ сифатида эмас, балки унинг ҳимояси учун судга ёки ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа шаклига мурожаат қилиш орқали давлат ҳимояси остига олинган ижтимоий эҳтиёжларни англатади.

Қонуний манфаатлар ўзининг моддий ва ҳуқуқий мазмунига эга бўлиб, уларни фарқлаш зарур. Биринчи ҳолатда, моддий мазмун остида қонуний манфаат эгаларининг ҳуқуққа зид бўлмаган ижтимоий манфаатлари тушунилса, қонуний манфаатнинг ҳуқуқий мазмуни деганда, қонуний манфаат эгаларининг тақиқланмаган, йўл қўйиладиган хулқ-атвори чегараси тушунилади.

Давлат, мансабдор шахс ва фуқаролар инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишга тўғридан-тўғри мажбур бўлсалар, қонуний манфаатлар эса эгаси учун муҳим бўлган енгиллик, фаровонликдан фойдаланишга бўлган хоҳиш (интилиши) бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, маҳкумларнинг муддатидан олдин шартли озод этилиши, яшаш жойи бўйича жазони ўташига бўлган интилиши.

Кўпгина олимлар қонунда акс этган ҳолатдагина манфаатлар “қонуний” бўлади дея ҳисоблашади. Мисол учун, юридик фанлар номзоди Н.Кийко фикрича [23], қонуний манфаатлар албатта қонунда акс этган хоҳиш, интилишни ифодалаши лозим.

Фикримизча, айрим олимларнинг қонунда назарда тутилган манфаатларгина қонуний манфаатлар сирасига киради, деган фикри қонуний манфаатлар мазмунини тор доирада тушунишга олиб келади, зеро қонунда келтирилган манфаатлар доираси шахснинг манфаатлари тўлиқ ҳажмидан тор бўлиб, айнан шу манфаатлар реализацияси ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланганда, қўллаб-қувватланганда, рағбатлантирилганда, йўл қўйилганда, қонуний бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, давлат ўзининг ваколатли субъектлари орқали ҳар доим қонуний манфаатларни қондиришга, уларни бажаришга мажбур бўлмайди. Мисол учун, озодликдан маҳрум қилинган бола ижобий тавсифномага эга бўлганда, муддатининг тегишли қисмини ўтаб бўлгандан

кейин ахлоқ тузатиш муассасадан шартли муддатидан олдин озодликка чиқиши мумкин. Бирок, барча формал, ўрнатилган шартларга риоя қилинган тақдирда ҳам, ижро муассаса маъмурияти ёки суд маҳкумнинг бундай хоҳишини (благо) амалга оширмаслиги мумкин, лекин суд ёки ижро муассасанинг бундай ҳаракати қонунинг бузилиши сифатида баҳолалиши мумкин эмас. Айнан шу хусусиятларга кўра, таъминланиши лозим бўлган “ҳуқуқ” ва маълум бир шартларга риоя қилинган ҳолда ҳам амалга оширилиши ҳар доим мажбурий бўлмаган “қонуний манфаатлар”ни фарқлаш мумкин.

Қонуний манфаатлар ва субъектив ҳуқуқлар ўзаро бир-бирини тўлдиради ва кўп ҳолларда бир-бирига боғлиқ бўлади. Субъектив ҳуқуқлар қатор ҳолларда қонуний манфаатларнинг реализацияси натижасида пайдо бўлади.

Субъектив ҳуқуқлар сингари, қонуний манфаатлар ҳам ўзининг моҳияти ва табиатидан келиб чиқиб, ҳатти-ҳаракат чегарасини, кўламини белгилайди. Яъни, бир ҳуқуқни амалга ошириш ўзгаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмаслиги лозимлигини назарда тутди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар иккала категория - “субъектив ҳуқуқ” ва “қонуний манфаатлар” давлат томонидан тан олинади ва ҳимоя қилинади. Табиийки, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг ҳимояланганлик даражаси бир хил эмас, аммо мазкур ҳуқуқий феноменлар ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва шахс ҳуқуқий мақомининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Иккала тушунча қонунга, амалдаги ҳуқуққа асосланади, ҳуқуққа зид элемент, истакларни назарда тутиши мумкин эмас. “Субъектив ҳуқуқлар” ва “қонуний манфаатлар” ўртасидаги асосий фарқ уларга турлича ҳуқуқий “руҳсат берилишида” ифодаланади.

“Қонуний манфаатлар” “мулкӣ” ва “номулкӣ” бўлишидан қатъий назар, амалга ошириш учун тенг имкониятларга эга ҳамда тенг равишда ҳимоя этилади. “Қонуний манфаатлар”нинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини санаш мумкин:

1. Қонунда келтирилган манфаатлар доираси шахс манфаатлари тўлиқ ҳажмидан тор бўлиб, айнан шу манфаатлар реализацияси ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланганда, қўллаб-қувватланганда, рағбатлантирилганда, йўл қўйилганда, қонуний бўлиб ҳисобланади;

2. Манфаатлар ҳуқуққа зид бўлмаслиги лозим, акс ҳолда улар “қонуний” деб баҳоланмаслиги мумкин;

3. Ҳуқуқий манфаатлар кўлами қонуний манфаатлар доирасидан кенг бўлиб, ҳуқуқни қонунга нисбатан кенг тушунишдан келиб чиқади. Чунки, табиий ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай қонун ҳам ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/35869?twolang=true>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/1297315>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5049511>.
4. ИШАНХАНОВА Г.А. Защита прав ребенка в международном праве и национальном законодательстве // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), С.144-152. // <https://juristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/98>.
5. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – 185 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 568-б.
7. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Р.А.Мухитдинов ва б.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Адолат, 2009. – 215 б.
8. Hungary’s Constitution of 2011 with Amendments through 2013 // https://www.constituteproject.org/constitution/Hungary_2013.pdf?lang=en
9. Constitution of the Italian Republic // https://www.senato.it/documenti/repository/istituzione/costituzione_inglese.pdf
10. Bulgaria’s Constitution of 1991 with Amendments through 2007 // https://www.constituteproject.org/constitution/Bulgaria_2007.pdf?lang=en

11. Cuba's Constitution of 2019 // https://www.constituteproject.org/constitution/Cuba_2019.pdf?lang=en
12. Malaysia's Constitution of 1957 with Amendments through 2007 // https://www.constituteproject.org/constitution/Malaysia_2007.pdf?lang=en
13. Конституция Российской Федерации // <http://kremlin.ru/acts/constitution>
14. Конституция Республика Казахстан // https://www.akorda.kz/ru/official_documents/constitution
15. Конституция Кыргызской Республики // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112215>
16. Конституция Республики Беларусь // <https://pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnyye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/>
17. Конвенция ООН о правах ребенка от от 20 ноября 1989 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml
18. Miruktamova Feruza; Makhamatov Makhmud. "FACTORS OF OCCURRENCE OF CHILDREN AT RISK AND THEIR PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS". *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7, 2, 2020, 1688-1696.
19. Конопченко Юлия Петровна Понятие законного интереса в праве // Общество. Коммуникация. Образование. 2012. №143. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-zakonnogo-interesa-v-prave> (дата обращения: 27.06.2021).
20. Н.И.Матузов. Правовая система и личность [Текст] / Н.И. Матузов. – Саратов: Изд-во Саратов. унта, 1987. – 292 с.
21. С.Н.Сабикенов. Вопросы дальнейшего совершенствования правовой охраны интересов личности в свете новой Конституции СССР [Текст] / С.Н. Сабикенов. – Саратов: Изд-во Саратов. ун-та, 1980. – С. 204–208.
22. Кийко Николай Владимирович Соотношение субъективных прав и законных интересов осужденных // Человек: преступление и наказание. 2016. №1 (92). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sootnoshenie-subektivnyh-prav-i-zakonnyh-interesov-osuzhdennyh> (дата обращения: 27.06.2021).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

БОЛТАЕВ Мансуржон Сотиволдиевич
Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали кафедра мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент
E-mail: beshkap0721@gmail.com

ИХТИЁРИЙ ТИББИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): БОЛТАЕВ М.С. Ихтиёрий тиббий суғурта шартномасининг ўзига хос хусусиятлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 37-44

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ихтиёрий тиббий суғурта (ИТС) шартномаси, ИТСда суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) ҳамда тиббий муассаса ўртасида ўзаро келишув, ИТСнинг ўзига хос хусусиятлари, мажбурий тиббий суғурта (МТС) дан фарқи, мазкур фарқларнинг қандай ҳолатларда намён бўлиши, кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини, тиббий муассасини белгилаш, бундан ташқари, ИТС муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда оммавий-ҳуқуқий элементларга қараганда хусусий-ҳуқуқий элементлар кенгрок қўлланилиши таҳлил қилинган. ИТС тушунчаси ва ушбу шартнома турига оид муҳим масалалар юзасидан таклифлар берилган. Шунингдек, ИТС шартномасининг ўзига хос хусусиятлари, унинг МТС шартномасидан фарқи, афзалликлари ҳамда уни ҳуқуқий тартибга солишга оид фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: тиббий суғурта, шартнома, ихтиёрий тиббий суғурта, мажбурий тиббий суғурта, тиббиёт муассасаси, суғурта компанияси, шартнома, муҳим шарт, суғурта дастури.

БОЛТАЕВ Мансуржон Сотиволдиевич
Заведующий кафедрой Специализированного филиала
Ташкентского юридического университета,
кандидат юридических наук, доцент
E-mail: beshkap0721@gmail.com

ОСОБЕННОСТИ ДОГОВОРА О ДОБРОВОЛЬНОМ МЕДИЦИНСКОМ СТРАХОВАНИИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются договор добровольного медицинского страхования (ДМС), взаимное соглашение между страховщиком и застрахованным лицом и медицинским учреждением в ДМС, особенности ДМС, отличие от обязательного медицинского страхования (ОМС), обстоятельства, при которых возникают эти различия. Кроме того, в правовом регулировании ДМС отношений

анализируется определение медицинского учреждения в более широком применении частноправовых элементов, чем публично-правовых. Выдвинуты предложения по определению ДМС и другим важным вопросам, связанным с этим типом договора. Также, излагаются особенности договора ДМС, отличия от договора ОМС, его преимущества и мнения по правовому регулированию этих договоров.

Ключевые слова: медицинское страхование, договор, добровольное медицинское страхование, обязательное медицинское страхование, медицинское учреждение, страховая компания, договор, существенное условие, программа страхования.

BOLTAEV Mansurjon

Head of the Department of the Specialized Branch
of the Tashkent State University of Law,
Candidate of Legal Sciences, Associate Professor
E-mail: beshkap0721@gmail.com

SPECIFIC FEATURES OF THE VOLUNTARY HEALTH INSURANCE CONTRACT

ANNOTATION

The article discusses the contract of voluntary medical insurance (VMI), a mutual agreement between the insurer and the insured (insured person) and a medical institution in VMI, especially VMI, the difference from compulsory health insurance (CHI), the circumstances in which these differences arise; the definition of a medical institution is analyzed, in addition, the wider use of private law elements than public law elements in the legal regulation of VMI relations. Proposals were made on the concept of VMI and important issues related to this type of contract. The features of the VMI contract, its differences from the CHI contract, its advantages and comments on its legal regulation were also outlined.

Keywords: health insurance, contract, voluntary health insurance, compulsory health insurance, medical institution, insurance company, contract, essential condition, insurance program.

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги асосий ҳуқуқларидан бири сифатида тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи амалдаги қонунчиликда кафолатланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги [1] 265-1-сон Қонунининг 16-моддаси белгиланишича, фуқаролар соғлиғи ва ижтимоий ҳолатининг ёмонлашуви билан боғлиқ бир қатор ҳолатларда қонунчиликда белгиланган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига ҳисобланадилар. Жумладан, фуқаролар соғлиғи ёмонлашуви билан касалланганида, соғлиғи туфайли ишлаш имкониятига эга бўлмаганида қуйидаги тиббий ёрдамни олишга ҳақли ҳисобланадилар:

касалликнинг олдини олишга қаратилган чоралар кўрилиши;
ташҳис белгиланиши ва шу асосда муолажа ва даволаниш;
қувватнинг тикланиши учун тегишли муолажани олиш;
даволаниш, санатория, курорт ва бошқа шифо масканларида дам олиш даволаниш;
протезлаш, ортопедия ёрдами олиш.

Шу билан биргаликда, мазкур модданинг учинчи қисмида келтирилишича, фуқаролар ихтиёрий тиббий суғурта шартномасини тузиш йўли билан қўшимча тиббий хизматдан фойдаланишга ҳақли саналадилар. Ушбу нормада келтирилишича, суғурта мукофоти ёки бадали фуқаронинг ўзи томонидан ёки у ходими ҳисобланадиган ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар маблағидан амалга оширилади. Бундан кўринадики, бугунги кунда Ўзбекистонда тиббий суғуртанинг асосан ихтиёрий тури амал қилади. Тиббий суғуртанинг мажбурий турини кенг жорий этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармонида 1-илова “2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси”да мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш вазифаси белгиланган. Бунда мажбурий тиббий суғурта дастурларини ишлаб чиқиш, беморларнинг

тегишли тоифалари ва улар учун мақбул тиббий ёрдам турларини қамраб оладиган мажбурий тиббий суғурта дастурларини жорий этиш вазифаси назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, мажбурий тиббий суғурта суғурта ҳодисаси юз берганида, фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги давлат кафолатининг таркибий қисми ҳисобланган тегишли суғурта дастурларига мувофиқ, суғурталанган шахсга текинга тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлашга қаратилган тиббий-ҳуқуқий механизм саналади. Ушбу механизм орқали, суғурталанган фуқаролар белгиланган дастур асосида соғлиғини тиклаши, касалликлардан даволаниши, тиббий муассаса томонидан кафолатланган хизматлар ва комплекс муолажаларни олиши мумкин бўлади. Бу ҳолат аҳолининг кам таъминланган қатламларини тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлашда, турли корхона ва ташкилотлар ходимларига ушбу ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан тиббий суғурта шартномаси асосида тиббий хизмат кўрсатилишида муҳим ўрин тутади.

Мажбурий тиббий суғуртадан фарқли равишда ихтиёрий тиббий суғуртада, суғурталанган шахсга тегишли тиббий суғурта дастурида назарда тутилган хизмат турлари билан бирга қўшимча тиббий хизматлар ҳам кўрсатилиши назарда тутилади. Бу орқали аҳолига тиббий ёрдам олиш имконияти кенгайтирилади, балки шу йўл билан ташҳис қўйиш ва профилактик чораларни комплекс ўтказиш, шунингдек реабилитация даволаниш таомилларини амалга оширишнинг ҳуқуқий воситаси таклиф этилади. Ихтиёрий тиббий суғурта мажбурий тиббий суғуртадан фарқли равишда тарафларнинг ўзаро келишуви асосида тузилади ва унда мажбурий тиббий суғурта дастурларидан фарқли равишда шартнома шартлари тарафларнинг хоҳишидан келиб чиқиб шакллантирилади. Бу борада ихтиёрий тиббий суғурта шартномаси мажбурий тиббий суғуртага қараганда эркин ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган “оммавий шартнома” (ФКнинг 358-моддаси), “қўшилиш шартномаси” (ФКнинг 360-моддаси), “мажбурий тартибда шартнома тузиш” (ФКнинг 377-моддаси) қоида ва талабларга бўйсунмайди.

Кейинги йилларда ихтиёрий тиббий суғурта (ИТС) ва тиббий ёрдамнинг давлат дастурлари Европада кенг ривожланди. Бир қатор мамлакатларда тиббий суғуртанинг ушбу икки тармоғи касалликлардан даволанишга кетадиган харажатларни қоплашнинг ўзаро тўлдирувчи тизимлари сифатида амал қилади. Шу билан бирга, давлат тиббий суғурта дастурларига кўп эътибор берилаётган бўлсада, хусусий тиббий суғурта ривожланмоқда ва тиббий ёрдам сифатига нисбатан талаблар ва ўзгаришларга мослашиб бормоқда. Турмушдаги демографик, ижтимоий ва иқтисодий шароитларнинг тез ўзгаришлар суғуртани мазкур кенг қамровли янгиликлар ва воқеъликларга мослаштирувчи бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинишига олиб келди [2].

Хусусий суғурта мажбурий тиббий суғурта тиббий ёрдамни тўлиқ қамраб олмаган мамлакатлар (масалан, Япония)да кенг тарқалган. Айрим давлатлар (Португалия, Испания)да ИТС иккинчи даражали ролини бажарса, бошқалари (Германия [3] ва Нидерландия) да катта аҳамият касб этади. Бироқ тиббиётининг доимий ривожланиб бориши ва бунга параллел равишда тиббий хизматга бўлган талабнинг ортиши оқибати ИТСга бўлган талаб кундан кунга ортиқ бормоқда. Шу сабабли кўплаб мамлакатларнинг аҳолисида хусусий суғурталовчилар таклиф этаётган тиббий хизматларни индивидуал таъминлашга бўлган эҳтиёж шаклланиб бормоқда. Чунки, хусусий суғурталовчилар тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжга эгилувчанлик ва тезкорлик билан жавоб беришга ҳамда биринчи навбатда, ўз мижозларга масъулият билан ёндашишга лаёқатли саналадилар, мижозларни ортиқ овора қилмасликка, турли расмиятчиликлардан холи хизмат қилишга интиладилар ва шу боис соғлиқни сақлаш учун қилинадиган харажатлар қийматини камайтиришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Хусусий суғурталовчилар мижозларнинг ҳар бирига шахсийлаштирилган таъминот, яъни тиббий хизмат харажатларини тўлиқ ёки тиббий суғуртанинг давлат дастурларига қўшимча тўловларни танлаш имкониятини тақдим этиш йўли билан уларнинг индивидуал талабларини қаноатлантириш йўлларини излаши билан ажралиб туради. Шу сабабли хусусий тиббий суғурта аҳолининг алоҳида гуруҳларга тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича давлатлар дастурларида тегишли ўрин эгаллайди.

ИТС қуйидаги ўзига хос жиҳатлар билан МТСдан ажралиб туради:

Биринчидан, ИТС юқори сифатли сервис, яъни, навбатдан ташқари врач қабули ва тиббий муассасага жойлашиш, юқори қулайликларга эга тиббий хона (палата)га жойлаштириш, қиммат

тиббий тадқиқотлар ва даволаниш харажатларини тўлаш, телефон (Интернет) орқали врач қабулининг жойи ва вақтини келиши имконияти, даволовчи врачни танлаш имкониятининг тақдим этилади.

Иккинчидан, тиббий ёрдамни ташкил этиш суғурта компанияси томонидан амалга оширилади. Суғурта компанияси суғурталанган шахслар учун сутка мобайнида телефон алоқасини, тиббий муассасани танлашдаги ёрдамни, юқори даражадаги тиббий маслаҳатчиларни жалб қилиш имкониятини, шошилиш, шу жумладан дам олиш ва байрам кунлари ҳам тиббий ёрдамни тақдим этади.

Учинчидан, мижоз (пациент) ҳуқуқларини кафолатланганлиги. Суғурта компанияси мижоз ҳуқуқларига риоя этилиши таъминлайди, сифатли тиббий ёрдамни (МТС тизимидаги каби) даволанишдан кейин эмас, балки бевосита даволаниш, муолажа давомида таъминлайди [4].

ИТС суғурта ва МТС ўртасидаги нисбатни татбиқ этар экан, П.З.Иванишин [5 Б.11-12] куйидаги мулоҳазаларни илгари суради: ИТСнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни МТС билан айний ҳисобланиши ва битта ижтимоий мақсад – суғурта молиялаштириш йўли билан фуқароларга тиббий ёрдам олиш кафолатини тақдим этишни назарда тутишига қарамадан, ушбу умумий мақсадга турли воситалар орқали эришилади.

Биринчидан, ИТС МТСдан, шунингдек тижорат суғуртасидан фарқли равишда ҳаёт суғурта ва бахтсиз ҳодисалар суғуртаси билан биргаликда шахсий суғурта соҳасига тааллуқли ҳисобланади.

Иккинчидан, қоидага кўра, ихтиёрий тиббий суғурта – бу мажбурий тиббий суғурта тизимида кўшимча бўлиб, МТС дастурларида белгиланган ёки давлат бюджет тиббиёти доирасида назарда тутилганидан кўпроқ тиббий хизматлар олиш имкониятини кафолатлайди.

Учинчидан, суғурталанишнинг у ёки бу тизимларида МТСда суғурта бирдамлиги (солидарлик) принциpidан фойдаланилса, ИТСда суғурта эквивалентлик принципи амал қилади, яъни ИТС шартномасига кўра, суғурталанган шахс тиббий хизмат турларини ва уларнинг ҳажмини суғурта мукофоти тўланган доирада олиши мумкин ҳисобланади.

Тўртинчидан, ИТС дастурларида иштирок этиш давлат томонидан тартибга солинмайди ва алоҳида олинган ҳар бир фуқаро ёки профессионал жамоаларнинг давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматларга кўшимча хизматлар олиш эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бундан фарқли равишда, МТС аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва ўзининг моҳиятига кўра малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта тартибга солинадиган муносабатлардаги оммавий негизларнинг ифодаланиш даражаси нуқтаи назаридан бир-биридан фарланади. Агар МТСга нисбатан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг оммавий-ҳуқуқий табиати мавжудлиги хусусида эътироф этиш мумкин бўлса, ИТСда оммавий-ҳуқуқий элементларга қараганда хусусий-ҳуқуқий элементлар устуворликка эга бўлади.

Биринчидан, бу МТСда давлат ўзининг ваколатлари органлари орқали суғурта ҳуқуқий муносабатларининг барча босқичларини (тартибга солинадиган муносабатлар доираси ва унинг иштирокчиларини белгилашдан бошлаб, суғурталовчи томонидан суғурта тўловларини амалга оширишда пул маблағларини харажат қилишгача) назорат қилиши билан боғлиқдир. ИТСда давлат томонидан назорат қилиш даражаси суғурталовчи учун унинг фаолиятини лицензиялаш механизми орқали умумий ҳуқуқий доирани ўрнатиш билан чегарланади. Бунда ҳуқуқий муносабат иштирокчиларнинг ўзаро келишилган эркининг натижаси ҳисобланади.

Тиббий муассаса ИТС полисига эга бўлган пациентларга юқори эътибор қаратишдан моддий манфаатдордир, чунки, биринчидан, даволаниш харажатлари давлат томонидан тасдиқланган тарифлар (МТС тизимидаги каби) бўйича эмас, балки тиббий муассасанинг тиббий ёрдамни кўрсатиш учун қиладиган реал харажатларини ҳисобга олинган ҳолда шартномада белгиланган баҳо бўйича амалга оширилади ва иккинчидан, тиббий муассасанинг бу йўл билан ишлаб топган маблағлари МТС тизимидаги каби қатъий тартибга солинмаган ҳисобланади. Шу боис ИТС бўйича олинган маблағларни тиббий муассаса энг ўткир муаммолар – врачларни хонаси ва касаллар палатасини таъмирлаш, замонавий ускуналарни харид қилишни ҳал қилишга йўналтириши мумкин бўлади.

Ихтиёрий тиббий суғурта дастури пулни сезиларли даражада тежашни ҳам назарда тутати: ИТС полисига эгасига кераксиз бўлган муолажа тайинланмайди ва ундан ортиқча пул олишга ҳаракат қилинмайди. Полисни тўлаган суғурта қилдирувчи унинг бутун амал қилиш муддати тиббий хизмат тарифлари ўсишидан ҳимояланган бўлади.

Ихтиёрий тиббий суғуртанинг ижобий жиҳатларидан яна бири уни суғурталовчи компания экспертлари томонидан узлуксиз назорат ва мониторинг қилиниши ҳисобланади. Агар барча чораларга қарамасдан низоли ҳолатлар юзага келса, суғурта копманияси ҳар доим фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга интилади [6].

Бундан ташқари ИТСнинг афзал жиҳатларидан яна бири бунда шартномалар эркинлиги тамойилининг МТСга қараганда кенг намоён бўлиши билан белгиланади (ФКнинг 354-моддаси). Бунда суғурта қилдирувчи суғурта дастурини ўзи тузади ва таклиф этилган рўйхатдан суғурта муассасасини ўзи танлайди. Суғурталовчи эса барча масалалар бўйича маслаҳат беради, бироқ якуний қарор (суғурта дастури ва тиббий муассасани танлаш бўйича) суғурта қилдирувчи томонидан қабул қиланади [7].

Ёши, соғлиғининг ҳолати ёки турмуш кечириш даражасини пасайишига сабаб бўлган бошқа сабаб туфшқйли ўзини ўзи таъминлай олмайдиган аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш жамиятнинг социал функцияларидан бири саналади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасига кўра, Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга борлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга [8].

Бундай ҳимояни таъминлаш учун давлат биринчи навбатда, қонунчилик даражасида ижтимоий кафолатларни ва ушбу кафолатларни бажариш механизмларини ўрнатиши лозим. Давлатдан ташқари, ижтимоий ҳимояни корхоналар (тадбиркорлар), ёлланган ишчилар ва уларнинг касаба ташкилотлари ҳам таъминлашлари талаб этилади. Ижтимоий ҳимоя тизимида муҳим элемент эса ижтимоий суғурта ҳисобланади. Ўз навбатида, ижтимоий суғурта таркибига пенсия суғуртаси, тиббий суғурта, ишсизлик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш киради.

Ривожланган мамлакатларда пенсия ва тиббий суғурта иш ҳақи ва корхона даромадаларидан ажратма кўринишида амал оширилади. АҚШда тиббий суғуртага бундай ажратмалар 7,5%ни ташкил этса, Швецияда махсус суғурта фондлари тўлиқ давлат томонидан шакллантирилади. Ушбу фондларнинг маблағлари махсус кенгашлар томонидан бошқарилади ва бу кенгашлар таркибига ходимлар ва тадбиркорларнинг вакиллари киритилади. Эҳтиёжмандлар суғурталовчилар учун унчалик фойдали эмаслигига қарамасдан, барча давлатлар суғурта компаниялари зиммасига айнан эҳтиёжмандлар суғуртаси билан шуғулланиш вазифасини юклашга ҳаракат қилишади, чунки маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги, бюджет ташкилотларига қараганда, суғурта тизимларида юқориқдир [9].

Бугунги кунда ихтиёрий тиббий суғурта институти қонунчилик томонидан тартибга солинмаган: ИТС шартномасининг таърифи мавжуд эмас, ушбу шартноманинг муҳим шартлари рўйхати келтирилмаган, МТС ва ИТСнинг нисбати назарда тутилмаган. Асосий қоидалар тузилган муайян шартномаларнинг мазмуни билан ёки суғурта ташкилотлари томонидан тасдиқланган қоидалар билан белгиланади. А.И.Худяковнинг қайд этишича, шартномани расмийлаштириш жараёнидаги бўлса тарафлар ҳуқ-атворининг эркинлиги чегарасиз ҳисобланмайди ва ихтиёрий суғуртада давлат у ёки бу даражада ушбу муносабатларни тартибга солиш керак ва айнан мана шунинг учун ҳам суғурта ҳуқуқи амал қилади [10].

Фикримизча, ИТСни ҳуқуқий тартибга солишда давлат ушбу муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига умумий қоидаларни, суғурталанган шахснинг бемор сифатидаги ҳуқуқлари кафолатларини, суғурталовчи ва суғурта шартномаси асосида фаолият юритадиган тиббий муассаса фаолиятини лицензиялашни белгилаш билан чекланиши мақсадга мувофиқ. Чунки, ИТС тарафларнинг эркин келишувига асосланадиган ҳуқуқий муносабат ҳисобланади ва

суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи томонидан тузиладиган шартномада белгиланган тиббий хизматлар кўрсатилишини назарда тутати.

Таъкидлаш ўринлики, тиббий суғуртани, хусусан, ихтиёрий тиббий суғурта қоидаларини белгиловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун талабларига мос ҳолда шакллантирилиши лозим. Айни пайтда мазкур қонун ҳужжатлари ҳам тиббий суғурта ва унинг турларига оид аниқ қоидаларни, ИТС ва МТСни белгиловчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни назарда тутиши лозим. Бироқ санаб ўтилган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор қаратилса, уларда тиббий суғуртага оид зарурий талаблар умумий тусда белгиланлигини ёки умуман мавжуд эмаслигини кўриш мумкин.

Мазкур вазиятда, ушбу муносабатларнинг асосий иштирокчиси – истеъмолчи энг заиф ва ҳимояланмаган томон бўлиб қолади. Қолаверса, ФКда “ихтиёрий суғурта” тушунчаси мавжуд эмас. Бу борада қонун чиқарувчи “ихтиёрий суғурта” терминини ФКнинг 914-моддасида айтиб ўтиш билан чекланади, холос. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ФК фақат иккита зарурий тушунча: “шахсий суғурта” ва “мулкий суғурта” тушунчаларини ифодалайди. Бундан фарқли равишда Қозоғистон Гражданлик кодексида “ихтиёрий суғурта” тушунчасига аниқ таъриф берилган. Хусусан, Қозоғистон ГКнинг 806-моддаси 6-қисмига кўра, ихтиёрий тиббий суғурта – бу тарафларнинг хоҳишига кўра амалга ошириладиган суғуртадир. Ихтиёрий тиббий суғуртанинг турлари, шартлари ва тартиби тарафларнинг келишуви билан белгиланади [11].

Фикримизча, мазкур ижобий тажрибадан келиб чиқиб ҳамда суғурта муносабатларини белгилаш ва тартибга солишдаги ҳуқуқий мантиқни тўғирлаш мақсадида ФКнинг 922-моддасини “Мажбурий ва ихтиёрий суғурта” деб номлаш ва уни “ихтиёрий тиббий суғурта – бу тарафларнинг хоҳишига кўра амалга ошириладиган суғуртадир. Ихтиёрий тиббий суғуртанинг турлари, шартлари ва тартиби тарафларнинг келишуви билан белгиланади” тарзидаги еттинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Этироф этиш ўринлики, “ихтиёрий тиббий суғурта ” тушунчасининг талқин этиш ва белгилаш масаласига Европа мамлакатларида ўзига хос ёндашилган. “Ихтиёрий тиббий суғурта” ёки “хусусий суғурта”га базавий қоплаш доирасидан четга чиқувчи факультатив ва “қўшимча” суғурта сифатида қараш мавжуд. Бунда ИТС турли функцияларни бажариши мумкин. Биринчидан, ИТС базавий дастурга киритилганлари қўшимча тиббий хизматни тақдим этади ҳамда иккинчидан, миллий соғлиқни сақлаш хизмати мавжуд мамлакатларда мижозлар навбатларда ва жуғрофий чеклашлардан халос бўладилар. Франциялик мутахассис Agnès Couffinhal фикрича, хусусий суғуртага қўшилиш суғурталанган шахсга энг аввало, шифохонада қўлайликка эга бўлиш, даволаниш ўз вақтида амалга оширилишига эришиш ва кенг қўламдаги тиббий муассасаларни танлаш имконини беради. Бошқача айтганда, бу суғурта қилдирувчилар учун давлат тиббиёт хизматларига қараганда сифатлироқ тиббий хизматдан фойдаланишни кафолатлайди [12]. Шундан келиб чиқиб, суғуртанинг мазкур турини “double”, яъни “нуса” ёки “икки ёқлама таъминлаш” деб номлаш қабул қилинган [13].

ИТСнинг моҳияти ва мазмунини чуқурроқ англаш учун ушбу шартноманинг муҳим шартларини таҳлил қилиш лозим бўлади. ФКнинг 364-моддасидан англашилишича, ҳар қандай шартнома учун умумий ва стандарт бўлагн айрим ҳолатларни муҳим шартлар сифатида баҳолаш мумкин. Бундай ҳолатлар жумласига шартноманинг нарсаси ҳамда қонунчиликда ва тарафларнинг ўзаро келишувида назарда тутилиши лозим бўлган қоидаларни киритиш мумкин. Қолаверса, муҳим шартлар ҳар қандай шартноманинг мазмунини ташкил этувчи асосий қоидалар ҳам ҳисобланади [14].

ИТС шартномасининг шахсий суғурта соҳасига тааллуқли эканлигидан келиб чиқиб ФКда суғурта шартномасига нисбатан белгиланган муҳим шартлар жумласига, суғурталанган шахс, суғурта ҳодисаси, суғурта суммасининг миқдори ва шартноманинг амал қилиш муддати белгиланган (929-модданинг иккинчи қисми). Бироқ ИТС шартномаси муҳим шартлар бўйича ҳам ўзига хос хусусиятларга эга шартномавий конструкция ҳисобланади. Шахсий суғурта шартномасига нисбатан ФКда келтирилган муҳим шартлар билан бирга, қуйидагиларни ИТС шартномасининг муҳим шартлари жумласига киритиш мумкин:

суғурта бадаллари (суғурта мукофоти)нинг миқдори, тўлаш муддатлари ва тартиби тўғрисида; тиббий ва бошқа хизматлар рўйхати тўғрисида;

дори-дармон воситаларининг рўйхати (танланган суғурта дастурига мувофиқ) тўғрисида; тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисида; қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ҳуқуқлар тўғрисида [15].

Айрим суғурта компанияларида эса ИТС шартномаси учун қуйидаги шартлар муҳим қилиб белгиланган:

суғурат бадалларини тўлаш миқдори, муддатлари ва тартиби ҳақида;

тиббий, даволаш, муолажа ва шу каби соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бошқа хизматлар рўйхати ҳақида;

дори воситалари ва ташхис қўйиш тартиби ҳақида (танланган суғурта дастурига мувофиқ);

шартномани кучга кириш шартлари ва муддатлари ҳақида;

шартноманинг бекор бўлиши ҳақида [16].

Яна бир суғурта компаниясининг қоидалари ФКда санаб ўтилганиларидан ташқари, қуйидагилар муҳим шарт сифатида назарда тутилган:

суғурталовчининг номи ва юридик манзили, унинг ваколатлари тўғрисида;

тиббий муассасаларнинг тегишли рўйхатига мувофиқ суғурта дастури тўғрисида;

суғурталаш шартлари тўғрисида;

суғурта мукофоти, унинг миқдори, тўлаш тартиби ва шакли тўғрисида;

қонунчиликка зид бўлмаган бошқа шартлар тўғрисида [17].

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш лозимки, ИТС шартномасининг ўзига хос хусусиятлари қонунчилик даражасида унга хос бўлган муҳим шартлар рўйхатини кенгайтириш ва аниқлаштиришни тақозо этади. Бунда ИТС шартномасининг муҳим шартлари сифатида юқорида санаб ўтилган муҳим қоидалар билан бирга, суғурталанган шахсга тақдим этиладиган кафолатлар ҳамда истеъмолчи сифатида унинг асосий ҳуқуқлари ҳам санаб ўтилиши мақсадга мувофиқдир [18].

ИТС шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида субъекти сифатида – тиббий муассасани шартномада акс эттириш ҳам илмий-амалий нуқтаи назардан алоҳида қизиқиш уйғотади. Эътироф этишки, бу масалада юридик адабиётларда ва суғурта компаниялари ўртасида ҳам яқдил қарашлар мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, қайд этиш лозимки, ИТС шартномаси тарафи сифатида иштирок этаётган тиббий муассаса суғурталовчи компаниядан тегишли хизматлар учун ҳақ олиш эвазига суғурталанган шахсга тиббий хизматларни кўрсатувчи шахс ҳисобланади ва унинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам айнан мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланиши лозим [19].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги ҳулосаларни шакллантириш мумкин:

1) ИТС шартномасининг тушунчасини қонунчилик даражасида белгилаш. Бунда мазкур шартномага қуйидаги муаллифлик таърифи тақлиф этилаи: ИТС шартнома бўйича бир тараф суғурталовчи иккинчи тараф суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти (суғурта бадаллари) ҳисобига шакллантирилган фонддан суғурталанган шахсга нисбатан шартномада белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганида шартнома танланган дастур доираси кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олади;

2) ИТС шартномаси асосида тиббий хизматларни кўрсатадиган тиббий муассасани алоҳида субъект сифатидаги ҳуқуқий мақомини, унинг суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ҳамда суғурталанган шахс билан ҳуқуқий алоқаларини аниқлаштириш зарур;

3) шартноманинг муҳим шартлари: суғурталанган шахс тўғрисида; суғурта ҳодисаси тўғрисида; суғурта суммасининг миқдори тўғрисида, шартнома амал қилиш муддати тўғрисида, суғурта мукофотининг миқдори, муддатлари ва тўлаш тартиби тўғрисида, тегишли тиббий муассасаларининг рўйхати кўрсатилган суғурта дастури тўғрисида, дори-дармонлар рўйхати тўғрисида;

4) суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) томонидан ИТС дастурларини танлаш ҳуқуқи қонунчиликда қатъий белгиланиши лозим;

5) суғурталовчиларнинг ИТС шартномасини тузишга мажбурлагани учун жавобгарлигини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // <https://www.lex.uz/acts/26013>
2. Sagan A., Thomson S. Добровольное медицинское страхование в Европе: роль и регулирование // https://www.euro.who.int/__data/assets/pdf_file/0009/359541/VHI_vol_1_RU.pdf
3. Лаврова Ю.А. Медицинское страхование в ФРГ и возможность использования этого опыта в условиях современной России: автореф. дис. канд. экон. Наук. М.: 2003. – 24 с. // <https://www.dissercat.com/content/meditsinskoe-strakhovanie-v-frg-i-vozmozhnost-ispolzovaniya-etogo-opyta-v-usloviyakh-sovreme>
4. Ганин О.В., Мещерякова С.В. Правовые основы медицинского страхования граждан Российской Федерации. – Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2014. – 11 с. // <https://www.tstu.ru/book/elib/pdf/2014/ganin-t.pdf>
5. Иванишин П.З. Гражданско-правовое регулирование договора добровольного медицинского страхования: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань: 2004. // <https://www.dissercat.com/content/grazhdansko-pravovoe-regulirovanie-dogovora-dobrovolnogo-meditsinskogo-strakhovaniya>
6. <http://medstrahovka.ru/knowledge/advantage.html>.
7. Социальное и медицинское страхование в Российской Федерации. – Рязань: РИО РязГМУ, 2016. – 45 с.
8. Инсон ҳуқуқлар умумжаҳон декларацияси. // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
9. Ганин О.В., Мещерякова С.В. Правовые основы медицинского страхования граждан Российской Федерации. – Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2014. – 12 с. // <https://www.tstu.ru/book/elib/pdf/2014/ganin-t.pdf>
10. Худяков А.И. Теория страхования. – М.: Статут, 2010. – С. 312. // <https://naukaprava.ru/catalog/435/825/120019/41932>
11. Гражданский кодекс Республики Казахстан (Особенная часть) от 1 июля 1999 года № 409-І (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019 г.).
12. Agnès Couffinal. «La souscription d’une assurance privée [dans un système de santé de type NHS] permet à l’assuré d’avancer le moment d’un traitement, d’avoir un plus large choix de prestataires, de bénéficier d’un plus grand confort hospitalier. Autrement dit, elle permet aux assurés d’avoir une prise en charge de meilleure qualité que celle dont ils pensent pouvoir bénéficier dans le service public», thèse de doctorat, Paris IX Dauphine, 1999.
13. Philippe Martin, «L’assurance privée et la santé en Espagne : pertinence d’une couverture endoublon», L’archive ouverte pluridisciplinaire (HAL), 23 avril 2013. // <https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-00816985/file/L-assurance-privée-et-la-santé-en-Espagne.pdf>
14. Sotivoldievich B. M. Legal Issues Of Improving Health Insurance In The Republic Of Uzbekistan // The American Journal of Political Science Law and Criminology. – 2021. – Т. 3. – №. 02. – С. 50-58. // https://www.researchgate.net/publication/350010674_Legal_Issues_Of_Improving_Health_Insurance_In_The_Republic_Of_Uzbekistan
15. Правила добровольного медицинского страхования (редакция 6.0) // URL: www.renins.com <https://www.renins.com/Media/Default/doc/rules/41.pdf>
16. URL: www.vsk.ru https://www.vsk.ru/upload/documents/2/114/doc/Pravila-163_3.pdf
17. URL: https://www.reso.ru/export/sites_reso/Retail/Med/dms_rules20092016.pdf
18. Болтаев М. Тиббий суғуртанинг тушунчаси ва вазифаларининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2/S. – С. 52-61. // <https://inscience.uz/index.php/socinov/article/view/430>
19. Болтаев М. С., Палванов И. Т. Objectives of the Penitentiary System: Correction, Resocialization, Retraining // Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 9. – С. 300-307. // <http://oaji.net/articles/2020/3996-1603311583.pdf>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КАЛАНДАРОВА Маликахон Пирназаровна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши судьяси, юридик фанлар номзоди
E-mail: kalandarova.malika.80@mail.ru

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА СМАРТ-КОНТРАКТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОКТРИНАЛ КОНЦЕПЦИЯСИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): КАЛАНДАРОВА М.П. Давлат харидлари тизимида смарт-контрактларни ҳуқуқий тартибга солишнинг доктринал концепцияси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 45-50

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-6>

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат харидлари жараёнини интеллектуал шартнома тизимини қўллаш орқали такомиллаштириш, харидлар қилиш тартиб-таомилларига рақамли инновацион технологияларни қўллашнинг механизмлар, смарт контрактларни жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, харид жараёнларида смарт контрактлардан фойдаланишнинг SWOT таҳлили амалга оширилган ҳамда смарт контрактларни жорий этиш механизми амалий томондан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, интеллектуал шартнома тизими, блокчейн технологияси, смарт контрактлар, SWOT таҳлили, Этхереум.

КАЛАНДАРОВА Маликахон Пирназаровна

Член Высшего совета судей Республики Узбекистан,
Судья Высшего совета судей Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук
E-mail: kalandarova.malika.80@mail.ru

ДОКТРИНАЛЬНАЯ КОНЦЕПЦИЯ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ СМАРТ КОНТРАКТОВ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

АННОТАЦИЯ

В статье изучены процесс государственных закупок путем развития использования системы интеллектуальных контрактов, механизмы применения цифровых инновационных технологий в осуществлении госзакупок, особенности внедрения смарт-контрактов. Также, с практической точки зрения, проведен SWOT-анализ использования смарт-контрактов в процессе закупок, механизм реализации смарт-контрактов.

Ключевые слова: государственные закупки, система интеллектуальных контрактов, технология блокчейн, смарт-контракты, SWOT-анализ, Ethereum.

KALANDAROVA Malikaxon

Member of the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan,
Judge of the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Juridical Sciences
E-mail: kalandarova.malika.80@mail.ru

DOCTRINAL CONCEPT OF LEGAL REGULATION OF SMART CONTRACTS IN THE PUBLIC PROCUREMENT SYSTEM

ANNOTATION

The article explores the improvement of the public procurement process through the use of intelligent contracting systems, mechanisms for the application of digital innovative technologies in procurement procedures, the specifics of the introduction of smart contracts. In addition, a SWOT analysis of the use of smart contracts in procurement processes was conducted, and the mechanism for implementing smart contracts was practically studied.

Keywords: public procurement, intelligent contract system, blockchain technology, smart contracts, SWOT analysis, Ethereum.

Давлат харидлари миллий иқтисодиёт ўсишининг омилларидан бири бўлиб, кичик бизнеснинг ривожланиши ва мамлакат иқтисодий тараққиётида иштирок этишида муҳим рол ўйнайди ҳамда ҳудудларнинг ривожланишига хизмат қилади. Шу муносабат билан, иқтисодий бошқарув сифатини яхшилаш, бошқа масалалар қатори, давлат харидларида шартнома муносабатларининг субъекти сифатида давлатнинг шартномавий фаолиятининг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармонида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидларини амалга оширишга оид маълумотлар онлайн режимда жойлаштирилишини таъминлаш, давлат харидлари махсус ахборот порталини такомиллаштириш назарда тутилган [1].

Ҳозирги кунда давлат харидлари тизимини электронлаштиришга қаратилган сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди, электрон платформа яратилди, давлат харидлари махсус ахборот порталида “электрон дўкон” модули ишга туширилди. Давлат харидлари тизимидаги кейинги босқич “ақлли” технологияларга (блокчейн, смарт контрактлар, сунъий интеллект) ўтиш орқали рақамлаштириш босқичи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, 2021 йил 1 январдан давлат харидларини амалга оширишда блокчейн технологияларини татбиқ этиш вазифаси белгилаб берилди [2].

Давлат харидлари тизимида блокчейн технологиялари, смарт контрактларни жорий қилишнинг доктринал ёндашувларини ишлаб чиқиш, анъанавий харидлар тизимидан ақлли шартнома тизимида ўтишнинг механизмлари, смарт контракт технологияларининг мазмунини таҳлил қилиш долзарб масалалардандир.

Давлат харидларига интеллектуал контракт тизимини (смарт контрактлар) жорий этишнинг назарий тавсифи. Назарий жиҳатдан давлат харидлари соҳасида смарт контракт платформаларини жорий этиш жараёнида, дастлаб, интеллектуал ахборот тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мутахассислар бу борада давлат харидлари бўйича хатоликларнинг олдини олиш учун эълон беришгача бўлган босқичда харид предмети ва дастлабки нархни автоматлаштирилган режимда шакллантириш имконини берадиган платформани ишлаб чиқишни тавсия этишади [3].

Соҳа	Интеллектуал технологияни қўллаш имконияти	Натижа
Давлат харидлари ахборот тизими	Блокчейн + биг дата	Натижаларни иштирокчилар ўртасида ахборот оқимининг яхлитлигини, ўзгармаслигини таъминлайдиган тарқатилган тармоқда сақлаш. Катта маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, стратегик мақсадлар ёки вазифаларни амалга ошириш учун хулоса чиқариш имконияти
Харидлар каталоги	Машина томонидан ўрганиш + сунъий ақл	Гуруҳлаш, нарх чегараларини белгилаш ва стандарт талаблар автоматик равишда амалга оширилади ва янгиланади
Харидга оид маълумот кидириш	Сунъий ақл	Натижаларни автоматик танлаш ва чиқариш, фаолият турларига кўра харидларни автоматик равишда мослаштирилган тақсимлаш
Энг яхши таклифни кидириш	Сунъий ақл + смарт контракт	Нарх жиҳатидан энг яхши таклифни кидириш - таклиф (оферта) сифати, шартномани автоматик равишда тузиш
Махсус ҳисобварақлар	Блокчейн	Пул маблағларини аниқлаш, сарф-харажатларни автоматик бошқариш ва назорат қилиш
Эскроу операциялари: аризани қайтариб олиш (шартнома бажарилишини таъминлаш)	+ смарт контракт	Белгиланган ҳодиса содир бўлганидан ёки шартнома бўйича мажбурият бажарилганлиги тасдиқланганидан сўнг маблағларни автоматик равишда ўтказиш
Шартнома бўйича тўлов	Блокчейн + смарт контракт	Келишилган ҳодиса ёки ҳаракатдан кейин тўловни автоматик амалга ошириш
Шартнома бўйича тарафнинг (харид иштирокчиси) белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш (виждонсиз етказиб берувчиларнинг реестри)	Смарт назорат + смарт тасдиқлаш	Иштирокчи ҳақидаги маълумотларни автоматик равишда шакллантириш, турли манбалар ва реестрлардан маълумотларни йиғиш
Кичик бизнес субъектларининг реестри		Иштирокчилар ҳақида автоматик назорат, шу жумладан виждонсиз етказиб берувчиларнинг реестрида маълумот бўлган тарафларнинг шартномада иштирок эта олмаслиги.
Лицензияланадиган фаолият тури		Давлат харидларига кичик бизнес субъектларини жалб қилишни автоматик бошқариш
Тарафнинг ўхшаш шартномаларни бажариш бўйича тажрибаси		Берилган лицензияларни, муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқининг мавжудлигини ҳамда бундай ҳуқуқларнинг доирасини автоматик аниқлаш
		Харид иштирокчилари учун малака талабларининг мавжудлигини автоматик назорат қилиш, уларнинг тажрибасини тасдиқлаш

Давлат харидлари тизимида смарт контрактлардан фойдаланиш.

Давлат харидлари жараёнини тартибга солишнинг энг мақбул ечими давлат харидларининг ягона ахборот тизимини янада чуқур модернизация қилиш ҳисобланади. Томонлар тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармаган тақдирда ёки фавқулодда вазиятлар ҳолатида блокчейн технологияси ёрдамида шартнома бўйича салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги

томонидан 06.12.2019 йилда тасдиқланган Крипто-биржа савдоларини амалга ошириш Қоидаларига кўра, блокчейн — барча маълумотлар кетма-кет қайд қилинадиган ва блоklar бўйича жойлаштириладиган тақсимланган маълумотлар реестри, бунда ҳар бир янги блок олдинги блокка криптографик имзо орқали боғланади [5]. Блокчейн технологияси тарқатилган серверларда маълумотларни сақлашга асосланган. Ягона маълумот марказининг йўқлиги, ҳеч бўлмаганда битта блокчейн иштирокчиси қоладиган ҳолатларда ҳам фаолиятни амалга оширишни назарда тутиб, тизимни маҳаллий носозликлардан ҳимоя қилади. Марказлаштирилмаган тизимнинг афзаллиги шундаки, унда сақланган маълумотни ўзгартириш ёки сохталаштириш мумкин эмас. Блокчейн иштирокчиси тармоқдаги бошқа компьютерларга уланади, улар билан маълумотлар блоklари шаклида маълумотлар алмашади. Шу билан бирга, тизимнинг ҳар бир аъзоси криптография усули ёрдамида олинган маълумотларнинг тўғрилигини автоматик равишда текширади, мустақил равишда тўғри маълумотларни тармоқ бўйлаб узатади. Шундай қилиб, блокировка тизими давлат харидлари жараёнларининг холислигини кафолатлайди, “инсон омили” ни харидлар тўғрисида қарор қабул қилишдан узоқлаштиради [4].

Афзалликлари	Имкониятлари
<ul style="list-style-type: none"> – рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурлари билан мувофиқлиги; – Президентнинг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарорида давлат харидларига 2021 йил 1 январдан блокчейн технологияларини жорий қилиш белгиланганлиги; – коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ давлат дастурларига мувофиқлиги ва коррупцияга қарши курашувчи органларнинг кўллаб-қувватлаши; – давлат харидлари муҳитини стандартлаштириш имконияти; – математик алгоритмлардан фойдаланиш коррупция ҳолатларини истисно қилади; – шартноманинг мажбурий шартларини ўрнатмаслик ва ноқонуний шартларни белгилаш хавфини камайтиради; – рухсатсиз ўзгаришлардан ёки маълумотларнинг йўқолишидан самарали ҳимоя даражасига эга. 	<ul style="list-style-type: none"> – шартнома тузиш билан боғлиқ процедураларни камайтиради; – шартнома тузиш босқичини тезлаштиради; – ваколатли давлат органида шартномани назоратдан ўтказиш вақти ва харажатларини камайтиради. – шартнома босқичлари бажарилишининг тўғрилигини автоматик текшириш имконияти мавжудлиги; – воситачиларни ҳисобга олмаганда, шартномани сақлаш харажатларини камайтириш; – маълумотларни таҳлил қилиш учун платформа; – ўзаро шартномага киришувчи томонларнинг мажбурият бажарилишини кузатиш учун очиклик; – харидларни амалга оширувчи иштирокчилар жойлашган ҳудуднинг аҳамиятсизлиги.
Заиф жиҳатлари	Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> – смарт контрактлар блокчейн технологиясига асосланган, шунинг учун улар рақамли пул билан таъминланади; – харид қилишда смарт контрактлардан фойдаланиш ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларни, шунингдек, юқори малакали дастурчиларни жалб қилишни талаб қилади; – иштирокчилар қамровининг торлиги; – смарт контрактлар тузишда мижоз ва етказиб берувчи бирон бир нуансни ўзгартира олмайди, тузатолмайди ёки музокара олиб бора олмайди; – техник сабабларга кўра фойдаланувчиларга оид маълумот йўқолган тақдирда улар билан боғланиш имконияти кам. 	<ul style="list-style-type: none"> – харид иштирокчилар ҳали ҳам ўзаро алоқани муҳим деб ҳисоблашади; – смарт контрактларни кенг жорий қилиш ҳуқуқат томонидан қаттиқ кўллаб-қувватланмайди; – аксарият давлат органлари смарт контрактлар ва блокчейн технологияларини ишончсиз деб ҳисоблашади; – энергия истеъмолининг юқорилиги фойдаланувчилар қамровини камайтиради; – иштирокчиларнинг автоном кодларининг хакерлар томонидан ўғирланиш эҳтимоли юқори.

Харидлар соҳасида смарт контрактлардан фойдаланишнинг амалий механизмлари. Смарт контрактларнинг бир нечта турлари мавжуд. Давлат харидлари учун энг мақбуллари куйидагилар [9]:


барча босқичлар алгоритмда тўлиқ ёзилган смарт контрактлар;
шартноманинг асосий қисми қоғозга ёзилган ва фақат ўзаро ҳисоб-китоблар босқичи дастурлаштирилган.

Айни пайтда, Этхереум платформасида* блокчейн технологияларидан смарт контрактлар учун фойдаланиш кенг тарқалган. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган муддат ичида етказиб бериш бўйича маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган. Айни пайтда бундай шартномани бажариш кўп босқичли. Харидор ҳар бир етказиб беришдан сўнг товарларни қабул қилиш тўғрисидаги ички ҳужжатни (қабул қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш тўғрисидаги акт) ишлаб чиқади, уни интернет-харид порталига юклайди (юкларни етказиб бериш учун илова қилинган ҳужжатлар билан бирга), ғазнага етказиб берилаётган партия учун тўловларни амалга ошириш тўғрисида сўров юборади. Ғазначилик маълум муддат ичида аризани кўриб чиқади ва маблағларни етказиб берувчининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиши. Амалга оширилган зарурияти бўлмаган таомиллардан сўнг, етказиб берувчи шартномани бажаргани учун ҳисоб рақамига пул олади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича давлат шартномалари, одатда, яроқлилиқ муддатини таъминлаш учун товарларни тез-тез етказиб беришни талаб қилади. Ушбу операцияларни амалга оширишда вақт, меҳнат харажатлари, мутахассисларга эҳтиёж ва бошқа кўплаб масалалар мавжуд.

Смарт контракт технологиясидан фойдаланиш юқоридаги барча бюрократик тўсиқларга чек қўяди ҳамда белгиланган шартномани узоқ вақт давомида (одатда бир йил давомида) етказиб берувчи ва буюртмачининг вакиллари, айниқса, молиявий назорат органлари ходимларининг иштирокисиз етказиб беришга имкон беради [3, б. 116].

Смарт контракт асосида товарларни етказиб бериш жараёнига блокчейнни киритиш усули



Етказиб берувчи, товарларнинг биринчи туркумини юборган вақтда, блокчейн орқали харидорга етказиб бериш операцияси тўғрисида маълумот блокини юборади (1).

Харидор етказиб берилаётган товарларнинг яроқлилигини тасдиқлайди, етказиб берилган партияни штрих-код билан сканерлайди. Штрихли ўқишни тизимга киритгандан сўнг, етказиб берувчига биринчи блокка бириктирилган қўшимча блок юборилади (2). Шу билан бирга, блокчейн алгоритми етказиб берувчига тўлаш учун шартнома суммасининг тақдим этилган қисмини автоматик равишда кулфдан чиқаради ва бу бўйича блок оқимида маълумот билан мос келадиган блокни қўшади (3). Шартнома бўйича товарларни кейинчалик етказиб бериш билан алгоритм мавжуд занжирга томонларнинг яна бир блокини қўшади (4, 5, 6) ва кейин алгоритмга мувофиқ такрорланаверади.

*Этхереум платформаси – кўплаб марказлашмаган дастурларни қўллаб-қувватлайдиган, жамоат томонидан бошқариладиган технология.

Давлат харидлари амалга ошириладиган интернет-порталдаги ягона ахборот тизимининг дастур кодида блокчейн технологияси билан ўзаро алоқанинг уйғунлигини таъминлаши керак. Белгиланган функционаллик учун етказиб берувчига тегишли тўловни юбориб, товарларни етказиб бериш ва қабул қилиш фактларини автоматик равишда кузатиб бориш бўйича операцияларни белгилаш керак. Шу билан бирга, блокчейн технологияси мижоз ва етказиб берувчи ўртасида амалга оширилган барча операцияларни рўйхатга олишда марказлаштирилмаган сақлашни таъминлайди.

Блокчейн тизимида сотувчи ва хариддорнинг крипто қалитлари очиқ ва ёпиққа бўлинади[10]. Очиқ қалит тизимининг очиқ бирлаштирилган маълумотларига кириш ҳуқуқини беради. Ёпиқ қалит эса, фақат ўзи учун мўлжалланган шахсий маълумотларга кириш ҳуқуқини беради.

Хулоса ва тақлифлар:

– давлат харидлари тизимида блокчейн технологияларини жорий этиш тизимнинг очиқлиги ва ишончилигини таъминлашга хизмат қилади;

– харидларда смарт контрактлардан фойдаланиш мазкур шартномавий муносабатларда инсон омили иштирокини минималлаштиради;

– смарт контрактлар – блокчейнда тузиладиган, белгиланган шартлар вужудга келганда автоматик равишда шарт бажарадиган, шартномага асосланган дастурдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги Фармони, ПФ-6079, 05.10.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/5030957>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори, ПҚ-3832, 05.07.2018, // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3806053>

3. Б.М.Бижоев Основы интеллектуальной контрактной системы в сфере государственных закупок, Journal of economic regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 9, № 1. 2018, 113-117.

4. Госзакупки. Какой должна быть контрактная система? Доклад. Авторский коллектив. Центр стратегических разработок, 2017. С. 96.

5. Ўзбекистон Республикасида Крипто-биржа савдоларини амалга ошириш Қоидалари. №3127-3-сон. 20.12.2019 // URL: <https://lex.uz/docs/4655977>

6. Бижоев Б. М., Обаляева Ю. И. (2017). Перспективы развития публичных закупок в цифровой экономике // Публичные закупки: проблемы правоприменения. Материалы V Международной конференции (9 июня 2017 г., МГУ имени М.В. Ломоносова). М.: Юстицинформ.

7. Зайнобиддинова Ф.Б. Смарт шартномалар асосида инвестициявий фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020) // <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/114>.

8. Э.А.Муминова, С.А.Қаюмов, Корхона молиявий бошқарувида блокчейн технологиясидан фойдаланиш – янги авлод технологияларига ўтиш кафолати, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1, февраль, 2020 йил, 5-б.

9. Простыми словами: смарт-контракты, Ethereum, ICO. [Электронный ресурс]: Безопасность. // URL: <https://kaspersky.ru/blog/ethereum-ico/19025> (мурожаат қилинган сана: 15.03.2021).

10. Савельев А. И. (2016). Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права // Вестник гражданского права, № 3.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

БАБАЕВ Джахонгир Исмаилбекович

Тошкент давлат юридик университети “Фукаролик ҳуқуқи” кафедраси
профессори в.б., юридик фанлар номзоди
E-mail: jahongirbabaev76@mail.ru

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР ОРҚАЛИ ИСТЕЪМОЛЧИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚНИ АНИҚЛАШ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): БАБАЕВ Дж.И. Интернет тармоғида тузилган шартномалар орқали истеъмолчига етказилган зарарни қоплашга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 51-58

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-7>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада чет эл элементи билан мураккаблашган Интернет орқали истеъмолчиларга товар сотиш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш ҳамда ҳимоя қилиш муаммолари таҳлил этилади ва уларнинг ечимлари борасидаги айрим мулоаҳазалар ўртага ташланади. Муаллиф томонидан масофавий савдо ёки хизмат кўрсатишни анъанавий чакана савдо шаҳобчалари ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларида амалга ошириладиган савдо ва хизматдан фарқли жиҳатларга эга экани ва ушбу муносабатлар юзасидан тузилган шартномаларни шартларини бузиш натижасида истеъмолчиларга етказиладиган зарарни қоплашга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашнинг илмий назарий жиҳатлари таҳлил қилинади. Жумладан, кундалик ахборотни алмашишдан тортиб, савдо ва хизмат кўрсатиш муносабатларини вужудга келтириш ва амалга ошириш бўйича шартномалар тузишгача бўлган соҳаларни қамраб олган фукаролик ҳуқуқий муносабатлар таҳлил этилиб, электрон тижорат шаклланиши ва амал қилиши, бу истеъмолчига жуда қулай, турли расмиятчиликлар ва ортиқча вақт сарфламасдан, уйдан туриб товарни харид қилиш ва қўлга киритиш имконини тақдим этиши, сотувчи ва хизмат кўрсатувчиларга эса электрон савдо-сотикни амалга оширишга, хизматларнинг катта турларини таклиф этишга, вақтни ва транспорт билан боғлиқ қўшимча харажатларни камайтириш каби афзалликлари яратиш билан бир қаторда интернет орқали истеъмолчига сотилган товар ва кўрсатилган хизматларнинг сифатсизлиги ва нуқсонли эканлиги ҳолатларида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун истеъмолчи қайси давлат судига мурожаат қилиши лозимлиги ҳақидаги масалалар атрофлича кўриб чиқилди ҳамда таҳлиллар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан илмий назарий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: интернет, халқаро қонунчилик, конвенция, тижорат, истеъмолчи, зарар, жавобгарлик, шартнома, битим, тарафлар.

БАБАЕВ Джахонгир Исмаилбекович

И.о.профессора кафедрesi Гражданского права Ташкентского
государственного юридического университета, кандидат юридических наук, доцент
E-mail: jahongirbabaev76@mail.ru

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ ВОЗМОЖНОГО ПРИЧИНЕНИЯ ВРЕДА ПОТРЕБИТЕЛЮ ПОСРЕДСТВОМ ДОГОВОРА, ЗАКЛЮЧЕННОГО В СЕТИ ИНТЕРНЕТ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы идентификации и защиты прав потребителей при продаже товаров и услуг через Интернет, осложненные иностранным элементом, и даются выводы в решении указанных проблем. Автор анализирует научные и теоретические аспекты определения того, чем электронная торговля или услуга отличается от традиционной торговли и бытовых услуг, а также право на компенсацию ущерба, за причиненный вред в ходе осуществления договора. В частности, обобщаются гражданско-правовые отношения для обеспечения удобств потребителю, начиная с ежедневного обмена информацией до заключения договоров на установление и осуществление торгово-сервисных отношений, формирование и функционирование электронной коммерции. Товары и услуги, реализуемые потребителем через сети Интернет, детально рассматриваются вопросы, обращения потребителей в суд для защиты своих прав в случае некачественной услуги. На основе анализа сделаны научные и теоретические предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: интернет, конвенция, коммерция, потребитель, ущерб, ответственность, договор, соглашение, стороны.

BABAEV Jakhongir

Acting Professor at the Department of Civil Law of Tashkent State University of Law,
Candidate of Legal Sciences, Associate Professor
E-mail: jahongirbabaev76@mail.ru

INTERNATIONAL EXPERIENCE OF PREVENTING POSSIBLE CAUSING TO THE CONSUMER THROUGH CONTRACTS CONCLUDED ON THE INTERNET

ANNOTATION

This article analyzes the problems of identification and protection of rights in the sale of goods and services to consumers via the Internet, complicated by a foreign element, and provides some feedback on their solutions. The author analyzes the scientific and theoretical aspects of determining whether online trade or service is different from trade and service in traditional retail outlets and consumer services, and the right to compensation for damage caused to consumers as a result of breach of contract. In particular, it analyzes civil legal relations, ranging from the daily exchange of information to the conclusion and conclusion of contracts for the establishment and implementation of trade and service relations, the formation and operation of e-commerce, which is very convenient for the consumer. Goods and services sold to the consumer via the Internet the issues of which state court the consumer should apply to in order to protect their rights in case of poor quality and defective services were analyzed and considered in detail. On the basis of these analyzes, scientific and theoretical conclusions have been drawn on the improvement of national legislation.

Keywords: internet, international law, convention, commercial, consumer, damage, liability, contract, agreement, parties.

Технологияларнинг жадал ривожланиши глобаллашув жараёнларининг чуқурлашишини такозо этади, хусусан, ўз-ўзидан халқаро характерга эга бўлган электрон тижоратнинг жадал ўсишини белгилайди. Маҳаллий бозорда мавжуд бўлмаган товарларни масофадан сотиб олиш учун Интернет томонидан яратилган имконият трансчегаравий чакана савдо ривожланишига туртки бўлмоқда. Юридик нуқтаи назардан ушбу ҳодисанинг асосий муаммоларидан бири – бу истеъмолчилар ҳуқуқларини трансчегаравий жиҳатдан ҳимоя қилишдир. Халқаро хусусий ҳуқуқ истеъмолчиларга ҳимоянинг уч турини тақлиф этади: процессуал, коллизиявий ва моддий-ҳуқуқий. Энг муҳими, халқаро судловга тааллуқлилиқ масаласини ҳал қилиш: истеъмолчи иштирокидаги

трансчегаравий шартномадан келиб чиқадиган низони кўришга қайси давлатнинг суди ваколатли? Истеъмолчининг иқтисодий жиҳатдан заиф тараф сифатидаги алоҳида мақоми судловга тааллуқлилика оид умумий қоидалар билан чекланишга имкон бермайди. Европа Иттифоқи (кейинги ўринларда – ЕИ) ҳуқуқи, шунингдек сайёрамизнинг бошқа минтақаларидаги кўплаб мамлакатларнинг ҳуқуқ-тартиботлари, муайян принциплар асосида истеъмолчи иштирокидаги шартномалардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиш бўйича маълум бир давлат судининг юрисдикциясини белгилайдиган махсус процессуал қоидаларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда бундай тартибот мавжуд эмас. Бинобарин, Ўзбекистоннинг истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тизими трансчегаравий жиҳатдан муҳим элементдан маҳрум.

Европа ҳуқуқида бўлгани каби юрисдикция масаласини ҳал қилиш учун асос сифатида бир қатор низоли масалаларни ҳал қилишга хизмат қиладиган мақсадли фаолият мезонидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу мезон цивилистик доктринада ва қонунчиликда ҳали ўз ечимини топмаган янги назарий ва амалий муаммоларни туғдиради – бу “йўналтирилган фаолият”ни таърифлаш, шунингдек истеъмолчи мақомини белгилаш учун билиш зарур бўлган “тадбиркорлик ёки касбий” фаолиятнинг чегаралари муаммоси ҳисобланади [16].

ЕИда истеъмолчилар иштирокидаги шартномалардан келиб чиқадиган низолар бўйича халқаро судловга тааллуқлилиқ қоидалари (2012 йил 12 декабрдаги таҳриридаги) “Чет эл судларининг суд қарорлари судловга тааллуқлилиги, тан олиниши ва ижро этилиши тўғрисида”ги ЕИ Регламенти (кейинги ўринларда – “Брюссель I” Регламенти, илгари 2000 йил 22 декабрдаги таҳрири амал қилган) билан тартибга солинади, у 1968 йилги Фуқаролик ва тижорат низолари бўйича юрисдикция ва суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Брюссел конвенцияси (Конвенция) ўрнига қабул қилинган эди.

“Брюссель I” Регламентининг “Истеъмолчи иштирокидаги шартномаларнинг судловга тааллуқлилиги” номли 4-бўлимида истеъмолчи, одатда, иқтисодий жиҳатдан заиф ва юридик жиҳатдан тажрибасиз тараф экани айтилади [18]. Муқаддиманинг 18-бандида тўғридан тўғри истеъмолчи иштирокидаги шартномада заиф тараф, унинг манфаатларига умумий қоидаларга нисбатан кўпроқ мос келадиган судловга тааллуқлилиқ ҳақидаги қоидалари билан ҳимояланиши кераклиги таъкидланади. Муқаддиманинг 19-бандига кўра, истеъмолчи иштирокидаги шартнома тарафларининг эрк мухторияти судловга тааллуқлилиқни белгилашда чекланади.

Истеъмолчининг таърифини “Брюссель I” Регламентининг 17-моддаси биринчи қисми мазмунидан олиш мумкин: истеъмолчи – унинг бизнеси ёки касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда шартнома тузадиган шахсдир. “Брюссель I” Регламенти қоидалари истеъмолчининг истиқомат қиладиган мамлакатда тижорат ёки касбий фаолиятни амалга оширадиган ёки ҳар қандай усул билан ўз фаолиятини ушбу мамлакат ҳудудига ёки бир нечта давлатлар ҳудудига, шу жумладан истеъмолчининг яшаш жойи ҳудудига йўналтирадиган шахс билан тузилган барча шартномаларга нисбатан, шартнома шундай фаолият билан боғлиқ шартда қўлланилади.

Шундай қилиб, истеъмолчи иштирокидаги шартномаларнинг судловга тааллуқлилиқка оид қоидалар асосида йўналтирилган фаолият назарияси ётади. Бу фанда ҳам, амалиётда ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Йўналтирилган фаолиятнинг мезонлари қандай? Касбий фаолият томонидан унинг фаолияти йўналтирилган бўлишини таъминлаш учун қандай чоралар кўрилиши керак? 1968 йилги Фуқаролик ва тижорат низолари бўйича юрисдикция ва суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Брюссел конвенциясида йўналтирилган фаолият мезони мавжуд бўлмаган. Европа комиссиясининг тушунтиришларига мувофиқ, у “Брюссель I” Регламентига махсус равишда, “истеъмолчи унинг мамлақати ҳудудида мавжуд бўлган интерактив веб-сайтдан фойдаланган ҳолда шартнома тузган ҳолатда, судловга тааллуқлилиқ белгиланиши мумкинлиги аниқ бўлиши учун” қўшилган [4]. Бунда истеъмолчининг ўзи яшайдиган жойда жойлашган пассив веб-сайтдан маҳсулот ёки хизмат ҳақида маълумот олганлиги ҳимоя юрисдикциясини ўрнатиш учун етарли асос бўлмайди.

Истеъмолчиларнинг “пассив” ва “фаол”га бўлиниши Интернет орқали тузилган истеъмолчи иштирокидаги шартномаларга нисбатан қанчалик татбиқ этиш мумкинми, ва мумкин бўлса, қандай доирада бўлиши зарурлиги борасида ҳуқуқий доктрина учта гуруҳга бўлинади. Муаллифларнинг биринчи гуруҳи (Lubitz M., Weitzenböck E.M.) Интернетдаги истеъмолчилар ҳар доим “пассив” деб ҳисоблайдилар [9, 19]. Бу муаллифлар истеъмолчиларни максимал даражада ҳимоялаш тарафдори. Муаллифлардан бири (Lubitz M.) Интернетдан фойдаланадиган тадбиркорларни

“анъанавий” тадбиркорлардан ажратган ҳолда муносабатда бўлмаслик кераклиги ва Интернетда истеъмолчиларга нисбатан ҳимоя режимининг татбиқ этилмаслиги, электрон тижорат учун имтиёзларни яратиши ва шу орқали ЕИдаги эркин бозор ва адолатли рақобатга зид бўлиши мумкинлигини таъкидлайди [12], [20, Б. 19.].

Муаллифларнинг иккинчи гуруҳи (Powell M.D., Turner-Kerr P.M.) истеъмолчи ҳар доим “фаол” ва махсус ҳимоя режимига талабгор бўлишга ҳақли эмас деб ҳисоблайди. Истеъмолчи сайтларга мақсадли равишда ташриф буюради, бундан ташқари, Интернетда товарларни кидириш маълум тажрибани талаб қилади [11].

Учинчи гуруҳ муаллифлари (Jacquemyns L.R., Verbiest T.) “нейтрал” нуқтаи назарга эга ва ўз-ўзидан махсус ҳимоя берилиши мумкин эмас деб ҳисоблашади. Улар ҳар бир ҳолатда вазиятни текширишни ёқлашади. баъзилари истеъмолчиларни ўз-ўзидан “фаол” ёки “пассив” деб малакалаш мумкин эмаслигини айтиб, сайт эгалари истеъмолчиларни жалб қилиш учун фойдаланадиган баъзи усуллар, хусусан, истеъмолчиларни бошқа сайтларга, кўпинча уларнинг хоҳишига зид равишда йўналтирадиган баннерлардан фойдаланишни таъкидлайдилар [8].

Фикримизча, Интернет орқали истеъмолчиларга товарлар сотишда асосий эътибор сотувчи ва товар ҳақида етарли маълумот бериш ҳамда истеъмолчи учун товарни кафолатли етказиб бериш ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам истеъмолчига “жонли” савдода тегишли бўлган ҳуқуқлар, Интернет орқали савдо қилинганда ҳам унга тақдим этилиши ва қўшимчасига бу берилаётган ахборот ишончлилигини текшириш имконияти тақдим этилиши лозим.

Йўналтирилган фаолият мезони Интернетдаги истеъмолчи махсус ҳимоя режимига эга бўлиши мумкинми? – деган саволга нисбатан юридик доктринада ва амалиётдаги юридик ноаниқликдаги мунозарани тугатишга қаратилган. Янги мезон жорий этилиши билан фақат профессионал тараф ўз фаолиятини, бошқа ҳудудлар қатори истеъмолчи жойлашган мамлакатга йўналтирадими ёки йўқми? – деган саволга эътибор бериш керак. Бироқ Регламент “йўналтирилган фаолият” нимани англатишини очиб бермайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Европа Комиссияси “Брюссель I” “Брюссель I” интерактив сайтлар орқали олиб бориладиган савдо-сотикқа ҳам дахлдор эканини тушунтиради. Бу шуни англатадики, тижорат маълумотларини сайт орқали пассив равишда тарқатишни “йўналтирилган фаолият” деб ҳисоблаш мумкин эмас. Истеъмолчилар, ҳеч бўлмаганда, онлайн тарзда шартнома тузиши мумкин бўлиши керак. Шуни таъкидлаш керакки, Европа Комиссияси АҚШ суд амалиётидан келиб чиққан ва Европа ҳуқуқий доктринасида юқорида айтиб ўтилган “нейтрал” нуқтаи назарга тегишли бўлган атамалар ва концепцияни мослаштириб қабул қилди.

Сайт орқали ишлайдиган профессионал тараф фаолияти қайси мамлакатларга йўналтирилганини аниқлашда сайтнинг тили ва валютаси ҳисобга олинмаслиги керак [3]. Баъзи тилларда бир нечта мамлакатларда гаплашади, Интернетда эса инглиз тили универсал бўлиб, сайт қайси давлатда ишлашидан қатъи назар, кенг тарқалган. Бундан ташқари, яна бир савол туғилади. Сотувчи фақат маълум бир тил расмий бўлган давлатларни ёки қаерда бўлишидан қатъи назар, ушбу тилнинг барча биладиган инсонларга йўналтирадими? Ва ниҳоят, евро жорий этилиши билан валюта энди юрисдикциянинг қатъий кўрсаткичи бўлмай қолди (аммо агар маҳсулот нархи, масалан, Швеция кронасида кўрсатилган бўлса, бу профессионал тарафнинг фаолияти Швецияга йўналтирилганини аниқ кўрсатиб туради). Шундан равшанки, миллий индикаторларнинг улуши ва аҳамияти вазиятга қараб фарқ қилади. Шунингдек, сервернинг истеъмолчи жойлашган мамлакатда жойлашиши муҳим, деб ҳисобланиши мумкин эмас [12].

Фаолият йўналтирилганлиги профессионал тарафнинг иш доирасига маълум юрисдикцияларни киритиш ёки аксинча, айрим юрисдикцияларни чиқариб ташлаш бўйича чораларни кўришда ифодаланадими ёки йўқми? – деган масалада фанда ҳали келишувга эришилмаган. Бошқача айтганда, фаолият чиқариб ташланган юрисдикциялардан ташқари бутун дунёга қаратилган ёки аксинча, фақат чекланган мамлакатларга йўналтирилган. Иккала ёндашувнинг ҳам афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, профессионал тараф томонидан ушбу тарафнинг истеъмолчининг яшаш жойидаги юрисдикциясида истеъмолчи билан шартнома муносабатларини тузиш ниятини кўрсатадиган позитив ҳаракатлари бўлиши керак. Бироқ бу шартнома тузиш пайтида истеъмолчи ушбу юрисдикцияда бўлиши керак дегани эмас. Бунинг ўрнига у истеъмолчи билан шартнома тузиш пайтида профессионал тараф ўз фаолиятини йўналтирган юрисдикцияда доимий яшаш жойига эгаллигини намоён этиши зарур. Ушбу ёндашув истеъмолчи юрисдикциялар

ўртасида (масалан, Москва ва Нью-Йорк ўртасидаги парвоз пайтида) ёки қисқа вақт ичида бошқа юрисдикцияда бўлганида (масалан, иш сафари ёки таътил пайтида) сайт орқали профессионал тараф билан шартнома тузиш учун симсиз технологиялардан фойдаланган ҳолатлар учун қулайдир [6].

Профессионал тараф сайт қайси истеъмолчиларга мўлжалланган эканини кўрсатадиган очиқ рўйхатдан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу талаб истеъмолчиларни ўзларини жойлашувини мустақил эълон қилишга мажбур қилади. Бироқ адолат, аниқлик ва олдиндан башорат қилиш манфаатларини кўзлаб, истеъмолчиларнинг ўзини ўзи эълон қилишга эмас, балки маълум бир мамлакатда бизнес олиб боришга қаратилган профессионал ниятларга эътибор қаратиш лозим.

Бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, профессионал тарафнинг ўз фаолиятини бошқарадиган юрисдикцияларни чеклаш чораларига қараш адолатлироқ кўринади. Уларнинг нуқтаи назари бўйича профессионал тараф ўз фаолият соҳасига қайси мамлакатларни киритмоқчи бўлганига эмас, балки қайси мамлакатларни чиқариб ташламоқчи эканига эътибор қаратиш лозим. Масалан, Д.Свантенсон, агар бирон-бир низо тўғридан тўғри Интернетдаги тадбиркорлик фаолияти натижасида келиб чиқса, истеъмолчи одатдаги яшаш жойига эга бўлган давлат судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин деб ҳисоблайди, профессионал тараф ушбу давлатдан истеъмолчилар билан алоқани олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган ҳолатлар бундан мустасно [13].

Бундай чораларга, хусусан, **веб-сайтдаги** рўйхатдан ўтиш пайтида истеъмолчидан яшаш жойини кўрсатиши ёки истеъмолчининг жойлашган жойини аниқлайдиган техник воситалардан (Интернетга уланган компьютер) фойдаланишни талаб қиладиган махсус баёноتلарни айтиш мумкин. Бироқ бундай механизмларнинг мақбуллиги турличадир.

Сайтдаги баёноتلарга келсак, улар сайтда кўрсатилган юрисдикциялардан ташқарида яшовчи истеъмолчилар билан шартномалар тузилишининг олдини олишда умуман самарали эмас. Сотувчи истеъмолчи жойлашган жойидан хабардор бўлганда, у қайси мамлакатларда унга даъво берилиши мумкинлигини тахмин қилишга қодир. Бироқ истеъмолчининг профессионал тарафни чалғитиш муаммоси пайдо бўлади. Агар истеъмолчи рўйхатдан ўтиш жараёнида сайт йўналтирилган мамлакатларнинг бирида турар жойи борлигини эълон қилса, аслида бу тўғри бўлмаса, истеъмолчи “Брюссел I” Регламентида кўрсатилган ҳимоя ҳуқуқига эгами? Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, агар профессионал тараф виждонан иш тутган ва истеъмолчи томонидан чалғитилган бўлса, ҳимоя чоралари қўлланилмаслиги керак [10].

Ушбу ёндашув ҳамма томонидан қўллаб-қувватланмайди. А.И.Савельевнинг таъкидлашича, “сайтда бошқа мамлакатларнинг (ёки алоҳида мамлакатларнинг) истеъмолчилари билан тижорат олиб бориш учун мўлжалланмагани тўғрисида махсус банднинг мавжудлиги, у билан келишилган тақдирда истеъмолчининг яшаш жойида суд юрисдикциясини ўрнатиш имконини истисно этиши мумкин эмас. Аммо агар истеъмолчининг географик жойлашувини олдиндан аниқлаш шаклида махсус ташкилий чоралар мавжуд бўлса ва бу айни вақтда буюртмани исталмаган юрисдикциялардан бериш имконини блокировка қилиш билан бирга жорий этилган бўлса, бундай чоралар мақсадга мувофиқ эмас, -деган хулосага келиш учун етарли бўлиши мумкин” [17].

Истеъмолчининг географик жойлашувини белгилайдиган техник воситаларга (масалан, IP-манзил орқали) келсак, адабиётларда таъкидланишича [10], ушбу усул “номақбул” мамлакатларда жойлашган истеъмолчилар билан шартнома тузиш имкониятини истисно қилиш учун самарали бўлиши мумкин, аммо мазкур воситалар истеъмолчининг масофавий йўл билан шартнома тузиш пайтида у турган жойда домицилий (яшаш жойи қонуни)га эгаллигини кафолатлашга имкон бермайди. Шу билан бирга, профессионал тараф йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган, аммо бундай мамлакатлар рўйхатидан чиқарилган давлат ҳудудида вақтинча жойлашган мамлакатда домицилийга эга бўлган истеъмолчи билан шартнома тузиш имконияти блокраниши мумкин. Америкалик ҳуқуқшунослар ҳаттоки “сотувчилар электрон воситалар ёрдамида йўналтирилган фаолиятни қандай амалга ошириши кераклиги, фойдаланувчиларни қайси давлат қонунлари келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларга бўйсунини олдиндан биладиган тарзда филтрдан ўтказиш бўйича тартибга солувчи ягона унификациялашган принциплар мажмуи”ни шакллантиришни таклиф қилишган эди [14].

Шунингдек, “бизнес ёки касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар”ни аниқлаш қийин [7]. Агар шахс товарлар ёки хизматларни аралаш фойдаланиш учун сотиб олса, масалан, иш пайтида ҳам, оилани ташиш учун ҳам фойдаланадиган машинани сотиб олувчи риэлтор каби ҳолатларда

нима қилиш керак? Яна бир “гибрид” ҳолат: инсон товар ёки хизматларни профессионал фаолият эҳтиёжлари учун сотиб олади, лекин ўзининг профессионал ихтисослигидан ташқарида. Масалан, юрист мегабайт ва пентиумлар ҳақида ҳеч нарса билмаса ҳам, ишлаш учун компьютер сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолатда, ўз ихтисослигидан ташқарида ҳаракат қилиб, у истеъмолчи каби ҳимоя қилинишга лойиқ бўлган малакасиз мутахассис сифатида кўрилиши мумкин. “Брюссель I” Регламенти қоидаларида касбий фаолиятнинг аниқ таърифи бўлмагани сабабли, ушбу ёндашув кичик ва ўрта корхоналарни ҳимоя қилиши мумкин [15].

Бироқ 2005 йилдаги *Johann Gruber v. Bay Wa* ишида Европа суди шундай қарор чиқарди: “Ўз бизнесига ёки касбий фаолиятига қисман дахлдор мақсадлар учун шартнома тузган шахс 1968 йилги Фуқаролик ва тижорат низолари бўйича юрисдикция ва суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Брюссел конвенцияси 13–15-моддаларида белгиланган юрисдикциянинг махсус қоидаларини қўллашга талабгор бўлиши мумкин эмас, бизнес ёки касбий фаолият етказиб бериш умумий контекстидан келиб чиқиб, ҳисобга олинмайдиган даражада чекланган ҳолатлар бундан мустасно” [2].

Электрон тижоратда сотувчининг шартнома тузувчи тараф мақомини аниқ-равшан билиш қобилияти кўпинча харидор билан бевосита алоқанинг йўқлиги туфайли анча мураккаблашади [1]. Баъзи ҳуқуқшунос олимлар ҳимояловчи нормалар қўлланилиши харидор мақомидан амалда ёки тахминан хабардор бўлишига боғлиқ, - деган фикрда. Уларга сотувчининг харидор мақомидан хабардорлигини аниқлашда, товар ёки хизматлар хусусиятини ҳисобга олиш кераклиги нисбатан аниқ кўринади [5].

“Брюссель I” Регламентининг 18-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, истеъмолчи шартнома бўйича бошқа тарафга қарши даъво қўзғатиб, уни ушбу тараф жойлашган мамлакат судига ёки бундай тарафнинг жойлашган жойидан қатъи назар, истеъмолчи жойлашган мамлакат судига бериши мумкин. Шу билан бирга, қарама-қарши тараф истеъмолчига нисбатан фақат у яшаётган мамлакат судига даъво билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (18-модданинг иккинчи қисми). Бироқ бу бирламчи даъво берилган судга қарши даъво киритиш ҳуқуқига дахл қилмайди (18-модданинг учинчи қисми).

Тарафлар келишуви билан “Брюссел I” Регламентидан воз кечиш фақат учта ҳолатда мумкин: *биринчидан*, агар бундай келишув низо пайдо бўлганидан кейин тузилган бўлса; *иккинчидан*, агар бундай келишув истеъмолчига “Брюссел I” Регламентида белгилаб қўйилгандан бошқа судларда даъво қўзғашга имкон берса; *учинчидан*, агар истеъмолчи ва қарама-қарши тараф ўртасида шартнома тузилган бўлиб, уни тузиш пайтида икки тараф ҳам бир ЕИ давлатида яшаш жойига ёки одатий турар жойга эга бўлса ва бундай келишув ушбу мамлакат судларининг юрисдикциясини белгиласа ҳамда бундай келишув ушбу мамлакат ҳуқуқига зид бўлмаса (“Брюссель I” Регламентининг 19-моддаси).

“Брюссель I” Регламентининг қоидалари Интернет орқали иш олиб борадиган профессионал тараф ЕИнинг ҳар қандай давлатида суд таъкибига учраш хавфини туғдирадиган сценарийни келтириб чиқаради, - деган хавотир мавжуд. Таъкидланишича, бу онлайн режимда бизнес фаолиятини юритиш харажатларини сезиларли даражада оширади. Натижада кичик ва ўрта корхоналар ўз махсулотларини онлайн тарзда ЕИ истеъмолчиларига таклиф қилишдан ўзини тия бошлайди. Бу Европада электрон тижоратнинг ривожланишини секинлаштириши мумкин [10].

Хуллас, 1968 йилги Фуқаролик ва тижорат низолари бўйича юрисдикция ва суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Брюссел конвенциясидаги нормалар билан таққослаганда, қайта тузилган “Брюссел I” Регламенти қоидалари ўз таъсирини Интернетда тузилган шартномаларга ҳам татбиқ этади, аммо йўналтирилган фаолият концепциясини қўллаш билан боғлиқ масалалар ўз долзарблигини нафақат йўқотмади, балки янада долзарб бўлди.

Миллий қонунчиликда “Брюссел I” Регламенти қоидаларига ўхшаш нормалар мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1195-моддасига кўра, товарни сотиб олиш, ишни бажариш ёки хизматни кўрсатиш муносабати билан истеъмолчи кўрган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабга нисбатан истеъмолчининг хоҳишига кўра: истеъмолчининг турар жойи жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи; ишлаб чиқарувчи ёки ишни бажарган, хизмат кўрсатган шахснинг турар жойи ёки манзили жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи; истеъмолчи товарни сотиб олган, иш натижасини қабул қилган ёки унга хизмат кўрсатилган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланади.

Бироқ ушбу нормадан Интернет орқали тузилган шартномаларда истеъмолчи бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишни сўра қайси мамлакат судига мурожаат қилиш масаласи аниқлаштирилмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги

Конуннинг 29-моддасидан англашилишича, агар истеъмолчи Интернетда тузилган шартноманинг тарафи сифатида ҳаракат қилса, у ҳолда даъвогарнинг яшаш жойида (турган жойида), битим тузилган жойда ёки амалга оширилган жойда судга даъво берилиши мумкин. Шу билан бирга, истеъмолчини шартнома асосида ушбу ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки чеклаш мумкин эмас.

Истеъмолчилар иштирокидаги шартномалардан келиб чиқадиган низоларнинг халқаро юрисдикцияси тўғрисидаги қоидаларни ишлаб чиқишда Европа тажрибасини ҳисобга олиш керак. Халқаро шартнома ҳуқуқида тарафлар эрк мухториятининг устунлиги шароитида истеъмолчи иштирокидаги шартномалар бўйича музокаралар олиб боровчи кучларнинг тенгсизлиги истеъмолчилар ҳуқуқларини бузиши мумкин. Шунинг учун истеъмолчи иштирокидаги шартномаларда ваколатли судни ҳам, қўлланадиган ҳуқуқни ҳам танлашда тарафларнинг эрк мухториятини чеклаш замонавий ёндашув ҳисобланади. Европа хусусий ҳуқуқи истеъмолчининг заиф ва ҳимояга, шу жумладан, халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси соҳасида муҳтож тараф, - деган презумпцияни илгари суради. Жумладан, истеъмолчи ҳар доим ўзи яшайдиган мамлакатда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (ҳам даъвогар, ҳам жавобгар сифатида иштирок этганида) ва истеъмолчи иштирокидаги шартномаларда юрисдикцияга оид ҳаволанинг амал қилиш муддати чекланади.

Хулоса сифатида айтганда, Интернет орқали тузилган ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган шартномавий муносабатларда истеъмолчига етказилган зарарларни қоплашга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ аниқлаш, бунда қайси судга мурожаат этиш масалаларини қонунчилик даражасида назарда тутиш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги бу борада аниқ ечимларни бермайди. Шу сабабли Интернет тармоғида вужудга келадиган муносабатларни ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига истеъмолчиларга Интернет тармоғи орқали товар сотиш ва хизмат кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Benno J. Consumer Purchases through Telecommunications in Europe – Application of Private International Law to Cross-Border Contractual Disputes. Oslo. 1993. P.81.
2. Case C-464/01 // European Court Reports. 2005. I-00439.
3. Debussere F. International Jurisdiction over E-Consumer Contracts in the European Union: Quid Novi Sub Sole? // International Journal of Law and Information Technology. 2002. Vol. 10. – №3. P.358.
4. European Commission, Justice and Home Affairs DG Statement on Articles 15 and 73 // URL: http://ec.europa.eu/civiljustice/homepage/homepage_ec_en_declaration.pdf (дата обращения: 30.08.2015).
5. Foss M., Bygrave L.A. International Consumer Purchases through the Internet: Jurisdictional Issues pursuant to European Law // International Journal of Law and Information Technology. 2000. Vol. 8. P.108.
6. Gillies L.E. Addressing the “Cyberspace Fallacy”: Targeting the Jurisdiction of an Electronic Consumer Contract // International Journal of Law and Information Technology. 2008. Vol. 16. – №3. P.268.
7. Howells G., Reich N. The Current Limits of European Harmonization in Consumer Contract Law // ERAForum. 2011. – №12. P.41.
8. Jacquemyns L.R., Verbiest T. L’offre de services et produits financiers sur internet // RDAI. 2000. – №1. P.27.
9. Lubitz M. Jurisdiction and Choice of Law for Electronic Contracts: an English Perspective // Computer und Recht. 2001. – №39. P.41.
10. Øren J.S.T. International Jurisdiction Over Consumer Contracts in E-Europe // The International and Comparative Law Quarterly. 2003. – №52. P.675.
11. Powell M.D., Turner-Kerr P.M. Issues in e-commerce – European Union: Putting the e- in Brussels and Rome // Computer Law & Security Report. 2000. – №23. P.24.
12. Stone P. Internet Consumer Contracts and European Private International Law // Information & Communication Technology Law. 2000. – №6. P.8.

13. Svantensson D. What Should Article 7 — Consumer Contracts, of the Proposed Hague Convention, Aim to Accomplish in Relation to E-Commerce? // *Computer Law & Security Report*. 2001. Vol. 17. — №5. P.323.
14. Vartanian T.P. Whose Internet is it Anyway? The Law of Jurisdiction in Cyberspace: Achieving Legal Order Among the World's Nations. 2000 Global Internet Summit, 13–14 March 2000 // URL:<http://www.kentlaw.edu/cyberlaw/resources/globalsummit.rtf> (дата обращения: 30.08.2015).
15. Wild C., Weinstein S., Riefa C. Council Regulation (EC) 44/2001 and Internet Consumer Contracts: Some Thoughts on Article 15 and the Futility of Applying 'in the box' Conflict of Law Rules to the 'out of box' Borderless World // *International Review of Law, Computers & Technology*. 2005. Vol. 19. — №1. P.16.
16. Резник Р.С. Международная подсудность споров из договоров с участием потребителя // *Право. Журнал Высшей школы экономики*. 2015. — №4. — С. 165-173.
17. Савельев А.И. Электронная коммерция в России и за рубежом: правовое регулирование. — М., 2014.
18. Современное международное частное право в России и Евросоюзе. Кн. 1: монография / под ред. М.М.Богуславского, А.Г.Лисицына-Светланова, А.Трунка. — М., Норма, 2013. — Б. 293.
19. Weitzenböck E.M. Determining Applicable Law and Jurisdiction in contractual disputes regarding virtual enterprises. July 2002.
20. Рустамбеков И.Р. Интернет тармоғидаги фуқаролик-хуқуқий муносабатларни тартибга солиш: Юрид. фан. докт. дис. ...автореф. — Тошкент: 2017.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ.

ИШАНХОДЖАЕВ Саидахмад Акрамович

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти
Бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди
E-mail: saidaxmadxon76@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИГА ОИД МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИШАНХОДЖАЕВ С.А.
Ўзбекистонда меҳнат миграциясига оид механизмларни такомиллаштиришга оид айрим масалалар
// Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 59-64

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда сўнги йиллар ичида меҳнат миграцияси соҳасида амалга оширилган ислохатлар, жумладан, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва институционал ўзгаришлар ёритилган, ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга механизмлари уларнинг самарадорлиги ҳамда уларни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: меҳнат миграцияси, меҳнакаш-мигрант, ихтисослашган махсус касса, ижтимоий ҳимоя ягона реестри, кафил, суғурта, кредит, «labor-migration» дастурий мажмуаси, кам таъминланган фуқаролар.

ИШАНХОДЖАЕВ Саидахмад Акрамович,

Главный научный сотрудник Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе, кандидат юридических наук
E-mail: saidaxmadxon76@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ, СВЯЗАННЫЕ С СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕМ МЕХАНИЗМОВ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются реформы проводимые государством в сфере трудовой миграции за последние годы, в том числе, принятые нормативно-правовые документы и институциональные изменения, реализация поставленных задач, и их эффективность. Выработаны предложения по совершенствованию механизмов существующих в рамках трудовой миграции.

Ключевые слова: трудовая миграция, трудящийся мигрант, специализированная касса, единый регистр социальной защиты, поручитель, страхование, кредит, программный комплекс «labor-migration», малообеспеченные граждане.

ISHANKHODZHAEV Saidakhmad

Chief Researcher, Institute for Problems of Legislation and Parliamentary
Research under the Oliy Majlis, Candidate of Legal Sciences
E-mail: saidaxmadxon76@mail.ru

SOME ISSUES RELATED TO IMPROVING THE MECHANISMS OF LABOR MIGRATION IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article highlights the reforms carried out in the field of labor migration in recent years in our country, including the adopted regulatory documents and institutional changes, the implementation of the tasks set in these documents, their effectiveness and proposals for their improvement.

Keywords: labor migration, migrant worker, specialized fund, unified register of social protection, guarantor, insurance, credit, “labor-migration” software, low-income citizens.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграция жараёнларини тартибга солишга қаратилган янги бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид давлат дастурининг 204-бандида, “Меҳнат миграцияси тўғрисида” ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳамда ташқи меҳнат миграцияси бўйича ваколатли давлат органларига янги вазифалар белгиланганлиги соҳанинг ривожланишида муҳим туртки бўлди.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда, хорижда ишлаётган Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларга нисбатан давлатимиз томонидан муносабат ўзгариб, улар билан мулоқот ўрнатилди, ҳамда меҳнат миграция жараёнларни тартибга солиш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, меҳнат миграция жараёнларини тартибга солувчи янги тизим жорий этилди [1-12].

Ушбу тизимни ташкил этишнинг асосий омилларидан бири бўлиб куйидагилар ҳисобланади, хусусан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра кўра мамлакатимизда аҳоли сони 34 миллион 558 минг 913 киши ўтган йилга нисбатан ўсиш 653,7 минг кишини ёки 1,9% ни ташкил этганлиги [2] ҳамда меҳнатга лаёқатли фуқароларни иш билан таъминлаш имкониятининг чекланганлиги ва бунинг натижасида хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорлардаги бўш иш ўринларига ташкилий тартибда ишга жойлаштириш эҳтиёжи вужудга келаётганлиги ҳамда узоқ муддатли меҳнат миграциясидан қайтиб келган ўзбекистонлик фуқароларга реинтеграция дастурларни жорий этилганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги 3584-сонли “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан транспорт орқали чет элга жўнаб кетиш вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 7-бандининг 5-хат бошисида, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК томонидан Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг электрон маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган, вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун жўнаб кетаётган фуқаролар учун плацкарт ва умумий вагонларга бўлган темир йўл билетларининг нархини шунингдек эконоом классдаги авиабилетларга бўлган нархларга 20 фоиз миқдорда чегирмалар берилиш асосида чипталар сотиш белгиланди. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳудудий филиалларида 14 та ихтисослашган махсус кассалар ташкил этилди.

2019 йилда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳудудий филиалларига имтиёзли чипталарни харид қилиш мақсадида, 159428 нафар фуқаролар мурожаат қилган. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ихтисослашган кассаларида 131643 нафар меҳнат мигрантларга, 95231 та 72% авиачипталар (эконоом класс), 36421 та 28% темирйўл (плацкарт ва умумий вагонлар) га чипталар сотилган [13].

Шунингдек, 2021 йилнинг 30 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаро авиацияси корхоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

тўғрисида” ПҚ-5100-сонли қарори қабул қилинди, ушбу қарорнинг 1-иловасида “Uzbekistan Airways” АЖда трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича йўл харитаси 6-бандининг 3-кичик бандига асосан, вақтинчалик меҳнат фаолиятни амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқаролар учун иқтисодий (эконом) класс авиачипта нархларига 20 % миқдордаги чегирмани бекор қилиш белгиланди [14]. Бунинг асосий сабабларидан бири бўлиб, “Uzbekistan Airways” АЖнинг харажатлар қисмини оптималлаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4829-сонли қарорининг 11 - бандига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оила аъзоси сифатида эътироф этилган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган шахсларга микроқарзлар хорижда ишга жойлашиш (шу жумладан, йўл ҳақини тўлаш ва меҳнат фаолиятига рухсат олиш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 10 миллион сўмгача миқдорда бир йил муддатга берилиши ва микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиниши белгиланди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2020 йилнинг 31-декабрида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ўртасида “Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига микроқарзлар берилишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум” ҳамда 2021 йилнинг 11 январида “Мақсадли кредит линия очиш ҳақида бош келишув” имзоланди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йилнинг 15 май ҳолатига кўра [13], Халқ банки АТБнинг худлардаги филиаллари орқали ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқароларга ўн миллион сўмлик микроқарзлар бор йўғи бир кишига ажратилганлиги бир қатор саволларни туғилишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолат юзасидан ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, АТБ “Халқ банки”нинг 10000000 (ўн миллион) сўмлик микроқарзларни олиш тартиби (Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат банки, Халқ банки Бошқарувининг 2021 йил 9 февралдаги 16/15- сонли қарор билан тасдиқланган) бўлиб, унга кўра, қарз олувчининг ва биргаликда қарз олувчининг паспорт нусхалари (таъминот сифатида учинчи шахснинг кафиллиги тақдим қилинганда паспорт нусхаси) ва фақатгина “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларгина имтиёзли микроқарзлар олиш имконияти мавжуд эканлиги фуқаролар томонидан кафил ва қўшимча қарздорни топишларида муаммоларга дуч келаётганликлари аниқланди. Яъний, доимий иш жойига ва даромад манбаига эга бўлмаган фуқаролар томонидан кафил бўлиш истагида бўлган фуқароларни топишлари қарз олувчи учун муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда [14, Б. 6.].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сонли “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорнинг 4-иловаси, 5-бандида барча вилоятлардаги кам таъминланган оила аъзоси сифатида эътироф этилган фуқаролар бўйича маълумотлар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда “labor-migration” дастурий мажмуасини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан интеграция қилиш белгиланган бўлса-да, ҳозирги кунда Сирдарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Жиззах ва Бухоро вилоятларидаги кам таъминланган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар интеграция қилинган [15].

Шунингдек, 2021 йилнинг 5 ойлик Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хорижий иш берувчилар иштирокида қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлаш истагини билдирган фуқаролар учун 76 маротаба танловлар ўтказилган. Танловларда 18,6 минг фуқаро иштирок этиб, улардан хорижга ишга юборилганлар сони 17457 нафарни ташкил этди. Шундан, (Россия-15150, Қозоғистон-1795, Корея-420, Литва-57, Саудия Арабистони-19, Туркия-7, БАА-5, Болгария-4) нафар ҳисобланади.

Ишга жойлаштирилганларнинг 9746 таси Россия Федерацияси Ҳукумати Оператив Штаби рухсати билан йирик иш берувчилар томонидан тўғридан-тўғри, 7604 таси Ташқи меҳнат

миграцияси агентлиги, 107 таси хусусий бандлик агентликлари хиссасига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат мигрантларининг хориждаги иш фаолияти соҳалар бўйича:

Россия Федерацияси (1046731 нафар) - қурилиш, транспорт ва логистика (фуқаролик/юк ташиш), қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизматлар;

Қозоғистон (345906 нафар) - қурилиш, қишлоқ хўжалиги, **Жанубий Корея (36.085 нафар)** - оғир ва енгил саноат, ишлаб чиқариш;

Туркия (73354 нафар) ва Бирлашган Араб Амирликлари (9676 нафар) - савдо, умумий овқатланиш, хизматлар, ижтимоий таъминот (ёлғиз яшаётган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кекса, ногирон ва ёш болаларга яқка тартибда қараш ва парваришlash);

АҚШ (17140 нафар), Европа мамлакатлари (12593 нафар), бошқа давлатлар (47192 нафар) - саноат, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва логистика, ижтимоий таъминот (ёлғиз яшаётган ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кекса, ногирон ва болаларга яқка тартибда қараш ва парваришlash) соҳаларига тўғри келиб, бандлигиқурилиш соҳасида - 51,1 %, савдо ва бошқа маиший хизмат ишларида – 10,0 %, саноат корхоналарида - 9,0%, қишлоқ хўжалигида - 9,9 %, бошқа йўналишларда – 20,0% меҳнат фаолиятини юритишмоқда. Юқоридаги кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда, ҳозирги кунга қадар хорижда ишлаш мақсадида жўнаб кетаётган фуқароларга бор йўғи бир нафарига ўн миллион сўмлик (10 000 000) микроқарз берилганлигини қандай изохлаша бўлади?

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фуқароларимизга қўшимча имкониятларни тақдим этиш мақсадида суғурта полисларини асосий таъминот тури сифатида киритилишини мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Маълумот учун, “Кафолат суғурта компанияси” АЖ томонидан қуйидаги хизмат турлари жорий этилган бўлиб, унда:

-ишга жойлашишга патент ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар берилишини рад этилишини таваккалчилигини суғурта қилиш тури;

- хорижда ишга жойлашиш бўйича транспорт харажатлари ва бошқа харажатларни тўлаш учун берилган кредитларнинг қайтарилмаслиги таваккалчилигини суғурта қилиш белгиланган;

Суғуртакомпаниясининг кредитлаш регламентига кўра, суғурта хизматидан фойдаланувчилар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, резидентлар ва норезидентлар ҳисобланади. Суғурта даври, суғурта пули, суғурта мукофоти томонларнинг келишувига асосида белгиланиши кўрсатиб ўтилган [16].

Юқоридаги маълумотларга асосан, қуйидаги тақлифларни келтириб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, 2020 йилнинг 31 декабрида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ўртасида “Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига микроқарзлар берилишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум” ҳамда жорий йилнинг 11-январидида “Мақсадли кредит линия очиш ҳақида бош келишув”га ўзгартириш киритиш зарур. Унда фуқароларимизга қўшимча имкониятларни тақдим этиш мақсадида суғурта полисларини асосий таъминот тури сифатида киритилишини мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинсада, жойлардаги мутасадди раҳбарлар ва фуқароларнинг ушбу фармон ва қарорлар бўйича хабардорлик даражаси ва савияси юқори бўлмас экан, ижобий натижага эришиш мумкин эмас. Бунинг учун биринчидан, меҳнат миграцияси соҳасига бевосита алоқадор бўлган шахсларни ҳар йил бир маротаба ушбу соҳанинг етакчи мутахассислари ва илмий тадқиқотчилар иштирокида ўқув курсини ташкил қилиш, иккинчидан, жойларда бир марталик акция сифатида меҳнат миграциясига оид кўрсатувларни тайёрлаш эмас, балки доимий равишда телевидения каналларида меҳнат миграциясига оид камида ҳафтада бир маротаба кўрсатувларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, барча вилоятлардаги кам таъминланган оила аъзоси сифатида эътироф этилган фуқаролар бўйича маълумотларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида тўлиқ шакллантириб, “labor-migration” дастурий мажмуаси тизимида интеграция қилиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётга бевосита қўллаш вазифаси

юклатилган ташкилотлардаги ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва жойларда амалиётга қўллаш кўникмаларни ҳосил бўлганлиги бўйича баҳолаш мезонларига оид дастурларни жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Тўртинчидан, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида тузиладиган келишувлар ва битимлар бўйича мутасадди раҳбарларнинг меҳнат миграцияси бўйича юқори савияси ва амалий тажрибасига эга бўлган шахслар томонидан шакиллантирилиб, имзоланишини мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида шуни такидлаб ўтиш керакки, меҳнат миграциясига оид механизмлар жорий этилган бўлиб, уларнинг самарали фаолияти фуқароларимизни ортқча сарсон саргардонликдан ҳамда хорижда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-632-сон 13.08.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4948398>;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун. 20.10.2020 ЎРҚ-642-сон // URL: <https://lex.uz/docs/5055690>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги 3584-сонли “Вактинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан транспорт орқали чет элга жўнаб кетиш вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор // URL: <https://lex.uz/docs/3578933>;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор. // URL: <https://lex.uz/docs/3903307>;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 майдаги 3743-сонли “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини очиш тўғрисида”ги Қарор // <https://lex.uz/docs/4884762>;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 августдаги 5785-сонли “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармон // URL: <https://www.lex.uz/docs/4486611>;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги 713- сонли “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор // URL: <https://lex.uz/docs/4486611>;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 39-сонли “Уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига кўп квартиралар уйлардан хонадонлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Қарор // URL: <https://lex.uz/docs/4717180>;
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилнинг 25 мартдаги 182-сонли “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарор // URL: <https://lex.uz/docs/4774086>;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги 4804-сонли “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор // URL: <https://lex.uz/docs/4945748>;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 15 сентябрдаги 4829 - сонли “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарор. // URL : <https://lex.uz/docs/5138927>;
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги 6126-сонли “Ипотека кредити механизмлари янада такомиллаштирилиши мунсабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим

ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармон. // URL : <https://lex.uz/docs/5146838>

13. Население Узбекистана превысило 34,5 миллиона. // <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/16/statistics/>

14. Отажонов А.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграциясини ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга доир муаммо ва ечимлар // Қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва қонунчилик техникаси усулларини жорий этиш: илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2021. – Б. 3-7.

15. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Ташқи меҳнат миграцияси ҳолати, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида йиғма-таҳлилий маълумотга асосан.

16. Кафолат суҳурат компанияси томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари тури. Меҳнат мигрантларини суғуртавий ҳимоялаш. // http://www.kafolat.uz/content/about/general/#uz/info/private_customers/migrant/

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

ИБРОҲИМОВА Зулхумор Солих кизи

Тошкент давлат юридик университети докторанти

E-mail: zulxumor2021@mail.ru

ОИЛАГА ҚАРШИ АЙРИМ ЖИНОЯТЛАРНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ МОТИВИДАГИ “ПАСТ НИЯТ” ТУШУНЧАСИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ИБРОҲИМОВА З.С. Оилага қарши айрим жиноятларнинг субъектив томони мотивидаги “паст ният” тушунчаси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 65-70

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-9>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қончилигида оила ва оилавий муносабатларга қарши жиноятларнинг субъектив томони кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан Ўзбекистон ЖКнинг “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” номли V бобида белгиланган оила институтига қарши тажовуз қиладиган айрим жиноятлар таркиблари субъектив томонида паст ният мотиви илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Жумладан, болани алмаштириб қўйиш, фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш каби жиноятларни содир этишда айбдорнинг жиний нияти, мотивацияси атрофлича кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан оилага қарши жиноятларнинг субъектив томони умумий ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, илмий-назарий хулосаларга келинган.

Калит сўзлар: Оила, болани алмаштириб қўйиш, субъектив томон, айб, мотив, тўғри қасд, ғаразгўйлик ва паст ният.

ИБРОҲИМОВА Зулхумор Солих кизи,

Докторант Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: zulxumor2021@mail.ru

ПОНЯТИЕ «НИЗМЕННЫХ ПОБУЖДЕНИЙ» В МОТИВЕ СУБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ НЕКОТОРЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ СЕМЬИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрена субъективная сторона преступлений против семьи и семейных отношений в уголовном законодательстве Республики Узбекистан. Автором с научно-теоретических и практических позиций анализируются признаки субъективной стороны составов некоторых преступлений против института семьи, определенных в главе V «Преступления против семьи, молодежи и нравственности» УК Узбекистана. Так, всесторонне рассмотрены преступные

побуждения, низменные побуждения как мотивация совершения подмены ребенка, разглашения тайны усыновления. Автором анализируются общие и отличительные аспекты субъективной стороны преступлений против семьи и сделаны научно-теоретические выводы.

Ключевые слова: Семья, подмена ребенка, субъективная сторона, вина, мотивация, прямой умысел, корыстные и низменные побуждения.

IBROKHIMOVA Zulkhumor

Tashkent State University of Law, PhD candidate

E-mail: zulxumor2021@mail.ru

THE CONCEPT OF “BASE MOTIVES” IN THE MOTIVE OF THE SUBJECTIVE SIDE OF SOME CRIMES AGAINST THE FAMILY

ANNOTATION

This article examines the subjective side of crimes against family and family relations in the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan. From a scientific, theoretical and practical standpoint, the author analyzes the signs of the subjective side of the elements of some crimes against the institution of the family, defined in Chapter V “Crimes against family, youth and morality” of the Criminal Code of Uzbekistan. Thus, mercenary motives, low implications are comprehensively considered as the motivation for the substitution of a child, disclosure of the secret of adoption. The author analyzes the general and distinctive aspects of the subjective side of crimes against the family and draws scientific and theoretical conclusions.

Keywords: Family, evasion, subjective side, guilt, motivation, direct intention, base motives, mercenary and sordid implications.

Жиноят таркибида субъектив томон муаммоси муҳим жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Ушбу тушунчанинг мазмунини аниқлаш бир қатор назарий ва амалий саволларга (жиноят таркиби тузилиши, унинг субъектив томони ҳажми ва мазмуни) тўғри жавоб беришга имкон беради. Жиноят моҳияти, унинг ижтимоий хавфи кўп жиҳатдан жиноят содир этишга бўлган субъектив мотивация, интилиш, истак, майл билан белгиланади. Жиноят таркибининг бошқа элементларидан фарқли ўларок, жиноят ҳуқуқи нормалари деярли ҳар доим жиноят таркибининг субъектив томонига ишора беради. Қонун чиқарувчи, қоида тарқасида, ушбу элементнинг аломатларини айбдор шахснинг мотивацияси, ҳис-туйғулари ва ҳ.к. орқали ифодалайди.

Жиноятларнинг субъектив томони жиноят қонунида белгиланган, ижтимоий хавфли тажовузнинг ички (рухий) томонини тавсифловчи белгилар мажмуида намоён бўлади, улар айбнинг аниқ шаклида, мотивда, тажовузнинг мақсади ва жиноят субъектининг эмоционал ҳолатидан иборат.

Қасддан содир қилинган жиноятларни квалификация қилиш учун нафақат айбнинг шакли, балки ниятнинг йўналиши ҳам муҳим аҳамиятга эга, бунда муайян ижтимоий хавфли оқибатларга конкрет усуллар орқали эришиш учун субъектнинг маълум майл-истаклар, мотивлар билан тақозо этилган иродавий ҳаракатларини йўналтириш тушунилиши керак.

Айтиш лозимки, мотив дефиницияси жиноят қонунида берилмаган. Ваҳоланки, алоҳида жиноят таркибларини тузишда қонун чиқарувчи турли тушунчаларни мотив ишораси сифатида қўллайди. Шу билан бирга, қарийб барча қўлланадиган мотивацияни белгилловчи тушунчалар тўғридан-тўғри ва қонунни қўлловчи учун мотивни англаб етиш, идрок этиш, талқин этишда муаммо туғдирмайди (тамагирлик, ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват, диний таассублар ва ҳ.к.). Айни чоғда жиноят мотивини тушуниш, конкрет жиноят таркиби мотиви ўрнида қўлланадиган тушунчага қонун чиқарувчи қандай мазмун сингдираётганига боғлиқ [1].

Тадқиқотчи У.Закирова барча мотив ва мақсадларни жамлаган ҳолда уларни 1) ғаразли; 2) ғаразли бўлмаган; икки гуруҳга ажратишади [2]. Бироқ, назаримизда, мотив ва мақсадларни бу каби фақат икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Боиси У.Закирова ғаразли мотив ва мақсадларга қонун чиқарувчи томонидан аниқ-равшан кўрсатилган мотив ва мақсадларни киритади (тамагирлик йўли билан; ғаразгўйлик ниятларида; ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб; безорилик мотиви; миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирида; ўч олиш мотиви мол-

мулкини талон-торож қилиш ва бошқалар). Ваҳоланки, паст ниятлар қонун чиқарувчи томонидан ҳеч қандай шаклда аниқ кўрсатилмайди. Шу маънода О.С.Ивченко томонидан илгари сурилган ўзига хос мотивлар таснифи қизиқиш уйғотади. У жинойтнинг мотивини учта гуруҳга ажратиб кўрсатади: 1) жинойт қонуни маълум бир қилмиш учун жинойий жавобгарлик белгиланишига оид мотивлар (масалан, ўғирлик); 2) жинойт қонунчилигида жазони оғирлаштиришни кўзда тутадиган моивлар (масалан, тамагирлик, безорилик, ўч олиш, миллий, ирқий, диний адоват ёки душманлик мотивлари, бошқа жинойтни яшириш ёки уни содир этишни осонлаштириш мақсади ва бошқалар); 3) жинойт қонунчилигида жазони енгиллаштиришни кўзда тутадиган мотивлар (масалан, раҳм-шафқат мотиви, жабрланувчини азобдан қутқариш мақсади ва бошқалар) [3]. Сўнгги турдаги мотивларга масалан, эвтаназия жинойтини киритиш мумкин.

Бугунги кунда “паст ниятлар” тушунчаси ЖКнинг айрим жинойт таркибларида мавжуд. “Паст ниятлар” атамаси жинойт қонунчилигида анча кенг қўлланилади, у масалан, ЖК 124, 125, 131, 133, 137, 139, 141², 227, 230¹-моддалар таркиби конструктив тузилишига субъектив томоннинг белгиси сифатида қўшилган. Кўп ҳолларда у ғаразли ниятлар билан бирга келади (бунда ғаразли ва бошқа паст ниятлар деб қайд этилади). Демак, ғаразли ният шак-шубҳасиз, паст ниятлардан бири ҳисобланади, лекин, қонун чиқарувчи наздида, бошқа паст ниятлар ҳам мавжуд. Бинобарин, паст бўлмаган мотивлар ҳам кўзда тутилган.

Афсуски, мазкур илмий-назарий ва амалиёт муаммоси, унга юридик адабиётда деярли эътибор қаратилмагани сабабли, янада чуқурлашади. Ҳанузгача жинойт ҳуқуқи доктринасида шахснинг паст ниятлари тўғрисида барқарор илмий қарашлар ишлаб чиқилмаган, қайси мезонларга кўра ва нима учун у ёки бу мотивни паст деб топиш лозимлиги мавҳум. Бугунги жинойт қонунчилигида ҳам мазкур тушунча мазмунини конкрет нормада очмасдан фойдаланилади, олимлар ва мутахассислар томонидан паст мотивлар рўйхати, анча ўзбилармонлик билан, субъектив равишда тузилади.

Юридик адабиётларда пастлик (шухратпарастлик, тубанлик, разиллик, кўрқоқлик, бурчни нотўғри тушуниш ва бошқ.) жуда кенг тушунилади [4]. Жумладан, профессор А.Отажоновнинг ёзишича, жинойт субъектив томони мотивининг “паст ният” тушунчаси жинойт таркибининг ўзига хос мазмунидан келиб чиқади ҳамда у жинойт таркибининг зурурий белгисига киритилган бўлса, фақат айбдорнинг қасди паст ниятларда содир этилган тақдирдагина келиб чиқади. Хусусан, болани алмаштириб қўйиш (ЖК 124-м.) ёки фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (ЖК 125-м. 2-қ. “б” банди) жинойтларида бошқа паст ниятлар деганда, айбдорнинг бола қариндошларидан, боладан ёки фарзандликка олган шахслардан ўч олиш, уларни кўролмаслик, зарар етказишни хоҳлаш каби алоҳида ахлоқсизлигидан далолат берувчи хулқ-атвори тушунилади [5. Б. 139, 47,151].

Бундан ташқари, С.И.Никулин фикрига кўра, “паст ниятлар — бу шундай мотивларки, улар одоб-ахлоқ қоидаларини кўпол равишда бузади (масалан, ўч олиш, миллий ва ирқчилик замирида)” [6]. Худди шунга ўхшаш позицияга тадқиқотчи А.И. Чучаев ҳам эгаллайди. Унинг назарида, бошқа паст ниятлар остида ўч олиш, рашк, соғлом болани касалга алмаштириб қўйиш [7]. Бу ерда, сўз одоб-ахлоқ, жамият қадриятларига зид бўлган мотивлар ҳақида боради.

Айрим олимлар, масалан А.Н.Игнатов, конкрет мотивларни паст деб тан олиш масаласини суд ваколатига киритади. Унинг фикрига кўра, паст ниятлар сифатида тамагирлик, ўч олиш, рашк, ҳасад ва бошқа суд паст деб топган мотивлар бўлиши мумкин [8]. Бу фикрни қўллаб-қувватлаш қийин, боиси, жинойт таркиби конструктив элементини талқин қилиш, шарҳлашни судьянинг субъектив ихтиёрига топшириш амалиётда ўзбошимчалик ва судга ишончсизликни келтириб чиқариши аниқ.

Ўз навбатида тадқиқотчи Е.Гиль паст ниятларга, жинойт қонунда жинойий жавобгарлик асоси бўлган, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи, конкрет жинойт таркибларини квалификация қилишда конструктив аломат сифатида қуйидагиларни қўшади. Унга, мисол учун тамагирлик, безорилик, ўч олиш, миллий, ирқий ёки диний адоват замиридаги мотивлар маъқул кўринади [9]. Унинг наздида жинойт қонунда жавобгарликни белгилаш, уни кучайтириш билан боғлиқ бўлмаган барча мотив ва мақсадлар, паст мазмунга эга бўлмаган мотивация ҳисобланади.

Биз бу фикрга ҳам қўшила олмаймиз, сабаби, Е.Гиль асоссиз равишда барча жинойт-ҳуқуқий мотивларни паст мотив туркумига киритиб юбормоқда. Бу эса, назаримизда жинойт қонунини қонунчилик йўлида эмас, балки фалсафа, одоб-ахлоқ ва маданият каби конкрет бўлмаган, баҳоловчи ва мавҳум категорияларга эга соҳаларга тортиб кетмоқда.

Паст ният остида қонун чиқарувчи томонидан конкрет мақсад ва мотивация кўрсатилмасдан, қонун қўлловчининг субъектив ихтиёрига топшириб қўйиши, амалиётда анча муракабликлар

ва турли хил қонунни қўллаш амалиётини шаклланишига олиб келиши мумкин. Фикримизча, юридик матнгда қўлланиладиган ҳар бир атама бир маъноли, синонимия ҳодисасидан холи, расмий сўзлардан иборат бўлиши лозим.

Келинг, юқоридаги муаммоли масалаларни конкрет жинойт таркиблари мисолида кўриб чиқамиз.

Жинойт кодексининг 124-моддасида **болани алмаштириб қўйиш** учун жавобгарлик белгиланган. Болани алмаштириб қўйишнинг субъектив томони айб билан тавсифланади, башарти унинг шакли Жинойт кодексининг нормасида белгиланмаган бўлсада, моддани талқин қилишда аниқ белгиланади. Тамагирлик ёки **бошқа паст** ниятларга ишора қилиш жинойтда айбнинг эҳтиётсизлик шакли мавжудлигини истисно қилади.

Алмаштириб қўйиш фақат қасддан амалга оширилиши мумкин, қолаверса жинойт таркиби формал шаклда тузилганлиги сабабли, қасдни тўғри ёки эгри шаклга ажратиш имкони йўқ. Оқибатлар жинойт таркибининг объектив томони доирасига киритилмаганлиги сабабли, уларга нисбатан руҳий муносабатни қасд таркибига киритиш учун ҳеч қандай асос мавжуд эмас. Демак, болани алмаштириб қўйишдаги қасд формал таркиблар учун хос бўлиб, шахсининг бир болани бошқасига алмаштириб қўйишнинг ижтимоий хавфлилигини англашидан иборат.

Қонун жинойт таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида мотив – **тамагирлик ёки бошқа паст ниятни** кўрсатади. Тамагирлик жинойт содир этиишдан сўнг моддий манфаат кўриш ёки моддий харажатлардан халос бўлиш истагида, бунда, моддий фойдани олиш бирдан ёки келгусида, масалан, шантаж натижасида, кўзланиши мумкин.

М.Х.Рустамбаев фикрича, болани алмаштириб қўйишда паст ниятлар сифатида ўч олиш, ҳасад бўлиши мумкин [10]. Бизнингча, болани алмаштириб қўйишда паст ниятлар нафақат ўч олиш, ҳасад, балки жисмонан ногирон туғилган фарзанди ўрнига соғлом фарзандли бўлиш истаги ва бошқаларда намоён бўлади. Улар, шунингдек, камситиш, болани жинси ёки ташқи қиёфасига қараб, болани алмаштириш истагида ифодаланиши мумкин. Болани маълум тиббий тажрибаларни ўтказиш, унинг органлари ёки тўқималарини трансплантация қилиш учун фойдаланиш, жинсий ёки турли ноқонуний диний маросимларда фойдаланиш истагини ҳам паст ниятларга киритиш мумкин (албатта, бунда тегишли ЖК моддалари билан жинойтлар жами вужудга келади).

Тадқиқотчи У.Закирова тўғри қайд этганидек, паст ниятлар юридик атама ҳисобланмайди, маъно ва мазмун жиҳатдан паст ниятлар номоддий кўринишга эга [2]. Масалан, паст ниятларда фарзандликка олиш сирини ошкор этишда, фарзандликка олиш сирини ошкор этган шахс, фарзандга масалан, “Сенинг отанг ўлган, бу ўгай отанг” дейиши фарзандга руҳий азоб бериши, ўзини камситилгандек ҳис этиши, шарманда бўлиши кабиларни юзага келтириши мумкин. Бу эса айбдорга номоддий (кўнгли тинчиши, қилган ишидан қониқиши, хурсанд бўлиши ва ҳ.к.) кўринишидаги манфаатларга эришишига туртки бўлиши мумкин.

Кўриниб турибдики, паст ниятлар категориясига аксилижтимоийлик даражаси турфа бўлган ниятларнинг жуда кенг доираси киради. Аммо ЖК ушбу субъектив омилнинг мазмунига қараб жавобгарликни алоҳида индивидуаллаштиришга имкон бермайди, бизнингча бу Жинойт кодексидаги камчилик ҳисобланиши мумкин. Ҳозирги вақтда алмаштириб қўйиш ниятлари ўртасидаги фарқлар фақат жазони тайинлашда ўз аксини топиши мумкин, зотан мотивация жинойтнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига таъсир қилади.

Ота-оналар ўзаро ихтиёрий равишда фарзандларини алмаштиришга рози бўлиши, масалан, бошқа жинсдаги фарзандга эга бўлишни хоҳлашида намоён бўлган хатти-ҳаракатлар, моҳиятан ахлоқсиз, аммо ноқонуний тусга эга эмас. Шу билан бирга, амалиётда бундай ҳаракатлар “вояга етмаган шахсларни олди-сотдиси” деб баҳоланиши ҳам мумкин. Аммо, бизнинг фикримизча, бундай ҳаракатларни вояга етмаганларни олди-сотдиси билан боғлиқ битимларга киритиш мақсадга мувофиқ эмас, боиси ўз фарзандини эвазига бошқа болани олишни ушбу ҳаракатлар натижасида бирон моддий фойда ёки наф олишга тенглаштириб бўлмайди.

Оила институтига қарши навбатдаги жинойт – бу Жинойт кодексининг 125-моддасида назарда тутилган **фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш**. Тадқиқотчи Г.Иномжонованиннг фикрига кўра, етим қолган бола тарбияси учун энг мақбул шароит – уни фарзандликка олиш институтидир [11]. Дарҳақиқат, бола учун бу энг тўғри қарор бўлади, чунки бу болага оила муҳитида яшаб, вояга етишга имкон беради. Буюк мутафаккир ва таълим-тарбия соҳасидаги назариётчи олим Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “...Ҳаёт ҳақиқати тарбия, тарбия ва яна тарбиядир. Абдулла Авлоний таъкидлаганларидек, Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар,

бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир” [12]. Тарбияни эса бола айни оила ичида, оила муҳитида олади. Шу нуқтаи назардан, кўриб чиқиладиган жиноятнинг айнан қандай мотивация сабабли содир этилиши анча муҳим.

Кўриб чиқиладиган қилмишнинг субъектив томони фақат тўғри қасд шаклида намоён бўлиши мумкин. Шахс фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан қўриқланадиган сирини ошкор қилаётгани англаб туради ва бу ҳаракатларни амалга оширишни истайди.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг 2-қисми “б” бандининг субъектив томони зарурий белгиси – бу ғаразгўйлик ёки **бошқа паст** ниятларнинг мавжудлиги. Ғаразгўйлик ниятига маълум мулккий фойда олиш истаги билан боғлиқ мотивлар киради. Бошқа паст мотивлар ҳасад, ўч олиш ва бошқаларда ифодаланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларни фақат бошқа шахслар учун белгиланган, чунки қасб фаолияти ёки хизмат мавқеига кўра фарзандликка олишни сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан сирни ошкор этиши ўз-ўзидан катта ижтимоий хавфга эга.

Бошқа паст ниятларга Жиноят кодексининг 125-моддасига ҳам маълум бўлган мотивлар бўлиши мумкин (масалан, ўч олиш, кўролмаслик, душманлик).

Масалан, суд-тергов амалиётига 11 ёшли неварасига яқинда ўғли билан ажрашган келинидан ўч олиш ниятида унинг асраб олингани ҳақидаги бор “ҳақиқатни” айтган бувининг иши маълум. Бола асраб олингани ҳақида бувиси унинг синфдошларига айтиб берган [13].

Мазкур жиноятлар мотивларини таҳлил қилишда уларнинг пастлиги моҳиятини белгилаш айниқса муаммоли бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари “ўзбошимчалиги” учун имкониятларни сезиларли даражада кенгайтиради. Қолаверса, тадқиқотчилар С.Ибрагимов [14] ва М.Карасевалар [15] ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, жиноят қонунида паст мотиви таърифи ва мазмуни кўрсатилмагани, жиноят-ҳуқуқий нормани қўллашда хатолар ва ноаниқ ҳолатларни келтириб чиқаради, охир-оқибат, бу жиноий қилмиш учун одилона жазо тайинлашда ва жиноятларни профилактика қилишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Дарҳақиқат, қонун нормасида жиноий ниятларни аниқлаштириш, жиноятни тўғри квалификация қилишнинг бош талабидир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни тақлиф қиламиз:

биринчидан, Жиноят кодекси 124 ва 125-моддаларида “паст ниятлар” категориясини диспозициядан чиқариб ташлаш ва уни “**бошқа шахсий манфаатдорлик**” мотиви билан алмаштириш;

иккинчидан, жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд ишланмалардан фойдаланган ҳолда, паст мотивларни норматив тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида, ҳар бир паст мотив кўрсатилган жиноят таркибини танқидий қайта кўриб чиқиш, ва имкон қадар таркиб конструкциясида очиб бериш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судларга паст ниятларда содир этиладиган жиноятларни тўғри квалификация қилиш бўйича махсус тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсоннинг барча ҳаракатлари аниқ мақсадга йўналтирилган муайян мотивлардан иборат. Исталган ҳуқ-атворга мотив ва мақсадни ҳисобга олмай тўғри баҳо бериб бўлмайди. Шу сабабли жиноят мотиви ва мақсадни тўғри англаш ва аниқлаш, хусусан жиноят қонунчилигида “паст ният” мавҳум категориясини чиқариб, ўрнини конкрет жиноят таркибидан келиб чиқиб, мотивацияни ёйиқ ҳолда тавсифлаш, амалиётда қонунни қўлловчига жиноятни очиш, квалификация қилиш, жазо таинлаш ва келгусида жиноятларнинг олдини олишга самарали хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ибрагимов С.М. К вопросу о низменном мотиве преступления // <https://wiselawyer.ru/poleznoe/25821-voprosu-nizmennom-motive-prestupleniya>.

2. У.Закирова ЗНАЧЕНИЕ ПРЕСТУПНОГО МОТИВА И ЦЕЛИ ПРИ КВАЛИФИКАЦИИ ДЕЯНИЯ // Review of law sciences. 2018. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-prestupnogo-motiva-i-tseli-pri-kvalifikatsii-deyaniya> (дата обращения: 27.06.2021).

3. Ивченко О.С. Проблемы мотива и цели убийства в уголовном праве России: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 2002. С. 14.
4. М.Х. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Тошкент. – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти, 2018. – С.243.
5. Отажонов А.А. Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 294 б.
6. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. В.И. Радченко. М., 2000. С. 301.
7. Постатейный комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под ред. А.И. Чучаева. М., 2004. С. 348.
8. Гиль Елизавета Александровна Классификация и значение мотивов и целей преступления // Наука и образование сегодня. 2019. №5 (40). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-i-znachenie-motivov-i-tseley-prestupleniya> (дата обращения: 27.06.2021).
9. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.М. Лебедева. М., 2004. С. 355.
10. М.Х. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Тошкент. – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техника институти, 2018. – С.218.
11. Иномжонова Г.С. Бола ҳуқуқларини таъминлашда фарзандликка олиш институти. (ФҲДЁ, нотариат, судлов органлари ходимлари учун амалий қўлланма) Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2017.
12. Фарфиева К.А. Замонавий оила институтини мустаҳкамлашда ўзбек аёлининг ахлоқ-одоби - асосий мезон // “Ўзбекистонда замонавий оила ривожланишининг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд: 2019. – 183 бет.
13. Рарог А. Усмотрение правоприменителя при квалификации преступлений // Уголовное право. - 2000. - № 1. - С. 42
14. С.М.Ибрагимов. Уголовно-правовая и криминологическая характеристики низменных мотивов в преступлениях против личности. // <http://lawtheses.com/ugolovno-pravovaya-i-kriminologicheskaya-harakteristiki-nizmennyh-motivov-v-prestupleniyah-protiv-lichnosti#ixzz6xUgKupJf>
15. Карасёва М.Ю. МОТИВ И ЦЕЛЬ КАК ФАКУЛЬТАТИВНЫЙ ПРИЗНАК СУБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 10-1. – С. 158-161; URL: <http://applied-research.ru/ru/article/view?id=10309> (дата обращения: 27.06.2021).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

РАХИМХЎЖАЕВ Рустам Нишонхўжаевич
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси катта ўқитувчиси
E-mail: rrahimxo'jayev@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМХЎЖАЕВ Р.Н.
Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 71-76

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш тарихига тўхталиб ўтилган. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши бир неча босқичларга бўлиб ўрганилган. Тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. 1918 йил 28 февралда жиноят-қидирув бўлимини ташкил этилиши Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларининг ривожланишига хизмат қилганлиги келтирилган. Ўзбекистонда 1991 йилдан ҳозирги кунгача бўлган, яъни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва натижаларидан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган даврни камраб олиши асосланган.

Калит сўзлар: қидирув, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солиш, тезкор-қидирув фаолияти.

РАХИМХУЖАЕВ Рустам Нишонхўжаевич
Старший преподаватель Академии
Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
E-mail: rrahimxo'jayev@mail.ru

РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена истории развития правового регулирования оперативно-розыскных мероприятий в Узбекистане. Развитие правового регулирования изучается поэтапно. Указывается, что развитие правового регулирования оперативно-розыскных мероприятий связано с принятием нормативно-правовых актов. Так, 28 февраля 1918 года принятие уголовного розыска послужило развитию оперативно-розыскных мероприятий в Узбекистане. Она основана на том, что с 1991 года

по настоящее время, то есть проведение оперативно-розыскных мероприятий и использование их результатов охватывают период, регламентированный законодательством.

Ключевые слова: розыск, оперативно-розыскных мероприятий, правовое регулирование оперативно-розыскных мероприятий, оперативно-розыскной деятельности.

RAKHIMKHUJAEV Rustam

Senior lecturer of the Academy of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: rraximxo'jayev@mail.ru

DEVELOPMENT OF LEGAL REGULATION OF OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article is devoted to the history of the development of legal regulation of operational-search activities in Uzbekistan. The development of legal regulation is studied in several stages. Each stage included a certain number of periods. It is indicated that the development of legal regulation of operational-search activities is associated with the adoption of regulatory legal acts. On February 28, 1918, the creation of the criminal investigation Department served to develop operational search activities in Uzbekistan. It is based on the fact that in Uzbekistan from 1991 to the present, that is, the conduct of operational-search activities and the use of their results cover the period regulated by law.

Keywords: operational-search activities, legal regulation of operational-search activities.

Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш, уни ташкил этиш ва ўтказишни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга тадбирларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш кўплаб омиллар, жумладан, унинг шаклланиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу бизга ушбу жараёнларнинг қонуниятларини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тарихий адабиётларнинг таҳлили ва тадқиқотларимиз илк давлатлар пайдо бўлган даврларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар одат ҳуқуқига асосан тартибга солинганлигидан, шу билан бирга тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ жуда кам маълумотлар сақланиб қолинганлигидан далолат беради. Фақатгина уларнинг баъзилари бугунги кунгача етиб келган.

Жумладан, Сурия ҳудудидан топилган эрамиздан аввалги XIII асрга тааллуқли археологик топилма ушбу даврда тезкор киритиш тадбири ўтказилганлигидан дарак беради. Унга кўра, бир давлат ўзининг айғоқчисини бошқа давлатга ноошкора равишда маълумотлар тўплашга юборганида у қўлга тушган. Шундан сўнг давлат ҳукмдори бошқа бир давлат ҳукмдори билан ушлаб олинган айғоқчини маълум бир миқдордаги тўлов эвазига қўйиб юборишга келишиб, уни озод қилган. Лекин тўловни олмаганидан сўнг бу ҳақда давлат ҳукмдорига шикоят қилган [1, Б.15]. Бундан кўриниб турибдики, ушбу даврда тезкор киритиш ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Марказий Осиёда ҳуқуқ-тартибот ва жинойтчиликка қарши курашишда тадбирлардан фойдаланиш тарихини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Ўрта Осиё ҳудудида марказлашган давлат тузишга эришган Амир Темур тезкор-қидирув тадбирлари ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Бундай давлатни бошқариш учун кучли, яхши ташкил этилган бошқарув тизими зарур эди. Амир Темур авваламбор мамлакатда давлат тизимини мустаҳкамлаш, бошқаришдаги тартиб-интизом, қонунчиликни кучайтиришга катта эътибор берган.

Амир Темур пири Абу Бакр Тайбодий маслаҳатига кўра, салтанатни қонун қоида асосида қуриш, давлатни идора қилишни тартиб-интизомга солиш мақсадларини қуйидагича баён қилади: «Салтанатим ишларини тартиб интизомга солиб, мартабасига тўра ва тузук билан зебу зийнат бердим. Салтанатимни ўн икки тоифадаги кишилар билан мустаҳкамладим. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим». Шунга кўра олтинчи тоифа кишилар қаторига мамлакат ҳудудидаги вазият ҳақида ахборот берувчи ишончли,

тўғри эътиқодли, салтанат ишлари бўйича маслаҳат берувчи сирдош, махфий ишларни юритишда ёрдам берувчи шахсларни киритган. Ўн иккинчи тоифага эса чет мамлакатларда бўлувчи саёҳатчи, савдогар, қаландар, дарвеш ва қарвон бошларни тайинлаб «...ўша давлатлардаги аҳоли туриш-турмуши, мамлакат ҳукмдорларининг ўз раиятига қандай муомалада эканлиги ҳамда бошқа ниятларини аниқлаб, унга етказиб туришларини топширган» [2, Б.71].

Бундан маълумки Амир Темур давлатни бошқаришда маълумотлар тўплаш, тезкор киритиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратган. Бироқ, ушбу тадбирларни ўтказиш ҳуқуқий тартибга солинмай, шариат қоидалари, қадимий туркий одатлар (тўралар) ва тузукка асосланган [3, Б.84].

Жумладан, ёзувчи Ҳ. Содиқов ўзининг «Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати» номли асарида Соҳибқирон Олтин Ўрда истибдодига қарши қурашда разведка усулларида, яъни даракчи, махфий айғоқчилар ёрдамидан фойдаланганлиги ҳақида бир қатор далиллар келтиради. Ноошқора ёрдамчилар сифатида Амир Темур унга содиқ бўлган қаландар ва дарвешларни ёллаб уларни душман қалъалари ва шаҳарларига ахборот тўплаш ва унга етказиш учун юборган. Чунки ўша вақтда қаландар ва дарвешлар учун барча шаҳар, қалъаларнинг дарвозалари, исталган хонадон, саройлар эшиклари очиқ бўлган [4, Б.20-21].

Тарихий ва замонавий норматив-ҳуқуқи ҳужжатларининг таҳлили Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичларини уч даврга ажратиш имконини берди.

Хусусан, *биринчи босқич* (1886 йилдан 1917 йилгача) – Туркистон ўлкасида изловни ҳуқуқий тартибга солишнинг пайдо бўлиши, полициянинг жиноий-излов фаолиятини суриштирувнинг мустақил қисмига ажратиши, «излов қисмини ташкил этиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ва жиноят-излов органларининг миллий тизимини шакллантириш билан тавсифланади.

Жумладан, Россия Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг, 1886 йил 12 июлдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га кўра, бутун ҳудудни мустамлака сифатида идора қилиш тартибини белгилаб қўйган [5]. Унга кўра жиноятчиликка қарши қурашиш ихтисослаштирилган бўлинмаларга топширилган. Бу эса Туркистон ҳудудида излов тадбирларини ривожланишига хизмат қилган.

Тезкор-қидирув тадбирларини ривожланишида 1908 йил 6 июлда қабул қилинган «Излов қисмларини ташкил этиш тўғрисида»ги қонун муҳим роль ўйнаган. Дарҳақиқат, қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб жиноят-излов тизимининг ҳуқуқий асослари яратилган. Унда жиноят-излов субъектлари кўрсатилиб, уларга ноошқора қидирувни ўтказиш, умумий характердаги жиноятлар бўйича суриштирув, прокуратура ва суд терговчиларининг алоҳида кўрсатмаларини бажариш вазифалари юклатилган [6, Б.10].

Қонун Туркистон генерал-губернаторлигида амал қилмаган. Чунки, Туркистон ўлкаси махсус лавозим билан бошқарилиб, маъмурий жиҳатдан мудофаа вазирига бўйсундирилган эди. Бироқ бир неча йилдан сўнг Туркистон ўлкасида излов бўлимларига эҳтиёж пайдо бўла бошлаган. Бунга Мудофаа вазирлиги томонидан юборилган ҳисобот ҳамда сенатор К.К. Паленнинг Туркистон ўлкасини 1908-1910 йиллар давомида тафтиш қилиб, Туркистон шаҳарларида мустақил полиция бошқармалари, Тошкентда обер-полицейстер лавозимини жорий этиш ва ўлкадаги миршаб-полиция хизматчилари сонини кўпайтириш таклифлари таъсири остида 1910 йил май ойидан бошлаб, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларида излов қисмлари ташкил этила бошланган [7, Б.62].

Қабул қилинган қонунда излов бўлимларнинг вазифалари белгиланиб, унга кўра, умумий жиноят ишлари бўйича қидирувни амалга оширган. Излов субъектлари сифатида излов бўлими бошлиғи, бошлиқ ёрдамчиси, стол бошлиқлари, таржимонлар ва милиция назоратчилар белгиланган. Шу билан бирга, излов бўлимлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиб, уларга излов бўлимлари тезкор-қидирув ҳаракатларидан ташқари, жиноятлар бўйича суриштирув ўтказиш ва суд терговчиларининг алоҳида топшириқларини бажариш мажбуриятлари юкланган.

Бинобарин, ушбу қонунчилик акти ташкилий-бошқарув хусусиятига эга бўлиб, излов фаолиятини тартибга солмаган. Ўша вақтга келиб полиция излов ишининг сўров, яширин кузатув, сўзлашувларни эшитиш, ёзишмаларни назорат қилиш ва биноларни текшириш каби яширин усулларни қўллаш, шунингдек, жиноятларни қош этишда кўмаклашувчи шахслар имкониятидан фойдаланиш тажрибаси бўлса-да, бу соҳа тартибга солинмаган [8, Б.66-123].

Шу билан бирга, ушбу қонун ҳужжати қонун чиқарувчи томонидан полициянинг мустақил функцияси сифатида ажратилган жиноят излов органларининг умуммиллий тизимини

шакллантириш учун биринчи ҳуқуқий асоси бўлган. Афсуски, Россия империясида излов қонунчилигини ривожлантириш жараёни 1917 йилнинг февраль ва октябрь инқилоблари билан тўхтатилган. Натижада деярли барча излов органлари тугатилиб, ҳуқуқий асослари бекор қилинган [8, Б.122].

Аммо ўша вақтдаги тезкор вазият жиноятчиликка қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари тезроқ ривожлантиришни, шунингдек, излов фаолиятни милиция ишининг мустақил йўналишига ажратишни талаб қилган. 1917 йил ноябрь ойида жиноят-қидирув полицияси ташкил этилганидан сўнг жиноятчиликка қарши курашишда ошкора ва ноошкора қидирув тадбирларни ўтказиш ваколатига эга махсус бўлинмалар фаолиятига асос солинган.

Иккинчи босқич (1918-1991 йиллар) тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши жиноят-қидирув бўлимини ташкил этилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги тезкор-қидирув чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши билан ажралиб турувчи даврни ўз ичига олиши билан тавсифланади.

Тезкор-қидирув тадбирларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ривожланишининг янги босқичи 1918 йил 28 февралда Туркистонда жиноят-қидирув бўлими ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган [9, Б.61]. «Жиноят қидирув бўлимини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ жиноят қидирув ходимларига жиноятчиларни кузатиш учун одамларнинг оммавий йиғилиш жойлари (театрлар, кинотеатрлар ва бошқа муассасалар)га бепул ташриф буюришга рухсат берилган [10, Б.8-9].

Шундай қилиб, ушбу Низом жиноят қидирув тизимини яратиш учун биринчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Бироқ, эътиборли жиҳати жиноятларни олдини олиш, бартараф этиш ва фош этиш мақсадларини белгилаб берган Низомда маълумотлар олишнинг кўплаб манбалари қаторида ноошкора манбалар кўрсатилмаган. Бироқ, жиноят қидирув бўлимининг кузатув, маълумотлар тўплаш, қидирув, сўров каби ҳаракатларни ўтказиш, шунингдек мажбурий хусусиятга эга бўлган тинтув, қўлга олиш, текшириш чора-тадбирларини амалга ошириш вазифалари батафсил белгилаб берилган [11, Б.27-28].

Туркистон ҳудудида жиноят-қидирув аппарати ва унинг ходимлари фаолиятини батафсил тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Туркистон ўлкаси Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳайъати томонидан 1920 йил 20 августда қабул қилинган бўлиб, унда жиноят-қидирув ходимларининг вазифалари сифатида жиноятларнинг олдини олиш, уларга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш, жиноят содир этганларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш белгилаб берилган [12, Б.94]. Бу эса ўзининг ижобий натижасини берган.

Турли жойлардаги жиноят-қидирув бўлинмаларининг таркибий тузилиши органнинг ҳолати ва даражасига қараб ўзига хос хусусиятларга эга эди. Шу билан бирга, барча жиноят-қидирув аппаратларидаикки бўлинма бўлган. Биринчиси суриштирувишларини олиб бориш, жиноятчиларни қўлга олиш, шахсий изқуварлик ва ошкора тадбирларни ўтказиш билан шуғулланган. Иккинчиси – фақат ноошкора тезкор тадбирларини ўтказган [13, Б.21-22].

Маълум вақт ўтганидан сўнг, 1921 йил 2 ноябрда тезкор-қидирув ишлари бўйича Йўриқнома қабул қилиниб, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича белгиланган вазифаларни ҳал этиш кўмаклашувчи шахслар ёрдамида амалга оширилиши бевосита таъминланган [12, Б.28].

Совет даврида тезкор-қидирув тадбирлари қонун билан тартибга солинмаган. Шунинг учун тадбирларни ўтказишни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар давлат сирларини ўз ичига олганлиги сабабли махфий бўлган. Бироқ бу тадбирлар кўламининг кенгайишига тўсқинлик қилмаган [14].

Шуни айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига тезкор-қидирув тадбирлари очик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаганлиги ўзининг таъсирини кўрсатган. Хусусан, 1930 ва 1950 йилларда кузатилган оммавий катагонлар жараёнида катта салбий роль ўйнаган [15, Б.383].

Тезкор хабарлар ва маълумотномалар шаклидаги тезкор-қидирув тадбирлари натижалари баъзан жиноят ишларига тикилиб, жиноят ишини қўзғатиш ва ўлим жазосини тайинлаш учун асос сифатида фойдаланилган [16]. Баъзи совет генераллари ва маршаллари Иккинчи Жаҳон урушидан кейин қамоққа олинган ва уларнинг баъзилари эшитиш қурилмалари орқали қайд этилган Сталинга қарши гаплари учун ёки улардан қийноққа солиш орқали олинган кўрсатмаларига асосан отиб ташланган [17, Б.501-502].

Ўша даврда тезкор-қидирув тадбирларига оид илмий тадқиқот ишлари ёпиқ бўлган. Фақатгина,

бу масала 1980 йиллар охири ва 1990 йиллар бошида очик муҳокама қилинган. Шу билан бирга тезкор-қидирув тадбирлари тўғрисидаги дастлабки очик норматив ҳужжат пайдо бўлган. У Совет Иттифоқининг «Совет Иттифоқида давлат хавфсизлик органлари тўғрисида»ги қонуни бўлиб, унда Совет Иттифоқининг Давлат хавфсизлик қўмитаси бўлинмалари телефон сўзлашувларини эшитиши мумкинлиги белгиланган [18]. Мазкур тадбирни ўтказиш тартиби, сўзлашувларни эшитишнинг асослари ва шартлари эса қонунда кўрсатилмаган [19, Б.45].

Тезкор-қидирув тадбирларини ҳуқуқий тартибга солиш ривожланишининг учинчи босқичи 1991 йилдан ҳозирги кунгача, яъни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва натижаларидан фойдаланиш махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган даврни камраб олишини кўрсатмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияга (121-м) кўра, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати давлат органларига берилиши, улар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилган.

Мустақилликка эришган дастлабки йилларда тезкор-қидирув тадбирлари ички ишлар органларининг идоровий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тартибга солинган. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун қабул қилингунига қадар тезкор-қидирув тадбирлари турлари ва мазмуни ҳеч бир норматив ҳужжатда аниқ кўрсатилмаган эди.

2012 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, ушбу йўналишдаги бир қатор муаммоларга ечим бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунда унга мувофиқ тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилмоқда. Тезкор-қидирув тадбирларининг рўйхати ва мазмуни, уларни ўтказиш учун асослар ва шартлари, натижаларидан фойдаланиш ушбу қонунда биринчи маротаба батафсил очиб берилди. Бу вақтдан бошлаб, республикамиз ҳудудида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва натижаларидан фойдаланиш янада ривожлана бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий ва замонавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг таҳлили Ўзбекистонда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ тезкор-қидирув қонунчилигининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини уч даврга ажратиш имконини берди: биринчи босқич (1886 йилдан 1917 йилгача) – Туркистон ўлкасида изловни ҳуқуқий тартибга солишнинг пайдо бўлиши, полициянинг жиноий-излов фаолиятини суриштирувнинг мустақил қисмига ажратиши, «излов қисмини ташкил этиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ва жиноят-излов органларининг миллий тизимини шакллантириш билан тавсифланади; иккинчи босқич (1918-1991 йиллар) тезкор-қидирув тадбирларини норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши жиноят-қидирув бўлимини ташкил этилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги тезкор-қидирув чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши билан ажралиб турувчи даврни ўз ичига олиши билан тавсифланади; учинчи босқич (1991 йилдан ҳозирги кунгача) тезкор-қидирув тадбирларини қонунчилик билан тартибга солишнинг ривожланиши тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш, натижаларини расмийлаштириш ва фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган даврни камраб олиши билан характерланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, Г.К.Синилова. Теория оперативно-розыскной деятельности: Учебник/ Под ред. – М.: ИНФРА-М, 2006. – Х.
2. Темур тузуклари. – Т., 1996.
3. З.Муқимов. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). – Самарқанд: СамДУ, 2008.
4. Ҳ.Содиқов. Амур Темур салтанатида хавфсизлик хизмати: (тарихий бадиалар). –Т: ART FLEX, 2010.
5. Туркистонда подшо Россияси мустамлака идора усулининг жорий этилиши // <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/475-vatan-tarixi.html>.
6. А.Ю.Шумилов. Развитие правового регулирования оперативно-розыскной деятельности в России (XVIII-XX в.). – М., 1998.
7. З.И.Перегудова. Политический сыск России (1880-1917) / 2-е изд., перераб. и доп. – М.: РОССПЭН, 2013.
8. А.В.Федоров, А.В.Шахматов. Указ. соч. – С 123.
9. Гребельский Д.В. Некоторые вопросы совершенствования курса «Оперативно-розыскная

деятельность органов охраны общественного порядка» // Труды ВШ МООП СССР. – М., 1967. – Вып. 16.

10. Вестник Народного Комиссариата Внутренних Дел. 1918. 28 декабря. № 24. С. 8-9.
11. А.Д.Парманасов. Законодательное регулирование оперативно-розыскной деятельности в странах – участниках евразийского экономического союза (по материалам органов внутренних дел): Дис. ... канд. юрид. наук. – СПб. Санкт-Петербургский университет МВД России, 2017.
12. А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев. Становление и развитие теории оперативно-розыскной деятельности в Узбекистане. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2019. – Махсус сон – Б. 91-98.
13. Максименко Н.П. Аппараты уголовного розыска в первые годы Советской власти (1917-1920 гг.) // Оперативно-розыскная работа. Бюллетень ВНИИОП МООП. – 1967. - № 44. – С. 20-27.
14. И.В.Лосев. ОГПУ против Скотланд-Ярда. – СПб.: «Юридический центр «Пресс», 2003.
15. В.П.Кудрявцев. Политическая юстиция в СССР: учебник / В.Н. Кудрявцев, А.И. Трусов; РАН, МГУ им. М.В.Ломоносова, Ассоц. «Юрид. центр». - 2-е изд., испр. и доп. – СПб.: Юридический центр Пресс: Наука, 2002.
16. Уголовное дело № 23169-37 // Архив УФСБ России по г. Санкт-Петербургу и Ленинградской области.
17. Судоплатов П.Л. Спецоперации. Лубянка и Кремль 1930-1950 годы. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003.
18. Ведомости Верховного Совета СССР. № 12. Ст. 321.
19. Отажонов А.А. Тезкор-кидирув фаолияти натижасида аниқланган жиноятларни қасдан яширганлик учун жавобгарлик муаммолари // Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисидаги қонун-суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим босқичи: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 43-47.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи
E-mail: yurmarkaz@adliya.uz.

РОМАДАНОВА Таисия Александровна
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази
давлат суд эксперти
E-mail: info@sudex.uz.

ТРАСОЛОГИК-МЕХАНОСКОПИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХАСАНОВ Ш.Х., РОМАДАНОВА Т.А. Трасологик-механоскопик экспертизаларнинг замонавий муаммолари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 77-81

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада механоскопик трасоогик тадқиқотлар тушунчаси ва турлари, трасология фани тизимида мустақил таълимот – трасологик механоскопияни ажратиш мақсадга мувофиқлиги ҳамда бу мақсадда ишлаб чиқариш-технологик, эксплуатацион ва жинойий хусусиятли белгиларни ўрганиш зарурати ёритилган. Илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб, механоскопияда объектларни экспертиза тадқиқотларининг муҳимлиги, ҳал қилинадиган вазифаларнинг кенг доираси ва уларнинг натижаларидан фойдаланиш имконияти, шунингдек замонавий шароитларга жавоб берадиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни экспертлик амалиёти ҳамда соҳага оид ўқув жараёнида фойдаланиш зарурлиги асосланган.

Калит сўзлар: суд-трасологик экспертизаси, трасологик механоскопия, бузиш куруллари излари, янги турдаги қулфлар ва беркитувчи-пломбаловчи мосламаларини тадқиқотлари, ишлаб чиқариш-технологик, эксплуатацион ва жинойий хусусиятли белгилар, ишлаб чиқариш механизмлари изларининг тадқиқотлари.

ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич
Начальник отдела Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве Юстиции Республики Узбекистан
E-mail: yurmarkaz@adliya.uz

РОМАДАНОВА Таисия Александровна
Государственный судебный эксперт Республиканского центра
судебных экспертиз имени Х.Сулеймановой
E-mail: info@sudex.uz

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАСОЛОГИЧЕСКИХ-МЕХАНОСКОПИЧЕСКИХ ЭКСПЕРТИЗ**АННОТАЦИЯ**

В статье описаны понятие и виды механоскопических трасологических исследований, уместность самостоятельного учения в системе трасологической науки – трасологической механоскопии, а также необходимость изучения производственно-технологических и криминальных характеристик для этой цели. Исходя из результатов научных исследований, обоснованы важность экспертизы объектов в механоскопии, широкий круг задач и возможность использования их результатов, а также необходимость разработки методических рекомендаций, отвечающих современным условиям, и использования их в экспертной практике и обучении в данной области.

Ключевые слова: судебно-трасологическая экспертиза, трасологическая маноскопия, следы орудий взлома оружия, исследование замков нового вида и замопрно-пломбирочных устройств, производственно-технологические, эксплуатационные и криминальные признаки, исследование следов производственных механизмов.

KHASANOV Shavkatbek

Head of Department of the Lawyers' Training Center under the
Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
E-mail: yurmarkaz@adliya.uz.

ROMADANOVA Taisiya

State forensic expert of the Republican Center for
Forensic Examination named after X.Suleymanova
E-mail: info@sudex.uz.

MODERN PROBLEMS TRASOLOGICAL-MECHANOSCOPIC EXPERTISE**ANNOTATION**

The article describes the concept and types of mechanoscopic traceological research, the relevance of independent teaching in the system of traceological science - traceological mechanoscopy, as well as the need to study production, technological and criminal characteristics for this purpose. Based on the results of scientific research, the importance of the examination of objects in mechanoscopy, a wide range of tasks and the possibility of using their results, as well as the need to develop methodological recommendations that meet modern conditions, and use them in expert practice and training in this industry are substantiated.

Keywords: forensic tracological examination, tracological manoscopy, traces of weapons breaking weapons, research of new type locks and sealing devices, production and technological, operational and criminal signs, investigation of traces of production mechanisms.

Ахборот-компютер технологиялари соҳасидаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, илмий-техникавий тараққиёт ва ахборот асрига кириш билан боғлиқ бўлган XX аср охирида бошланган мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги глобал ўзгаришлар замонавий жинойтчилик табиатида ҳам таъсир кўрсатди. Замонавий техник воситалардан жиноий мақсадларда фойдаланиш натижасида нафақат ижтимоий жихатдан хавfli, балки юқорига кўтарилиш тенденциясини ҳам йўқотмади. "... давлат ва нодавлат суд экспертиза муассаса ва ташкилотларида тадқиқотлар ўтказишда инновацион технологиялардан фойдаланиш узлуксиз жараён сифатида қаралиши лозим" [1, Б.137].

Фуқаролик, ҳакамлик судлари, маъмурий ва жиноий суд ишларида кўплаб қийинчиликлар мавжуд бўлиб, бу соҳалардаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, уларнинг инсонпарварлик, рақобатдошлик даражасини ошириш ва, энг муҳими, барча ихтисослаштирилган билимлардан суд жараёнларида фойдаланишни талаб қилади. Шунга кўра, суд-экспертлик фаолиятига нисбатан барча катта талаблар қўйила бошланди, томонлар ва суд экспертиза тадқиқотлари учун объектив далилларни тақдим эта бошлади. Ва тушунарли, суд

экспертлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, илмий, услубий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бу фаолиятнинг концептуал асосларини, назарий ва амалий масалаларини замонавий ва замонавий шаклларда ривожлантириш, давлат суд экспертиза муассасалари ва нодавлат суд экспертиза ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар аниқлаш ҳамда уларни баратараф этиш бўйича фаолият олиб борилмоқда.

Маълумки, “суд экспертизаси — фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат” [2] ёки бошқа қилиб айтганда суд экспертизаси – бу махсус билимлардан фойдаланишнинг тегишли воситалар ва методларни ривожланишини чиқишни ҳисобга олган ҳолдаги шаклларида биридир. Унинг моҳияти мутахассис томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича аниқ маълумотларни аниқлашдан иборат. Суд экспертизаси процессуал тушунча бўлиб, у янги далилларни олиш ва мавжуд далилларни текширишнинг мустақил шакли ҳисобланади. бу фаолиятга психологик жиҳатдан ёндашув ҳам мавжуд, жумладан: “Экспертиза хулосаси — бу коммуникациянинг (ўзаро алоқа) матнли кўриниши бўлиб, унда оғзаки нутқда юз берганидек алоҳида гап эмас, балки махсус касбий мулоқотнинг янада мураккаб шаклини кўрсатадиган бутун матн алоқанинг ўлчов бирлиги бўлади” [3, Б.134].

Республикис суд экспертлик фаолиятида маълум бўлганидек, трасологик экспертиза жиноят процессида энг кўп тайинладиган ва ўтказиладиган экспертизалардан биридир. Биргина Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг “Суд-баллистика ва трасология экспертизаси лабораториясида бу турдаги экспертизаларга оид статистик маълумотлар қуйидагича: 2017 йилда жами 1598 та, 2018 йилда 1235 та, 2019 йилда 1041 та ҳамда 2020 йилда 1253 та суд-траसологик экспертизалари ўтказилган [4].

Жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳамда уларнинг олдини олишда, моддий изларни топиш, қайд этиш ва тадқиқ этиш методикаларининг илмий ишланиши, табиий ва техник фанларнинг замонавий ютуқлари асосида уларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари таҳлили ҳамда жиноят ҳодисасига алоқадор барча турдаги изларни текшириш билан шуғулладиган ҳужжатларнинг суд-трасологик экспертизаси муҳим аҳамият касб этади. Суд-трасологик экспертизаси бошқа турдаги экспертизалардан тадқиқот объектлари ва ҳал этадиган масалаларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Республикамиз мутахассислари “Суд-трасологик экспертизаларининг барча турлари юридик фанларнинг бир тармоғи сифатида ҳозирги замон талабларига жавоб бериши керак ва шу билан бирга, назария билан амалиётнинг ўзаро боғланишида муҳим ўринни эгаллаши лозим. Трасологик экспертиза ўзининг ривожланган замонавий, илмий-техникавий ютуқларига эга бўлиб, жиноят ишлари бўйича адолатни юзага чиқаришда одил судловни демократик асосда тараққий этиб боришда қонунийликни мустаҳкамлайди ва муҳим шарт-шароитларни белгилайди” [5, Б.4] деб таъкидлайдилар.

Тадқиқот предмети ва махсус методикаларнинг мавжудлигига кўра трасологик экспертизанинг тўрт тури ажратилади: гомеоскопик, механоскопик, транспорт ва ҳайвонлар изларининг экспертизалари [6, Б.7]. Жиноятларни очиш ва тергов қилишда трасологик экспертизалар методикаси етарли даражада ривожланганига қарамай, бу турдаги экспертизаларнинг алоҳида объектларни, хусусан, механоскопик объектлар гуруҳини тадқиқотлари ҳозирги пайтда замонавий даражада назарий ва услубий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.

Ушбу ёндашув янги турдаги объектларнинг пайдо бўлиши ва шунга мос равишда мутахассислар олдида қўйилган янги вазифалар билан изоҳланади, бу ушбу объектларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида, уларнинг ишлаши ва уларга механик таъсир кўрсатишда, масалан, бузилиш пайтида пайдо бўладиган белгиларни аниқлашда мавжуд ёндашувларни такомиллаштиришни талаб қилади.

Замонавий трасология ва трасологик экспертизанинг назарий муаммоларига бағишланган криминалистик адабиётларида трасология фани тизимида мустақил таълимот – трасологик механоскопияни ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар билдирилди. Бундай мустақил таълимот ажратилишининг сабаби ва зарурий шarti – классик трасология назариясининг умумий даражасидан механоскопик текширувларни такомиллаштиришга қаратилган назарий ва услубий ишланмаларнинг бир мунча орқада қолиши эди. Механоскопик тадқиқотларга алоҳида

аҳамият бериб, суд экспертлари уларни ҳар доим трасологик тадқиқотлар орасида энг мураккаб ва шу билан бирга жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун аҳамиятли деб ҳисоблайдилар. жумладан Н.П. Майлис трасологиянинг ҳозирги ривожланиш босқичида “бу каби фарқлаш (ажратиш) жараёни зарур, чунки буни амалиёт талаб қилади” [7] деб таъкидлаган.

Механоскопик тадқиқотлар тадқиқот объектларнинг катта гуруҳини, жумладан: асбоблар, ускуналар, механизмлар ва уларнинг излари, кулфлар, пломбалар, оммавий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва бошқаларни камраб олади.

Бузиш қуроли ва асбоблар изларини текшириш трасологик тадқиқотларнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, ўғирлик, талон-торож, талончилик, безорилик, ўзгаларнинг мол-мулкни йўқ қилиш каби жиноятларни содир этишда жиноятчилар кўпинча турли хил (маиший ёки махсус жиной мақсадларда ишлаб чиқарилган) асбоб-ускуна ва воситалардан фойдаланадилар. Бундай ҳолатларда жинойт содир этилган жойда қолган изларни ўрганиш жинойт ишларини тергов қилиш учун муҳим бўлган ҳолатларни аниқлашга имкон беради. Масалан, бузиш қуроли ва асбоблар изидан изларнинг ҳосил бўлиш механизмини; бузиш қуроли ёки асбобнинг таъсир йўналишини; из ҳосил бўлишида бузиш қуроли ва асбобнинг ҳолатини; бузиш қуроли ва асбоб турини; аниқ бузиш қуроли ва асбобини ҳамда бошқа керакли ҳолатларни аниқлаш мумкин;

Янги турдаги кулфлар ва беркитувчи-пломбаловчи мосламаларини тадқиқотлари ҳозирги кунда энг долзарб ҳисобланади ҳамда бу каби тадқиқотларнинг методик ва ахборот таъминотини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Чунки, ҳозирда тузилиш хусусиятлари трасология экспертизалари амалиётида ўрганилмаган кулфлар ва беркитувчи-пломбаловчи мосламаларнинг янги турлари жуда кўп пайдо бўлмоқда. Ушбу турдаги кулфлар ва кулфлаш-муҳрлаш мосламалари пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг конструктив хусусиятлари трасологик текширувлар амалиётида етарли даражада ўрганилмаган. Шу боисдан, кулфлар ва беркитувчи-пломбаловчи мосламаларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари, уларни ноқонуний таъсир кўрсатишдан ҳимоя қилиш усуллари, уларнинг бутунлиги бузилганда ҳосил бўлган излар ва бошқаларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай объектларни трасологик тадқиқ қилиш нуктаи назаридан турли хил белгилар ўрганилади, масалан: ишлаб чиқариш-технологик, эксплуатацион ва жиной хусусиятли (масалан, кулфларни бузиш излари) белгилар. У ёки бу турдаги объектлар ҳамда ишлаб чиқариш механизмларининг изларини ўрганишда идентификацион ва диагностик вазифалар ҳал қилинади.

Идентификацион турдаги вазифаларига қуйидагилар киради: қолдирган изларини инобатга олган ҳолда бузиш қуроли ёки асбоб-ускунанинг гуруҳий мансублигини аниқлаш; қисмларга ажралишнинг умумий соҳалари ёки мураккаб тузилшли маҳсулотнинг асосий қисмлари ажралиб кетганда, қисмларга кўра бир бутунни аниқлаш; бир нечта маҳсулотларнинг (деталлар, қисмлар) ягона келиб чиқиш манбасини аниқлаш; аниқ бир маҳсулотни айнанлигини аниқлаш (идентификация қилиш); ишлаб чиқарилган (қайта ишланган) маҳсулотдаги изларига кўра аниқ бир механизмларни (асбоблар) идентификация қилиш; қўшма объектлар ва буюмларнинг биргаликда сақланганида, эксплуатация қилинганда ёки тайёрланишида ўзаро бириктирилишида ҳосил бўлган изларининг белгиларини аниқлаш.

Диагностик вазифаларга қуйидагилар киради: объектлар сиртида (юзасида) бегона таъсирлашиш излари мавжудлигини аниқлаш; маҳсулотни ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) усулини аниқлаш; ўрганилаётган маҳсулотнинг (асбоб) хусусиятлари ва мўлжалланган мақсадини аниқлаш; кулфлар ва беркитувчи-пломбаловчи мосламаларнинг техник созлиги ва яроқлилиги ҳамда уларни бегона буюмлар (“отмичка”, “фомка”, лом) билан очиш (синдириш) имкониятлари бўйича масалалар ҳал қилинади [8]; жиной мақсадда таъсир қилиш пайтида кулфлаш мосламаси механизмнинг ҳолатини аниқлаш ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш механизмлари изларининг тадқиқотларида, бу каби механизмлар идентификация қилинишига асос бўлган излар турлича келиб чиқишга эга бўлишини унутмаслик даркор. Бундай изларнинг бир қисми механизмларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнида, яна бир қисми – маҳсулотларни бузилиши жараёнида; баъзилари – автоҳалокат пайтида, бошқалари – тўсиқларни бузишда қолиши мумкин.

Маҳсулотларда изларнинг пайдо бўлиши ва бу изларда машина деталлари ва механизмларининг идентификация белгиларининг акс этиши – ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари билан боғлиқ. Бу маънода одатда, тегишли машина ва механизмларнинг ишчи қисмлари (кесишда, пресшлашда, қолиплашда ва ҳ.к.) тайёрланаётган маҳсулотларда ўзининг таъсир изларини қолиши

билан юз берадиган технологик усуллар ва операциялар мавжуд бўлади [7]. Из ҳосил бўлиш механизми механизмлар қисмларининг тузилиши хусусиятларига боғлиқ бўлади. Из ҳосил бўлиш жараёнида механизмларнинг из ҳосил қилувчи деталлари муайян бир қайд этилган (ўрнатилган) ҳолатда бўлади, шунинг учун қисқа вақт оралиғида айнан бир станокда тайёрланган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотлардаги изларда, ишлаб чиқариш механизмларининг ишчи деталларининг белгиларини такрорланиши жуда юқори бўлади. Шу билан бирга, эксперт томонидан механизм деталларининг ейилиши, ишлов бериш тезлиги, механизм ишчи қисмларининг объектга таъсир кўрсатиш бурчагининг ўзгариши, механизм қисмларидаги кўчиш ва ёриқлар ҳосил бўлиши кабилар инobatга олиниши лозим, чунки бу омиллар излар ва белгиларнинг акс этишига таъсир қилиши, яъни уларни ўзгаришига ёки бузилишига олиб келиши мумкин.

Замонавий технологияларнинг ривожланиши кулфлаш мосламаларининг тузилишига ҳам таъсир қилади. Шу сабабли ҳозирда махсус магнит ёки “чип”-калит карталар билан очиладиган электрон кулфлаш мосламалари ишлаб чиқилмоқда. Бу каби объектларнинг тадқиқотлари учун эса комплекс суд-трасологик ва компьютер-техник экспертизаси тайинланиши лозим.

Ҳозирги кунгача эса механоскопияда комплекс тадқиқотларга деярли аҳамият берилмаган, бу эса ушбу муҳим йўналиш бўйича тегишли методика ишлаб чиқишни ва яна ҳам ривожлантиришни тақозо этади.

Юқорида айтиб ўтилганлар механоскопияда объектларни экспертиза тадқиқотларининг муҳимлиги, ҳал қилинадиган вазифаларнинг кенг доираси ва уларнинг натижаларидан нафақат жиной, балки фуқаролик ишларида ҳам фойдаланиш имконияти, шунингдек замонавий шароитларга жавоб берадиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни экспертлик амалиёти ҳамда соҳага оид ўқув жараёнида фойдаланиш зарурлигидан далолат беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Эрназаров У.Т. Суд-экспертлик фаолиятини ташкил этишда инновацион технологияларнинг аҳамияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 135–138. // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/96>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1633102>
3. Хасанов Ш.Х. Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 130–134. // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/95>
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази “Суд-баллистика ва трасологик экспертизаси лабораторияси” ҳисобот ҳужжатларидан олинган.
5. Шевченко Б.И. Теоретические основы трасологической идентификации в криминалистике. М., – 1995. – С.118. // <http://lawlibrary.ru/izdanie3834.html>
6. О.П.Маршанская, Т.А.Ромаданова, И.А.Азимова, Ш.Х.Хасанов. Трасологик экспертизаларнинг асосий атамалари луғати / Эксперт-трасологнинг китобчаси. – Т., Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ. 2018. – Б.283.
7. Майлис Н.П. Криминалистическая трасология как теория и система методов решения задач в различных видах экспертиз: автореф. дис. д-ра юрид. наук. – М., 1992. – С.13.
8. Справочная книга криминалиста. Под ред. Селиванова Н.А. – М.: Инфра-М, Норма, 2000. – С.426. (*Criminalist reference book. Ed. Selivanova N.A. – M.: Infra M, Norma, 2000. – S.426.*)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АБДУҚОДИРОВА Шахноза Абдуқодир қизи
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси маркази давлат суд эксперти
E-mail: info@sudex.uz.

СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ХАТОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРАТАРАФ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ БЎЙИЧА АЙРИМ ФИКРЛАР

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): АБДУҚОДИРОВА Ш.А. Суд экспертларининг хатолари ва уларни баратараф қилиш йўллари бўйича айрим фикрлар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 82-87

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада суд экспертизасининг аҳамияти, суд экспертизаларини ўтказишда суд экспертлари томонидан йўл қўйиладиган хатоларнинг тушунчаси, суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги хатоларнинг объектив сабаблар ва субъектив сабаблари ҳамда уларнинг тушунчаси ва турлари ёритилган. Суд экспертлик фаолиятининг таҳлиллари натижаларига асосланиб суд экспертлари хатоларининг олдини олиш бўйича муалифлик талқинидаги ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суд эксперти, суд экспертлари комиссияси, суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатолари, объектив сабаблар, субъектив сабаблар, суд экспертларнинг рухий-ҳиссий ҳолати, суд экспертлари хатоларининг олдини олиш бўйича ёндашувлар.

АБДУКАДЫРОВА Шахноза Абдуқодир қизи
Государственный судебный эксперт Республиканского центра судебной экспертизы им.
Х.Сулаймановой при Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: info@sudex.uz.

НЕКОТОРЫЕ МНЕНИЯ ОБ ОШИБКАХ СУДЕБНЫХ ЭКСПЕРТОВ И СПОСОБАХ ИХ УСТРАНЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье описывается значение судебной экспертизы, понятие ошибок, допускаемые судебными экспертами при проведении судебных экспертиз, понятие и виды объективных и субъективных причин ошибок. По результатам анализа судебно-экспертной деятельности разработаны авторские подходы по устранению ошибок, допускаемых судебными экспертами.

Ключевые слова: судебный эксперт, комиссия судебных экспертов, ошибки судебных экспертов в проведении судебных экспертиз, объективные причины, субъективные причины, психо-эмоциональное состояние судебного эксперта, подходы к предотвращению ошибок судебных экспертов.

ABDUKADIROVA Shakhnoza

State forensic expert of the Republican center of forensic expertise named after X.Sulaymanova
under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
E-mail: info@sudex.uz.

SOME OPINIONS ABOUT ERRORS OF JUDICIAL EXPERTS AND WAYS TO ELIMINATE THEM

ANNOTATION

The article describes the meaning of forensic examination, the concept of errors made by forensic experts in conducting forensic examinations, the concept and types of objective and subjective reasons for errors in forensic examinations. Based on the results of the analysis of forensic expert activity, the author's approaches to prevent the mistakes of forensic experts have been developed.

Keywords: forensic expert, a commission of forensic experts, mistakes of forensic experts in conducting forensic examinations, objective reasons, subjective reasons, psycho-emotional state of a forensic expert, approaches to preventing forensic experts mistakes.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ “суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд экспертлари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади” [1]. Мазкур қонунга асосан қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертнинг мустақиллиги, суд-эксперт текширишларининг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги суд-экспертлик фаолиятининг асосий принципларидир. Бундан келиб чиқадики, суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш жинойи процессида табиий, техник ва гуманитар фанларнинг замонавий ютуқларини тўлиқ амалга оширмасдан туриб мумкин эмас. Илмий маълумотларни жорий қилишнинг муҳим воситаларидан бири бу суд экспертизаси ҳисобланади. Кўпгина жиноятларни тергов қилишда суд экспертизасининг имкониятларидан кенг фойдаланилади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд экспертлик фаолияти тораб ривожланиб бормоқда” [2, Б.131]

Шунингдек, суд эксперти суд экспертизасини ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан), тарафлардан ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахслардан мустақил ҳамда суд эксперти ўзининг фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимларига (бундан буён матнда махсус билимлар деб юритилади) мувофиқ ўтказилган текширишлар натижаларига асосланиб хулоса беради. Суд эксперти текширишларни холисона, қатъий илмий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида, ҳар томонлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказади. Суд экспертнинг хулосаси (хулоса) қилинган фикрларнинг асослилиги ва ишончилигини умум эътироф этилган илмий ва амалий маълумотлар базасига мувофиқ текшириш имкониятини берадиган қоидаларга асосланиши лозим.

Афсуски, ҳар қандай одам сингари суд эксперти ҳам хатоларга йўл қўйиши мумкин. Аммо суд экспертизасини ўтказишда ёки экспертиза тадқиқотлари натижалари бўйича хулоса тайёрлаш жараёнида суд эксперти томонидан йўл қўйилган хатолар эксперт хулосасининг далил сифатида етарли эмас деб баҳоланишига сабаб бўлиши мумкин.

Суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги эксперт хатоларини умумий тарзда экспертнинг объектив воқеликка мос келмайдиган ёки нотўғри, экспертиза тадқиқотлари мақсадига эришишга олиб келмайдиган фикрлаши ёки ҳаракатидан иборат деб ҳисоблаш мумкин. Суд экспертизаларни ўтказиш жараёнидаги хатоларнинг сабаблари – объектив ва субъектив сабаблардан иборат бўлади [3].

Объектив сабабларга экспертиза тадқиқотларининг субъекти бўлган суд экспертига тегишли бўлмаган сабаблар киради ва бинобарин, суд экспертнинг объектив хатолари – бу тадқиқот субъектига сифатида суд экспертига боғлиқ бўлмаган хатолардир. Бундай хатоларга Е.Р. Россинская қуйидагиларни киради:

- 1) ишлаб чиқилган ва синалган методиканинг мавжуд эмаслиги;
- 2) суд эксперти томонидан қўлланиладиган методиканинг номукамаллиги;
- 3) хато тавсия этилган методларни қўллаш;
- 4) экспериментал тайёргарлик босқичида бўлган (хали тугалланмаган) методлардан фойдаланиш;
- 5) носоз техник-криминалистик восита ва қурилмалардан фойдаланиш;
- 6) етарлича сезгирлик ёки ажратиш қобилиятига эга бўлмаган методлар ва қурилмалардан фойдаланиш;
- 7) физик миқдорларини ўлчаш учун сертификатланган ўлчов бирликларига мансуб бўлмаган қурилмалардан фойдаланиш;
- 8) синалмаган ва тасдиқланмаган ўлчов воситалари ва эталонлардан (стандарт) фойдаланиш;
- 9) жисмоний миқдорларни ўлчашнинг сертификатланмаган методларидан фойдаланиш;
- 10) нотўғри тавсия этилган ёки етарли бўлмаган математик моделлар ва компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- 11) лицензияланмаган компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- 12) белгиларнинг идентификацион ва диагностик аҳамиятини тавсифловчи тўлиқ маълумотларнинг мавжуд эмаслиги [4].

Вақт ўтиши билан суд экспертизаларини ўтказишдаги воситалар ва методлар орасида судга оид далилларини текширишнинг янги методлари, шунингдек, янги қурилмалар ва асбоб-ускуналар вужудга келади. Агар экспертиза тадқиқотлари учун сертификатланган методика мавжуд бўлмаса ва далиллар билан ишлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинганда суд эксперти тадқиқот воситалари ва методларини танлашда мустақилдир. Суд экспертизасининг умумий назариясида эса суд-экспертиза тадқиқотларида метод ва воситаларнинг қўллаш доирасининг асосий тамойилларини ишлаб чиқилган. Уларнинг энг муҳимларидан бири – бу тадқиқот методларининг илмий асосланганлиги ва улар ёрдамида олинган натижаларнинг ишончлилиги ҳисобланади. Тадқиқот методлари ва воситаларининг суд экспертларининг махсус билимларига мослиги ҳақидаги саволларга тегишли жавоблар, бу метод ва воситалар қайси фан доирасида ишлаб чиқилган (яратилган) бўлса, шу фан назариясида мавжуд бўлиши керак.

Бирок, тадқиқотларда қўлланилган методлар илмий бўлишига қарамай, қўлланиладиган технология ишончли натижаларни олишга имкон бермаслиги мумкинлигини унутмаслик керак. Масалан, агар суд экспертиза тадқиқотларини ўтказиш методикасида, тавсия этилган асбоб-ускуналар эмас, балки уларнинг содалаштирилган ва / ёки арзонроқ версиялари қўлланилса, унда олинган натижалар ишончсиз маълумотларга асосланган бўлиши мумкин, бу эса кўплаб суд эксперти хатоларига олиб келади. Бундан ташқари, метод илмий, аниқ ва ишончли, аммо айим тадқиқот объектларни тадқиқотлари ва ўрганиш учун умуман яроқсиз бўлиши мумкин.

Афсуски, одатда суд экспертизасини ўтказишда фойдаланиладиган ҳар хил метод ёки методикаларнинг илмий асосланганлиги ва тадқиқотларда қўллаш мумкинлиги аниқлаш экспертиза тайинлаган органнинг (шахс) ваколатига кирмайди. Шунинг учун, экспертиза тадқиқотларини ўтказишда ўта сезгир методлардан ёки баъзи бир ноёб ускуналардан фойдаланиш экспертиза тайинланган шахсни (орган) чалғитади. Масалан, амалда суд экспертизалари суд-экспертиза муассасаси ходимлари томонидан эмас бошқа мутахассислар (масалан, академик ёки соҳавий илмий-тадқиқот институтлари ходимлари) томонидан ўтказиладиган ҳолатлар кўп учрайди, бундай мутахассислар кўпинча биринчи марта амалий суд-экспертиза фаолиятига дуч келишади. Шу сабабли, бундай мутахассислар ҳар доим ҳам амалий экспертлик фаолияти ва илмий фаолият ўртасидаги фарқларни сезмайдилар, натижада улар тадқиқот объектларининг ўзига хос хусусиятларини, экспертиза вазифаларининг ўзига хослигини ажрата олмайдилар ва ҳисобга олмайдилар, шунингдек, уларнинг ихтиёрида кўпинча ноёб ускуналар мавжуд бўлса-да, экспертиза

ўтказиш технологияларига эга бўлмайдилар. Бундай мутахассислар баъзида давлат суд экспертиза муассасалари суд экспертлари ўзлари зиммасига олмайдиган вазифаларни бажарадилар, аммо айнан шундай ҳолларда экспертлар хатоларининг сони айниқса кўп учрайди. Бундай ҳолатларда доир эксперт ёндашувлари ҳал этилаётган механик равишда ўтказилади, бу каби тадқиқотларнинг ўтказиш методикаси эса синовдан ўтмаган бўлади.

Бундан ташқари, амалда кўплаб турли хил формулаларга тўла бўлган эксперт хулосалари учраб туради ва бу ҳолат экспертиза тайинлаган шахс (орган) учун жуда ишончли кўринади. Албатта, суд экспертизаси назарияси ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда суд экспертлари ўтказилган тадқиқотларни эксперт хулосасида баён этишда имий атамалардан ҳамда мутахассиснинг махсус илмий тилидан фойдаланиши мумкинлиги таъкидланади. Шунга қарамай, эксперт хулосасининг адресатлари (фойдаланувчилари) махсус билимларга эга бўлмаган шахслар (судьялар ва процесснинг бошқа иштирокчилари) эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун суд экспертнинг тили содда ва тушунарли бўлиши маъқул, яъни, эксперт хулосаси матнида келтирилган формулаларни тушунтириш ва изоҳлаш керак.

Баъзи объектив хатолар субъектив хатолар учун шароит сифатида қаралиши мумкин, аммо асосан бу аниқ объектив сабаблардир ва суд экспертнинг ўзи, одатда уларни олдини олишга қодир бўлмайди.

Субъектив сабабларга экспертнинг фикрлаши ёки ҳаракатларига боғлиқ бўлган сабаблар киради.

Аввало, суд экспертнинг касбий лаёқатизлигини субъектив хатоларга киритиш мумкин, жумладан:

- 1) замонавий эксперт-криминалистик техникаларини билмаслик;
- 2) маълумбир экспертиза вазиятлари учун мақбул бўлган замонавий экспертиза технологияларини қўллай олмаслик;
- 3) белгиларнинг идентификацион аҳамиятини, комплекс суд экспертизаларини ўтказишда экспертлар комиссиясининг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни нотўғри баҳолаш ва бошқалар.

Бундан ташқари, тадқиқотнинг тўлиқ эмаслиги ва унинг бир томонлама ўтказилиши ҳам субъектив хатолар сирасига киради ҳамда улар қуйидагиларда ифодаланади:

- 1) объектнинг муҳим (иш учун аҳамиятли) хусусиятларини тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд экспертига маълум бўлган барча тадқиқот усулларида фойдаланмаслик;
- 3) объектларнинг у ёки бу хусусиятларини ёки уларнинг ўзаро сабабий боғлиқлигини эътиборсиз қолдириш;
- 4) экспертиза тадқиқотлари методикалари ва техник воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига тўлиқ амал қилмаслик (беътибор бўлиш).

Шунингдек, суд экспертнинг касбий маҳорати ва малакасига оид камчиликлари ҳам субъектив хатолардир, масалан: ноаниқлик, эътиборсизлик, юзаки тадқиқотлар.

Субъектив тусдаги хатолар суд экспертнинг шахсиятига тегишли ўзига хос хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, масалан:

- 1) суд экспертнинг сезги органларидаги нуқсонлар (эшитиш, кўриш ва бошқалар);
- 2) суд экспертнинг фавқулудда руҳий (психологик) ҳолати, хусусан ортикча ишлаш, стресс, хавотир, ҳиссий ёки руҳий стресс, шошқалоқлик;
- 3) суд экспертнинг қуйидагича ўзига хос хусусиятлари: иккиланиш, шубҳаланиш, ўз билимларига ишонмаслик ёки ўзига ҳаддан ташқари ишониш, бошқа тажрибали экспертларнинг таъсирига тушиб қолиш ва бошқалар;
- 4) суд экспертнинг айрим руҳий-ҳиссий ҳолатлари, масалан: унинг темпераменти, руҳий барқарорлиги, иродавий хислатлари ва ш. к.;
- 5) эксперт фикрлашидаги мантиқий нуқсонлар;
- 6) экспертиза тадқиқотларини ташкил этиш ва режалаштиришдаги камчиликлар;
- 7) асосиз ҳолда ташаббус кўрсатишга интилиш (янгилик яратиш билан кўзга кўриниш, тегшили қарор қбул қилишда ортикча шижоат ва ш.к.).

Суд экспертнинг рухий-ҳиссий ҳолати, мураккаб ускуналар билан ишлашга айниқса кучли таъсир қилади, бу эса кўп ҳолларда суд экспертлари иш фаолиятида хатоларига олиб келади.

Бундан ташқари, ўтказилаётган тадқиқотларнинг мураккаблик даражаси ҳам суд экспертнинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, суд эксперти учун тадқиқотларнинг мураккаблик даражаси максимал даражада бўлиб, ҳал қилиш учун берилган вазифани бажаришнинг имкони бўлмаса, аввал суд экспертнинг фаолияти кучаяди, сўнгра эса кескин пасаяди. Бинобарин, агар вазифа қийин бўлса ҳам, амалда ҳал қилинадиган бўлса, унда суд эксперти фаолиятининг самарадорлиги унинг тажрибаси ва тайёрлик даражасига боғлиқ бўлади. Агар эксперт юқори касбий малакага ва бой тажрибага эга бўлса, унда юзага келган муаммо ва тўсиқлар қўйилган вазифани бажарилишини яхшилашга ёрдам беради, суд эксперти ўзининг барча интеллектуал ресурсларини иш жараёнида сафарбар қилишга мажбур қилади. Касбий малакаси паст ва ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ҳолатда, худди шу муаммолар ва тўсиқлар вазифанинг бажарилишини ёмонлаштиради ва охир-оқибат суд эксперти бундай муаммони ҳал қилишнинг иложи йўқ деган хулосага келиши мумкин.

Суд экспертлари фаолиятидаги субъектив хатоларининг вужудга келишига шароит яратадиган яна бир омил, ҳар қанча ғайриоддий туюлмасин, бу – комиссия экспертзани ўтказиш учун бир хил мутахассисликка эга бўлган суд экспертлари ёки турлича суд экспертиза мутахассислигига эга бўлган суд экспертиларининг бирлашишидир. Одатда, бундай ҳолда етакчи суд эксперти экспертиза натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, чунки бу вазифа комиссия экспертиза ўтказишда энг тажрибали ёки касбий малакаси юқори бўлган суд экспертига юкланади. Албатта, расмий қараганда ташкилотчи-суд экспертнинг процессуал жиҳатдан ҳеч қандай афзалликлари йўқ ва етакчи суд эксперти ўз ваколати ёки тажрибасидан фойдаланган ҳолда комиссия аъзоларини у ёки бу хулосага ишонтиришга ҳақли эмас.

Бироқ, тадқиқотлар жараёнида келишмовчиликлар юзага келганда, етакчи эксперт турли хил таъсир шаклларида (масалан, таклиф, хизмат мавқеидан фойдаланиш, иш тажрибаси орқали таъсир кўрсатиш ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда низоли вазиятларни ҳал қилиш орқали суд экспертнинг мустақиллиги ва шахсий жавобгарлиги принципларини бузиши мумкин. Шундай қилиб, экспертлар комиссияси аъзоларининг хизматга доир боғлиқлигининг мавжудлиги, экспертлар комиссияси аъзоларининг вужудга келаётган вазиятга мослашишга мажбур қилиб, коллегиял фикрини шакллантиришга таъсир қилиши мумкин.

Бундан ташқари, комиссия, комплекс ва такрорий экспертизаларни ўтказишда, тадқиқот натижаларини баҳолаш ва якуний жавобларни (хулосалар) шакллантиришда фикрларнинг номувофиқлиги ва ишончсизлик (иккиланиш) пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолда юзага келган муаммо икки хил хусусиятга эга бўлади: бир томондан, суд эксперти ўз тадқиқотлари натижаларини юқори баҳолаши мумкин, бошқа томондан – у ўз фаолиятига ортиқча танқидий баҳо бериб олган натижаларини ёки бу натижаларнинг аҳамиятини паст баҳолаши мумкин. Шунингдек, имтиҳон натижаларини баҳолашда иштирокчилардан бирининг ваколати қисқа муддатли экспертиза иш тажрибасига эга бўлган суд экспертига психологик босим ўтказиши мумкин.

Экспертиза тақдим қилинган материаллардаги дастлабки маълумотларнинг нотўғрилиги, тадқиқот объектларининг кўрилатган ишга боғлиқ эмаслиги ёхуд уларнинг қалбакилаштирилганлиги кабилар ҳам экспертиза тадқиқотлари хатолигининг сабаби бўлиши мумкин. Шунга кўра, экспертнинг ҳақиқатни аниқлаш бўйича хулосаси нотўғри бўлади. Аммо, бу ҳолда суд экспертларининг хатоси билан эмас, балки экспертиза тайинлаган субъектларнинг хатоси билан ёки қасддан йўналтирилган ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарлик билан дуч келинади [5].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суд экспертлари хатоларининг олдини олиш бўйича қуйидаги ёндашувларни ажратиш мумкин:

биринчидан, суд экспертини тўлиқ, сифатли, аҳамиятли ва етарли нарсалар ва материаллар билан таъминлаш зарурати;

иккинчидан, экспертиза тадқиқотлари методлари ва воситаларини такомиллаштириш, шу жумладан суд-экспертлик фаолиятини ахборот-коммуникацион технологиялар ва ахборот

таъминотини ривожлантириш ҳамда тадқиқотларнинг юқори технологик ва компьютерлаштирилган методларини жорий этиш;

учинчидан, малакали суд экспертларини касбий тайёгарлигини самарадорлигини ошириш, суд экспертларининг малакасини тасдиқлаб бориш ва малакасини ошириш;

тўртинчидан, экспертиза тадқиқотлари сифатини, мустақил мутахассисларни (суд экспертлари) жалб қилган ҳолда эксперт хулосаларини ички ва ташқи тақризларини ўз ичига оладиган назорат қилиш.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/1633102>

2. Хасанов Ш.Х. Суд-экспертлик фаолиятининг психологик жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 130–134. // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/95>

3. Ш.Х.Хасанов, С.С.Нуриддинов, А.Д.Хусанов, И.Э.Эшметов. Криминалистик экспертизаларни ўтказишдаги хатолар: Ўқув-методик қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 68 б.

4. Е.Р. Россинская, Е.И. Галяшина. Настольная книга судьи. Судебная экспертиза. – М., 2010. // <https://may.alleng.org/d/jur/jur735.htm>

5. Судебная экспертиза: типичные ошибки / Под ред. Е.Р.Россинской. – М.: Проспект, 2014. // https://litgid.com/read/sudebnaya_ekspertiza_tipichnye_oshibki/page-1.php

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

САИДОВА Лола Абдувахидовна

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции
Республики Узбекистан, доктор юридических наук

E-mail: saidova.lola@inbox.ru

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА ДОСТИЖЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВНОПРАВИА И НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА ПО ЕЕ ОБЕСПЕЧЕНИЮ В УЗБЕКИСТАНЕ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): САИДОВА Л.А. Международная практика достижения гендерного равноправия и национальная политика Узбекистана в ее обеспечении // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) С. 88-92

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-13>

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы обеспечения гендерного равноправия на международном и национальном уровнях. Проанализированы основные подходы по определению «гендерное равноправие» с точки зрения международных стандартов. Автор акцентирует внимание на то, что обеспечение гендерного равенства зависит не только от правовых предпосылок, но и от практических мер предусмотренных законодательством. На основе научного анализа даны выводы и рекомендации практического характера.

Ключевые слова: Гендерное равноправие, гендерное равенство, гендерная политика, стратегия, национальная программа, CEDAW, движение за равноправие женщин.

САИДОВА Лола Абдувахидовна

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги

Юристар малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлар доктори

E-mail: saidova.lola@inbox.ru

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИГА ЭРИШИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқаро ва миллий даражаларда гендер тенглигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. «Гендер тенглик» ни халқаро стандартлар нуктаи назаридан белгилашга доир асосий ёндашувлар таҳлил қилинган. Муаллиф гендер тенглигини таъминлаш нафақат ҳуқуқий шарт-шароитларга, балки қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалий чораларга ҳам боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Илмий таҳлил асосида амалий характердаги хулоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Гендер тенглик, гендер сиёсати, стратегия, миллий дастур, CEDAW, аёллар тенглиги ҳаракати.

SAIDOVA Lola

Professor of the Department at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences

E-mail: saidova.lola@inbox.ru

INTERNATIONAL PRACTICE OF ACHIEVING GENDER EQUALITY AND NATIONAL POLICY OF UZBEKISTAN TO ENSURE WOMEN'S EQUALITY**ANNOTATION**

The article deals with the issues of ensuring gender equality at the international and national levels. The main approaches to the definition of "gender equality" from the point of view of international standards are analyzed. The author emphasizes that ensuring gender equality depends not only on the legal prerequisites, but also on the practical measures provided for by the legislation. Based on the scientific analysis, conclusions and recommendations of a practical nature are given.

Keywords: Gender equality, gender policy, strategy, national program, CEDAW, Women's equality movement

В начале 20 века Международные политические структуры начали ставить на повестку дня вопросы равных прав и возможностей для женщин. Истоки развития равноправия берёт корни в реформаторском движении западного общества XIX века. Так, впервые требования равноправия были выдвинуты женщинами во время Войны за независимость в США (1775—1783). Основателем движения равноправия между женщинами и мужчинами является Абигейл Смит Адамс (1744—1818 г.г.) [1].

К середине прошлого столетия движение за равноправие женщин обсуждалось с момента создания ООН, в связи с чем вопросы равноправия женщин нашло признание, закрепление и усовершенствование в многочисленных универсальных международных документах: Всеобщей декларации прав человека (1948 г.), Международного Пакта о гражданских и политических правах (1966 г.), Международного Пакта об экономических, социальных и культурных правах (1966 г.) и практически во всех основных универсальных и региональных конвенциях о правах человека, в частности, в Конвенция о политических правах женщин (1957 г.) Конвенция о гражданстве замужней женщины, Конвенция от 1962 года о минимальном возрасте вступления в брак и согласия на регистрацию брака и другие. Наибольшее воплощение гарантия равенства прав мужчин и женщин получила в Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (1979 г.) (CEDAW). Эта Конвенция стала новым этапом в развитии принципа равенства прав женщин с учетом гендерного равенства к его реализации, который развил положения международных документов о правах человека и превратил их в международные стандарты. Последние предусматривают необходимых особых мер для обеспечения равноправия и защиты прав женщин, развития социального положения последних, чтобы они были способны реализовать свое равноправие. Это и является учетом социальных конструкции пола, который обуславливает преграды в реализации женщинами своего равноправия вследствие рождения детей, физиологических отличий их организма, создание стереотипов, о роли мужчин и женщин в обществе [2].

Принятие специального документа, обеспечивающего равноправие мужчин и женщин, способствовало реализации мер в обеспечении гендерного равенства в мире. Так, В итоговом документе Всемирного саммита – 2005 года (Резолюция 60 Генеральной Ассамблеей ООН) руководители государств мира подтвердили свое намерение достичь полного и эффективного осуществления Резолюции 1325 (2000) СБ ООН в частности, было акцентировано внимание на правовой проблемы в области создания равных возможностей для активного участия женщин во всех направлениях поддержки мира и поощрения к миру и безопасности, а также необходимости повышения их роли в принятии решений на всех уровнях.

В современном мире гендерная политика носит глобальный характер. Повсеместный подход к улучшению равноправия женщин является самым актуальным вопросом обеспечения прав человека. Именно гендерное равноправие является одной из основополагающих принципов прав человека.

Таким образом, сформировались подходы, определяющие «гендерное равноправие»,

так, гендерноравноправие – это прежде всего обеспечения прав человека как важный компонентравноправного развития на планетарном уровне.

Различные подходы к обеспечению гендерного равенства поднимались учеными, практиками разного рода и в разное время. По поводу определения обеспечения гендерного равенства существуют различные подходы, так, Ш.Гаффарова в своей статье отмечает, что: «по сути, обеспечение гендерного равенства должно гарантироваться прежде всего государством» [3].

Ведь, в свою очередь, формирование гендерной политики во всех континентах планеты неразрывно связано женскими движениями и борьбой за политические, экономические, социально-гуманитарные праваженщин. История этой борьбы уходит в те далёкие периоды, которые исчисляются сотнями лет назад. Славная история женщин лидеров в Европе, США и Ближнем Востоке, таких как Олимпия де Гуж, Элизабет Стентон, Варда аль Язычи, Берта Фон Зутнер, Симоне де Бовуар своими воззрениями внесли огромный вклад формированию политики гендерного равноправия в глобальном масштабе.

Начиная с 70-х годов ООН начало исследовать гендерные проблемы на региональном и международном уровнях, достаточно вспомнить объявления ЮНЕСКО 75-85 годы прошлого столетия десятилетием женщин. В 80-х годах, волна движений за женское равноправие отразилась во всех партийных программах политических партий Европейских стран, и эта политика начала давать свои плоды, улучшая таким образом положения женщин в мире. Так, в 1995 году были приняты важные документы, в 1995 году на четвертой Всемирной конференции по положению женщин, которая прошла в Пекине (Китай), были приняты Пекинская декларация и Платформа действий, ставшие основополагающей и наиболее прогрессивной программой для продвижения прав женщин. Взяв за основу мир, где каждая женщина и девушка может пользоваться своими свободами и осуществлять свой собственный выбор, реализовывать свое право жить свободными от насилия, посещать школы, участвовать в принятии решений и получать равную оплату за равный труд, Пекинская Платформа действий обозначила двенадцать важнейших проблемных областей и их стратегические цели.

Таким образом, в ходе нормотворческого процесса по обеспечению равноправия мужчин и женщин, за последнее время международными организациями были приняты 355 многосторонних договоров. В 84 стран мира по рекомендации Комитета CEDAW начало действовать система квотирования. Так, ООН еще 1985 году в Найроби поставил на повестку дня комплексного подхода к проблемам гендерного равенства. Решения этого вопроса, например, Швеции, Дании, Англии привели почти 50% участия женщин в управлении и процессе принятия решений. Весомые показатели также начали достигать страны Азии и Африки. К примеру, в настоящее время Руанда занимает первое место в мире по количеству женщин депутатов в парламенте, которое составляет 61,3% [4].

Следует особо отметить, что Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин четко прослеживается необходимость гармонизированного и согласованного международно-правового и внутригосударственного регулирования в рассматриваемой сфере. Вместе с тем в научной литературе по международному праву высказываются мнения о невысокой эффективности указанной Конвенции. Так, Р. Холт отмечает, что, хотя Конвенция и является наиболее всеобъемлющим международным договором из когда-либо разработанных в отношении прав женщин, она имеет несколько недостатков, в частности, в ней не говорится конкретно о правах женщин в важных областях, правоприменительные механизмы Конвенции одни из самых слабых в международных договорах по правам человека, а оговорки, допущенные многими государствами, делают ее еще менее эффективной [5]. А израильский исследователь Б. Медина рассматривает права человека сквозь призму взаимодействия международно-правового и внутригосударственного регулирования посредством принятия судебных решений на основе совместного применения норм международного и национального права [6]. Р. Сли, в свою очередь, подчеркивает значение международно-правовых актов в сфере прав человека для интерпретации национального законодательства в данной области, а также выработки правовых аргументов на основе взаимодействия международно-правовой и национальной регуляции [7].

В предыдущих нами исследованиях, мы неоднократно поднимали вопросы обеспечения гендерного равенства на основе международных стандартов в области прав женщин, разработки национальных стратегий и программ [8].

На наш взгляд, обеспечение гендерного равенства кроме выполнения международных

обязательств, должна строиться на политике, стратегиях, выработанных государствами на основе международно-правовых договорах и должна формироваться на объективных и справедливых условиях положения женщин.

Поэтому так важно объединять усилия, оказывать содействия в применении лучших практик стран в достижении гендерного равноправия.

В Узбекистане за годы независимости проведена большая работа по реализации мер по обеспечению гендерного равенства. Однако, за последние пять лет политика обеспечения гендерного равноправия улучшилась коренным образом в связи с новым курсом Президента Ш.Мирзиёева [9]. Так, 2019 году были приняты два закона по достижению женского равноправия, предотвращения насилия в отношении женщин в стране. Закон «О гарантиях прав и возможностей для женщин и мужчин», а также Закон «О защите женщин от притеснений и насилия» создали действенный механизм защиты и соблюдения гендерного равноправия в стране. Ныне законодательно закреплены основные направления государственной политики в сфере обеспечения гендерного равноправия.

Основными направлениями государственной политики в сфере обеспечения равных прав и возможностей для женщин и мужчин обозначены:

- формирование и совершенствование нормативно-правовой базы гендерного равноправия;
- разработка и реализация государственных программ, национальных планов действий и стратегий в данной сфере;

- формирование культуры равных прав и возможностей для женщин и мужчин;
- обеспечение равного участия женщин и мужчин в управлении делами общества и государства;
- обеспечение равных прав и возможностей для женщин и мужчин в совмещении трудовых и семейных обязанностей;

- социальная защита и поддержка семьи, детства, формирование ответственного материнства и отцовства;

- защита общества от информации, направленной на прямую и косвенную дискриминацию по признаку пола;

- привлечение органов самоуправления граждан, негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества к разработке и реализации государственных программ, национальных планов действий и стратегий в обеспечения гендерного равноправия;

- финансирование мер по обеспечению равных прав и возможностей для женщин и мужчин осуществляется за счет средств Государственного бюджета [10].

В стране приняты ряд постановлений, предусматривающие улучшения положения женщин по трудоустройству, созданы льготные условия по получению кредитов для бизнеса, льготы при получении жилья, реабилитационные центры для жертв насилия. В мае нынешнего года 2021 года была принята Стратегия достижения гендерного равенства в Узбекистане до 2030 года которая предусматривает комплексный подход к внедрению принципа равенства между женщинами и мужчинами во всех сферах и уровнях принятия и исполнения решений.

Документ также призван способствовать продвижению гендерного равенства в экономической, политической и социальной жизни для создания условий для реализации равных прав и возможностей женщин и мужчин, а также соблюдения фундаментальных прав человека.

Ожидается, что благодаря реализации стратегии:

- расширится практика назначения женщин на руководящие должности в вышестоящей и нижестоящей системе госорганов;

- в государственных органах, где существует гендерный дисбаланс, будет обеспечено равное представительство женщин и мужчин путём введения системы временного квотирования;

- повысится эффективность работы по обеспечению занятости, созданию достойных условий труда и поддержке социально незащищенных и малообеспеченных женщин, особенно женщин из семей, проживающих в сельской местности, а также достигнута самозанятость;

- будет обеспечено предупреждение случаев притеснения и насилия в отношении женщин на рабочем месте и устранение негативных взглядов, которые сформировались по отношению к ним в обществе.

Несмотря на активные меры по продвижению гендерной повестки, в государственной политике возникают дилеммы и некоторые противоречия. Во-первых, до сих пор непонятна четкая регламентация и задачи каждой структуры, которая ответственна за вопросы гендерного

равенства. Во-вторых, встает вопрос координации и даже дублирования функций той или иной государственной структуры.

Приоритеты гендерной государственной политики должны заключаться не только в широкой дискуссии и других мероприятиях, но и отражать измеримые и эффективные программы и проекты поддержки женщин.

Таким образом, гендерная защита является одним из важных достижений в эволюции каталога прав человека. В повестке третьего тысячелетия гендерная защита с уровня формально-юридического закрепления должна перейти на уровень повсеместной и комплексной практической реализации. Причем, по нашему мнению, для формирования эффективной практической реализации необходима просветительская и научная работа по всеобъемлющим вопросам гендерного равенства. Такие аспекты следует внедрить в политологические, социологические, философские, правовые исследования.

Сноски/Иқтибослар/References:

1. A History of Woman in West. / Gen. eds. G.Duby, M.Perrot V.I Cambridge (Mass.), 1992.
2. А. А. Каширкина, А. Н. Морозов ПРАВА ЖЕНЩИН В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ: РЕЗУЛЬТАТ ГЕНЕЗИСА ИЛИ ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ? // *prava-zhenschin-v-sovremennom-obschestve-rezultat-genezisa-ili-obektivnaya-neobhodimost.pdf*
3. Шарлотта Б. Саманта Ф. Права женщин-права человека. Ж. «We/Мы», 1998, №5, (Sharlotta B. Samanta F. The right of woman and and human rights. J. “We/ Мы “, 1998, №5.
4. ГАФФАРОВА Ш.Н. Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 3 (2020), Б.126-133 // <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/194/174>
5. Holt R. Women’s Rights and International Law: The Struggle for Recognition and Enforcement. 1991. URL: <https://cjl.cdrs.columbia.edu/article/womens-rights-and-international-lawthe-struggle-for-recognition-and-enforcement>.
6. Medina B. Domestic human rights adjudication in the shadow of international law: the status of human rights conventions in Israel // *Israel Law Review*. 2017. Vol. 50, № 3. P. 331—388.
7. Slye R. International law, human rights beneficiaries, and South Africa: some thoughts on the utility of international human rights law // *Chicago Journal of International Law*. 2001. Vol. 2, № 1. // URL: <http://digitalcommons.law.seattleu.edu/faculty/602>
8. САИДОВА Л.А. Жаҳон гендер тарихига бир назар ва ўзбекистонда гендер сиёсатининг ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.110-118. // <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/62>
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимидаги нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-07-03-2019>
10. Закон Республики Узбекистан от 02.09.2019 г. “О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин” // <https://lex.uz/docs/4494849>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич
Тошкент давлат юридик университети
“Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчиси
E-mail: rasulovjura@mail.ru

МЕҲНАТГА МАЖБУРЛАШ: “МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ” ВА “ЗЎРАКИ МЕҲНАТ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): РАСУЛОВ Ж.А. Меҳнатга мажбурлаш: “мажбурий меҳнат” ва “зўраки меҳнат” тушунчаларининг халқаро-ҳуқуқий стандартларда қўлланилиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald № 3 (2021) Б. 93-101



3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-14>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада халқаро меҳнат стандартларининг ҳуқуқий табиати, “мажбурий меҳнат” ва “зўраки меҳнат” тушунчаларининг моҳияти илмий адабиётлар ва халқаро ташкилотларнинг таҳлилий материаллари асосида таҳлил қилинган. Мажбурий меҳнат тушунчасининг асосини ташкил қилувчи иш ёки хизмат; ҳар қандай шахс; иш ёки хизматнинг ихтиёрий хусусиятга эга бўлмаслиги; ишни бажариш учун жазолаш таҳдидининг мавжудлиги каби юридик элементларнинг мазмуни тадқиқ қилинган. БМТ ва ХМТ томонидан қабул қилинган ва мажбурий меҳнат билан боғлиқ амалиётларга бағишланган асосий халқаро шартномаларнинг таҳлили асосида мажбурий меҳнатни ҳуқуқий тавсифига оид хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнат, зўраки меҳнат, халқаро меҳнат стандартлари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, конвенция.

РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич

Преподаватель кафедры Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: rasulovjura@mail.ru

ПРИНУЖДЕНИЕ К ТРУДУ: ПРИМЕНЕНИЕ ПОНЯТИЙ “ОБЯЗАТЕЛЬНЫЙ ТРУД” И “ПРИНУДИТЕЛЬНЫЙ ТРУД” В МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ СТАНДАРТАХ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется правовая природа международных правовых стандартов, сущность понятий “обязательный труд” и “принудительный труд” на основе научной литературы и аналитических материалов международных организаций. Изучено содержание элементов, составляющих правовую основу понятий “принудительный труда” как работа или услуга; любое лицо; отсутствие согласия на осуществляемую работу; угроза наказания. На основе анализа основных международно-правовых договоров ООН и МОТ даны выводы касательно правовой характеристики принудительного труда.

Ключевые слова: обязательный труд, принудительный труд, международные трудовые стандарты, Международная организация труда, конвенция.

RASULOV Jurabek

Lecturer of the Department of international law and
human rights of Tashkent State University of Law

E-mail: rasulovjura@mail.ru

**FORCED TO LABOUR: THE APPLICATION OF THE CONCEPTS OF “COMPULSORY
LABOUR” AND “FORCED LABOUR” IN INTERNATIONAL LEGAL STANDARDS****ANNOTATION**

The article analyzes the legal nature of international legal standards, the essence of the concepts of “compulsory labour” and “forced labour”. The content of the elements that make up the legal basis of the concept of forced labour such as work or service; any person; the non-voluntary nature of the work or service; threat of punishment has been studied. Based on the analysis of the main international treaties adopted by the UN and the ILO, conclusions were drawn about the legal characteristics of forced labour.

Keywords: forced labour, compulsory labour, international labour standards, International Labour Organization, convention.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 8 июль куни бўлиб ўтган Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг COVID-19 ва меҳнат соҳаси масалалари бўйича Глобал саммити иштирокчиларига йўллаган мурожаатидан мамлакатимизнинг мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларидаги янги босқичга хос хусусиятни кузатиш мумкин. “Ўзбекистоннинг Ташкилот конвенциялари ва тасвияларига қўшилиши ва уларни имплементация қилиши республикамизнинг халқаро меҳнат меъёрларига амал қилиш тарафдори эканини яққол тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг қатъий сиёсий иродаси туфайли ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг фаол қўллаб-қувватлаши билан мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича салмоқли ютуқларга эришилди” [1].

Маълумки, ХМТ фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири меҳнат стандартларини қабул қилишни назарда тутувчи халқаро норма ижодкорлик ҳисобланади. Халқаро меҳнат стандартлари ХМТ сиёсатини белгилаган ҳолда меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқларни ўрнатади. ХМТ Устави преамбуласида белгиланган мақсадларга эришиш учун ташкилот томонидан конвенция ва тасвиялар тизими – халқаро меҳнат стандартлари ишлаб чиқилади. Аксарият олимларнинг (А.Саидов, М.Махаматов, Н.Лютов) қайд этишича, ХМТ конвенция ва тасвиялари қоидаларини “халқаро меҳнат стандартлари” деб номлаш қабул қилинган [2, Б.121], [3, Б.13], [4, Б.32]. Россиялик олим Н.Лютовнинг фикрича, мажбурий юридик кучга эга бўлишидан ёки юмшоқ ҳуқуққа тегишли эканлигидан қатъи назар халқаро даражада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуи халқаро меҳнат стандартларига тааллуқли ҳисобланади [5, Б.11].

Дарҳақиқат, “замонавий халқаро муносабатларни халқаро ташкилотларнинг фаол иштироки тасаввур қилиб бўлмайди. Замонавий босқичда халқаро ташкилотлар халқаро муносабатлар ривожланиши бутун жараёнининг таркибий қисми ва кўптомонлама дипломатиянинг асосий шаклига айланди” [6].

Бугунги кунда мамлакатимизда БМТ тизимига кирувчи халқаро тузилмалар, хусусан, ХМТнинг инсон ҳуқуқларига оид ҳулоса ва тасвияларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилмоқда. Алоҳида эътибор халқаро стандартларга ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасига қаратилмоқда. Бу эса, ҳозирги кунда қонунчиликни ривожлантиришнинг зарурий шarti ва асосий тенденцияларидан биридир [11, Б.135].

Ўзбекистонлик олимлардан О.Сулаймановнинг фикрига кўра, “Халқаро-ҳуқуқий стандарт – халқаро ташкилотлар ёки давлатлар томонидан қабул қилинган принциплар, хулқ-атвор қоидалари кўринишида ифодаланган минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳисобланади. Минимал халқаро-ҳуқуқий нормалар – халқаро-ҳуқуқий тизимнинг ёки унинг алоҳида соҳасининг мўътадил фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган энг кам ҳуқуқий талаблардир” [7, Б.27]. Олимлар А.Мўминов ва М.Тиллабаевларнинг қайд этишича, “Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, мазкур ҳужжатларга қўшилган давлатлар инсоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тегишли

қонун ҳужжатлари қабул қилиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар. Бу мажбурият эса, халқаро ҳамжамият томонидан шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган минимал стандартлар сифатида баҳоланади” [8, Б.203]. Фикримизча, ХМТ томонидан қабул қилинган конвенция ва тавсиялар билан биргаликда декларацияларни ҳам халқаро меҳнат стандартлари сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Халқаро меҳнат стандартларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади. Биринчидан, улар ХМТ барча аъзо-давлатларида қўлланиш учун мўлжалланган универсалдир. Иккинчидан, мазкур стандартлар маълум маънода мослашувчанлик хусусиятига эга [9, Б.3]. Дарҳақиқат, стандартларнинг мослашувчанлиги – улар универсаллигининг қийматидир. Халқаро меҳнат ҳуқуқи бўйича етакчи мутахассис профессор Н.Валтикоснинг эътироф этишича, стандартларнинг ривожланиш даражаси ва ҳуқуқий қарашлари бир-бирдан сезиларли даражада фарқланувчи давлатлар учун универсал бўлишини ва улар томонидан қўлланилишини таъминлашнинг ягона реалистик ёндашуви – стандартларни турли мамлакатлар шароитида қўллаш мумкин бўла оладиган тарзда етарлича мослашувчан қилиб ишлаб чиқилиши ҳисобланади [10, Б.36].

Бошқа халқаро стандартлардан фарқловчи ХМТ стандартларини ишлаб чиқишдаги ўзига хос элемент уларнинг трипартизм жиҳатидир. Мазкур жиҳат ХМТнинг бошқа халқаро ташкилотларда учрамайдиган хусусияти ҳисобланади. Ҳукумат, ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари вакиллари халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишдаги иштироки ХМТнинг ажралмас қисмидир. Халқаро меҳнат стандартлари трипартизм асосида маслаҳатлашувлар ва ҳар хил тарафлар фикрларининг ўзаро муроасага келишуви асосида қабул қилинган ҳолда динамиклик ва универсалликка олиб келади. ХМТ стандартларининг яна бир муҳим жиҳати халқаро даражада энг самарали назорат тизимларидан бири ҳисобланадиган халқаро меҳнат стандартларига риоя қилинишни таъминлайдиган назорат тизими ҳисобланади. Бунга конвенцияларни ратификация қилган аъзо-давлатлар томонидан жадвалга мувофиқ даврий ҳисоботларни юборилишини назорат қиладиган доимий назорат тизими ҳам киради [24, Б.2].

Меҳнаткашларнинг бирлашиш эркинлиги ёки болалар меҳнатини тугатиш каби асосий меҳнат ҳуқуқларидан фарқли равишда мажбурий меҳнат масалаларини илмий жиҳатдан ўрганишга кўп эътибор берилмаган. Илмий адабиётлар таҳлили “мажбурий меҳнат” тушунчасини ташкил қилувчи элементларнинг мазмуни, мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ амалиётларнинг замонавий шакллари халқаро меҳнат бўлишига хос жиҳатлари борасида санокли тадқиқотчилар изланишлар олиб борганлигини кўрсатади. Ушбу масалада N.Valticos, L.Thomas, M.Kern, C.Sottas, B.Andrees, V.A.Leary, C.Thomas, M.Oelz, X.Beaudonnet, A.Bronstein, E.Gravel, N.Rubin, R.F.Meknassi, K.Гусов, Н.Лютов, О.Новикова, Н.Глухова, А.Лушников, М.Лушникова каби олимларнинг фаолияти аҳамиятли ҳисобланади.

ХМТнинг мажбурий меҳнатни изчиллик билан тугатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари тегишли стандартларни белгилаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, тегишли ҳужжатлар нуктаи назаридан мақбул хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва ниҳоят, амалиётда ушбу нормаларни қўллаш ва амалга оширишга йўналтирилган.

ХМТ Бош директори Хуан Сомавия (Juan Somavia)нинг “Глобал альянс мажбурий меҳнатга қарши” мавзусида қилган маърузасида таъкидлашича, деярли барча давлатларда икки хил муаммо умумий кўринишга эга. Биринчидан, баъзи бир истисноларни инобатга олмаганда “мажбурий меҳнат” тушунчасига аниқ таъриф мавжуд эмас, бу эса ўз навбатида, мазкур ҳолатларни аниқлаш ва жинойтчиларни жазолаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифасини қийинлаштиради. Иккинчидан, юқоридаги ҳолатнинг натижаси ўлароқ, қайси бир давлатни олмайлик, мажбурий меҳнатни қўллаётган шахсларни жазога тортиш ҳолатлари жуда ҳам камчиликни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, бундай шафқатсиз доира илдиз отиб бормоқда: аниқ қонунчиликнинг мавжуд эмаслиги, суд таъкибини амалга ошириш учун ресурсларнинг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, муаммога етарлича баҳо берилмаслик ва тарғибот-тушунтириш фаолиятининг чекланганлиги, шу сабабли қатъий ва тушунарли қонунчиликни қабул қилишга эришишга интилишнинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар [12].

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кишининг эркини чеклаган ҳолда бирор бир фаолият билан шуғулланишга мажбурлашнинг тақиқланиши мазмунидаги нормалар ўз

аксини топган. Масалан, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддаси, 3-бандида “Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим” [13] лиги белгиланган, шунингдек, “мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат” атамаси сифатида баҳоланмайдиган ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган.

Аммо, юқорида келтириб ўтилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “мажбурий меҳнат” тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмаган. Бундай таъриф дастлаб ХМТнинг 1930 йилги Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенциясининг 2-моддасида берилган ва кейинчалик бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатларида мазкур Конвенцияда қабул қилинган таъриф асос қилиб олинган. Мазкур Конвенциянинг ўзбек тилидаги таржимасида “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамасидан фойдаланилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида [14, Б.167] “зўраки” сўзи “ўз хоҳишидан ташқари қилинган, ғайриихтиёрий, мажбурий; сохта, сунъий” маъноларини, “мажбурий” сўзи эса “хоҳ ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз бажарилиши, амалга оширилиши шарт бўлган” маъноларини англатиши қайд этилган. Ушбу изоҳлардан келиб чиқиб, “зўраки меҳнат”ни шахсни ўз хоҳишидан ташқари, ташқи куч, тазйиқ ўтказиш воситалари билан бирор-бир иш ёки хизматни бажариши мазмунида шарҳлаш мумкин бўлади. “Мажбурий меҳнат” атамаси эса шахснинг хоҳиш-истагидан қатъий назар бажарилиши зарур бўлган, қонунга асосан талаб қилинадиган, амалга оширилиши шарт бўлган меҳнат маъносини билдиради. Фикримизча, агар шахс ўз хоҳишига зид равишда, куч билан, шу жумладан жисмоний куч ишлатиш ёки бошқа шаклларда жазолаш билан таҳдид қилинганлиги натижасида меҳнат қилишга мажбурланса, у ҳолда салбий мазмунга эга бўлган зўраки меҳнат ёки зўрлаб ишлатиш элементлари юзага келади. Мажбурий меҳнат эса, ўзида мажбурлаш элементларини ҳам намоён қилсада, бирор-бир ишни бажариш зарурати туфайли давлат томонидан (ҳарбий хизмат, фавқулодда вазиятларда бажариладиган, суднинг ҳал қилув қарорига асосан) талаб қилинадиган иш ёки хизматни англатади.

“Зўраки меҳнат” ва “мажбурий меҳнат” тушунчалари ХМТ 29-сонли конвенциясининг инглиз тилидаги матнида “forced labour” ва “compulsory labour”, немис тилидаги матнида “zwangsarbeit” ва “pflichtarbeit”, рус тилидаги матнида “принудительный труд” ва “обязательный труд” атамалари тарзида ишлатилган. Кейинчалик ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан халқаро ҳужжатларда шахснинг ихтиёрига зид равишда, унга нисбатан бирор-бир жазони қўллаш ёки уни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали фойдаланилган меҳнат масалаларида қўлланилиши учун инглиз тилида “forced labour”, немис тилида “zwangsarbeit”, рус тилида “принудительный труд” каби талқинлари қабул қилинган. Халқаро конвенциялар ва хорижий мамлакатлар қонунчилигида ишлатилган талқинларнинг мазмунан мувофиқлигидан келиб чиқиб, ушбу атамани ўзбек тилида “зўраки меҳнат” шаклида қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. ХМТнинг 29-сонли конвенциясини “мажбурий меҳнат” ва “зўраки меҳнат” атамаларининг қўлланилишида миллий қонун ижодкорларимиз уларни айнан бир хил маънога эга жумлалар сифатида қабул қилганлигини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистонда зўраки меҳнат ва мажбурий меҳнат масалаларига оид қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнатга мажбурлашнинг ҳар қандай ҳолати учун ягона тушунча сифатида “мажбурий меҳнат” атамасидан фойдаланилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 7-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни 5-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига ва мажбуриймеҳнатга қарши курашиш тизиминиянада такомиллаштиришга оидқўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сон қарорини мисол сифатида келтириш мумкин.

Демак, ХМТнинг 29-сонли конвенцияси 2-модда, 1-бандига мувофиқ, “ушбу Конвенция мақсадлари учун “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади” [15]. Ушбу ҳолатда “ҳар қандай иш ёки хизмат” тушунчаси исталган фаолият тури, соҳалари ёки секторлари, шу жумладан, норасмий иқтисодиёт соҳаларига тегишли барча ишлар, хизматлар ва бандлик турларига тааллуқли ҳисобланади.

ХМТнинг 29-сонли конвенциясини ишлаб чиқиш жараёнида уч томонлама иштирокчилар мажбурий меҳнат тақиқланадиган ҳолатлар рўйхатини белгилаш ўрнига “мажбурий меҳнат” тушунчасининг кенг талқиндаги таърифини қабул қилишга келишилади. Конвенцияда унинг қўлланилиш соҳаларини алоҳида категориялар билан чекловчи бирор-бир қоида кўзда тутилмаган,

хужжат аҳолининг барча тоифасини мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Демак, Конвенция мажбурий меҳнатнинг барча эҳтимолий шакллариغا, шу жумладан қуллик ва у билан боғлиқ амалиёт, қарздорлик асорати ва одам савдоси ҳолатларига, шунингдек давлат ва хусусий секторнинг барча ишчиларига нисбатан қўлланилади [16, Б.101]. ХМТнинг Экспертлар қўмитаси таъкидлашича, 29-сонли конвенцияни ратификация қилган давлатлар мажбурий меҳнатнинг барча шакллари тугатиш мақсадида комплекс ҳуқуқий ва сиёсий асосларни яратиши лозим.

Фикримизча, мажбурий меҳнат намоён бўладиган ҳолатларни аниқлаш бир нечта сабабларга кўра мураккаб ҳисобланади. Биринчидан, мажбурий меҳнат турли шаклларда намоён бўлади. Одамлар давлат органлари, хусусий корхоналар ёки алоҳида шахслар томонидан мажбурлаш ҳаракатларининг кенг қамрови ёрдамида мажбурий меҳнатга жалб қилинади. Бундай мажбурлаш ҳаракатлари иқтисодий фаолиятнинг барча турларида ва бутун дунёда қўлланилади. Иккинчидан, мажбурий меҳнат кўпинча жамоатчиликнинг диққат-марказидан четда содир бўлади. Учинчидан, мажбурий меҳнат аломатлари кўриниб турсада, уни аниқлаш ҳар доим ҳам осон эмас.

ХМТнинг 29-сонли конвенциясида мустаҳкамланган мажбурий меҳнат тушунчасининг тўртта юридик элементи мавжуд: иш ёки хизмат; ҳар қандай шахс; иш ёки хизматнинг ихтиёрий хусусиятга эга бўлмаслиги; ишни бажариш учун жазолаш таҳдидининг мавжудлиги.

Иш ёки хизмат элементи ҳар қандай фаолият тури, соҳаси ёки секторида, шу жумладан норасмий иқтисодиётда мавжуд бўлган ҳар қандай иш, хизмат ва бандликка тегишлидир. Меҳнат муносабатларининг табиати ва қонунийлиги мажбурий меҳнат ҳолатида эътиборга олинмайди. Бунга кўплаб мамлакатларда ноқонуний деб топилган фаолият турлари, масалан, тиланчилик билан шуғулланиш ҳам кирилади. Немис олимаси Б.Андреаснинг фикрича, кўпгина ҳолларда меҳнат қонунчилиги уй хизматчиларининг меҳнатини тартибга солмаслиги мумкин, аммо мажбурий меҳнатни қўллаш ҳолатлари хусусий уй хўжаликларида ҳам содир бўлиши мумкин, демак улар 29-сонли конвенциянинг ҳаракат доирасига тушади [23].

Ҳар қандай шахс деганда катта ёшдагилар ва болалар, фуқаролар ва фуқаро ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан келган мамлакатидан расмий мақомга эга бўлмаган мигрантлар тушунилади.

Иш ёки хизматни бажаришга розиликнинг мавжуд эмаслигини мажбурий меҳнатга олиб борадиган йўл сифатида баҳолаш мумкин бўлса, жазолаш билан таҳдид қилиш эса инсонни мажбурий меҳнат шароитида сақлаб туришнинг воситасини билдиради. Швейцариялик олимлар М.Керн ва К.Соттасларнинг ҳақли эътироф этишича, ихтиёрий равишда хизматларини таклиф этмаслик ва жазолаш таҳдиди остида ишлаш турли мезонлар ҳисоблансада, ушбу мезонлар иш ёки хизматни бажаришга розилик жазоланишдан кўркиш натижасида берилган ҳолларда ўзаро кесишиши мумкин [17]. Фикримизча, мажбурий меҳнат шароитида жазолаш албатта жиноий жазо шаклига эга бўлмаслиги, унинг ўрнига имтиёз ва баъзи-бир устунликлардан маҳрум қилиниш содир бўлиши мумкин.

Риоя қилиниши талаб қилинадиган яна бир мезон инсоннинг ўз ихтиёри билан иш ёки хизматни бажармаслиги ҳисобланади. 29-сонли конвенцияда розилик бериш методлари кўзда тутилмаган бўлсада, ХМТнинг назорат органлари маҳбусларга нисбатан расмий розиликнинг берилишини сўрашади, чунки уларнинг эркин иродаси табиий равишда мавжуд ҳолат сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Бундан ташқари, ХМТнинг назорат органлари меҳнаткаш-мигрантлар алдов, ёлғон ваъдалар, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ёки куч ишлатилиши натижасида иш берувчининг ихтиёрида қолаётганлиги сабабли меҳнатга мажбурланаётган ҳолатларни 29-сонли конвенциянинг бузилиши деб топишган [14, Б.192]. Хусусан, меҳнаткаш-мигрантлар учун шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ташқи чекловни ёки билвосита мажбурлаш шаклини намоён қилади. Чунки бу ҳолат мигрантларнинг ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этишига тўсқинлик қилади. Бизнингча, бошида ишни бажаришга ихтиёрий розилик берилган, лекин кейинчалик ишчининг тайинланган ишни тарк этиш ҳуқуқининг чекланиши ҳолатларида 29-сонли конвенция қўлланилади ва бундай иш зўраки меҳнат ҳисобланади. Бундай ҳолат, одатда, ишчи шартномаси муддати тугагандан кейин ҳам ишни бажариши шарт бўлса ёки унга қарз юклатилган бўлса вужудга келади.

2000 йилги Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол (Палермо протоколи)нинг 3-моддасида, ёллаш ёки кейинчалик ишга жойлашиш жараёнида бирор-бир билвосита ёки тўғридан-тўғри мажбурлаш воситаларидан фойдаланилган ҳолатларда одам савдоси жабрдийдаларининг розилиги аҳамиятга эга бўлмаслиги белгиланган [19]. Айрим тадқиқотчилар (М.Керн, К.Соттас) бир қатор давлатлар

қонунчилигида мавжуд бўлган ишдан бўшаш ҳақида маълум муддат олдин огоҳлантириш беришни белгилаш орқали ишдан бўшаш бўйича шахснинг эркинлигига чекловлар ўрнатилишини мажбурий меҳнатга хос элементлар мавжуд бўлмаган ҳолат сифатида эътироф этишади. Масалан, профессионал ҳарбий хизматчилар ёки давлат хизматида бўлган шахслар учун бу тарздаги чеклов ўрнатилиши мумкин [20, Б.61].

Бизнингча, жазолаш нафақат бирон-бир санкция шаклида, балки инсонни ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиш шаклида ҳам намоён бўлишига эътибор қаратиш лозим. “Жазолаш билан таҳдид қилиш” тушунчаси жазолашнинг кенг қамровли шакллари, шу жумладан жиноий жазо ҳамда бевосита ёки билвосита мажбурлашнинг турли шакллари ўз ичига олади. Б.Андреаснинг қайд этишича, жазолаш билан таҳдид қилишнинг мазмунини белгиловчи энг муҳим ҳолат ходимнинг бирор-бир ҳуқуқ ва имтиёзларни йўқотмаган ҳолда меҳнат муносабатларини бекор қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади [12]. Фикримизча, шахсга нисбатан жисмоний тазйик ўтказиш ёки унинг эркини чегаралаш, ҳатто жабрдийдага ёки унинг яқинларига ўлим билан таҳдид қилиш каби мажбурлаб ишлатишнинг энг кескин кўринишлари бўлиши мумкин.

Шунингдек, мамлакатда ноқонуний мақомда фаолият юритаётган мигрантларни ҳукуматнинг ваколатли органларига топшириш таҳдиди билан маълум бир ишларни бажаришга мажбурлаш ҳолатларини ҳам келтириш мумкин. Жазолаш таҳдидининг айрим кўринишлари молиявий хусусият касб этади. Жумладан, ходимга меҳнат шартномасида ёки қонун ҳужжатларида кўзда тутилган иш вақтидан ташқари вақтда ишлашни рад қилган ҳолатларда ишдан бўшатиш таҳдиди билан иш ҳақини тўламаслик. Ушбу ҳолатда, мажбурий меҳнат тушунчасининг иккинчи элементи – ихтиёрий равишда ўз хизматини тақдим этмаслик ҳолатини ҳам кўришимиз мумкин.

“Ихтиёрий равишда хизматини тақлиф қилиш” элементи бўйича ХМТнинг назорат органлари бир қатор жиҳатларни, хусусан, розиликнинг шакли ва мазмуни, ташқи чекловлар ёки билвосита мажбурлашнинг ўрни, ушбу розиликни эркин равишда чақириб олиш имкониятининг мавжудлигини инобатга олиш зарурлигини қайд этади. “Ихтиёрий тақлиф қилиш” жумласи ишчининг меҳнат муносабатларига киришишга эркин ва онгли тарзда розилигини ҳамда исталган вақтда ўзининг хоҳиши билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш бўйича қарорга кела олишини англатади. Бу борада аксарият тадқиқотчиларнинг (Б.Андреас, М.Керн, К.Соттас) ҳамфикр эканлигини кузатишимиз мумкин. Б.Андреаснинг фикрича, “мажбурлаш ва алдов усуллари қўлланилмаган ҳолда меҳнат муносабатларига киришган ходим исталган вақтда ихтиёрий тузилган битимни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ишга ёллашнинг асосида ишчининг эркин ва онгли равишда, зарур маълумотларга эга бўлган ҳолда розилиги ётиши керак ва ушбу принцип меҳнат муносабатларининг бутун даври мобайнида сақланиши лозим. Агар иш берувчи ёки ишга ёлловчи агент алдаш ёки мажбурлаш усулларида фойдаланса, унда ихтиёрий розилик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас” [23].

Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолатда ҳам мажбурлашнинг кўплаб мураккаб шакллари кўзда тутилиши мумкин. Кўплаб жабрдийдалар дастлаб мажбурий меҳнат ҳолатларига фирибгарлик ёки алдов йўллари билан бўлсада, ўзларининг ихтиёрий танловига кўра тушиб қолишади. Фақат кейинчалик ҳуқуқий, жисмоний ёки руҳий мажбурланиш сабабли иш бажаришдан эркин равишда воз кечолмаслигини тушуниб етишади. Бундай ҳолатларда, алдов ёки фирибгарлик ишлатилиб олинган дастлабки розилик эътиборга олинмаслиги лозим.

Ходимнинг “ўз хизматларини ихтиёрий тақдим этиш” эркинлигини бузадиган мажбурлашнинг ташқи ёки билвосита кўриниши нафақат ҳокимият органларининг ҳаракатлари билан, балки иш берувчилар томонидан амалга ошириладиган чоралар натижасида содир бўлиши мумкин. Масалан, меҳнатқаш-мигрантлар алдов, ёлғон ваъдалар ва ҳужжатларининг ноқонуний олиб кўйилиши натижасида иш берувчиларнинг ихтиёрида қолишга мажбур бўлишади. Бундай ҳаракатлар ХМТнинг 29-сонли конвенциясининг яққол бузилиши ҳисобланади. Аммо, амалиётда иш берувчи ҳам, давлат органлари ҳам бу каби ташқи ёки билвосита мажбурлаш ҳолатлари учун кўпинча жавобгарликка тортилмасдан қолиши мумкин.

Палермо протоколи иш ёки хизматни бажаришга розилик бериш концепциясини талқин қилиш учун муҳим оқибатларни кўзда тутуди. Ушбу ҳужжатда чегараловчи изох берилган бўлиб, унга кўра одам савдоси жабрдийдаларининг режалаштирилган эксплуатацияга розилиги куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки ночор ҳолатидан фойдаланиш каби мажбурлаш воситаларидан фойдаланиб олинган бўлса, инобатга олинмаслиги белгиланган [19].

Мажбурий меҳнат авваломбор иш ёки хизмат бажариладиган жойда одамлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ишга қабул қилишдаги суиистеъмомликлар ходим ёки ишчининг танлаш эркинлигига дахл қилади. Инсонларни аввалдан режалаштирилган ҳолда мажбурий равишда меҳнат қилишга мажбурайдиган ҳолатларга олиб борувчи амалиётни қўлловчи воситачиларни мажбурий меҳнатни қўллаш билан боғлиқ жинойтларнинг иштирокчилари сифатида эътироф этиш мумкин. Аммо, судлов органларининг мажбурий меҳнат масаласидаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ишчилар меҳнатининг якуний шароитларига асосланади. Бунда улардан фойдаланилишига қаршилик қилишда ишчиларнинг заифлигини кучайтирадиган бир қатор омилларга камроқ эътибор берилади.

ХМТ томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики [21], ишчи кучини жалб қилиш бўйича ҳам иш берувчилар, ҳам воситачилар томонидан амалга ошириладиган кредитлар ва қарзлар билан боғлиқ фирибгарликлар ҳимояланмаган ва заиф шароитдаги ишчиларни мажбурий меҳнат ҳолатига тушишига олиб келувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. ХМТнинг 2007 йилги Умумий шарҳида мажбурий меҳнатнинг турлари сирасига қарздорлик асоратининг ноқонуний амалиёти ҳам киритилган. Умумий шарҳда қайд этилишича, мазкур амалиёт дунё бўйича кўп сонли кишиларни қамраб олган бўлиб, уни ноқонуний деб эълон қилиш ва ўзининг ишчиларини бундай ҳолатда сақлаётган иш берувчиларга нисбатан жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича зарур ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади [21].

Мажбурий равишда одамлардан фойдаланиш билан мажбурий бўлмаган ҳолда одамлардан фойдаланиш ҳолатлари ўртасида жудаям нозик фарқловчи чегара мавжуд. ХМТ томонидан ишлаб чиқилган мажбурий меҳнат тушунчасида муҳим элемент сифатида таклиф этилаётган иш ёки хизматнинг ихтиёрий бўлишлиги таъкидланса, Палермо протоколида эса меҳнат муносабатларини ўрнатиш жараёнида ёки бундай муносабатлар доирасида амалга ошириладиган турли хил фирибгарлик ва алдов ҳаракатлари ёрдамида олинган дастлабки розиликнинг аҳамиятини йўққа чиқарадиган воситаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида, ХМТ Экспертлар қўмитаси одам савдоси масалалари бўйича халқаро ҳужжатларнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, уларни ХМТнинг мажбурий меҳнатга тааллуқли конвенцияларининг ҳаракати доирасига тушишини эътироф этишади [21].

Мажбурий меҳнат, қуллик ва қулликка ўхшаш одатлар билан эркин танланган ишга тааллуқли ҳолатлар ўртасида меҳнат муносабатларининг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида ишчининг ўз бандлигини эркин танлаши элементи анчайин чекланган ва охири-оқибат бундай эркинликнинг мавжудлиги шубҳа остига олиниши мумкин. “Эркин танланган иш” концепцияси ишчининг тўлиқ танлов эркинлиги қисман чекланадиган барча ҳолатларни қамраб олиши нуқтаи назаридан ХМТ фаолиятининг қамровини кенгайтиради. Бундай ҳолатлар бошқа ҳуқуқбузарликларни, масалан, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси қоидаларига риоя қилмасликни ҳам ўз ичига олиб, мажбурий меҳнат каби инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ҳолатларини англамайди. Бу каби ҳолатларни аниқлаш ва тегишли ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда тартибга солиш ҳам муҳим ҳисобланади.

ХМТ Бош директорининг Халқаро Меҳнат Конференциясининг 98-сессиясида қилган маърузасида мажбурий меҳнат тушунчасининг моҳиятини акс эттирувчи муҳим жиҳатлар қайд этилади: “Мажбурий меҳнатни оддийгина қилиб иш ҳақини камлигига ёки ёмон меҳнат шароитларига тенглаштириш мумкин эмас. Ушбу тушунча ходимнинг бошқа шунга ўхшаш иш топа олмаслиги сабабли иш жойини ташлаб кетолмаслиги билан боғлиқ соф иқтисодий ҳолатни ҳам қамраб олмайди. Мажбурий меҳнат инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилиши ва қуллик муаммолари, қулликка ўхшаш амалиёт, қарздорлик асорати ёки крепостной қарамлик масалаларига бағишланган ХМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган инсон эркинлигининг чекланишини ўзида намоён қилади” [21]. Шу муносабат билан, мажбурий меҳнат масалаларига ҳуқуқий баҳо беришда, энг аввало, мазкур амалиётга инсон ҳуқуқларининг, хусусан шахснинг муносиб меҳнат шароитларида эркин фаолият олиб бориш ҳуқуқининг кўпол бузилиши нуқтаи назаридан муносабат билдириш лозим.

ХМТнинг 29-сонли конвенциясига мувофиқ мажбурий меҳнат тушунчасининг кенг талқини ХМТнинг назорат органларига мажбурий меҳнатнинг ҳам анъанавий, ҳам янги шаклларида хос бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун имкониятни такдим этди. 1930 йилдаги Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияга 2014 йилги Баённома ушбу таърифнинг асослилигини тасдиқлайди ва мажбурий меҳнатга қарши кураш бўйича ҳаракатлар мажбурий

меҳнат мақсадларида содир этиладиган одам савдосига қарши кураш бўйича аниқ чораларни қамраб олиши лозимлигини кўрсатади [22].

Фикримизча, мажбурий меҳнат ҳолатини аниқлашда қўлланиши мумкин бўлган асосий элементлар ёки хусусиятлар куйидагилардан иборат: Биринчидан, бажараётган ишга розиликнинг мавжуд эмаслиги (ишнинг ихтиёрий равишда бажарилмаслиги): қуллик ва қарздорлик асорати ҳолатида туғилиш ёки уларнинг мерос бўлиб қолиши; инсоннинг жисмонан ўғирланиши; инсоннинг иккинчи шахсга сотилиши; ишлаб чиқариш (қамоқхоналар ёки хусусий эгаликларда) бино ва иншоотларида жисмонан тутиб турилиши; психологик мажбурланиш; мажбурий қарздорлик (ҳисоб-рақамларнинг қалбакилаштирилиши, нархларнинг ёки фоиз ставкаларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши); ишнинг тури ва меҳнат шароитлари юзасидан алдаш ёки ёлғон ваъда бериш; шахсий ҳужжатлар ёки бошқа шахсий қимматликларнинг олиб қўйилиши. Иккинчидан, жазолаш таҳдиди (мажбурий меҳнат ҳолатида тутиб туришнинг воситаси сифатида): ишчига ёки унинг оила аъзолари ёхуд яқин кишиларига нисбатан жисмоний куч ишлатиш; жинсий куч ишлатиш; қамоққа ташлаш ёки ҳаракатланиш эркинлигини бошқа шаклда жисмонан чеклаш; ҳокимият органлари (полиция, иммиграция хизмати ва бошқа)га топшириш ва депортация қилиш; амалдаги иш жойидан бўшатиш; келгусида ишлаш учун рухсат бермаслик; жамоадан ва жамоа ҳаётидан узиб қўйиш; ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиш; янада ёмон меҳнат шароитларига эга бўлган ишга ўтказиш; ижтимоий мақомини йўқотиш.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, зўраки меҳнат ва мажбурий меҳнат халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнатга мажбурланишнинг турли ҳолатларида қўлланиладиган тушунчалар ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Халқаро меҳнат ташкилотининг COVID-19 ва меҳнат соҳаси масалалари бўйича Глобал саммити иштирокчиларига табриги // <https://president.uz/uz/lists/view/3699>.
2. Саидов А.Х. Имплементация международных трудовых стандартов в национальную правовую систему Узбекистана // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2018 -№2 (78).
3. Махаматов М. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. –Тошкент. –2019.
4. Лютов Н. Эффективность норм международного трудового права: монография. — Москва: Проспект, 2015.
5. Международные трудовые стандарты и российское трудовое право: перспективы координации / под ред. С. Ю. Головиной, Н.Л. Лютова: монография – М.: Норма: ИНФРА. М. 2016.
6. Рахманов Ш. Трансформация внешней политики и внешнеполитических ориентиров Республики Узбекистан и таргетирование дипломатического права международных организаций. Suleyman Demirel University Bulletin: Social Sciences, [S.l.], v. 53, n. 2, p. 50-63, dec. 2020. ISSN 2709-2410. Available at: <<https://journals.sdu.edu.kz/index.php/ss/article/view/326>>. Date accessed: 11 June 2021. doi: <https://doi.org/10.47344/sdubss.v53i2.326>.
7. Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. / Монография – Тошкент: “Tafakkur qanoti”, –2020.
8. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик / А.Р. Мўминов, М.А. Тиллабаев; масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – 2-нашр. – Т.: Адолат. –2013.
9. M. Humblet and M. Zarka-Martres. ILO standards policy. The abolition of forced or compulsory labour. International labour standards. A global approach. ILO. Geneva, 2002.
10. N. Valticos. Conventions de l’Organisation internationale du Travail à la croisée des anniversaires, in *Revue générale de droit international public*. 1996.
11. Хамдамова Ф. У., Махаматов М. Халқаро стандартлар ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №6 (2020), <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/154>

12. A global alliance against forced labour. Global Report under the Follow-up to the ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work. International Labour Conference. 93rd Session, 2005. International Labour Office, Geneva // <https://www.ilo.org/public/english/standards/relm/ilc/ilc93/pdf/rep-i-b.pdf>.
13. International Covenant on Civil and Political Rights // <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>.
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008). Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Тошкент // <https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>
15. C029 - Forced Labour Convention, 1930 (No. 29) // https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NO_RMLEXPUB:12100:0::NO::P12100_INSTRUMENT_ID:312174
16. Расулов Ж. А. Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро ва минтақавий стандартларнинг шаклланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №5 (2020), // <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/125>
17. Kern M. and Sottas C. The abolition of forced or compulsory labour / Fundamental rights at work and international labour standards Geneva, International Labour Office, 2003. // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/publication/wcms_087424.pdf
18. Thomas L. Steps to Compliance with International Labour Standards. The International Labour Organization (ILO) and the Abolition of Forced Labour. 1st Edition 2011. VS Verlag für Sozialwissenschaften | Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH. 2011.
19. Protocol to Prevent, Suppress and Punish Trafficking in Persons Especially Women and Children, supplementing the United Nations Convention against Transnational Organized Crime // <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/protocoltraffickinginpersons.aspx>.
20. Kern M. and Sottas C. Freedom of workers: The abolition of forced or compulsory labour. International labour standards. A global approach. ILO. Geneva, 2002.
21. The cost of coercion. Global Report under the follow-up to the ILO Declaration on Fundamental Principles and Rights at Work. International Labour Conference 98th Session, 2009. International Labour Office, Geneva // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---declaration/documents/publication/wcms_106268.pdf
22. Protocol of 2014 to the Forced Labour Convention, 1930 (Entry into force: 09 Nov 2016) // <https://www.ohchr.org/EN/ProfessionalInterest/Pages/Protocol2014ForcedLabourConvention.aspx>.
23. Andrees, Beate. Forced labour and human trafficking: a handbook for labour inspectors / Beate Andrees; International Labour Office. – Geneva: ILO, 2008. // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---declaration/documents/publication/wcms_097835.pdf
24. ILO. Fundamental rights at work and international labour standards Geneva, International Labour Office, 2003.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МАХАМАТОВ Махмуд Махаматаминович

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси
доцент вазифасини бажарувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)
E-mail: mmahmud34@mail.ru

ИШ ВАҚТИ ВА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ТАЪТИЛЛАРГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МАХАМАТОВ М.М. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган таътиллارга оид халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 102-107

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-15>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Халқаро меҳнат ташкилотининг иш вақти ва ҳақ тўланадиган таътиллارга оид конвенциялари қоидаларининг Ўзбекистон миллий қонунчилигига тадбиқ этилганлик ҳолати, халқаро назорат органларининг тавсиялари, қайта кўриб чиқувчи халқаро шартномалардаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Амалдаги меҳнат қонунчилигидаги иш вақтидан ташқарида ишларга жалб этиш, ҳақ тўланадиган таътилларни ҳисоблашга оид нормаларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар берилган. ХМТ томонидан қабул қилинган қайта кўриб чиқувчи конвенцияларни ратификация қилиниши лозимлиги асосланган.

Калит сўзлар: принцип, конвенция, имплементация, иш вақти, ҳақ тўланадиган таътил, қайта кўриб чиқувчи конвенция, Халқаро меҳнат ташкилоти, халқаро стандарт, тавсия.

МАХАМАТОВ Махмуд Махаматаминович

И.о. доцента кафедры международного права и прав человека Ташкентского государственного
юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (Phd)
E-mail: mmahmud34@mail.ru

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ КАСАТЕЛЬНО РАБОЧЕГО ВРЕМЕНИ И ОПЛАЧИВАЕМЫХ ОТПУСКОВ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы положение о применении норм конвенций Международной организации труда о рабочем времени и оплачиваемых отпусках в национальном законодательстве Узбекистана, рекомендации международных контрольных органов, изменения в пересматриваемых международных договорах. Даны предложения по внесению изменений в нормы действующего трудового законодательства, касающиеся привлечения к сверхурочной работе, расчета оплачиваемых отпусков. Обоснована необходимость ратификации пересмотренных конвенций МОТ.

Ключевые слова: принцип, конвенция, имплементация, рабочее время, оплачиваемый отпуск, пересматриваемая конвенция, международная организация труда, международный стандарт, рекомендация.

МАКХАМАТОВ Mahmud

Senior lecturer of Department of International law and human rights of
Tashkent State University of law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: mmahmud34@mail.ru

IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS ON WORKING HOURS AND PAID HOLIDAYS IN NATIONAL LEGISLATION

ANNOTATION

The article analyzes the provision on the application to the national legislation of Uzbekistan of the norms of the International Labor Organization conventions on working hours and paid holidays, recommendations of international supervisory bodies, changes in revised international treaties. Proposals have been made to amend the norms of the current labor legislation regarding the involvement of overtime work, the calculation of paid leaves. The necessity of ratification of the revising ILO conventions has been substantiated in this work.

Keywords: principle, convention, implementation, working hours, paid leave, revising convention, International Labour Organization, international standard, recommendation.

Дам олиш ҳар бир инсоннинг табиий ва узвий ҳуқуқларидан бири бўлиб, меҳнат унумдорлиги, меҳнатга лаёқатлилиқ кўп жиҳатдан таътилга ҳам боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилиги ходимларнинг дам олиши ва иш қобилиятини тиклаши учун таътилни бир неча турини мустаҳкамлайди. Инсон ҳуқуқларига оид фундаментал халқаро ҳужжат ҳисобланмиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳам бу борада шундай нормаларни таъкидлаб ўтади: “Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга” [9].

Ўз навбатида шуни қайд этиш керакки меҳнат қонунчилиги нормалари ҳар қандай машғулотларга тадбиқ этилавермайди. Бошқача айтганда “фуқаровий-ҳуқуқий ҳарактердаги шартномалар (пудрат, меҳнат топшириғи, бегараз хизмат кўрсатиш шартномалари, муаллифлик шартномаси ва б.) бўйича бир марталик иш (вазифа)ни бажараётган шахсларга нисбатан иш вақти ва да олиш вақти тартибга солувчи меҳнат қонунчилиги нормалари қўлланилмайди” [10, Б.3]. Шундай бўлсада, юқорида қайд қилинган шартномаларда ишни амалга ошириш, топшириш вақтлари кўрсатиш ўтилади, лекин буларни иш вақти сифатида тушунмаслик лозим.

Шахсларнинг иш вақти ва дам олиш вақти масалалари меҳнат шартномаси тузиладиган муносабатлардаги тилга олинмиши мумкин. Чунки айнан мана шундай тоифадаги ходимларгагина меҳнат қонунчилиги билан ўрнатиладиган ҳуқуқий кафолатлар қўлланилади.

Инсонларнинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқларини тартибга солишда нафақат миллий қонунчилигимиз балки Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенцияларини ҳам эътибор олиш лозим. Чунки “иш вақти ва дам олиш вақти масалалари доимо ХМТ ҳужжатларида катта эътибор берилган” [10, Б.9].

1935 йил 22 июнда қабул қилинган “Иш вақтини ҳафтада қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-Конвенция Ўзбекистон Республикаси кўшилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг биринчи конвенциясидир. Конвенция 8 та моддадан иборат бўлиб, 1957 йил 23 июнда кучга кирган.

Унинг 1-моддасига кўра Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қуйидагиларни маъқуллашини билдиради: а) қирқ соатлик иш ҳафтаси принципи шундай қўлланилиши керакки, натижада меҳнаткашлар турмуш даражасини пасайишига олиб келмаслиги даркорлиги; ва б) шу мақсад ҳимояси учун мақбул ҳисобланадиган чора-тадбирлар кўрилишини ва тадбирларга ёрдам беришни; (Ташкилотнинг мазкур аъзоси томонидан ратификация қилиниши мумкин бўлган) айрим конвенцияларнинг батафсил қоидаларига мажбуран қўллаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 114-моддасига мувофиқ “Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади” [1]. Шуни таъкидлаш керакки, Конвенция ратификация қилинган вақтда Ўзбекистон Республикасидаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи

асосий ҳужжати – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилинмаган бўлсада, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунлари кодексига (Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 283-І-сон Қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган) тегишли ўзгартиришлар киритилиб 41 соатлик иш ҳафтаси бекор қилиниб, 40 соатлик иш ҳафтаси жорий этилган, яъни Кодекс қабул қилингунга қадар амалдаги меҳнат қонунчилигида ҳафталик иш вақтини белгиловчи қоидалар 47-конвенция талабларига мос эди.

Иш вақтини ҳафтада қирқ соатгача қисқартириш тўғрисидаги конвенциянинг ижроси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаси 2015 йилда Конвенция ва тавсияларни қўллаш бўйича экспертлар кўмитаси томонидан кўриб чиқилган бўлиб [5], Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 123-124-моддалари мазмуни Иш вақтини давомийлигини қирқ соатгача қисқартириш тўғрисидаги 116-тавсия талабларига мувофиқ эмаслигини эслатиб ўтади. 116-Тавсия 14-бандига кўра ҳар бир давлатнинг ваколатли органи нормал давомийликдаги ишдан истисно бўлувчи ҳолатларни шартли ва чегарасини белгилаб қўйиши лозим. Меҳнат кодексининг 124-моддасида эса келтирилган ушбу тавсиялар ўз аксини топмаган. Мазкур модданинг 4-қисмида иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширишини назарда тутсада, ушбу чеклашлар фақатгина шахслар тоифаси (ногиронлар, хотин-қизлар, ўн саккиз ёшга тўлмаганлар) билан чегараланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, Меҳнат кодекси ушбу моддасига иш вақтидан ташқари ишга йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатларни келтириб ўтиш, бунда Тавсия 14-бандида санаб ўтилган доимий, ватинчалик, даврий истисноларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Ёлланиб ишлаш соҳасидаги анъанавий бандлик – бу муайян иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида, тўлиқ иш вақтида фаолият олиб боришдир [6]. Ходимларнинг меҳнат қобилятини тикланишида, иш унумдорлигини оширишда ходимлар учун таътил бериш, уни янада мазмунли ўтказиш учун ҳақ тўланиши меҳнат муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисида”ги 52-конвенцияси халқаро стандартларни миллий қонунчиликка тадбиқ қилишда алоҳида роль ўйнайди. 1936 йил 4 июнь Женевада қабул қилинган 52-Конвенция 16 та моддадан иборат бўлиб, 1939 йили 22 сентябрда кучга кирган. “Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисида”ги 52-Конвенцияга қўшилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майда Қарори қабул қилинган [2].

Мазкур конвенцияни 1969 йилги Халқаро шартномалар ҳукуки тўғрисидаги Вена конвенцияси қоидалари нуқтаи назаридан ратификация қилишда айрим муаммолар мавжудлигига тўхталиб ўтиш лозим. Муаммо шундаки, ХМТнинг Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-Конвенцияси 1970 йилда Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 132-Конвенция билан қайта кўриб чиқилган ҳамда 1973 йил 30 июндан кучга кирган. Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-Конвенциянинг 15-моддаси 1-қисм b бандига мувофиқ, қайта кўриб чиқувчи конвенция кучга кириши билан амалдаги конвенция ратификация қилишга Ташкилот аъзолари учун ёпилиши белгиланган. Бироқ амалиётга эътибор қаратиладиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси айнан Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-Конвенцияни ратификация қилган.

Йиллик таътилларининг муддатларини ҳисоблашда Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-Конвенция ва Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида номувофиқлик мавжуд. Хусусан Конвенциянинг 2-моддаси 3-қисми а) бандига мувофиқ расмий байрамлар ва анъанавий дам олиш кунлари ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилга қўшилмаслиги белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 139-моддасида “Таътилларининг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган ва ушбу Кодекснинг 131-моддасига мувофиқ ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди” [1] дейилади.

Амалдаги меҳнат қонунчилигимиздан шу нарса англашиладики, беш кунлик иш ҳафтасида шанба куни ходимларнинг анъанавий дам олиш кунлари ҳисоблансада йиллик меҳнат таътилига қўшилиши белгиланган. Бошқача айтганда, Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-Конвенция йиллик таътиллари муддатини ҳисоблашда ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидаларни белгилайди. Демак, меҳнат қонунчилигимизга мувофиқ бундай муносабатларда конвенция қоидалари қўлланилиши

лозим. Яъни, беш кунлик иш ҳафтасида ишловчи ходимларнинг шанба анъанавий дам олиш кунлари йиллик меҳнат таътилига кўшиб ҳисобланмайди. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек иш берувчиларнинг деярли барчаси меҳнат муносабатларини тартибга солишда миллий қонунчиликка муурожаат этади. Шу боис масалани тўғри ҳал этиш учун фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 139-моддаси 1-қисмидан “олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан” деган сўзлар чиқариб ташланиб қуйидаги таҳрирда баён этиш лозим: *“Таътиллارнинг муддати календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Таътил даврига тўғри келиб қолган ва ушбу Кодекснинг 131-моддасига мувофиқ ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди”*.

Конвенцияга биноан йиллик ҳақ тўланадиган таътиллارнинг давомийлиги миллий қонунчиликда белгиланган шарт шароитлар ва иш стажидан келиб чиққан ҳолда узайтирилиши мумкин. Миллий қонунчилигимизда “айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ узайтирилган таътиллари белгиланади” [1], шунингдек Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-Конвенцияда таъкидланган таътиллари давомийлиги “иш стажидан келиб чиққан ҳолда узайтирилиши” Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилмаган бўлсада айрим соҳалар бўйича қонунларда ўз аксини топган. Хусусан, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 75-моддаси амалдаги суд тизимининг барча судьяларига 36 иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган таътил берилишини назарда тутди [3]. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 50-моддаси 3-қисмида прокуратура органлари ходимларига давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилиши, ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш календарь кун қўшимча таътил берилиши мустаҳкамланган [4].

Меҳнат кодексимизнинг афзал жиҳатларидан бири, бу таътил учун ҳақ тўлаш муддатининг тартибга солинганлигидир. Меҳнат кодексининг 148-моддасига мувофиқ таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириги иш кунидан кечикмай амалга оширилади. Таътил учун ҳақ тўлашнинг муддати масаласи Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-конвенцияда ўз аксини топмаган.

Конвенциядаги шу каби камчиликлар уни такомиллаштириш, замон талабларига мослаштириш ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини имкон қадар янада кенгроқ ҳимоя қилиш заруриятини юзага келтирди. Уч томонлама ҳамкорлар (ҳукумат, иш берувчилар, ходимлар) томонидан билдирилган бир қатор таклифлардан сўнг 1970 йил 3 июнда Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52-конвенция шу номдаги 132-сонли конвенция билан қайта кўриб чиқилган. Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 132-конвенция ҳам ва мазмун жиҳатидан 52-конвенциядан салмоқлироқ бўлиб, 24 моддани ўз ичига олади. Шу билан бирга, ҳар икки конвенцияни ўзаро қиёслайдиган бўлсак, янги конвенцияда аввалгисига кўзда тутилмаган қуйидаги янги қоидаларни учратишимиз мумкин. Хусусан, конвенция ёлланиб ишловчи барча шахсларга нисбатан қўлланилади (денгизчилар бундан мустасно); таътил олиш ҳуқуқини берувчи иш давомийлиги 6 ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас; конвенция қўлланилишидан истисно қилинган шахслар ҳақида давлат томонидан конвенция қўлланилиши ҳақидаги маълумот берилади; таътилнинг давомийлик муддатини конвенцияни ратификация қилиш вақтидаёқ кўрсатилиши лозим; бир йиллик иш учун таътилнинг давомийлиги уч иш ҳафтасидан кам бўлиши мумкин эмас; таътил учун тўланадиган ҳақнинг таътил бошлангунга қадар берилиши, агар иш берувчи ва ходимга оид келишувда ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса ва бошқалар.

Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари тўғрисидаги 52 ва 132-конвенциялар шахсларнинг ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқини кафолатловчи муҳим нормаларни келтириб ўтган. Жумладан, ҳар йилги минимал ҳақ тўланадиган таътил бериш ҳуқуқидан воз кечиш ёки мана шундай таътилни компенсация билан алмаштирмаслик ёхуд бошқача шаклда фойдаланмаслик ҳақидаги ҳар қандай келишув, миллий шароитларга мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади ёки тақиқланади. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига айнан шу тарзда келтирилмаган бўлсада, мазмунан шахсларнинг таътил олиш ҳуқуқига ҳам тааллуқлидир, “Меҳнат кодексининг “Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномалар шартларининг ҳақиқий эмаслиги” номли 5-моддасига мувофиқ “Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар

аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас”.

Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 52-конвенциянинг бугунги кун талабларига тўғри келмайдиган нормалари ҳам мавжуд. Унинг 5-моддасига кўра давлатларнинг миллий қонун ҳужжатлари ҳар йилги таътили пайтида ҳақ тўланадиган ишда банд бўлган шахслар, ушбу таътил даври бўйича ҳақ олишдан маҳрум бўлишлари мумкинлигини белгилаб қўйишига йўл қўяди. Мазкур қоида шахсларнинг йиллик таътили учун ҳақ олишга бўлган ҳуқуқини чеклашни назарда тутмоқда. Чунки, модда мазмунидан келиб чиқилса, ходимнинг таътил даврида бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаши унинг асосий иш жойидан таътил учун ҳақ олишдан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин. Мазкур қонданинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларга зид келиши уни бошқача мазмунда баён этилишини талаб этди. Натижада Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 132-конвенция 13-моддаси ушбу қондани қуйидаги кўринишда мустаҳкамлади: “Ҳар бир мамлакат ҳукуматининг ваколатли органи ёки бошқа тегишли органи, ёлланиб ишлаётган шахс таътил вақтида даромад олиш билан боғлиқ, таътил мақсадларига зид келувчи фаолият билан шуғулланаётган ҳолатларга нисбатан махсус қоидаларни ўрнатиши мумкин”.

Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 132-конвенция ХМТ таснифи бўйича техник конвенциялар сирасига кирсада, аҳамият жиҳатида устувор конвенциялардан кам эмас [11]. Мазкур конвенциянинг аҳамияти яна шу билан изоҳланадики, ёлланиб ишлаётган шахсларнинг халқаро меҳнат стандартларида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда, имкониятларини тўлиқ амалга ошириши шахснинг меҳнат қобилятининг талабга жавоб бериши, соғлиғига боғлиқдир [12]. Бунинг учун эса шахснинг олаётган ҳақ тўланадиган таътили давомийлиги шахс бажараётган иш туридан келиб чиқиши лозим.

Агарда Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 132-конвенция давлатимиз томонидан ратификация қилинадиган бўлса, айнан таътил муддати масаласи ҳам кўриб чиқилиши лозим. Чунки, қонунчилигимизда белгиланган таътилниң энг кам муддати (15 иш куни) 132-конвенция 3-моддасида келтирилган нормага тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Сабаби 3-моддада таътилниң энг кам муддати бир йил учун 3 иш ҳафтасидан кам бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутлади. 15 иш кунини ҳафталарга тақсимлайдиган бўлсак, ҳафтада 5 кун ишлайдиганларга мазкур норма мос келиши мумкин, ҳафтада 6 кун ишлайдиганларга эса тўлиқ мувофиқ эмас. Чунки, Меҳнат кодексининг 139-моддасига мувофиқ, таътилларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Мазкур ҳолатда эса минимал таътил муддати 18 иш кунига тўғри келмоқда.

Шу маънода, Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 52-конвенциясини қайта кўрувчи 132-конвенциянинг аввалги конвенциядаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этганлиги, кўп жиҳатдан миллий меҳнат қонунчилигимиз билан мос келиши, ушбу халқаро шартноманиң давлатимиз томонидан ратификация қилиш мумкинлигидан далолат беради.

ХМТнинг 132-конвенциясининг бугунги кунда аъзо-давлатлар томонидан ратификация қилинганлик ҳолатига тўхталадиган бўлсак, бу кўрсаткич 38 тани ташкил этади [7]. Буларнинг 17 нафари 52-конвенцияни денонсация қилиш йўли билан қайта кўриб чиқувчи 132-конвенцияни ратификация қилган [8]. Рақамлардан кўриш мумкинки, қайта кўриб чиқувчи 132-конвенцияни ратификация қилувчи аъзо-давлатлар сони ортиб бормоқда.

Фикримизча, аъзо-давлатлар меҳнат қонунчилигини унификациялаш, уларни замон талабларига мослаштириш, шахслар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларда икки хил халқаро стандартларни амал қилишини олдини олиш мақсадида, ташкилотга аъзо-давлатлар қайта кўриб чиқувчи конвенцияни аввалги конвенцияни денонсация қилиш йўли билан ратификация қилишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХМТ ўртасида изчил мулоқот олиб борилаётганлиги, шу жумладан, ХМТнинг Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги қайта кўриб чиқувчи 132-конвенцияси қоидалари 52-конвенцияга қараганда мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга кўпроқ мувофиқ келишини, меҳнат қонунчилигимиз нормалари билан мослигини инобатга олган ҳолда, уни ратификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // <https://lex.uz/docs/142859>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 84-I-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1936 йил 24 июнда Женевада қабул қилинган Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار

- тўғрисидаги 52-Конвенцияга қўшилиши ҳақида»ги Қарори // <https://www.lex.uz/ru/docs/2747591>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/acts/68532#69941>
- Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/106197>
4. Application of International Labour Standards 2015 (I). Report of the Committee of Experts on the Application of Conventions and Recommendations. ILC.104/III(1A).
5. Махмуд Махаматов (2020). Вопросы совершенствования трудового законодательства в условиях цифровой экономики. Review of law sciences, (3), 117-120. doi: 10.24412/2181-1148-2020-3-117-120
6. Ratifications of C132 - Holidays with Pay Convention (Revised), 1970 (No. 132). https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:11300:0::NO:11300:P11300_INSTRUMENT_ID:312277:NO
7. Ratifications of C052 - Holidays with Pay Convention, 1936 (No. 52) http://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:11300:0::NO:11300:P11300_INSTRUMENT_ID:312197:NO
8. Universal Declaration of Human Rights // <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights>
9. Гасанов М.Ю., Сарымсакова Г.К. Правовое регулирование рабочего времени и времени отдыха. Учебное пособие. – Т.: ИПТД ООО «Фуқаролик жамияти» 2017.
10. Енилина А.В. Проблемные аспекты регулирования рабочего времени и времени отдыха. КазФУ. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemnye-aspekty-regulirovaniya-rabochego-vremeni-i-vremeni-otdyha>
11. Расулов Ж. А. Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро ва минтақавий стандартларнинг шаклланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №5 (2020). <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/125/107>
12. Хамдамова Ф.У., Махаматов М.М. Халқаро стандартлар ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Қонунчилигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №6 (2020). <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/154/129>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МИРХАМИДОВА Махиннора Нуруллаевна
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
“Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: mmirhamidova@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФОРС КЎРФАЗИ МИНТАҚАСИДАГИ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МИРХАМИДОВА М.Н.
Ўзбекистон Республикасининг форс кўрфази минтақасидаги араб давлатлари билан дипломатик
муносабатларининг ривожланиш тенденциялари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста –
Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 108-114

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-16>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг Форс кўрфази минтақасидаги араб давлатлари билан дипломатик муносабатларининг ривожланиш масалалари кўриб чиқилган. Мақоланинг мақсади бу давлатлар ўртасидаги халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақиллик йилларидан то бугунги кунга қадар динамик тарзда ривожланишини таҳлил қилишдир. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг Форс кўрфази минтақасидаги араб давлатлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва тараққий этишига оид жиҳатлар ёритилган. Бунда мазкур давлатлар билан Ўзбекистоннинг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги ҳуқуқий асосларини ривожланиши ҳам қайд этилган. Мақоланинг хулоса қисмида Ўзбекистоннинг Форс кўрфази араб давлатлари билан ҳамкорлиги ҳуқуқий асосларининг бугунги кундаги тенденциялари ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси, Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ТИВКнинг сессиялари, икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асослари

Мирхамидова Махиннора Нуруллаевна
Старший преподаватель кафедры
«Международное право и права человека ЮНЕСКО»
Университет мировой экономики и дипломатии
E-mail: mmirhamidova@mail.ru

РАЗВИТИЕ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАВОВЫХ ОСНОВ СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ РЕСПУБЛИКОЙ УЗБЕКИСТАН И АРАБСКИМИ СТРАНАМИ ПЕРСИДСКОГО ЗАЛИВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы о развитии дипломатических отношений Республики

Узбекистан с арабскими странами Персидского залива. Целью статьи является анализ динамики развития международно-правовых отношений между этими странами с момента обретения независимости по сей день. Автором раскрывается формирование и развитие правовых основ сотрудничества Республики Узбекистан с арабскими государствами в регионе Персидского залива. В этом контексте отмечается развитие правовых основ двусторонних и многосторонних отношений Узбекистана с этими государствами. В заключительной части статьи изложены современные тенденции сотрудничества Узбекистана с арабскими государствами Персидского залива.

Ключевые слова: Венская конвенция о дипломатических сношениях, Венская конвенция о консульских сношениях, Сессии СМИД Организации исламского сотрудничества, правовые основы двусторонних и многосторонних отношений, внешняя политика.

MIRKHAMIDOVA Mahinnora

Senior Lecturer of the Department of “International Law and Human Rights”

University of World Economy and Diplomacy

E-mail: mmirhamidova@mail.ru

DEVELOPMENT OF DIPLOMATIC RELATIONS AND LEGAL BASES OF COOPERATION BETWEEN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF

ANNOTATION

This article describes the development of diplomatic relations between the Republic of Uzbekistan and the Arab States of the Persian Gulf. It says the formation and development of bilateral and multilateral cooperation between countries. The purpose of the article is to analyze the dynamics of international legal relations between these countries since independence to this day. The author reveals the formation and development of the legal framework for cooperation between the Republic of Uzbekistan and the Arab States in the Persian Gulf region. In this context is noted, the development of the legal basis of Uzbekistan’s bilateral and multilateral relations with these States. The final part of the article describes the current trends of cooperation between Uzbekistan and the Arab States of the Persian Gulf.

Keywords: Vienna Convention on diplomatic relations, Vienna Convention on consular relations, bilateral relations, multilateral relations, Session of Organization of Islamic cooperation Council of Foreign Ministers, legal framework for bilateral and multilateral relations.

Мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритган пайдан бошлаб миллий манфаатларимизни инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб боришини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатида Форс кўрфази минтақасида жойлашган араб давлатлари алоҳида аҳамият касб этади. Форс кўрфази мамлакатлари ўзининг геосиёсий ўрни жихатидан халқаро хавфсизлик ва халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида анъанавий тарзда сиёсатшунослар ва экспертлар эътиборининг марказий объекти саналади. Арабистон давлатларининг мутлақ кўпчилиги XX аср охирларига келиб дунёдаги энг бой мамлакатларга айланди. Дунёнинг юксак тараққий этган давлатлари Арабистон яримороти мамлакатлари билан яқинроқ бўлишга, улар билан мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интиломқдалар. Мазкур мулоҳаза, хусусан **Саудия Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Ўмон Султонлиги, Қатар** ва **Баҳрайн** давлатларига тегишли [1].

Жаҳоннинг етакчи давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатиб, улар ўртасида халқаро-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга киришди. Мустақиллик илк йилларидан эътиборан бошқа давлатлар қатори Форс кўрфази мамлакатлари ҳам Ўзбекистон билан яқиндан дўстона муносабатларни ўрнатишга киришди.

Шу жумладан, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ислом ҳамкорлик ташкилотига

аъзо давлатларнинг халқаро савдо-иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади” [2]. Дарҳақиқат Ўзбекистон ИХТнинг асосий таъсисчи ва бу ташкилотдаги асосий роль ўйновчи давлатлари сифатида Форс кўрфази араб мамлакатлари билан давлат раҳбари томонидан айтиб ўтилган йўналишлардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаши иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

Хусусан Форс кўрфази минтақасидаги араб давлатлари Ўзбекистон билан иқтисодий, инвестицион, молиявий, туризм, транспорт коммуникацияси соҳаларида икки томонлама ва шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (кейинги ўринларда ИХТ) доирасида ҳам амалга ошираётган ташаббуслари бугунги кунда ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Умумий қилиб айтганда, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик бўйича амалга ошираётган ислохотлари бугунги куннинг асосий долзарб масалаларидандир.

Ташки алоқалар, дипломатия ва дипломатик ва консуллик ҳуқуқи соҳалари доимо миллий ҳуқуқшунос-олимларнинг диққат-марказида бўлиб келган. Ўзбекистоннинг дипломатик ва консуллик ҳуқуқи амалий ривожланиши билан бир қаторда кўриб чиқилаётган соҳалардаги янги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш фаоллашди. Умуман олганда, дипломатик ҳуқуқ Л.А.Саидова [3], Н.Р.Акрамова [4], Л.М.Абдуллаева [5], консуллик ҳуқуқи И.А.Хамедов [6], Г.Юлдашева [7], Ш.Расулов [8], С.Гафурова [9], Н.Кадирова [10] ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳуқуқи Х.Д.Вахабов [11], Ш.Раҳманов [12] каби муаллифларнинг тадқиқотларида илмий жиҳатдан асосланганлигини қайд этиш лозим.

Икки ва кўп томонлама дипломатик муносабатларнинг халқаро ҳуқуқий асослари академик А.Х.Саидов ўзининг қатор ишларида аниқ тушунтиришлар берган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ИХТ доирасидаги фаолияти, мазкур ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ташаббуслари ҳақида баён этган ва унинг конвенциялари норма ижодкорлигида фаол иштирок этиб келмоқда [13]. А.Юнусов [14] ўзининг тадқиқотларида халқаро ҳуқуқда араб доктринаси, араб давлатлари конституцияларининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратган бўлса, Э.М.Умароҳунов [15] эса шартномалар ҳуқуқи тўғрисида Ўзбекистон билан араб давлатларининг шартномавий ҳуқуқ асосларининг классификациясини баён этганда давр нуқтаи назаридан мустақилликдан 2006 йилга қадар шартномавий ҳуқуқий базани таҳлил этишга муяссар бўлган. Шунингдек Ф.Файзиев томонидан ўрганилган тадқиқотларда Ўзбекистоннинг Форс кўрфази араб давлатлари билан “Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган [16].

Юқорида кузатилган илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Форс кўрфазидаги араб давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг халқаро ҳуқуқий жиҳатларини мустақиллик давридан эътиборан комплекс тарзда ўрганиб, давлатлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама шартномаларни классификациялаш ва уларнинг юридик табиатини ёритиш масалалари кўтарилмаган.

Рус олими Мелкумян Е.С. Форс кўрфази давлатларига баҳо бераркан, бу минтақанинг жаҳон сиёсатидаги аҳамияти ошиб бораётганини қайд этади. Бунга унинг иқтисодий салоҳияти ва молиявий имкониятлари ва шунингдек, унинг сиёсий ва дипломатик манбаларининг мустаҳкамланиши дея эътироф этади [17].

Бошқа бир олим Ханцис М.В. эса Форс кўрфази нефт қазиб олувчи мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги асосий ўрни, биринчи навбатда, уларнинг улкан углеводород салоҳияти билан белгиланишини таъкидлаб, бу минтақада рўй бераётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар – иқтисодий ўсиш тезлиги, геосиёсий вазият, цивилизациялараро муносабатлар каби турли бутун жаҳон муаммоларига бевосита таъсир кўрсатишини қайд этган [18].

Юқоридаги фикрларни маъқуллаган ҳолда, биз Форс кўрфази мамлакатларининг жаҳон сиёсатидаги ўрнини унинг жаҳоннинг 40% ортиқ нефть захирасига эгаллиги ва бу орқали юзага келган юқори иқтисодий ва инвестицион салоҳиятини ҳам эътироф этамиз.

Ҳозирги кунда араб давлатларининг давлатимиз билан яқинлашишга интилиши бугунги кунда юртимизда бошқа соҳалар каби ислом дини тараққиёти йўлида амалга оширилаётган улкан ислохотлар мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, юртимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ва сўнгги йилларда давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ортиб бориши

хам деб ўйлаймиз. Шунингдек Ўзбекистон ҳам бугунги кунда ушбу минтақа давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришга хайрихоҳ деб ўйлаймиз. Бунга асосий омиллардан бири Форс кўрфази араб давлатларида улкан нефть ва газ захирасининг мавжудлиги ва бу орқали унинг иқтисодий ва туризм соҳасидаги эришган ютуқлари деб ҳисобласак, иккинчидан мазкур давлатлар (Саудия Арабистони Қироллиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Ўмон Султонлиги, Қатар ва Бахрейн давлати) араб давлатлари минтақадаги кучли олтилик дея ном олган давлатлардан саналиб бу давлатларнинг юқори инвестицион салоҳияти Ўзбекистонга самарали, узоқ муддатли инвестицион оқимни киришини таъминлашга ёрдам беради деган фикрдамыз.

Ўзбек олими с.ф.д. Г.Юлдашева томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра Ўзбекистон ва араб давлатлари ўртасидаги муносабатларни шартли равишда иккига бўлиб, яъни 90 йиллардан 2017 йилгача ва 2017 йилдан кейинги даврга бўлиб ўрганилган [19].

Ўзбекистон Республикаси билан Форс кўрфази мамлакатлари ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ривожланиш динамикасини таҳлил этадиган бўлсак уни қуйидаги даврларга бўлишимиз мумкин:

-1992-1999 йиллар оралиғидаги дипломатик эътироф ва муносабатларнинг ўрнатилиши. Бу даврда давлатлар ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси [20] ва 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига [21] мувофиқ шаклланиб ва ривожланган. Ўзбекистонда бошқа давлатлар каби Форс кўрфазидаги араб давлатларининг элчихоналари очилиши ва шунингдек мазкур араб давлатларида ҳам Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари фаолият юритиши кузатилган. Шунингдек бу даврда, яъни 1996 йилда жаҳон ҳамжамиятида алоҳида ўринга эга йирик халқаро ташкилот Ислом ҳамкорлик ташкилотига (кейинги ўринларда ИХТ) аъзо бўлди. Форс кўрфази араб давлатлари бу ташкилотнинг бош таъсисчи давлатлари ва унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эканлигини таъкидлаш жоиз.

Мустақилликнинг илк йилларидан эътиборан Ўзбекистон билан Форс кўрфази минтақасидаги араб давлатлари 1961 йилги Вена конвенциясининг 2-моддасига мувофиқ, Давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатиш ва доимий дипломатик ваколатхоналарни таъсис этиш ўзаро келишув асосида амалга оширилди. Биз тадқиқ этаётган давлатлар билан ҳамкорлигининг устувор йўналиши иқтисодий йўналиш деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари биринчи бўлиб Саудия Арабистони Қироллиги билан имзоланган бўлиб, 1996 йилда кучга кирган, кейинчалик мазкур мазмундаги шартнома 2004 йилда Кувайт давлати билан имзоланган ва кучга кирган. 2009 йилда савдо иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлиги ўртасида ҳукуматлараро Битим имзоланган ва кучга кирган.

-1999-2005 йилларда Ўзбекистон билан Форс кўрфази мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатларда фаоллик кузатилмаган. Лекин муносабатлар ўзаро турғун ҳолатда бўлган бўлсада, ижтимоий маданий соҳалардаги ҳамкорлик ривожланганини кузатиш мумкин. Шунингдек Ўзбекистоннинг Форс кўрфази мамлакатлари билан кўп томонлама муносабатлари ривожланганини 2003 йилда Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банкига (кейинги ўринларда ИТБ) аъзо бўлиши ва мазкур ташкилот доирасида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилгани билан асослаш мумкин. Бу ташкилот Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида муҳим роль ўйнаовчи халқаро ташкилотлардан бири саналади.

-2005-2015 йилларда Ўзбекистон ва Форс кўрфазидаги араб давлатлари ўртасида энг аввало хавфсизлик масалалари бўйича кейин сиёсий, ҳуқуқий маданий иқтисодий, савдо, инвестицион муносабатларнинг халқаро-ҳуқуқий асослари шакллантиришини қайд этиш мумкин. Г.Юлдашеванинг сиёсий қарашларига мувофиқ, 2007 йилдан бошлаб араб-ўзбек муносабатларида бироз жонланиш кузатилган [22]. Биз эса бу даврнинг 2010 йилидан эътиборан дипломатик муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ривожланганини кузатдик. Бу вақтларда Ўзбекистоннинг Форс кўрфази араб давлатларининг тараққиёт жамғармалари билан ҳамкорлиги шаклланиб ва араб тараққиёт жамғармалари иштирокида фаол инвестицион битимларнинг имзоланганини кузатиш мумкин. **2005-2015** йилларда имзоланган ҳукуматлараро шартномалар асосида ҳамкорликнинг турли соҳалари ривожланган. Шунингдек ИХТ, ИТБ каби минтақавий халқаро ташкилотлар доирасидаги шартномалар имзоланиб, бу халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг қатор конвенциялари ратификация қилинди.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда **2005-2015** йиллар даврида Ўзбекистоннинг Форс

кўрфази мамлакатлари билан халқаро-ҳуқуқий муносабатларининг ривожланишида силжиш кузатилди.

-2016-дан кейинги давр йилларида Ўзбекистон Республикаси билан Форс кўрфазидаги Араб давлатлар билан халқаро ҳуқуқий муносабатларининг янги даври, шунингдек Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан халқаро ташкилотлар доирасидаги институционал муносабатларининг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси ва Форс кўрфази мамлакатлари ўртасидаги халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг устувор йўналишларини такомиллаштирилиши билан асослаш мумкин.

Бу давр Ўзбекистоннинг Форс кўрфазидаги араб давлатлари билан дипломатик муносабатларининг ривожланишининг янги босқичи деб ҳисоблаймиз. Мазкур даврда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳамкорликлар билан бирга бу давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда инвестицион ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди.

Мазкур янги даврнинг Форс кўрфази араб давлатларининг вакилларининг илк ташрифларидан деб 2016 йилнинг 28 майдан 3 июль кунларига қадар Саудия Арабистони адлия вазири ўринбосари Юсуф бин Абдулазиз ал-Фараж бошчилигидаги сауд делегациясининг Ўзбекистонга ташрифини айтишимиз мумкин. Бу ташриф давомида олиб борилган музокараларда икки давлат адлия вазирликлари ўртасида ўзаро англашув Меморандуми лойиҳасининг муҳокамаси бўйича протокол имзоланди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган юксак даражадаги тадбирлардан бири 2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ИХТ Ташқи ишлар Вазирлари кенгашининг 43-сессиясини эътироф этиш мумкин. Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг Форс кўрфази араб давлатлари билан ИХТ доирасида кўп томонлама дипломатик муносабатларининг ривожланишида ҳам ўзига ҳос аҳамиятга эга. Сессия якунига кўра 100 га яқин ҳужжат ва Тошкент декларацияси имзоланди.

Ўзбекистоннинг ИХТ ТИВК раислиги давомида Ўзбекистон ИХТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил ва доимий комиссиясининг (IPHRС) Жиддада бўлиб ўтган (27 ноябрь-1 декабрь 2016 йил, 7-11 май 2017 йил) галдаги 10 чи ва 11 чи сессияларида иштирок этиб келди. Таъкидлаш жоизки, Мамлакатимиз ИХТ ташқи ишлар вазирлари Кенгаши раислиги даврида (2016 й.) амалга оширилган амалий ишлар натижасида инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Х.Саидов ИХТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий кўмитаси аъзоси ва кейинчалик раиси этиб сайланди. Мазкур аъзолик 2018 йилдан 2021 йилгача давом этиши белгилаб қўйилган. ИХТ Уставининг 15-моддасига кўра Инсон ҳуқуқлари бўйича Мустақил Доимий комиссия ташкилотнинг пактлар ва декларацияларида, шунингдек, умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари инструментларида мустаҳкамланган фуқаролик, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни Ислоҳ кадриятларига мос равишда илгари суради.

Шунингдек Хусусан, 2019 йилнинг 7-8-октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси (ИХМДК), Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари (ИХБОК) билан ҳамкорликда, йиллик семинарларнинг 6-сонини “Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзусида муҳокама семинари ташкил этилгани Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар доирасидаги инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга ошираётган ишларининг намунасидир [23].

Бу даврда Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик ҳам сезиларли даражада ривожланди. Ўзбекистон ИХТ Ташқи ишлар вазирларининг Кенгашига мезбонлик қилган йилида қатор дастурларни амалга оширган бўлса, 2017 йил Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Илм-фан, технологиялар” номли 1-саммитда Ўзбекистон давлат раҳбари Ш.Мирзиёев иштирок этиб, илм-фанни ривожлантиришга оид қатор муҳим ташаббусларни илгари сурганини таъкидлаш лозим деб ҳисоблаймиз [24].

Шунингдек Ўзбекистоннинг ИТБ доирасидаги ҳамкорлигини ривожланишини ҳам алоҳида қайд этиш мумкин. 2018 йил Ўзбекистонга Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг етакчи араб жамғармалари делегациясига бошчилик қилаётган ИТБ Президенти Бандар Ҳажарнинг ташрифи асосида 1,3 миллиард долларлик имтиёзли кредит маблағлари жалб этилган бўлиб, улар иқтисодиётнинг турли тармоқларига оид лойиҳаларни ўз ичига олади [25].

Мустақиллик илк йилларидан бугунги кунга қадар такомиллашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси ва Форс кўрфази араб давлатлари ўртасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асослари халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларга риоя этилиши →»*facta sunt servanda*»

ва БМТ Уставининг халқаро ҳамкорлик принципларига мувофиқ ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси билан Форс кўрфази минтақасидаги араб давлатлари ўртасидаги муносабатларни халқаро ҳуқуқий асосларидан таҳлил этар эканмиз, мустақиллик йилларидан то ҳозирги кунга қадар (2021 йил ҳолатига кўра) 90 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзолангани кўришимиз мумкин. Биргина Ўзбекистоннинг Бирлашган Араб Амирликлари мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ўзбек-амирлик икки томонлама ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асоси 30 дан ортиқ битим ва шартномалардан ташкил топгани кузатилди.

Биз ўрганган даврда (2016 йилдан кейинги давр) 2019 йил 26-27 март кунлари давлат раҳбари М.Мирзиёевнинг БААга қилган расмий ташрифи чоғида умумий қиймати 10 млрд. АҚШ долларига тенг **10 та** ҳукуматлараро ва идорлараро шартномалар имзоланганини қайд этиш ўринлидир [26]. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестицион, инновацион, ижтимоий-маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид шартномавий ҳуқуқий асос такомиллаштирилди. Бу албатта икки томонлама манфаатли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўтган йиллар бўйича кузатар эканмиз, (2018 йил) мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми қарийб 400 миллион долларни ташкил қилди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Амирлик ҳукуматлараро комиссиясига келгуси йилларда ушбу кўрсаткични бир миллиард долларга этказиш вазифаси юклатилган. Товар этказиб беришни кўпайтириш, хом ашёни қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Албатта шу ўринда бутун дунё учун глобал муаммо бўлаётган пандемия шароити ва у дунёнинг ҳар бурчагида турли соҳаларга ўз таъсирини ўтказгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик алоқаларининг боришида ҳам бунинг намунасини кўриш мумкин. Мисол учун 2020 йилда Фан, таълим ва маданият масалари бўйича ислом дунёси (ISESCO) ташкилоти томонидан Бухоро шаҳрининг ислом маданият пойтахти [27] деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган конференциялар ва тадбирларнинг онлайн тарзда ўтгани ҳам кузатилди.

Шунингдек 2017 йил ИХТ давлатлари раҳбарлари иштирокида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Илм, фан ва технологиялар” номли 2-саммитнинг 2020 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган эди. Пандемия вазияти туфайли бу ушбу саммитнинг кейинги йилга қолдирилганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Албатта бу каби омиллар Ўзбекистоннинг давлатлар билан халқаро ҳуқуқий муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилмайди деб ишонамиз.

Хулоса қилиб айтганда мустақиллик йилларидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси билан Форс кўрфази мамлакатлари ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилган ва бугунги кунга қадар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий, савдо-инвестицион ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилиб, тараққий этиб келмоқда. Шунингдек минтақадаги халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга Ўзбекистоннинг аъзолиги кузатилган ва мазкур ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланмоқда. Дипломатик муносабатларнинг тобора тараққий этиши Ўзбекистон ва Форс кўрфазининг араб давлатлари учун ҳар томонлама манфаатли деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мунавваров. Арабистон яримороли мамлакатлари. – Т.: Фан, 1994. – 4 б.
2. Ш.Мирзиёевнинг ИХТ ТИВКнинг 43-сессиясида сўзлаган нутқи. // <http://www.uzbekistan.at/uz/actual/islom-khamkorlik-tashkiloti-tashki-ishlar-vazirlari-kengashi-43-sessiyasi>
3. Саидова Л.А. Дипломатическое право в Узбекистане: проблемы теории и практики: Автореф. дис... док. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2001.
4. Акрамова Н.Р. Современная международно-правовая концепция дипломатических иммунитетов и привилегий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2008.
5. Абдуллаева Л.М. Международно-правовые проблемы предотвращения посягательств на дипломатических агентов: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2007.
6. Институт консульской службы и консульского права Республики Узбекистан. Учебное пособие. Под руководством д.ю.н. И.Хамедова. УМЭД.Т.- 2009.
7. Юлдашева Г. Трансформация дипломатических и консульских функций на современном этапе. // Международное право и международные организации / International Law and International Organizations. - 2016. - № 3. - С. 321-333. DOI: 10.7256/2226-6305.2016.3.15903.
8. Расулов Ш. Ўзбекистон консуллик хизмати (фуқароларни халқаро хусусий ҳуқуқий манфаатларининг ҳимояланиши: назарий ва амалий муаммолари): Монография. – Т.: “Адолат”, 2008.

9. Гафурова С.А. Развитие института консульской защиты прав граждан Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... доктора философии (PhD) по юридическим наукам – Т.: УМЭД, 2018
10. Kadirova N.R. Consular law: international legal framework, experience of leading democratic countries // European research. 2017. №1 (24). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/consular-law-international-legal-framework-experience-of-leading-democratic-countries> (дата обращения: 04.05.2021).
11. Вахабов Х.Д. Институт представительства государств в международных организациях в современном международном праве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2007.
12. Рахманов, Ш.. Трансформация внешней политики и внешнеполитических ориентиров Республики Узбекистан и таргетирование дипломатического права международных организаций. Suleyman Demirel University Bulletin: Social Sciences, [S.l.], v. 53, n. 2, p. 50-63, dec. 2020. ISSN 2709-2410. Available at: <<https://journals.sdu.edu.kz/index.php/ss/article/view/326>>. Date accessed: 29 June 2021. doi: <https://doi.org/10.47344/sdubss.v53i2.326>.
13. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Т.: Адолат, 2006 й.– 243-б.; Принята Ташкентская декларация о правах молодежи в государствах-членах ОИС// <https://www.uzdaily.uz/ru/post/46701>
14. Юнусов А.Л. Араб давлатлари конституциялари ва ташқи сиёсати // Масъул мухаррир А.Х. Саидов. –Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2003. –96 б.
15. Умарохунов И.М. Международная договорная практика Республики Узбекистан: вопросы теории и практики. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2016.
16. Файзиев Ф. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -Т.: УМЭД, 2007
17. Мелкумян Е.С. Регион Персидского залива в мировой политике: история и современность. - Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2015, № 3, с. 82–89
18. Ханцис М.В. Роль стран Персидского залива в международной нефтеторговле <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/152338/1/Chancys.pdf>
19. Юлдашева Г.И., Икромов Ш.И. Ўзбекистон Республикаси ва араб давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги тенденциялари. <https://uzanalytics.com/xalqaromunosabat/4397/>
20. 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси. // <https://www.lex.uz/docs/2647563>. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1078-ХП-сонли «Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига қўшилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўшилган.
21. 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси. // <https://lex.uz/docs/2750193>. Ўзбекистон мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1079-ХП-сонли «Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясига қўшилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўшилган.
22. Юлдашева Г.И., Икромов Ш.И. Ўзбекистон Республикаси ва араб давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги тенденциялари. <https://uzanalytics.com/xalqaromunosabat/4397/>
23. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини янада илгари суриш бўйича ташаббусини ўз вақтида ва тўлақонли амалга ошириш юзасидан ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. // <http://parliament.gov.uz/uz/events/committee/32175/>
24. Мирзиёв Ш.М.нинг ИХТ аъзо давлатларининг “Ислом оламида илм-фан, технологиялар, инновация ва модернизация” шиори остидаги биринчи саммитида сўзлаган нутқи 2017 й. 9-10 сентябрь., Остона нутқ матни: // <http://www.press-service.uz/ru/lists/view/1018>
25. Исламский банк развития выделил Узбекистану 1,3 миллиардов долларов. // <https://upl.uz/https://upl.uz/economy/8312-news.html>
26. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида Бирлашган Араб Амирликларининг молиявий ва техник ёрдами жалб этиш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.06.2019 санасидаги Ф-5480-сон Фармойиши. // <https://lex.uz/ru/docs/4386144>
27. Бухоро - Ислом маданияти пойтахти. // http://naqshband.uz/buxoro-islom/islom_madaniyati3

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ЮНУСОВ Хайдарали Муратович

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди
E-mail: yunusovkm@gmail.com

ЮРИДИК ХИЗМАТ ВА КАСБИЙ ФАОЛИЯТ: МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ИМКОНИАТЛАР, ЮРИДИК ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АДВОКАТЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (АҚШ ТАЖРИБАСИ)

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЮНУСОВ Х.М. Юридик хизмат ва касбий фаолият: меҳнат бозоридаги имкониятлар, юридик фаолият йўналишлари ва адвокатлик лицензияси (АҚШ тажрибаси) // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 115-120

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-17>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада АҚШда юридик хизмат ва касбий фаолиятнинг асосий жиҳатлари ёритиб берилди. Муаллифнинг таъкидлашича, АҚШда юристлик касбининг ўзига хос тарихи бор. АҚШда юридик хизмат ва касбий фаолият давлат ва жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида ривожланиб келди ҳамда бугунги кунга келиб мамлакатдаги энг шарафли касбга айланди. Мақолада адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш тартиби, адвокатлик хизматининг турлари, аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи халқ адвокатлари фаолиятига тўхталиб ўтилган. Штатлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келувчи юристлар сони, адвокатлар сони ва судьялар сонига оид статистик маълумотлар берилган. Юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳолат илгор хорижий давлатлардаги ҳолат билан ўзаро таққосланган. Мақола сўнггида умумлаштирувчи хулоса берилган.

Калит сўзлар: юрист, адвокат, судда фаолият кўрсатувчи юрист, ҳакамлар, медиаторлар, яраштирувчилар, адвокатлик лицензияси, халқ адвокати, АВА имтиҳонлари, юридик хизмат, юридик фаолият, юридик амалиёт.

ЮНУСОВ Хайдарали Муратович

Доцент кафедры “Международное право и права человека”
Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук
e-mail: yunusovkm@gmail.com

ЮРИДИЧЕСКИЕ УСЛУГИ И ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: ВОЗМОЖНОСТИ РЫНКА ТРУДА, НАПРАВЛЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И АДВОКАТСКАЯ ЛИЦЕНЗИЯ (ОПЫТ США)

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматриваются основные аспекты юридических услуг и профессиональной

деятельности в США. Автор отмечает, что профессия юриста в США имеет свою историю. В Соединенных Штатах юридическая служба и профессиональная деятельность стали неотъемлемой частью развития государственного строительства и общества и по сей день стали самой почетной профессией в стране. В статье рассматривается порядок получения лицензии на право занятия юридической практикой, виды юридических услуг, деятельность государственных защитников, оказывающих населению бесплатные юридические услуги. По разрезе штатов предоставляется статистика о количестве юристов, адвокатов и судей на душу населения. Проведен сравнительный анализ положения с юридическими услугами в стране и передовых зарубежных странах. Заключение приводится в конце статьи.

Ключевые слова: юрист, адвокат, юрисконсульты, арбитры, медиаторы, лицензия адвокатов, государственный защитник, адвокатская лицензия, народные адвокаты, АВА экзамены, юридическая услуга, юридическая деятельность, юридическая практика.

YUNUSOV Khaydarali

Associate Professor of International law and human rights Department
Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
e-mail: yunusovkm@gmail.com

LEGAL SERVICES AND PROFESSIONAL MARKET OPPORTUNITIES, AREAS OF LEGAL ACTIVITIES AND LICENSE TO PRACTICE LAW (US EXPERIENCE)

ANNOTATION

This article covers the main aspects of legal services and professional activities in the United States. The author notes that the legal profession in the United States has an own history. In the United States, legal service and professional activity have developed as an integral part of the development of the state-building and society and have become the most honorable profession in the country to this day. The article focuses on the procedure for obtaining a license to practice law, the types of legal services, the activities of public defenders who provide free legal services to the population. State by state, statistics are provided on the number of lawyers, the number of attorneys, and the number of judges per capita. The situation with legal services has been compared with the situation in advanced foreign countries. A summary is given at the end of the article.

Keywords: lawyer, trial lawyers, legal counsels, arbitrators, mediators, conciliators bar license, public defender, bar exams, legal service, legal activity, legal practice.

АҚШда “юрист” (“lawyer”) атамаси кенг маънода ишлатилади. Шу боис, у бир қатор юридик фаолият билан шуғулланувчи ҳуқуқшуносларнинг умумлашма номидир. Суд ишларида адвокат сифатида иштирок этадиган юристлар (trial lawyers and legal counsels), ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи юристлар, ҳуқуқий маслаҳат берувчи юристлар, давлат органларида доимий фаолият кўрсатувчи юристлар, доимий ишлайдиган (in-office) ёки бирор суд иши учун муддатли ёлланган прокурорлар, доимий ишлайдиган (in-office) ёки бирор суд иши учун муддатли ёлланган давлат айбловчилари, йирик корпорацияларнинг юридик бошқарма бошлиқлари (general counsels), судьялар (judges), ҳуқуқ мактабларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг муайян соҳасига ихтисослашган арбитрлар (arbitrators), медиаторлар (mediators) ва яраштирувчилар (conciliators), юридик фирмаларнинг менежерлари, халқаро ташкилотларнинг юристлари – буларнинг барчаси умумий “юристлар” (“lawyer”) номи билан юритилади. Корхонанинг таркибий бўлинмаси бўлмаган ҳолда корхонага ташқаридан туриб муддатли юридик хизмат кўрсатувчи юристлар “ташқи юристлар” (outside counsels), корхонанинг таркибий бўлинмаси, масалан, юридик бошқарма ёки бўлим ходими сифатида бутун корхонага юридик хизмат кўрсатувчи юристлар “ички юристлар” (counsel in-house) деб аталади.

АҚШда юристлик касбининг ўз тарихи бор. Илк мустамлакачилик даврларида юристлик, адвокатлик касби ҳеч қандай нуфузга эга бўлмаган. Судларда ҳукм чиқариш, ўша даврнинг сиёсий арбоби Жон Адамс ибораси билан айтганда, “ҳокимлар, уларнинг ёрдамчилари, миршаблар ва лўттивозлар қўлида бўлган” [1, Б.335]. Улардан ҳеч қандай юридик билим ва малака талаб этилмаган.

Суд ишлари билан боғлиқ юридик касбий фаолият биринчи марта Массачусетсда 1700-йилларда эътироф этилган. 1761 йилга келибгина уларга муайян касбий билим ва малака талаблари қўйилган эди. Эндиликда, камида 3 йил бошланғич таълим олган, 2 йил қуйи судларда, 2 йил юқори суд инстанцияларида малака оширган кишиларгина юристлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлган. Шу даврдан бошлаб, юристларнинг касбий уюшмалари ривожланиб борди. Юристлик (attorneys) ва адвокатлик (barristers) фаолияти бир-биридан ажратилди. Эътибор бериш лозимки, инглиз ҳуқуқ тизимида ҳозиргача сақланиб қолган удумга кўра, судда иштирок этмайдиган, бироқ судгача бўлган жараёнда асосий ўринни эгаллайдиган юрист – солиситор (Solicitor) ва, айнан, суд жараёнида мижоз адвокати сифатида иштирок этувчи юрист – барристер (Barrister) ўзаро фарқланади. Бунда солиситор суд жараёни олдидан суд иши учун зарур материаллар йиғишда мижозга ҳуқуқий ёрдам беради, унинг манфаатини суд жараёнида ҳимоя қилиш учун барристер ёллади. Барристер эса, ўз навбатида, тўпланган фактлар асосида мижозни судда ҳимоя қилади. АҚШда инглиз ҳуқуқ тизимидан мустақил миллий америка ҳуқуқ тизими пайдо бўлгач, амалиётчи юристларнинг номи ўзгарди, лекин ундаги мазмун-моҳият ўз ўрнида қолди. Бугунги кунда суд жараёнида бевосита иштирок этадиган амалиётчи юристлар – “суд адвокатлари” (trial-attorneys, counsels), аксинча, суд ишларида иштирок этмайдиган юристлар эса оддийгина “юристлар” (lawyers) номи билан аталади.

АҚШ мустақиллик йилларидан сўнгги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва жўғрофий омиллар мамлакатда Буюк Британиядан мустақил ҳуқуқ тизимининг вужудга келиши ва ривожланишига туртки берди. Юристлар давлат ва жамият ҳаётидаги энг таъсирли кишиларга айланиб борди. 1776 йил 4 июлдаги Мустақиллик декларациясини имзолаган 26 та сиёсий арбобнинг – 25 таси, АҚШ Конституциясини ишлаб чиқиш учун Пенсильвания штатининг Филадельфия шаҳрида 1787 йилнинг 25 майдан 17 сентябргача фаолият кўрсатган Конституциявий кенгашнинг 55 та делегатидан – 31 таси касбига кўра юрист бўлган.

АҚШда юристлик касбига қизиқиш муттасил ортиб борган. Америка юристлар уюшмаси (АВА) архивмаълумотларига кўра, 1878 йилда мамлакатда 64,137 нафар юрист фаолият кўрсатган бўлса, 1978 йилга келиб уларнинг сони 464,851 тага етган [2]. 2019 йилда адвокатлик лицензиясига эга юристлар сони – 1,352,027 тани ташкил этди, холбуки уларнинг сони 2009 йилда 1,180,386 нафар эди [3]. Ўн йиллик ўртача ўсиш 15 фоизни ташкил этган. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган юристларнинг 64 фоизи – эркак, 36 фоизи – аёллардир [4].

Энг кўп сондаги юристлар Нью-Йорк штатида (177,035 нафар), Калифорнияда (170,044 нафар), Техасда (90,485 нафар), Флоридада (78,244 нафар), Иллинойсда (63,422 нафар) ва Вашингтон Колумбия округида (56,000 нафар) меҳнат қилади. Мазкур штатларда, бир томондан, аҳоли сонининг кўплиги (Вашингтон Колумбия округи бундан мустасно, чунки мазкур округда фаолият юритадиган юристлар сонининг кўплиги бу ҳудудда кўплаб федерал бошқарув органлари ва халқаро ташкилотларнинг қароргоҳлари жойлашганлиги билан изоҳланади), иккинчи томондан, бизнес ва ишлаб чиқаришнинг тараккий этганлиги юридик касб эгаларига бўлган эҳтиёжни ошириб юборган. Мумтоз америка фалсафасига мувофиқ, қаерда кучли иқтисодий тараккиёт бўлса, ўша ерда хўжалик низолари ҳам кўпаяди ва юристларга, албатта, иш топилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи амалиётчи юристлар сони АҚШда бу соҳа вакилларига эҳтиёж ҳануз катта эканлигидан дарак беради. 2019 йилда жами аҳоли сони 328 млн. нафарни ташкил қилган ҳолда амалиётчи юристлар сони 1,352,027 нафарга етди. Бу дегани ҳар 100 мингта аҳолига 41 та юрист-адвокат тўғри келади. Бу кўрсаткич 2010 йилда – 39 нафар, 2000 йилда – 36 нафар, 1980 йилда – 25 ва 1950 йилда – 15 нафарни ташкил этган [5].

Шунингдек, бу борада АҚШдаги вазият бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда қониқарлидир. Ҳар 10 мингта аҳолига тўғри келувчи юристлар сони, масалан, Австралияда – 35,9 та, Канадада – 2,2 та, Францияда – 7,2 та, Японияда – 2,3 та, Буюк Британияда – 25 тадир [6, Б.5]. Штатлар кесимида қараганда, ҳар 10 мингта аҳолига тўғри келувчи юрист-адвокатлар сони Колумбия Округида – 784 та, Нью-Йоркда – 89 та, Массачусетсда – 63 та, Коннектикутда – 60 та, Иллинойсда – 49 та, Нью-Жерсида – 46 та, Миннесотада – 45 та, Калифорнияда – 43 та, Луизианада – 41 та, Мэриленд, Миссури, Род Айланд штатларида – 40 тани ташкил қилади. Қолган штатларда бу кўрсаткич 40 тадан паст ва, ҳатто, Жанубий Каролинада – 21 та. Кўриниб турибдики, аҳолиси кам бўлган, бироқ федерал юридик хизмат юкламаси юқори бўлган Колумбия Округида аҳоли жон бошига тўғри келувчи юристлар сони энг юқори ўринда туради. Бу ерда жами 705 минг аҳолига 56 минг юрист-адвокат ёки ҳар 13 кишига 1 та юрист-адвокат тўғри келади.

Аҳоли жон бошига мос келувчи судьяларнинг сони бўйича, АҚШда ҳар 100 минг аҳолига 11

нафар судья тўғри келади. Бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда, бу кўрсаткич Австралияда – 4 та, Канадада – 3,3 та, Францияда – 12,5 та, Японияда – 2,8 та, Буюк Британияда – 2,2 нафарга тенг [6, Б.17-18].

АҚШда 330 минг атрофида судья фаолият кўрсатади. Шундан 880 таси федерал судьялардир [7]. Куйи судлар, биринчи инстанция судлари, апелляция судлари ва Олий суд томонидан йилига юз миллионлаб ишлар кўриб чиқилади. Кўриб чиқиладиган ишларнинг 95 фоизи штатларнинг судлари ҳиссасига тўғри келади. 2016 йилда штатларнинг куйи судларида (trial courts) 84 млн. иш кўриб чиқилиб, шундан 257 мингтаси апелляция судларида қайта кўрилган. Судлар томонидан кўрилган ишларнинг 80 фоизи – фуқаролик, 20 фоизи – жиноий ҳуқуқ характериға эға. Аҳоли жон бошиға ҳисоблаганда, ҳар 100 минг аҳолиға 5,806 та суд иши тўғри келади. Бошқа ривожланган давлатлар билан таққослаганда, бу кўрсаткич Австралияда – 1,542 та, Канадада – 1,450 та, Францияда – 2,416 та, Японияда – 1,768 та, Буюк Британияда – 3,681 таға тенг [6, Б.5-6].

Ушбу маълумотларға асосланган ҳолда айтиш мумкинки, АҚШда судларға, демакки, юрист-адвокатларға мурожаат қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Америкадаги энг йирик юридик фирмалар ва адвокатлар ҳақидаги маълумотлар базасини яратган Мартиндэйл-Хаббелл ҳуқуқ каталоги (*Martindale-Hubbell Law Directory*) маълумотларига кўра, АҚШда ҳар йили 110 млн. нафар мижоз камида бир марта юрист маслаҳатчига мурожаат қилади, 58-60 млн. нафар мижоз адвокат қидиради, уларнинг 76 фоизи шу мақсад йўлида интернет қидирув тизимидан фойдаланади [8].

Юристлик касби юқори иш ҳақи тўланадиган даромадли касблар сирасига киради. Фаолият туриға қараб ҳафтасига 40 соат ишлайдиган юристларнинг йиллик даромади 59,670 АҚШ долларидан 208,000 долларгача бўлиши мумкин. АҚШ Меҳнат ва бандлик статистикаси бюроси маълумотларига кўра, 2019 йилда юристларнинг ўртача йиллик иш ҳақи 122,960 АҚШ долларини ташкил этган. Федерал ҳукуматда ишлайдиган юристларнинг ўртача йиллик иш ҳақи – 144,300 АҚШ доллари, юридик хизматдаги юристларники – 123,620 АҚШ доллари, маҳаллий ҳокимият тармоқларидаги юристларники – 95,870 АҚШ доллари, штатлар бошқарув органларида меҳнат қиладиган юристларники эса – 89,090 АҚШ долларига тенг бўлган [9]. Йирик юридик фирмалардаги йиллик иш ҳақи (110,750 – 136,500 АҚШ доллари) ўрта ва кичик юридик фирмалардаги йиллик иш ҳақи (53,750 – 106,750 АҚШ доллари)дан, одатда, юқори бўлади. Мамлакат миқёсида юридик хизмат кўрсатиш соҳасида йилиға 260 млрд. долларлик хизматлар амалға оширилади ва даромад қилинади.

Юридик фаолият турлари ичида фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи соҳасидаги низоларни ҳал қилиш ва суд ишларида адвокат сифатида иштирок этадиган юристлар (trial lawyers and legal counsels) энг нуфузли ва даромадли ҳисобланади. Суд томонидан кўриб чиқилаётган низолар моддий қийматининг ҳажми ва ишни ютиб чиқишдаги муваффақиятиға қараб уларнинг даромади ва мижозлари сони ошиб бораверади. Нуфузи ва даромади нуқтаи назаридан кейинги ўринларда йирик корпорацияларнинг юридик бошқарма бошлиқлари (general counsels), судьялар (judges), ҳуқуқ мактабларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг муайян соҳасига ихтисослашган арбитрлар, медиаторлар ва яраштирувчилар, юридик фирмаларнинг менежерлари ва халқаро ташкилотларнинг юристлари туради.

Юридик фаолият марказида судда фаолият кўрсатувчи суд адвокатлари (trial attorneys) туради. Уларни илк даврларда “барристерлар”, деб ҳам аташган. Инглиз тилида “бар” суд жараёнида судьяни бошқалардан ажратиб турувчи ёғоч чевара (панжарали тўсиқ)ни англатган. Адвокатлар, гувоҳлар ва низо томонлари мана шу ёғоч чевара қаршисида турибгина сўзлай олишган. Шу боис, улар “барристерлар” деб ном олган. Тарихий анъаналардан келиб чиқиб, бугунги кунда Америка юристлар уюшмаси (American Bar Association) ўз номида “бар” сўзини сақлаб қолган. Суд адвокати бўлиб ишлаш учун АВА имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, махсус лицензияға эға бўлиш талаб этилади. Суд адвокати лицензияси учун АВА имтиҳонларини муваффақиятли топширган номзодларни “ёғоч чевараға таклиф этилганлар” (“to be called to the bar”), яъни “суд адвокати лицензиясига эға юристлар” деб қақаришади. 2019 йилда J.D. дастурини тамомлаган 33,954 нафар битирувчидан 30,023 нафари ёки 88 фоизи АВА имтиҳонларини топширган, шундан 85 фоизи муваффақиятли ўтган [10]. Суд адвокатлари кучли нотик, далилларни тўғри шарҳлай олиш, ёзма кириш ва хулосавий баённомаларни тўғри расмийлаштириш бўйича чуқур билим ва кўникмаларға эға бўлишлари шарт.

АВА имтиҳонлари ҳар бир штатнинг ўзида топширилади ва фақат ўша штат юрисдикцияси доирасидаги амал қилади. Федерал юрисдикция остида бўлган конституциявий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи, иммиграция ҳуқуқи ва банкротлик ҳуқуқи бундан мустасно. Лицензияда, масалан,

“Калифорния штати судларида суд адвокати ва юрист-консул сифатида фаолият кўрсатишга ҳақли”, деб ёзиб қўйилади. Аксарият штатларда адвокатлик фаолиятининг аниқ соҳаси кўрсатилмайди. Суд адвокати ўзи истаган бир ёки бир нечта соҳа бўйича лицензия тақдим этган штат доирасида фаолият кўрсатиши ҳамда қўшимча тарзда федерал юрисдикция таркибига кирувчи конституциявий ҳуқуқ, солиқ, иммиграция ва банкротлик ҳуқуқи соҳасида меҳнат қилиши мумкин.

Суд адвокати фаолиятининг штатлар ҳудудий юрисдикцияси кесимида чекланишига сабаб – штатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти қисман фарқланади. Шу туфайли лицензия учун топшириладиган АВА имтиҳонларнинг иккинчи қисми штат қонунчилиги масалаларига бағишланади. Шу билан бирга, номзод юқорида қайд этилган соҳалардаги федерал қонунчилик ва ҳуқуқ амалиёти қоидаларини ҳам билиши зарур.

Жуда оз сонли баъзи штатлардагина суд адвокати сифатида фаолият кўрсатиш учун АВАнинг адвокатлик лицензияси талаб қилинмайди. Масалан, Висконсин штатида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Лекин, бунинг учун мазкур штатда жойлашган ҳуқуқ мактаблари талабаларга ҳуқуқ амалиёти учун зарур бўлган билим ва имтиёзли дипломларни тақдим этиши лозим.

Шу билан бирга, айрим штатларда эътироф этилган адвокатлик лицензияси бошқа штатларда ҳам жуда кам ҳолларда эътироф этилиши мумкин. Аксарият штатларда, федерал судларда адвокатлик қилиш учун федерал юрисдикция остидаги ҳуқуқ соҳаларида АВА имтиҳонларини топшириш ва, масалан, банкротлик ишлари судларида фаолият кўрсатишга рухсат берувчи лицензияга эга бўлиш талаб этилади.

Адвокатлик лицензияси учун топшириладиган АВА имтиҳонларининг саволлари Имтиҳон олувчилар миллий конференцияси (National Conference of Bar Examiners) томонидан тайёрланади. Улар қоғоз шаклда топшириладиган тестлар (75-150 тагача), ҳуқуқ амалиёт билан боғлиқ эссе (5-8 тагача), штат қонунчилиги бўйича ёзма имтиҳон ҳамда АВАнинг “Касбий фаолият жавобгарлиги тўғрисидаги намунавий кодекс”и (Model Code of Professional Responsibility) ва “Касбий хулқ-атворга оид намунавий қоидалар”и (Model Rules of Professional Conduct) бўйича саволлардан иборат бўлади [11]. Айрим ҳуқуқ мактабларида J.D. дипломини ҳали олмаган талабаларга АВА имтиҳонларини топширишга рухсат берилмайди, баъзи ҳуқуқ мактабларида эса бунинг учун расман тақиқ мавжуд эмас. Адвокатлик лицензияси муддатсиз берилади, бироқ ҳар икки йилда адвокатлар малака ошириб туришлари шарт.

Судларда фаолият кўрсатиш учун имкон берувчи адвокатлик лицензияси ва ҳуқуқ амалиёти тажрибаси АҚШ ҳуқуқ тизимида касбий ўсиш учун пойдевордир. Лицензияли адвокатлар ҳуқуқ тартибот органлари, адлия тизими, давлат бошқарув органларининг турли поғоналарида касбий ўсишга эришиши мумкин. Туман юристи сифатида иш бошлаган юрист, штат юристи, мамлакат бош юристи, яъни адлия вазири ёки ҳукуматнинг Олий суддаги вакили – соллиситор мартабаларигача кўтарилиши мумкин.

Туман юристи (district attorney) ёки штат юристи (state’s attorney) маҳаллий ҳокимият органларининг прокурорларига раҳбарлик қилади. Прокурор (prosecutor) давлат ҳуқуқ тартибот органларининг манфаатларини судда ҳимоя қиладиган ва ҳуқуқбузар субъектга нисбатан давлат айбловчиси вазифасини бажарадиган юристдир. У судда шу мақомда иштирок этиши учун ўша судда фаолият кўрсатиш лицензиясига эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, унда жиноят ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатиши учун адвокатлик лицензиясининг бўлиши, бунинг учун эса АВА имтиҳонларини муваффақиятли топшириши ва унинг лицензияси муайян штатдаги тегишли судлар томонидан эътироф этилган бўлиши лозим.

Бош юрист (General Attorney) АҚШда федерал ва штатлар ҳукумати таркибига кирувчи, ҳукуматга юридик маслаҳат берувчи, айна пайтда, мамлакатда ҳукумат учун ишловчи юристлар ва ҳуқуқ тартибот органларининг бош раҳбари ҳисобланади. У Президент томонидан тайинланадиган ва Сенат томонидан тасдиқланадиган олий мансабдор шахс бўлиб, ўзида бош прокурор ва адлия вазири ваколатларини мужассамлаштиради ҳамда расман Адлия департаменти (Department of Justice) раҳбари ёки Адлия вазиридир. Яъни, АҚШда прокуратура органлари ҳам Адлия вазирлиги таркибига киритилган ва унга бўйсиндирилган. Бош юрист (General Attorney) бошқа мамлакатларда “Бош прокурор” (Prosecutor General), “Бош адвокат” (Advocate General), “Адлия вазири” (Ministry of Justice) номлари билан аталади.

У мамлакатнинг бош юристи бўлса-да, ҳукумат манфаатларини Олий судда ҳимоя қила олмайди. Ҳукуматнинг ҳуқуқий сиёсати ва ҳаракати ёки хулқ-атворини ҳуқуқий баҳолаш ёхуд ҳукумат ва унинг аъзолари билан боғлиқ ишлар Олий судда кўрилатган пайтда ҳукумат манфаатларини

бошқа бир олий мансабдор шахс – Бош солиситор (Solicitor General of the United States) ҳимоя қилади. Америка юридик лаҳжасидаги “соллситор” атамасини классик инглиз ҳуқуқидаги архаик атама билан адаштирмаслик керак. Классик инглиз ҳуқуқидаги “соллситор” атамаси суддан ташқарида фаолият кўрсатувчи юристларни суд адвокатларидан фарқлаш учун ишлатилганлиги юқорида эслатиб ўтилди.

Суд адвокатлари халқ адвокати (public defender) сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун адвокат ёллай олиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга АҚШ Конституциясининг Олтинчи Ўзгартириши ҳамда Олий суднинг *Gideon v. Wainwright* суд иши бўйича чиқарган қарори асосида давлат томонидан бепул адвокатлик хизмати кўрсатилади. Яъни, суд айбланувчига адвокат тайинлайди. Мазкур адвокат суд билан тузилган муддатли шартнома асосида адвокатлик хизматини бажаради ва унинг хизмат ҳақи федерал бюджетдан қопланади. Ёки суд федерал ҳукумат томонидан молиялаштириладиган Халқ адвокатлари офиси (public defender’s office) – эркин адвокатлар уюшмасига мурожаат қилади. Уюшма ўзининг аъзо адвокатлари ичидан айбланувчи ҳуқуқларини судда ҳимоя қилувчи адвокат тайинлайди. Шу асосда халқ адвокати ўз фаолиятини амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, АҚШда юридик хизмат ва касбий фаолият давлат ва жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида ривожланиб келди ҳамда мамлакатдаги энг шарафли касбга айланди. Мумтоз америка фалсафасига кўра, кучли иқтисодий тараққиёт барқарор бўлса, ўша ерда хўжалик низолари ҳам кўпаяди ва юристларга эҳтиёж ортиб бораверади. Қонун устивор бўлган жамиятларда ҳар қандай низоларни тинч юридик воситалар орқали ечиш анъана бўлиб қолаверади ва юристларнинг ҳуқуқий тартибот ҳамда ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги роли ортиб боради.

АҚШ юридик хизмат тизимида ибратли тажрибалар жуда кўп. Уларнинг муносибларини мамлакатимизда жорий этиш ҳозирги кунда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида ижобий натижаларга эришиш учун замин яратиши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Roscoe Pound. Legal Profession in America. Journal article. Notre Dame Law Review. Volume 19, Issue 4. – P. 335.
2. ABA National Lawyer Population Survey Historical Trend in Total National Lawyer Population 1878 - 2019 // https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/market_research/total-national-lawyer-population-1878-2019.pdf
3. ABA National Lawyer Population Survey 10-Year Trend in Lawyer Population by State Year 2019 // https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/market_research/national-lawyer-population-by-state-2009-2019.pdf
4. ABA National Lawyer Population Survey 10-Year Trend in Lawyer Demographics Year 2019 // https://www.americanbar.org/content/dam/aba/administrative/market_research/national-lawyer-population-demographics-2009-2019.pdf
5. Lawyers and Entire Populations of Every State in America: <https://www.denniswpottslaw.com/united-states-attorneys-map/>
6. Mark Ramseyer & Eric B. Rasmusen. Comparative Litigation Rates. Discussion Paper No. 681, 11/2010. Harvard Law School Cambridge, MA 02138 // URL: http://www.law.harvard.edu/programs/olin_center/papers/pdf/Ramseyer_681.pdf
7. Authorized Judgeships in the US: <https://www.uscourts.gov/sites/default/files/allauth.pdf>
8. LexisNexis Martindale-Hubbell: <https://www.martindale.com>; <https://www.natlawreview.com/article/how-consumers-choose-attorney-information-gathering>
9. United States Department of Labor, U.S. Bureau of Labor statistics: <https://www.bls.gov/ooh/legal/lawyers.htm#tab-5>
10. Various statistics on aba approved law schools Statistics // https://www.americanbar.org/groups/legal_education/resources/statistics/
11. Model Rules of Professional Conduct - Table of Contents // https://www.americanbar.org/groups/professional_responsibility/publications/model_rules_of_professional_conduct/model_rules_of_professional_conduct_table_of_contents

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

САЪДУЛЛАЕВ Алишер Зафар ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори, Сенатор
E-mail: a.sadullayev@yoshlar.gov.uz

ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр кизи

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (PhD) докторанти
E-mail: FZaynobiddinova@uwed.uz
<https://orcid.org/0000-0002-3451-5606>

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): САЪДУЛЛАЕВ А.З., ЗАЙНОБИДДИНОВА Ф.Б. Ёшларни иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари: хорижий амалиёт ва замонавий тенденциялар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 121-130



3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-18>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ёшларни иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асослари, ваколатли давлат органлари фаолияти, соҳадаги замонавий тенденцияларга оид масалалар ўрганиб чиқилган ва хорижий мамлакатларда ёшлар меҳнат бозорини тартибга солишнинг институционал амалиёти, ёшлар бандлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакатимизда ёшлар муаммоларини самарали ҳал этиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш йўлида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар сарҳисоб қилиниб, Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга ошириш, хусусан: ишсизликни камайтириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: ёшлар сиёсати, иқтисодий фаоллик, инсон ресурси, ишсизлик, ёшларни иш билан таъминлаш, меҳнат бозори, меҳнат миграцияси, хорижий тажриба.

САЪДУЛЛАЕВ Алишер Зафар ўғли

Директор Агентства по делам молодёжи Республики Узбекистан, Сенатор
E-mail: a.sadullayev@yoshlar.gov.uz

ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр кизи

Докторант (PhD) Университета мировой экономики и дипломатии
E-mail: FZaynobiddinova@uwed.uz
<https://orcid.org/0000-0002-3451-5606>

**ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ:
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ****АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрены основы государственной политики обеспечения занятости молодежи, деятельность компетентных государственных органов в этой сфере. Институциональная практика регулирования рынка труда молодежи в зарубежных странах, касательно занятости молодежи проанализированы на основе соответствующих нормативных актов и целевых программ. В том числе, в научной работе обобщены реформы, осуществленные в последние годы в нашей стране для эффективного решения проблем молодежи, увеличения занятости молодежи и женщин. По итогам исследования выработаны предложения-рекомендации по реализации молодежной политики в Республике Узбекистан, в частности: снижение безработицы, обеспечение занятости молодежи, совершенствование эффективного правового регулирования рынка труда.

Ключевые слова: молодежная политика, экономическая активность, человеческие ресурсы, молодежная безработица, трудоустройства, рынок труда, трудовая миграция, зарубежный опыт.

SADULLAYEV Alisher

Director of the Agency for Youth Affairs, Senator

E-mail: a.sadullayev@yoshlar.gov.uz

ZAYNOBIDDINOVA Farangiz Baxtiyor qizi

University of World Economy and Diplomacy, PhD candidate

E-mail: FZaynobiddinova@uwed.uz

<https://orcid.org/0000-0002-3451-5606>**LEGAL ASPECTS OF ENSURING YOUTH EMPLOYMENT: FOREIGN COUNTRIES
PRACTICE AND MODERN TRENDS****ANNOTATION**

This article discusses the basics of state policy in the field of youth employment, the activities of competent state bodies and issues related to current trends in this area. The article analyzes the institutional practice of regulating the youth labor market in foreign countries, the specifics of ensuring youth employment on the basis of relevant regulatory documents and targeted programs. The study also summarizes the reforms carried out in recent years to effectively address the problem of youth in our country, increase the employment of young people and women. In addition, scientific work put forward proposals for the implementation of youth policy in the Republic of Uzbekistan in particular: reducing unemployment, ensuring youth occupation, improving effective legal regulation of activities in the labor market.

Keywords: youth policy, economic activity, human resources, unemployment, youth employment, labor market, labor migration, foreign experience.

Меҳнатга лаёқатли ёшлар – жамиятнинг энг фаол қисмини ташкил этиб, улар муаммоларини ҳал қилиш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, мамлакат хавфсизлигининг кафолати саналади. Шу туфайли, дунёнинг барча мамлакатларида аҳолининг “меҳнат бозорида минимал билим ва кўникма, кам иш тажрибасига эга ёки умуман муқаддам меҳнат фаолиятига эга бўлмаган, меҳнат рақобатида суст бўлган” ушбу қатламни иш билан таъминлаш – давлатнинг асосий вазифаларидан саналади.

Шу мақсадда, кўплаб ривожланган мамлакатларда ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг

ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида алоҳида давлат дастурлари, қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Ҳукумат ёш авлод вакиллари мамлакат ривож учун “зарур ресурс” сифатида баҳолайди ва мазкур тоифадаги фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлади.

Бугунги кунда, кўплаб мамлакатларда бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ва чора-тадбирларга қарамай, бутун дунёда ишсиз ёшлар салмоғининг ошиши билан боғлиқ салбий тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, ваколатли халқаро ташкилотлар таҳлилларига кўра, дунё бўйлаб 64 миллиондан ортиқ ишсиз ёшлар ва қашшоқликда яшаётган 145 миллион ёш ишчилар мавжуд бўлиб, ёшлар бандлиги – глобал муаммо ва катта сиёсий масала бўлиб қолмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишларида ҳам Ёшлар форуми ва Мурожаатномада айтилган тақлифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, давлат раҳбари бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди: Биринчиси – ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш; иккинчиси – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Парламент ва ҳукумат олдида куйилган устувор вазифалар чуқур назарий ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда бандликни таъминлаш сиёсати – аниқ ҳолатнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалиётга тадбиқ этиладиган ёш фуқароларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини назарда тутати. Полишук Е.А. таъкидлаганидек “Жаҳон иқтисодий тизимининг бугунги таҳдидларига жавобан, айрим мамлакатлар Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ёшлар меҳнат бозорини тартибга солишда алоҳида институтлар фаол рол ўйнайдиган механизмларни қўллайдилар” [2, Б.833].

Хорижий мамлакатлардаги ёшлар меҳнат бозорини институционал тартибга солишда ушбу бозорда давом этаётган иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнатнинг, шу жумладан, ишчи кучини самарали тақсимлаш ва қайта тақсимланиши жараёнини таъминловчи асосий институт сифатида “Бандлик хизмати” алоҳида ўрин тутати. Хусусан, халқаро меҳнат бозорини тартибга солиш тизимида дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларининг бандлик хизматларини бирлаштирувчи “Жаҳон аҳоли бандлиги хизматлари ассоциацияси” (World Association of Public Employment Services [3]) муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, хорижий мамлакатларда бандликни таъминлаш бўйича давлат хизматлари билан бир қаторда хусусий тузилмалар ҳам фаолият юритмоқда. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда ушбу агентликларнинг вазифаси ихтисослашган ва уларнинг асосий фаолияти устидан лицензиялаш ва назорат қилиш тизимига асосланган. Японияда эса уларнинг фаолияти тегишли вазирлик томонидан лицензияга эга айрим профессионал гуруҳларни истисно этган ҳолда жиддий чекланган. Ўз навбатида, Швецияда бундай ташкилотлар фаолияти тақиқланган [4, Б.112].

Чунончи, дунёда ишсизликни камайтиришга қаратилган бандликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг алоҳида моделлари мавжуд: Жумладан, тадқиқотчилар Хатамов О.Қ., Ортиқов Ш.М бандлик ва меҳнат бозорини тартибга солишнинг бешта: америка модели (АҚШ), скандинавия модели (Швеция, Финляндия, Дания, Норвегия), англо-саксония модели (Буюк Британия, Канада, Ирландия), континентал ёки немис модели (Германия, Австрия, Бельгия, Нидерландия, Швейцария, қисман Франция) ва япон моделларини ажратишади [5, Б.80]. Умумий олганда, ҳар бир давлатнинг айнан ёшларни иш билан таъминлаш бўйича ҳам ўз сиёсати мавжуд. Шу туфайли, ривожланган ва бугунги кунда бандликни таъминлаш бўйича ижобий тажрибага эга мамлакатларнинг ўзига хос механизмларини таҳлил қилиш ва ўрганиш, мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, **Франция**да ёшларни иш билан таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий воситалари ягона тизимга бирлаштирилган бўлиб, ёшлар бандлигини давлат томонидан тартибга солишнинг

таъсирчан механизми яратилган ҳамда касбга йўналтирилган иш тизимини яратиш – таълим ва касб-хунар бўйича Миллий ахборот бюроси (ONISEP), Миллий бандлик агентлиги, Ахборот ва ориентация марказлари (CIO) томонидан таъминланади. Мазкур фаолият ўқувчиларни кейинги ўқитиш ва уларнинг касбий фаолияти йўналишини танлашга ёрдам беради. Эътиборли жиҳати, ушбу давлатда ёшлар учун ташкил этилган ҳар бир иш ўрни учун хусусий ташкилотларнинг иш берувчиларига давлат томонидан ЭКОИХнинг 80 фоизи миқдорида компенсация тўланади.

Шунингдек, Пандемия вақтида “Emploi Store” иш порталидан фойдаланиб, 150 дан ортиқ бепул ва пуллик янги масофавий таълим курслари йўлга қўйилиб, касбий таълим ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун фойдаланилмоқда.

Германияда ижтимоий шериклик ва дуал таълим тизими жуда яхши ривожланган [6, Б.22]. Шунингдек, ушбу давлатда ёшлар бандлигини таъминлашнинг қуйидаги жиҳатларини кузатиш мумкин:

- янги иш жойлари яратадиган барча ишлаб чиқарувчиларни (иш берувчиларни) рағбатлантириш;
- корхоналарни модернизация қилишда бандликнинг мавжуд даражасини сақлаб туриш, ишчиларни оммавий ишдан бўшатишдан қочган корхоналарга алоҳида имтиёзлар бериш;
- субсидияларнинг асосий қисмини, маълум билимга эга бўлган, лекин бизнесни ташкил қилишда кўникмага эга бўлмаган ишсизларнинг банкрот корхоналари асосида ташкил этилган кооперативларга йўналтириш ва бошқалар.

Шунингдек, бу давлатда ёшлар сиёсати федерал дастури асосида касбга йўналтириш, алоҳида касблар бўйича малакали кадрларга бўлган истиқболли эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Буюк Британияда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида мамлакат бўйлаб “Ёшлар контрактлари” [7] ва “Янги курс” каби дастурлар жорий этилган. Бунда, меҳнат бозорини тартибга солиш жараёнларига давлат таъсири камайтирилган. Ижтимоий шериклик эса ёшлар бандлигини таъминлаш сиёсатини таъминлайдиган меҳнат бозорини ривожлантириш учун ёш кадрлар тайёрлашга қизиққан субъектлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишнинг энг муҳим институти саналади. Шунингдек, мазкур давлатда барча иш берувчилар веб-сайтларида бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни очиқ бериб боришларига катта эътибор қаратилади ҳамда ҳар бир иш билан банд бўлган ёш мутахассис учун ойлик дотацион тўловлар жорий этилган.

Бельгияда ёш авлод вакиллари ишга жойлаштириш самарадорлигини ошириш учун “Розетта - бис План” дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур Европадаги энг муваффақиятли дастурлардан саналади. Бунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёш мутахассисларга молиявий кўмак кўрсатиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Ишдаги фаровонлик тўғрисидаги кодекс ёшлар учун алоҳида профилактик чора-тадбирларни ҳам назарда тутди [8, Б.5]. Бундан ташқари, Activa ва Win-win дастурлари бўйича Федерал иш билан таъминлаш хизмати, одатда, ижтимоий нафақаларни тизимли қисқартирилишини амалга ошириб, ишчиларнинг иш ҳақи харажатларини камайтиради. Бу орқали иш берувчи рағбатлантирилади.

Финляндияда ёшларни иш билан таъминлашнинг ўзига хос амалиёти мавжуд, яъни ишга қабул танловларида аёллар (27-37 ёш) энг мақбул афзалликларга эга ҳисобланади ҳамда иш берувчилар биринчи навбатда, фарзандли аёлларни қабул қилишлари кераклиги, мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, мутахассис Козлова М.А таҳлилларига кўра, ушбу давлат меҳнат қонунчилигида қуйидаги мезонлар белгиланган:

- а) “худудийлик мезони” - Финляндия аҳолиси чет элликлардан устун ишчи кучи саналади; б) “жинс бўйича мезон” - эркак ва аёл ўртасида танлашда аёлни ишга олиш мақбул ҳисобланади (айниқса, болали аёлни); с) “тил бўйича мезон”, юқори даражада фин, швед ёки инглиз тилини билиш устундир; д) “ёш мезони” – масалан, эркакларда биринчи даражали номзодлар сифатида 27-40 ёшлилар ишга қабул қилинади; е) “малака мезони” – 5 йиллик тажрибага эга номзодлар устунлиги инобатга олинади [9, Б.98].

Польшада ёшлар бандлигини таъминлаш учун “Ишга жойлашишга ёрдам бериш ва меҳнат бозорлари тўғрисида”ги қонун [10], “Ёш авлод келажаги”, “Ёшларга кафолатлар” ва “Ёшлар учун

иш” дастурлари ишаб чиқилган. Ёшларга кафолатлар дастури бўйича 18-29 ёшдагилар 4 мақсадли куйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) таълимни тўхтатган 15-17 ёшлилар;
- 2) таълим олувчилар ва бандлар рўйхатида бўлмаган 18-24 ёшлилар;
- 3) кундузги ва сиртки таълимдаги 18-25 ёшлилар;
- 4) диплом олгандан сўнг 2 йиллик муддатда ишга жойлаша олмаган мактаб ёки университетнинг 18-29 ёшдаги битирувчилари.

Шунингдек, Ёшлар учун иш дастури бўйича ёшларни иш билан банд этган тадбиркорларга ёшлар учун тўланган йиллик ойлик маошни бир қисмини компенсация қилиниши; Кадрлар тайёрлаш миллий фонди томонидан персоналлар малакасини ошириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи тақдим этилиши мумкин.

Нидерландия давлатида “Меҳнат паспорти” жорий этилган. Мазкур ҳужжатда ўрта-махсус таълимга эга бўлмаган ёшларни иш билан таъминлашда мактаб, кейинги ишлаб чиқариш жараёнларида эга бўлган малакалари, қатнашган семинар-тренинглари ҳамда номзод меҳнат сифати, жамоада ишлаш ва техник билимлари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Шунингдек, бу давлатда 20 дан ортиқ соҳага масъул хусусий ташкилотлар бўлиб, улар нафақат амалдаги қонунчиликда белгиланган давлат ҳокимияти органларининг топшириқларини балки ёшларни шартнома асосида ўқитиш (бандлик хизматлари ҳудудий бўлимлари, етакчи иш берувчилар билан шартномалар тузиш) асосида тижорат фаолиятини амалга оширади. Улар таркибига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари, бизнес тузилмалари, таълим соҳаси, касаба уюшмалари конфедерацияси ҳам киради.

Швецияда “Меҳнат соҳасида эркаklar ва аёлларнинг тенг имкониятлари тўғрисида”ги қонун [11] қабул қилинган. Энг аввало, бу давлат сиёсатининг характерли хусусияти унинг оқибатларига қарши кураш эмас балки ишсизликнинг олдини олиш бўлган фаол иш билан таъминлашга қаратилганлигидир. Давлат секторида янги иш ўринларини яратиш ҳамда ёшлар учун иш ўринларини ташкил қилиш мақсадида хусусий бизнесни субсидиялаш яхши йўлга қўйилган. Мамлакатда ишсизлар учун ҳам, иш билан банд ходимлар учун ҳам касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлашнинг ривожланган тизими амал қилади. Эътиборли жиҳати, кундузги шаклда ўқийдиган талабалар учун қонунан 30 соатлик иш ҳафтаси назарда тутилган, бунда шунингдек, иш берувчи талабанинг иш графигини ОТМга тақдим этиши лозим бўлади ҳамда битирувчиларни иш билан таъминлашга, энг аввал муниапалитетлар масъул саналадилар.

Бундан ташқари, тадқиқотчи Храбров К.Г. қайд этганидек: ушбу мамлакат ҳукумати ижтимоий сиёсатга катта эътибор қаратади [12, Б.563], жумладан: бюджетнинг 70 фоиз маблағини, аҳоли миграцияси ва оилаларга ишчи кучи зич бўлган ҳудудлардан вакант жойлар бўлган ҳудудларга кўчиб ўтишида субсидия ва кредитлар бериш йўли билан координация қилиш; ишсиз қолган ёки ишидан ажралиб қолиш хавф солаётган шахсларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш каби тадбирларга сарфлайди.

Таъкидлаш керакки, мазкур давлатда имконияти чегараланган инсонларни қўллаб-қувватлаш дастурларида ногиронлар учун тадбирлар ва иш берувчиларнинг ишлаш қобилияти чегараланган инсонлар учун иш жойи шароитларини яратиш билан боғлиқ харажатларини қоплашлари учун компенсациялар ажратиш, кўзда тутилган.

АҚШда ҳукумат педагоглар малакаси ва таълим сифатини оширишни ҳамда ўқувчиларни билим олишларини фаол инвестициялайди. Иш берувчи ва таълим ўртасидаги алоқаларнинг узвийлигини таъминлайди ҳамда талабалар учун паст фоизли кредитлар тақдим этилишини рағбатлантиради [13, Б.3]. **АҚШ**да “Касбга тайёрлашга кўмаклашиш тўғрисида” ҳамда “Ишчи кучи имкониятлари ва инновациялар тўғрисида”ги [14] қонунлар қабул қилинган бўлиб, бунда билвосита тартибга солиш усуллари, хусусан, ишсиз фуқароларга моддий ёрдам тўлашга ва меҳнат бозоридаги вазият тўғрисида маълумот беришга йўналтирилган иқтисодий жараёнларда бозор регуляторлари устундир. Ташкилотлар томонидан ёш фуқароларни касбга тайёрлашга йўналтириладиган маблағлар солиқ солишдан бутунлай озод этилган. Ахборот тармоғи маълумотлар базаси

(Occupation Information Network мавжуд бўлиб, бу ўқувчиларга ўз қобилиятлари ва қизиқишларини танланган касб талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш имконини беради.

Пандемия даврида Миллий меҳнат биржаси, шунингдек, Аризона штатида иш изловчиларни ва вакансияларни танлашни осонлаштириш учун махсус порталлар яратилди. Улар ишдан бўшатишган ходимлар (NeedAJobNow), шунингдек, уйда ишлашни истаганлар (Virtualjobs portal) учун мўлжалланган. Arizona@Work дастурининг мақсади эса мавжуд хавфларга корхоналарни оператив жавоб беришни енгиллаштириш ва ишдан бўшатишларни олдини олиш учун махсус ишлаб чиқилган хизматни таклиф қилади (NASWA, 2020 [15])

Японияда “Бандликни таъминлаш тўғрисида”ги Қонун ва иш вақтини қисқартиришни рағбатлантириш бўйича давлат дастурлари мавжуд. Давлат томонидан меҳнат бозорини марказлаштирилган тарзда тартибга солиш ва “умрбод ишга қабул қилиш” сиёсатини қўллаш, иш ҳақи ва устамалар миқдорини меҳнат стажига қараб оширилиши йўлга қўйилган ҳамда ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш имкониятларини кенгайтириш бўйича ички сиёсатни амалга оширувчи иш берувчиларга, солиқ имтиёзлари берилади [16]. Касб-хунарга йўналтириш концепцияси С.Фукуяманинг “Инсон–касб” диагностик услубига асосланади.

Шунингдек, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни қисқартириш масаласини персонални қисқартириш билан эмас балки иш вақти давомийлигини қисқартириш йўли орқали ёки ишчиларнинг маълум бир қисмини бошқа корхонага, улар билан келишган ҳолда ўтказиш асосида ҳал этади.

Австралияда Бандлик департаменти билан бир қаторда Аёлларни иш билан таъминлаш бўйича тенг имкониятлар агентлиги мавжуд. Ушбу давлатда ягона меҳнат ва бандлик ахборот тармоғи бўлиб, у ўзида иш изловчига юқори сифатли ёрдам кўрсатиш; миждозларга турли хил хизмат турларини тақдим этиш; ишсизларни ишга жойлаштиришнинг энг яхши ва барқарор натижаларини таъминлаш; миждозларнинг кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланишига кўмаклашишни назарда тутди. Мамлакат бўйлаб ижтимоий суғурта дастури самарали йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Пандемия пайтида фуқароларга иш топишда ёрдам бериш учун “Jobs Hub” [17] интернет-сайти, шунингдек ногиронлар учун махсус иш портали ишга туширилди. Мазкур сайт одамларга малакага мувофиқ ишни осонгина топишга ёрдам беради ҳамда бозорда мавжуд бўлган вакансияларга киришни кенгайтирадиган турли хил ресурсларни таклиф этади.

Илғор хорижий тажриба асосида, ёшларни иш билан таъминлашда бандликни давлат томонидан тартибга солишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш (Франция); дуал таълим тизими амалиёти, касбга йўналтириш малакали кадрларга бўлган истиқболли эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш (Германия); меҳнат бозорини ривожлантириш учун ёш кадрлар тайёрлашга қизиққан субъектлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишда “ижтимоий шериклик” институти аҳамиятини ошириш (Буюк Британия); тадбиркорлик истагидаги ёш мутахассисларга молиявий кўмак кўрсатиш (Белгия); ишга қабул қилишда аёллар, айниқса фарзандли аёлларга мақбул афзалликлар бериш (Финландия); ижтимоий суғурта тизимини ишлаб чиқиш (Австралия) масалаларига эътибор қаратиш – ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Ўзбекистонда ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг замонавий усуллари. Бугунги кунда, Ўзбекистонда демографик жараёнлар фонида ёшлар меҳнат бозорини ривожлантириш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам муҳим ўрин тутди [18, Б.34]. Чунончи, мамлакатимизда умуман ёшлар йўналиши ҳар доимгидан долзарб аҳамият касб этаётганининг сабаби ҳам – ҳозирги демографик ўзгаришлар ва ривожланишлар жараёнида асосий мақсад – ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва бу орқали улардан кўпроқ фойда олишдир. Чунки, ёшлар аҳолининг қарийб 60 фоизини ташкил этади ва ушбу тенденция ўсишда давом этмоқда [19].

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида [20] ёшларнинг бандлиги таъминлаш, уларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш борасида ваколати органларнинг вазибалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, ёшлар муаммоларини самарали ҳал этиш мақсадида 2020 йил 30 июнда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш

чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6017-сонли Фармонга [21] мувофиқ, ёшлар сиёсатини юритишда давлат идоралари олдига масала кўя оладиган, зарур ваколат ва молиявий ресурсларга эга бўлган Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги Низомга [22] кўра, ушбу ташкилотга – ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга ваколатли орган мақоми берилди. Айнан ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-хунарлар, рақамли иктисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш кабилар агентликнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳада кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб номланиб, бу борада 274 та банддан иборат Давлат дастури [23] қабул қилинди.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз ва касб-хунарга эга бўлмаган, ҳуқуқий ва маънавий-психологик қўллаб-қувватлаш зарурати бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли тарзда кўмаклашиш бўйича мутлақоянғича тизим жорий қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 апрель 2021 йилдаги №250-сонли “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга [24] мувофиқ, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тизимларини амалга ошириш бўйича вақтинчалик тартиблар белгиланди.

Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун кўшимча шароитлар яратиш ва бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сон Фармон [26] билан Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, кўшимча даромад олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича алоҳида тартиб жорий қилинди. Хусусан:

– 2021 йил 1 майдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шarti билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилиши;

– «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролиларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилиши;

– профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олаётган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилиши ва бошқа имтиёз ҳамда имкониятлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қамрови кенг бўлиб, бунда 20-30 та одамга имтиёз бериш ҳақида эмас балки миллионлаб ёшларни муаммоларини ечишга қаратилган тизим назарда тутилмоқда. Шунингдек, мазкур тизим вертикал ва горизонтал йўналишларда ёшлар билан ишлашнинг ижро механизминини белгилаб бермоқда [19].

Юқоридаги таҳлиллар ва мавжуд амалиёт муаммолари асосида ёшлар бандлигини таъминлашга таъсир ўтказадиган қуйидаги салбий омилларни қайд этишимиз мумкин:

– касбий рақобатдошликнинг пастлиги, кўпчилик ёшларда меҳнат бозорида ўз-ўзини намоён этиш, меҳнат фарлиятини ривожлантириш, иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш бўйича зарур билим ва малакаларининг йуқлиги;

– ёшларнинг кўп қисми норасмий иқтисодиётда бандлиги, хусусан норасмий секторда ишлайдиган ёшларнинг юқори қисми қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлиб, кўпинча фақат оғзаки келишув асосида барқарор бўлмаган норасмий меҳнат билан шуғулланиши;

– ёш мутахассисларнинг касбий малакалари – иқтисодиётнинг эҳтиёжлари ва мавжуд бўш иш ўринлари бор соҳалар ва тузилмаларга номувофиқлиги;

– меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлаш механизмларининг такомиллаштирилмаганлиги;

– иш берувчиларнинг катта қисмини иш стажи ва юқори малакасиз ходимни қабул қилишни истамаслиги ҳамда бундан манфаатдор эмаслиги;

– битирувчилар муайян қисмида касбий мотивациянинг камлиги [27, Б. 163] ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, ХМТнинг таҳлилларига кўра, COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган меҳнат бозоридаги инқироз ҳаддан ташқари узоқ бўлиб, бандлик кўрсаткичлари деярли 2023 йилга қадар, кўрилган зарарларни қоплаш учун етарли бўлмаслиги мумкин [28]. Шу туфайли, ушбу мавзунини тадқиқ этиш асосида Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга ошириш, хусусан: ишсизликни камайтириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан **қуйидаги таклиф-тавсияларни ишлаб чиқдик:**

Биринчидан, ёшларни зарур ва ишончли ахборот билан таъминлаш тизимини яратиш, ҳар бир иш берувчи веб-сайтида бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни очик бериб борилишига ҳамда ёшларга тегишли имтиёзлар ва преференциялар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида маълумот берувчи ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни оширувчи қисқа метражли видео-ролик, брошюра, инфографикалар ва бошқа турдаги контентлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

Иккинчидан, мутасадди раҳбарлар билан учрашувлар, ёшлар мурожати портали орқали келиб тушган мурожаатларни ҳал этилганлиги юзасидан ОАВларда махсус кўрсатувлар тайёрлаш ва бу орқали ижро интизомини мустаҳкамлаш;

Учинчидан, ёшларни инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг илмий ғояларини амалиётга жорий этишга кўмаклашиш, ёшларни ИТ кўникмалари, дастурлаш ва бошқа инновацион иш турларига малакасини оширишга ёрдам бериш, онлайн платформалар орқали масофавий бандликни ҳамда ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш; шунингдек, масофавий меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини таҳлил қилиш [29, Б.121]

Тўртинчидан, мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва уларнинг касбий келажагини танлаш бутун таълим жараёнининг ажралмас қисмига айлантириш ҳамда касбга йўналтириш тизими ўқувчиларнинг меҳнат бозорининг шахсий хусусиятлари ва талабларига оптимал мос келадиган касбий фаолият соҳасини танлаш қобилиятини шакллантиришига эришиш;

Бешинчидан, кичик тадбиркорликни молиялаштиришни кенгайтириш, берилаётган кредитлар имтиёзли даврини узайтириш, иқтисодий фаолликни рағбатлантириш [30, Б.126]; оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолиятига инвестиция жалб этишга кўмаклашиш, мазкур турдаги тадбиркорлик субъектлар томонидан янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳамда ёшлар учун янги иш ўринлари яратаётган ташкилотлар учун махсус солиқ режимларини назарда тутиш; ёшлар бандлиги таъминлайдиган меҳнат бозорини ривожлантириш учун ёш кадрлар тайёрлашга қизиққан субъектлар ўртасидаги алоқаларни “ижтимоий шериклик” асосида йўлга қўйиш;

Олтинчидан, ёшларни ишга жойлаштириш ва қабул қилиш, уларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича хизматларини тақдим қилишда корхоналарнинг манфаатдорлигини оширадиган солиқ имтиёзларини жорий этиш ҳамда ёшларни ишга қабул қилиш учун квоталар ўрнатиш тизимини ва аҳолининг кам даромадли ҳамда бошқа муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “ижтимоий суғурта” тизимларини ишлаб чиқиш;

Еттинчидан, ишчи кучи зарур бўлган саноат зоналари, чекка ҳудудларга ички меҳнат миграциясини амалга ошириш учун ёш оилаларга субсидия ва кредитлар тақдим этиш ҳамда аҳолининг алоҳида гуруҳлари – имконияти чекланган шахслар, ногиронлар, ишлаш қобилияти

чекланган инсонлар учун иш ўринлари ва барча зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун иш берувчиларга компенсациялар тўлаш тизимини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Юқоридаги таклиф-тавсиялар тадқиқ этилган муаммонинг буткул ечими эмас. Лекин ушбу чоратадбирларни амалга ошириш орқали ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Зеро, ёшлар билан ишлашнинг асосий мақсади ҳам айнан уларнинг ақлий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришдан, фуқаролик мажбуриятини ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий ислохотларга дахлдорлик масъулиятини оширишдан иборатдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. International Labour Organization: Youth employment // URL: <https://www.ilo.org/global/topics/youth-employment/lang--en/index.htm>
2. Полишук Е.А. Институциональные практики регулирования рынка труда молодежи в зарубежных странах // Российское предпринимательство. – 2017. Том 18. - №5. – doi: 10.18334/gr.18.5.37617
3. World Association of Public Employment Services // URL: <http://wapes.org/en/memberslist?&&page=19>
4. Лукьянова К.К. Зарубежный опыт регулирования занятости населения // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Экономика и менеджмент. – 2016. – Т. 10. – № 3. – doi: 10.14529/em160315 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-regulirovaniya-zanyatosti-naseleniya/viewer>
5. Хатамов О.Қ., Ортиқов Ш.М. Аҳоли бандлигини таъминлаш моделлари ва ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари. Иқтисодий ва инновацион технологиялар, илмий электрон журнали. №4, июль-август, 2019. // URL: http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Khatamov_Ortikov.pdf
6. Тесленко А.Н., Захлебаева В.В. От патернализма к самоорганизации молодежи: опыт Германии. Ярославский педогогический вестник – 2018 - №4 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ot-paternalizma-k-samoorganizatsii-molodezhi-opyt-germanii>
7. Guidance Youth Contract provision: 16- and 17-year-olds // URL: <https://www.gov.uk/government/publications/youth-contract-16-and-17-year-olds/youth-contract-provision-16-and-17-year-olds>
8. Maria Luz Vega Ruiz. Regulating work experience for young workers. Is the future ready for youth? Youth employment policies for evolving labour markets // URL: https://www.ilo.org/emppolicy/pubs/WCMS_790110/lang--en/index.htm
9. Козлова М.А. Система образования и рынок труда в Финляндии. Фундаментальные аспекты психического здоровья №2 -2019 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-obrazovaniya-i-rynok-truda-v-finlyandii>
10. Act on promotion of employment and on labour market institutions // URL: https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=en&p_isn=68870
11. Equal Opportunities Act // URL: https://www.ilo.org/dyn/natlex/natlex4.detail?p_lang=en&p_isn=22404&p_country=SWE &p_count=2902&p_classification=05.01&p_classcount=54
12. Храбров К.Г. Сравнительный анализ моделей рынка труда: институциональные аспекты // Экономика и социум. – 2014. – № 3-3. // URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=22970578>
13. Kutin A.O. (2020). US Innovations in Youth Employment and their Implementation in Russia. The Eurasian Scientific Journal, // URL: <https://esj.today/PDF/14ECVN420.pdf>
14. Workforce Innovation and Opportunity Act // URL: <https://www.dol.gov/agencies/eta/wioa>
15. 2020 Workforce Summit & UI Directors' Conference // URL: <https://www.naswa.org/conferences/2020-workforce-summit-ui-directors-conference>
16. Employment law overview Japan 2019-2020 ATSUMI & SAKAI / Proud Member of L&E

GLOBAL // URL: https://knowledge.leglobal.org/wp-content/uploads/sites/2/LEGlobal-Employment-Law-Overview_Japan_2019-2020.pdf

17. The Department of Education, Skills and Employment: Jobs Hub // URL: <https://www.dese.gov.au/jobs-hub>

18. Abdurakhmanov K., Zokirova N., Economic Trends of the Youth Labor Market in Uzbekistan. Regional Science Inquiry, Vol. XI, (1), 2019. // URL: http://www.rsijournal.eu/ARTICLES/June_2019/3.pdf

19. А.Саъдуллаев “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: янги истиқболлар” мавзусидаги Халқаро пресс клуб сессияси // URL: https://www.facebook.com/watch/live/?v=788256095416455&ref=watch_permalink

20. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. 14.09.2016 // URL: <https://www.lex.uz/docs/3026246>

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли Фармони. 30.06.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4880189>

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақид”ги 550-сонли Қарори. 11.09.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4993790>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони. 03.02.2021 // URL: <https://lex.uz/docs/5260791>

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №250-сонли Қарори. 28.04.2021 // URL: <https://lex.uz/pdfs/5398681>

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи // URL: https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208-сон Фармони. 20.04.2021 // URL: <https://lex.uz/docs/5382151>

27. Laikam K.E. YOUTH IN THE LABOR MARKET: PROBLEMS AND TRENDS. Federalism. 2018; (3) // URL: https://federalizm.rea.ru/jour/article/view/71?locale=ru_RU

28. ILO Flagship Report. World Employment and Social Outlook // URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_795453.pdf

29. Рахимов М.А. COVID-19 Пандемияси шароитида ходимлар меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2020), Б. 117–122. // URL: <https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/93>

30. Farangiz Zaynobiddinova - Peculiarities of the Economic and Investment Activities during the Pandemic (COVID-19). “IMPACT OF THE PANDEMIC ON CENTRAL ASIA: INITIAL LESSONS, CORONACRISIS AND PROSPECTS FOR TRANSFORMATION”. Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, UWED & GCRF COMPASS joint conference (16-17 September 2020) Conference proceedings 10 March 2021 // URL: https://www.researchgate.net/publication/352166838_Peculiarities_of_the_Economic_and_Investment_Activities_During_the_Pandemic_COVID-19

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЮСУПОВ Жамшид Бахтиярович

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари
E-mail: mr.jamshid2005@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ЎТИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ЮСУПОВ Ж. Б. Ўзбекистонда электрон давлат хизматларига ўтиш тенденциялари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2021) Б. 131-136

 3 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-3-19>

АННОТАЦИЯ

Мақолада электрон ҳукумат тушунчалари ва унинг давлат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги аҳамияти, Ўзбекистонда электрон ҳукуматнинг ривожланиш босқичлари ёритилган. Шунингдек, рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали электрон тижорат ва электрон давлат хизматларининг ривож баён этилган. Электрон ҳукуматни барча соҳаларда кенг ривожлантириш орқали аҳолига электрон давлат хизматларини кўрсатиш вазифалари назарий жиҳатдан илмий таҳлил қилинган. Электрон давлат хизматларини кўрсатиш имконини берувчи расмий веб-сайтларнинг яратилиши ва қулайликлари назарий жиҳатдан тушунтирилган.

Калит сўзлар: электрон ҳукумат, электрон товар, инновация, давлат хизмати, технологиялар, хизмат кўрсатиш, рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, иқтисодий ўсиш.

ЮСУПОВ Жамшид Бахтиярович

Заместитель начальника управления
Агентства государственных услуг г.Ташкента
E-mail: mr.jamshid2005@mail.ru

ТЕНДЕНЦИИ ПЕРЕХОДА К ЭЛЕКТРОННЫМ ГОСУДАРСТВЕННЫМ УСЛУГАМ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье описаны концепция электронного правительства и его роль в экономическом и социальном развитии страны, этапы развития электронного правительства в Узбекистане. Также было описано развитие электронной коммерции и услуг электронного правительства посредством перехода к цифровой экономике. Теоретически и научно проанализирована задача предоставления населению услуг электронного правительства посредством всестороннего развития электронного правительства во всех сферах. Теоретически объясняется создание и доступность официальных веб-сайтов, позволяющих предоставлять услуги электронного правительства.

Ключевые слова: электронное правительство, электронная коммерция, инновации, государственные услуги, технологии, услуги, цифровая экономика, малый бизнес, экономический рост.

YUSUPOV Jamshid

Head of the Department of Public Service Agency of the Tashkent city

E-mail: mr.jamshid2005@mail.ru

TRENDS IN THE TRANSITION TO ELECTRONIC PUBLIC SERVICES IN UZBEKISTAN**ANNOTATION**

The article describes the concept of e-government and its role in the economic and social development of the country, the stages of development of e-government in Uzbekistan. In addition, the article describes the development of e-commerce and e-government services through the transition to the digital economy. The task of providing full e-government services to the population through the widespread development of e-government in all areas has been theoretically and scientifically analyzed. The creation and convenience of official websites that allow the provision of e-government services are theoretically explained.

Keywords: e-government, e-commerce, innovation, public service, technology, service, digital economy, small business, economic growth.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб давлатларида “ягона ойна” тамойили асосида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тизими жорий этилиб, жадал ривожланиб бормоқда. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда давлат хизматларининг аксарияти онлайн тарзда кўрсатилувчи электрон ҳукумат тизимининг фаол ажралмас қисмига айланаётганлигини кузатиш мумкин.

Бу борада давлат хизматларини ривожлантириш ва унинг асосини яратиш, аввало республикада электрон ҳукуматнинг пойдевори сифатида 2003 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши билан боғлиқ дейиш ўринлидир. Зеро, мазкур Қонунда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. [1]

Кейинги босқичларда ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонун ҳужжатлари сифатида давлат бошқаруви тизимини кенг тарзда ахборотлаштириш бўйича “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” ва “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунлари муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаш жоиз. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун марказий ва жойлардаги ҳукумат бошқарув органларида ахборот тизимлари орқали ташкилотлар ўртасида ўзаро электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солса [2], “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун электрон ҳукумат соҳасини давлат томонидан тартибга солишни белгилаб берди ҳамда давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштирди. Бунинг исботи сифатида ушбу Қонунда электрон давлат хизматларининг ягона реестрини юритиш шартлари ва электрон давлат хизматларининг сифатини баҳолаш тартиби кўрсатилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, ушбу Қонунда электрон ҳукумат - давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими сифатида белгиланди [3].

Мазкур муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида бугунги кунга келиб, мамлакатимизда электрон ҳукуматнинг етарлича мувофиқлаштирилган архитектураси юзага келди десак муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида электрон ҳужжат айланмаси ва электрон мурожаатларни ўзида намоён қилувчи Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг алоҳида ўз порталларидан иборатдир.

Электрон ҳукумат сиёсатининг амалдаги ёрқин намунаси сифатида ишлаб чиқилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали 2013 йилда яратилган бўлса, қисқа давр ичида кўплаб электрон хизматларни ўзида қамраб олди ва бугунги кунга келиб ушбу портал орқали 300 дан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланиш имкони яратилди. Шунингдек, ариза берувчиларга давлат органлари томонидан электрон давлат хизматларини кўрсатишни таъминловчи ахборот тизимларининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш Ягона порталнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланди [4].

Бу билан фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига, ташкилот ва муассасалар вакилларига вақт ҳамда маблағини тежаган ҳолда, давлат ҳокимиятининг барча элементлари бўйича тўлиқ ахборот олиш, у ёки бу давлат органига электрон шаклда мурожаат қилиш имкони берилди.

Бу тизимнинг яна бир муҳим қулай томони шундаки, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига бугунги кунга келиб 600 дан зиёд давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзаро интеграция қилинди. Электрон ҳукуматнинг ушбу амалдаги ахборот тизими эндиликда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари қабулига масофадан туриб онлайн ёзилиш, давлат органларидаги мавжуд бўш иш ўринлари учун маълумотномаларни олиш ва юбориш, фуқаролик ҳамда шахсга доир маълумотларни олиш юзасидан мустақил онлайн ариза тақдим этиш каби аҳолига қатор қулайликлар яратди.

Ушбу йўналишда кенг жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалда фойдаланиш кўлами ортиб бориб, 2017 йилга келиб 65 дан зиёд хизматни тақдим этувчи Ягона порталнинг янги mu2.gov.uz сайтидаги талқини ишга туширилди. Ушбу сайт орқали эса эндиликда фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни марказий маълумотлар базасидан фойдаланиш орқали автоматик тарзда олиш, электрон ҳукумат фойдаланувчиларини аниқлашда Ягона идентификация тизимидан фойдаланиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун шахсий кабинетларни яратиш имкониятлари ишлаб чиқилди. Бу билан ҳар бир жисмоний шахс ўз идентификация маълумотлари асосида рўйхатдан ўтиш ва давлат хизматларини электрон тарзда олиш ҳамда маълумотларни шахсий кабинетда сақлаб бориш имкони яратилди.

Ягона порталдан фойдаланувчилар кўламининг ошиб бориши ҳисобига бу билан боғлиқ соддалаштириш ва идентификациялашнинг ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида синалган янада мукамал кўринишларига ўтиш тақозо этила бошланди. Ўз навбатида фуқаролар томонидан фойдаланилаётган электрон ҳукуматнинг бошқа бир қатор лойиҳалари ҳам катта муваффақиятларга эришди. Хусусан, id.gov.uz ягона идентификация тизими электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда барча электрон ҳукумат тизимида ҳар бир шахс учун алоҳида қайднома яратувчи электрон идентификациялашнинг қулай воситасига айланди ва бу орқали эндиликда интернет ва компютерда ишлашнинг бирламчи кўникмасига эга ҳар қандай фуқаро учун эркин рўйхатдан ўтиш имконияти пайдо бўлди.

Яна бир муҳим маълумотлар архиви сифатида data.gov.uz очик маълумотлар порталининг ишлаб чиқилганлиги бўлиб, ушбу портал мамлакатимиздаги 128 давлат органи ва ташкилотларининг 3517 та электрон маълумотлар тўпламини ўзида жамлаган йирик ҳажмли ахборот ресурсига айланди ҳамда ушбу электрон ахборот манбаидан фойдаланиш динамикаси кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Халқаро Очик маълумотлар Хартиясига 23-мамлакат сифатида қўшилди ва Жанубий Корея ва Филиппиндан кейин Осиёда учинчи мамлакат бўлди. [5] Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиклиги индексида 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. [6]

Юқоридагилардан ташқари республикамызда электрон ҳукумат ривожининг яна бир кўриниши сифатида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш имконини берувчи “Лицензия” ахборот тизимини қайд этиш лозим. Мазкур тизим орқали бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тадбиркорлик соҳасида 44 фаолият тури бўйича лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун ариза топшириш имкони мавжуд.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш жоизки, ҳар бир мамлакатда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ўзида қамраб олувчи у ёки бу давлат органи ёхуд ҳукумат ташкилоти мавжуд бўлиб, бу борада Ўзбекистонда ҳам давлат хизматлари сифатини ошириш ва ушбу хизматлар кўрсатиш тизимида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг тузилмасида фаолият олиб бораётган республиканинг барча шаҳар ва туманларидаги Давлат хизматлари марказлари ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этди десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, 21-асрга келиб ҳар бир давлатда аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш глобализациянинг бирламчи омили бўлиб қолди. Шу қатори мазкур тармоқни юксалтириш Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг ҳам ажралмас устувор вазифалари қаторига киритилди. Бу борада ахборотлаштиришнинг истиқболдаги ривожини сифатида 2013 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилинганлиги ҳам соҳани янада жадал ривожлантиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди. [7] Мазкур қарор билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланиб, унда иккита йўналиш, яъни биринчидан - Республикада телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва инфратузилмани ривожлантириш бўлса, иккинчидан – “электрон ҳукумат” тизимининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплексини яратиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Соҳага доир ислохотларда яна бир муҳим омил сифатида 2020 йил 9 январда мамлакатимиз Президенти томонидан ўтказилган давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилишда республикада йил якунигача аҳоли орасида электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сонини 5 бараварга ошириш ҳамда бу борадаги рақамларни йилдан-йилга оширган ҳолда 2025 йилгача Ўзбекистонда барча соҳада фуқаролар учун тўлиқ электрон хизмат кўрсатишга ўтиш вазифаси илгари сурилганлиги бўлди. [8] Шунингдек, бу борадаги яна бир муҳим жиҳат сифатида Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармони муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармон билан келгуси 5 йил давомида рақамли иқтисодиётга тезкор ўтиш Ўзбекистон учун энг устувор вазифа сифатида белгиланди. [9]

Зеро, бугунги кунда кўпгина тадқиқотчилар томонидан илгари сурилаётган рақамлаштириш ва бошқа технологик ўзгаришлар туфайли инсоният глобал ўзгаришларнинг янги даврига қадам қўйди деган фикрга қўшилиш айни ҳақиқат десак муболаға бўлмайди.

Кўпгина тадқиқотчилар ҳақли равишда жамият ва иқтисодиёт ривожланишининг ўрта муддатли тенденцияларини уларнинг рақамлашуви билан боғлайдилар. Бугунги кунда янги рақамли технологиялар, инновацион бизнес моделлар иқтисодиётнинг моҳиятига таъсир қилиб, ундаги сифатли таркибий ўзгаришларни шакллантирган ҳолда жамият иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларига кириб бормоқда.

21-асрга келиб электрон иқтисодиёт аллақачон иқтисодий жараёнлардан ташқарига чиқиб улгурди дейиш мумкин. Эндиликда рақамлаштириш жамият ижтимоий жараёнларига тадбиқ этилмоқда, инсонларнинг муваффақиятли ҳаёти ҳам рақамлаштириш жараёнига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, барча давлат ташкилотлари ва унинг тузилмалари фаолияти ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали баҳоланиб қолмоқда.

Электрон ҳукуматнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлувчи рақамли иқтисодиёт дунёда нотекис тақсимланган бўлиб, биргина шимолий кутб ва жанубий кутб ўртасида ҳам бу соҳанинг ривожланишида нотекис тақсимот мавжуд. Мисол учун, АҚШнинг ўзи шимолий кутбда рақамли иқтисодиёт тармоғи ривожланиши бўйича устунликка эга бўлиб, кутбнинг чорак қисми ушбу давлатга тўғри келади. [10] Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт географияси икки давлат – Хитой ва АҚШ иқтисодиётида кенг қамров касб этмоқда. Айни пайтга келиб блокчейн технологияларини яратиш бўйича муаллифликнинг 75 фоизи ҳамда жаҳоннинг энг йирик 70 та рақамли платформасининг 90 фоиз бозор капитализацияси қиймати ҳам айнан АҚШ ва Хитой ҳисобига тўғри келмоқда. [11]

Рақамли иқтисодиётнинг глобал миқёсда ривожланиши мамлакатимизни ҳам ушбу тенденцияга юқори даражада эътибор беришга йўналтирди. Тан олиш жоизки, айни пайтда Ўзбекистон рақамли иқтисодиёт тизимида дунёда етакчи мавқеъга эришишга улгурмади, бироқ етакчиларга эргашган мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш бўйича рақамлаштиришни жадал ривожлантириш ва бу соҳада ислохотларни юксалтиришни кун тартибига қўйган мамлакатлардан бири сифатида қаралмоқда дейиш мумкин ва бу билан ушбу йўналишда ўз мавқеъини йилдан-йилга яхшилаб бормоқда.

Бу борада рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали электрон тижоратни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларнинг ажралмас бўлагига айланаётганлигини кўриш мумкин. Хусусан, республикада бозор иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил саналувчи ҳамда давр ва аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда электрон тижоратни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётини ахборотлаштириш жараёнига мослаштириш бўйича қабул қилинаётган қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари мазкур соҳада яратилган технологик асосларга пойдевор бўлди десак хато бўлмайди. Жумладан, юқорида таъкидланган “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ҳамда давлат ва бошқарув органларининг расмий веб-сайтларида эркин фойдаланиш имконини берувчи

“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши электронлаштириш ва ахборотлаштириш соҳасидаги ислохотларни амалга оширишнинг муҳим асослари сифатида хизмат қилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлаш жоизки, электрон ҳукуматни ривожлантиришда электрон тижоратни кенгайтириш рақамлаштиришдаги муҳим омиллардан бири саналиши ҳеч кимга сир эмас. Бугунга келиб, электрон тўлов тизимлари орқали чексиз пул маблағлари айланмоқда. Биргина 1961 йилда асос солинган Япониянинг JCB Интернейшнл тўлов тизими [12] фойдаланувчилари сони бугунги кунда жаҳон электрон тижорат бозорида ўз ўрнига эга йирик тизим сифатида эътироф этилмоқда ва жаҳонда ўнлаб бу каби йирик тизимлар фаолият олиб бормоқда. Электрон тўлов тизими бўйича интернет орқали хизмат кўрсатадиган компанияларга тўхталадиган бўлсак, улардан энг йириги сифатида Раурал тизимини таъкидлаш жоиз. Макс Левчин ва Питер Циэл томонидан 1998 йилда ташкил этилган ушбу тизим бугунги кунга келиб жаҳоннинг 190 мамлакатида фаолият олиб боровчи ҳамда 24 та миллий валютада иш юритучи улкан электрон тўлов тизимига айланди [13].

Бу ўринда мамлакатимизда ҳам қатор ҳуқуқий пойдеворлар яратилган бўлиб, аввало “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши бўлди. Бу борада ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти сифатида электрон тижорат мазкур Қонун билан мустаҳкамланди. [14]

Электрон ҳукуматни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли учун кўрсатилувчи давлат хизматларида акс этирилишини инобатга олиб, бу борада миллий электрон ҳукуматни янада ривожлантиришнинг муҳим натижаси сифатида, Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилгача БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси ва Бутунжаҳон банкининг Тадбиркорликни юритиш индексида 30 та энг ривожланган мамлакатлар сафига киришни бош вазифа сифатида қўйганлигини эътироф этиш мумкин. Ушбу мақсадга эришиш учун келгусида жамият ижтимоий иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жараёнларида ақлли технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон ҳукуматни ривожлантириш ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича электрон ҳукумат хизматларини тўлиқ интеграциялаш назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги мақсадларга эришиш учун мамлакат олдида иқтисодиётни ва бу орқали давлат хизматларини эркин олишда рақамлаштириш юзасидан қатор муаммолар юзага келаётганлигини кузатиш мумкин. Буни аввало алоқа ва ахборотлаштириш, шунингдек компьютерда соҳалар бўйича дастурлаш хизматларининг жами хизматлар таркибидаги улушида камлигини кўриш мумкин.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда электрон ҳукуматни ривожлантириш борасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф этиш мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

жумладан;

тан олиш керакки, мамлакатимизда “электрон ҳукумат” тизимини ташкил этиш ҳолати ҳали дастлабки босқичда бўлиб, бу соҳани ривожлантириш бўйича ахборот базаларидаги маълумотларни рақамлаштиришни жадаллаштириш;

давлат идораларининг таркибида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга масъул таркибий бўлинмалар ҳозиргача ташкил этилмаган бўлиб, давлат идораларида мазкур йўналишни соҳалар бўйича тезкор ташкил этиш ҳамда самарали ишлашини йўлга қўйиш;

бугунги кунда давлат ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мутахассислар етарли даражада эмас бўлиб, мазкур соҳада мутахассисларни тайёрлашга ва уларнинг билим савиясини оширишга жиддий эътибор қаратиш;

мамлакатимизда давлат идоралари маълумотларининг очиқлик даражасини ошириш, бунинг учун эса ўз навбатида давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар порталини янада ривожлантириш талаб этилади.

аҳоли учун кундалиқ ҳаётда фойдали бўлган халқнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда давлат хизматларини тақдим этиш тартибини такомиллаштириб бориш, хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон хизматлар кўрсатиш бўйича интерактив фаолиятни таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган масалаларни амалда йўлга қўйиш бўйича тармоқлар кесимида жадал ривожлантириш мамлакатимизда электрон ҳукуматни юксалтириш ва бу орқали аҳолига сифатли давлат хизматларини кўрсатиш имконини яратиб беради. Зеро, электрон ҳукуматни жорий этишнинг

якуний мақсади – интерактив хизматларни тақдим этиш имкониятларини янада яхшилашга қодир бўлган давлат бошқарувининг мукамал электрон аппаратини яратишдан иборат.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://www.lex.uz/acts/83472>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни // URL: <https://www.lex.uz/acts/165079>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2833860>
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги Низом // URL: <https://www.lex.uz/docs/3353186>
5. Ўзбекистон Халқаро очиқ маълумотлар Хартиясига қўшилган дунёда 23 мамлакат, URL: <https://data.gov.uz/uz/news/view/142>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарори. // URL: <https://www.lex.uz/docs/2246001>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // URL: <https://lex.uz/docs/4277342>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/5030957>
9. “Defining, Conceptualising and Measuring the Digital Economy”, Rumana Bukht and Richard Heeks, UK’s Economic and Social Research Council, p-18.
10. DIGITAL ECONOMY REPORT2019 EMBARGO The contents of this Report must not be quoted or summarized in the print, broadcast or electronic media before 4 September 2019, 17:00 hours GMT DIGITAL ECONOMY REPORT 2019 UNCTAD UNITED NATIONS UNITED NATIONS CONFERENCE ON TRADE AND DEVELOPMENT VALUE CREATION AND CAPTURE: IMPLICATIONS FOR DEVELOPING COUNTRIES “Digital economy report”, UNCTAD, p-23
11. “History of JCB International Expansion”, <http://www.jcbeurope.eu/about/history.html>
12. “PayPal Inc. History”, <http://www.fundinguniverse.com/company-histories/paypal-inc-history/>
13. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонуни // URL: <https://www.lex.uz/acts/165478>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
3 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 3, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD
VOLUME 3, ISSUE 1

TOSHKENT-2021